

Дейл КАРНЕГИ


**ҚАНДАЙ ҚИЛИБ  
ЎЗИГА ИШОНИШ ВА  
НУТҚ СЎЗЛАШ ОРҚАЛИ  
ОДАМЛАР ҚАЛБИГА КИРИБ  
БОРИШ МУМКИН**

*(Ҳаммага керакли китоб)*



**MAJBURIY  
NUSXA**

Тошкент – 2013



УЎК: 821.512.133-3

КБК: 88.52

К 25

*Шарк ношқароши*  
**Карнеги, Дейл.**

**Қандай қилиб ўзига ишониш ва путк сўзлаш орқали одамлар қалбига кириб бориш мумкин.** Таржимон ва нашрга тайёрловчи: Дилшода Аввалбоева. – Тошкент: Yurist-media markazi, 2013 йил, 264 бет.

ISBN 978-9943-387-64-5

УЎК: 821.512.133-3

КБК: 88.52

Дейл Карнегининг иккинчи китобида муваффақият қозониш учун инсон аввало ўзига бўлган ишончни юксалтириши лозимлиги хақида сўз боради. У ҳар бир одам ўз қобиғидан чиқсагина яхши гапира олиши мумкин, деб ҳисоблайди.


Китоб муаллифи ўқувчи билан дилдан суҳбатлашган ҳолда нотиклик санъати борасидаги ўз тажрибалари ва кузатишларини ўртоқлашади. Шунингдек, Дейл Карнеги учун ўзига хос бўлган услуб – машҳурларнинг ҳаёти, уларнинг изланишлари ва ғолиблик сирини синчиклаб ўрганади ҳамда ўз хулосаларини китобхонга тақдим этади.

Машҳур руҳишуноснинг навбатдаги маслаҳатлари нафақат нотиклар учун, балки ўзини ҳурмат қилган ҳар бир инсон учун фойдали ва зарур, деб ўйлаймиз.

Тақризчи ва масъул муҳаррир:

**Олимжон Ўсаров**, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси  
Конунчилик палатаси Ахборот хизмати раҳбари,  
филология фанлари номзоди

ISBN 978-9943-387-64-5



«Yurist-media markazi» нашриети, 2013 йил

N1 31738/2  
2 g1

## Биринчи фасл

### ЎЗИНГИЗДА ЖАСУРЛИК ВА ИШОНЧ ҲИСЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРА ОЛАСИЗМИ

1912 йилдан бошлаб беш юз мингдан ортиқ аёл ва эркак мен кашф этган усул бўйича ташкил этилган нотиклик санъати курсларининг тингловчилари бўлишди. Улардан кўпи бу фанни ўрганиш натижасида қандай ютуқларга эришмоқчи эканликларини ёзма баён қилишган. Табиийки, уларнинг ҳар бири ўзича, ўзларининг хохишларидан келиб чиқиб ўз фикрларини билдиришган, аммо бу мактублар муаллифларининг асосий талаби қутилмаган тарзда бир-бирига мос келарди. «Ҳамманинг олдида ўрнимдан туриб гапиришимга тўғри келганда, – ёзади улардан бири, – мен ўзимни худди босим остида тургандек ҳис қилиб, ҳаяжонланганимдан аниқ фикрлай олмайман, бир тўхтама келолмай нима демокчилигимни унутиб қўяман. Мен ўзимга ишонишни, аниқ фикрлашни ва тингловчилар олдида эркин нутқ сўзлашни хоҳлайман. Мен ишбилармон доира ёки клублардаги гуруҳ ёки тингловчилар олдида чиқиш қилганда аниқ ва лўнда гапириб, мантиқан расо фикр юритишни ўрганишни хоҳлайман». Бошқа минглаб мактубларда ҳам шунга ўхшаш фикрлар келтирилади.

Аниқ бир мисол. Бир неча йил аввал, мен уни жаноб Д.У.Жент деб атамоқчиман, бир жентльмен Филадельфиядаги нотиклик санъати дарсларимнинг тингловчиси бўлди. Машғулотлар бошланганидан кейин бир оз вақт ўтгач, у мени саноатчилар клубига бирга нонушта қилишга таклиф этди. У ёш эмас эди, лекин фаол ҳаёт тарзига эга бир киши эди: ўз корхонасини бошқарар, диний жамоа ҳаётида етакчилик қилар, шу билан бирга жамоатчилик фаолияти билан ҳам шуғулланар эди. Уша

куни биз стол атрофида ўтирганимизда, у мен томон энгашиб шундай деди:

– Менга бир неча маротаба турли хил учрашувларда иштирок этишни таклиф этишган, аммо мен ҳеч ҳам бунинг иложини кила олмагандим; мен шу даражада хаяжонланардимки, калламда йиғиб келган бор фикрларим ҳам йўқолиб кетарди, шунинг учун оммавий учрашувлардан ҳамиша ўзимни четга олардим. Аммо ҳозир, коллежда васийлик кенгашининг раиси бўлганимдан кейин мен нафақат иштирок этишим, балки йиғилишларни бошқаришим ва ниманидир гапиришим керак... Нима деб ўйлайсиз, мен шу ёшимда нутк сўзлай олармиканман?

– Бу нима деганингиз, жаноб Жент? – жавоб бердим мен. – Бунга умуман шубҳам йўқ. Сиз бу ишни амалга ошира олишингизга, шунингдек, менинг маслаҳатларим ва тавсияларимга амал қилсангиз, бу ишни ўрганиб олишингиз мумкинлигига ҳам ишонаман.

У менга ишонгиси келар, аммо келажак камалакдек сержило ва орзу-умидга тўла бўлиб кўринар эди.

– Бу гапларни ҳурмат юзасидан гапирдингиз деб ўйлайман, – жавоб берди у. – Сиз шунчаки менинг руҳимни кўтармоқчисиз.

Ўқув машғулотлари тамом бўлганидан сўнг, биз бир канча вақт бир-биримиз билан алоқани узиб қўйдик, аммо кейинчалик яна топишиб ўша саноатчилар клубида бирга нонушта қилдик. Биз худди ўтган учрашувимиз сингари ўша жойда жойлашган стол атрофида ўтирар эдик. Мен ўтган галги суҳбатимизни эслатиб, фикр сўрадим. У чўнтагидан кизил ўрамдаги ён дафтарчани чиқариб ундаги белгиланган оммавий учрашувлар рўйхати ва унинг саналарини кўрсатди.

– Одамлар олдида нутк сўзлай олиш қобилияти ва бундан оладиган хуш кайфият, жамият учун келтираётган

кўшимча фойдам – буларнинг барчаси хаётимдаги энг кувончли воқеалардир.

Бундан бир оз олдин Вашингтонда курулсизланиш масалалари бўйича муҳим бир учрашув бўлиб ўтган эди. Унда Англия бош вазирининг иштирок этиши маълум бўлгач, филаделфиялик баптистлар (насроний мазхабларидан бирининг аъзолари) она шаҳарларида ўтказилиши кўзда тутилган оммавий йиғилишда нутк сўзлаб беришини сўраб унга телеграмма йўллашади. Ва жаноб Жентнинг таъкидлашича, бош вазирга сўз бериш учун баптистлар фақат уни маъқул кўришганини айтишибди.

Бу гапларни айнан ўша – уч йил олдин худди мана шу стол атрофида ўтириб, тингловчилар олдида қачондир нутк сўзлашни ўрганармиканман, деб умидсизлик билан мендан фикримни сўраган киши айтаётган эди!

Унинг омма олдида бундай эркин чиқишни тез ўрганиб олиши ноодатий ходисамиди? Йўқ. Шунга ўхшаш мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин. Улардан яна бирини келтираман. Бир неча йиллар аввал бир бруклинлик шифокор, – уни доктор Кэртис деб атаймиз – кишни Флоридадаги «Гигантлар» номли бейсбол жамоаси тайёргарлик кўрадиган худудга якин жойда ўтказган эди. У бейсбол ўйинининг ашаддий мухлиси бўлгани, уларнинг тайёргарликларини кўриш учун кўп борарди. Кейинчалик у гуруҳнинг барча аъзолари билан дўстлашиб, уларга атаб берилган зиёфатга таклиф этилди.

Кофе ва ёнғоклар келтирилгандан сўнг бир неча ҳурматли меҳмонларни «ўзларининг яхши ниятларини» айтишлари учун таклиф қила бошлашди. Бирданига, осмондан тушгандек гал унга келиб қолди:

– Бугун зиёфатимизда шифокор жаноб Кэртис иштирок этмокдалар, биз улардан бейсболчилар соғлиғини

химоя килиш тўғрисида бир оз гапириб беришларини илтимос қиламиз.

У бундай чиқишга тайёرمиди? Албатта, тайёр эди. У жуда яхши билимга эга эди – гигиена сабокларини ўрганган ва даволовчи шифокор бўлиб қарийб чорак асрдан бери фаолият юритарди. У курсисида ўтирган ҳолда бу ҳақда рўпарасида ўтирган инсон билан туни билан гапириб чиқиши мумкин эди. Аммо ўрнидан туриб омма олдида, бу гапларни айтиш – умуман бошқа нарса эди. Бу ҳол уни гангитиб қўйганди, юраги тез уриб кетди ва ўзини йўқотиб қўйди.

Нима килиш керак? Меҳмонлар қарсақ қалишар, ҳамма унга қарарди. У бош ирғар, аммо бу олқиш ва талабларни баттар қучайтириб юборди. «Доктор Кэртис! Айтинг! Гапирилинг!» деган хитоблар янада баланд овозда янграрди.

Кэртис умидсизликка тушиб қолди. У ҳатто ўнта сўз гапира олмаслигини билар эди. Шунинг учун у ўрнидан туриб, дўстларига орқа қилган ҳолда, хонани тушқун қайфият ва хижолат билан тарк этди.

Шунинг учун Бруклинга қелиши билан у менинг нотиклик санъати машғулотларимга ёзилганига ҳайрон бўлмадим. У яна бир бор шундай аҳволга тушмасликни, тилини йўқотиб қўймасликни хоҳларди.

У шундай тингловчи бўлдики, одатда бундай ўқувчилардан ўқитувчилар мамнун бўлишади: вазифаларга жиддий ёндашарди. Унинг нутқ сўзлашга бўлган хоҳиши жуда қучли эди ва бунга қатъий қарор қилганди. У нутқ сўзлашга яхшилаб тайёргарлик қўрар ва бирорга ҳам машғулотни ўтказиб юбормасди.

Ҳар бир қатнашчи эришиши мумкин бўлган натижага эга бўлди: у хайрон қоларли даражада муваффақиятларга эришарди, бу ҳолат унинг энг олий ниятларини рўёбга чиқарарди. Бир неча машғулотлардан сўнг ундаги ҳаяжон

босилиб, ўзига бўлган ишончи ортиб борди. Икки ой ичида шифокор гуруҳдаги энг яхши нотик бўлишга эришди. Кейинчалик бошқа жойлардан нутк сўзлаш учун таклиф эта бошлашди – буни яхши кўрар, ўзини кўтариб турган бу руҳиятдан ва шу усул билан орттирган янги дўстлари ҳамда обрў-эътибордан фахрланарди.

Республикачилар партиясининг Нью-йорк сайловолди кўмитаси аъзоларидан бири доктор Кэртиснинг нутқини тинглаб, уни ўзининг партиясини тарғибот қилиш учун омма олдида сўзга чиқишга таклиф этди. Агар бу сиёсат арбоби унинг бир йил аввал зиёфатда гапира олмай, тингловчилар олдида хаяжонланганидан уялиб кетиб қолганини билганида, хайрон бўлар эди!

Ўзида ишончни, жасоратни, аудитория олдида аниқ ва лўнда гапириш қобилиятини намоён этиш, кўпчилик одамлар ўйлаганлари каби, қийинчиликларнинг ўндан бирини ҳам ташкил этмайди. Бу ўзга бир қобилиятларга эга инсонларда бўлганидек маҳорат эмас. Бу шунчаки гольф ўйинини ўрганишдек оддий бир ходиса эди. Ҳар бир инсонда кучли хоҳиш пайдо бўлсагина, ўзида яшириниб ётган қобилиятни ривожлантира олиши мумкин.

Айтинг-чи, сиз ҳозир ўтириб бемалол фикрлаганингиз каби, тингловчилар олдида туриб эркин фикрлашингизга тўсқинлик қиладиган қандайдир асос бўлиши мумкинми? Албатта, сиз бундай асослар йўқлигини жуда ҳам яхши биласиз. Умуман олиб қараганда, оммага қараб сиз бундан ҳам яхшироқ фикрлай олишингиз мумкин. Аслида тингловчилар борлиги сизни руҳлантириб, руҳан қўллаб туриши керак. Кўплаб нотиклар сизга, тингловчиларнинг борлиги улар учун омил бўлиб, илҳом келишига, ақллариининг янада яхшироқ ишлашига олиб келишини айтиши мумкин. Бундай вазиятларда ақлга келмаган фикрлар, асослар, ғоялар, «бирданига қаердан дир учиб келади», дейди ваъзхон Генри Уорд Бичер ва фақатгина га-

пириш қолади, холос. Сиз билан ҳам худди шундай бўлиши керак. Агар сабот ва қатъият билан шуғуллансангиз, сизнинг ҳам шундай натижага эришишингизга шубҳа йўқ.

Ҳар эҳтимолга қарши, шунга амин бўлишингиз мумкинки, ҳаракат ва амалиёт сизнинг тингловчилар олдидаги кўркувингизни енгиб, ўзингизга бўлган ишонч ва катта кучни йиғиб олишингизга ёрдам беради.

Бу ишни қийин деб тасаввур қилманг. Ҳатто ўз даврининг энг машҳур нотиқларига айланган инсонлар ҳам ўз фаолиятлари бошида бу каби хижолатлилиқ ва тингловчилар олдидаги кўркувни ҳис қилишган.

Урушларда чиниккан фахрий, сиёсий арбоб Уильям Женнингс Брайан ҳам ўзининг биринчи чиқишларида жуда ҳам ҳаяжонланганини ва оёқлари калтираб кетганини тан олган эди.

Марк Твен биринчи марта кафедрада нутк сўзлаш учун кўтарилганда, унинг оғзи пахта билан тўлдирилгандай туюлиб, юраги худди қандайдир мусобақада биринчиликни олиш учун ҳаракат қилгандай урган экан.

Генерал Грант Висксбергни қўлга киритиб, ўша даврдаги дунёнинг энг буюк армиясини ғалаба сари етаклаганди, аммо омма олдида нутк сўзлаш гали келганда, унинг ўзи таъкидлаганидек, жуда жўшқин ҳаяжонли ҳолатга тушиб қоларди.

Ўз даврининг энг илғор француз сиёсатчи нотиқларидан бири Жан Жорес бир йил давомида депутатлар палатасида оғзини ҳам очмасдан иштирок этиб келганди, у ўзида куч йиғиб биринчи нутқини сўзлаш учун жасорат пайдо бўлишини шунча вақт кутганди.

«Мен биринчи бора аудитория олдида гапирмоқчи бўлганимда, – тан олган эди Ллойд Жорж, – сизни ишонтириб айтаманки, ўта ёмон ҳолатга – даҳшатга тушиб қолган эдим. Бу кўпиртириш эмас, асл ҳақиқатдир – тилим



танглаймга ёпишиб қолган ва бир оғиз ҳам сўзлай олмагандим».

АҚШдаги Фукаролар уруши даврида Англияда юнионистлар тарафида туриб кулларнинг озодлиги учун ҳаракат қилган машҳур инглиз давлат арбоби Жон Брайт, ўзининг биринчи нутқини мактаб биносида йиғилган деҳқонларга қарата сўзлаган эди. У учрашувга кетаётганида шунчалик ҳаяжонланган, барчасини барбод қилишдан шунчалик кўрккан эдики, ҳатто ўз ҳамроҳидан уни олқишлашини ва шу орқали унинг хавотири билинганда кўллаб-қувватлаб туришини сўрагани.

Кўзга кўринган ирланд сиёсат арбобларидан Чарлз Стюарт Парнелл, ўзининг биринчи учрашувларида нутқ сўзлаганда, укасининг эътирофига кўра, шу даражада ҳаяжонланган эдики, ҳатто кўлларини мушт қилиб тирноқлари кўлларини конталаш қилгунга қадар маҳкам сиққан экан.

Дизраэли қуйи палата йиғинида биринчи марта иштирок этиб, нутқ сўзлагандан кўра отлиқлар кавалериясини бошқариш осонлигини тан олган эди. Унинг биринчи нутқи барбод бўлганди. Худди шундай ҳолат Шеридан билан ҳам юз берган эди.

Кўплаб инглиз нотикларининг дастлабки чиқишлари муваффақиятсизликка учраганлиги учун, ҳозирда парламентда бирор бир ёш нотикнинг нутқи муваффақиятга эришса, яхшиликка эмас, деб билишади. Шунинг учун тушқунликка тушманг!

Кўплаб нотикларнинг фаолиятини кузатар экан, уларнинг шаклланишига маълум даражада ёрдамлашган ушбу сатрлар муаллифи курс катнашчиларида даставвал бир оз сабрсизлик ва асабий ҳаяжонни кўрганда хурсанд бўлган.

Омма олдида нутқ сўзлаш, ҳатто йигирмата аёл ва эркак иштирок этаётган ишбилармон доира мажлиси

ўтказилаётган бўлса ҳам, масъулиятли вазифа хисобланади; у бир оз дикқат-эътибор, руҳий ларза ва хаяжон билан боғлиқ холда кечиши лозим. Нотик худди тизгини тортилган зотдор отдек ғайратли бўлиши керак. Ўлмас Цицерон икки минг йил аввал айтганидек, ҳар бир оммавий чиқиш хаяжон остида ўтиши керак.

Нотиклар баъзан радио эшиттиришларида иштирок этишганида, худди шундай ҳолатга тушишади. Бу ҳолат «микрофон кўркуви» дейилади. Чарли Чаплин радио орқали гапирмоқчи бўлганда, унинг чиқишлари ҳамиша олдиндан ёзиб қўйиларди. 1912 йилда у бутун мамлакатни ўзининг «Мюзик-холлдаги окшом» номли водевиль (бир-икки актли кичик комедия) билан айланиб чикканди. Бундан аввал у Англиядаги профессионал театрда ишлаб келганди. Шунга қарамасдан у мато билан копланган деворлари бор хонага кириб микрофонни кўрганида, ошқозонида худди совук февраль ҳавосида Атлантикани кечиб ўтгандек ҳолатни хис этарди.

Машхур киноактёр ва режиссёр Жеймс Керквуд ҳам худди шу ҳолатни бошидан ўтказар эди. У театрда асосий ролларни ўйнарди, аммо радиостудияда кўринмас аудитория олдида чиқиш қилгандан сўнг хонани тарк этар экан, пешонасидаги реза-реза терларни артарди. «Бродвейда премьерара ўтказиш – бу чиқиш олдида ҳеч нарса эмас», дея тан олган эди у.

Баъзи бир кишилар эса нутқ сўзлашга тўғри келиб қолганда, сўз бошлаш олдидан хаяжонни хис қилишади, аммо чиқиш бошланганидан бир неча сония ўтиб бу хаяжоннинг аста-секинлик билан тарқалиб кетишини айтишади.

Ҳатто Линкольн ҳам ўзининг фаолияти бошида роса хаяжонланган экан. «Бошида у ковушмас эди, – дея гувоҳлик беради унинг ҳуқуқий амалиётдаги ҳамкасби Герндон, – муҳитга кўникиши ниҳоятда қийин кечарди. Бир

канча вақт у шу ноқулайликларга қарши ўзида ирода йиғар, ва бу ўша ноқулайликларни янада кучайтирарди. Мен бу ҳолатларни кўп кўрар ва жаноб Линкольнга раҳмим келарди. У гапиришни бошлаганда, овози кескин ва ёқимсиз бўлиб туюларди. Унинг юриши, туриши, қадди қомаги, озғин, сарғиш, ажин босган юзи ғазабга тўла эди гўё, унинг ноқулай юриши, ғалати гавдаси – буларнинг барчаси худди унга қарши ҳаракатланаётгандек эди. Аммо бу узокқа чўзилмасди». Бир неча дақиқадан сўнг ўзини қўлга олар, унга самимийлик, илиқлик, қатъийлик гўё қайтиб келар ва унинг ҳақиқий нутқи бошланарди.

Худди шу ҳолатлар сиз билан ҳам содир бўлиши мумкин.

Сизнинг энг яхши нотик бўлиш учун қилаётган ҳаракатларингиз тез ва унумли самара бериши қуйидаги тўрт қондани яхшилаб ўзлаштириб олишингизга боғлиқ.

**Биринчиси:** нутқингизни ўз олдингизга қўйган мақсадга эришиш йўлида кучли ва қатъий иштиёқ билан бошланг.

Бу сўзлар эса сиз англаб етгандан ҳам кўра кўпроқ маънога эгадир. Агар устозингиз сизнинг қалбингиз ва юрагингизга назар ташлаб, интилишларингизнинг асл моҳиятини тушунганда эди, сиз уларга қанчалик тез эриша олишингизни айтиб берган бўлар эди. Агар сизнинг интилишингиз нозик ва суст бўлса, сизнинг ютуқларингиз ҳам шунга ўхшаш бўлади. Аммо сиз ўз мақсадингизга қатъиятлик билан, мушукни қувлаётган кўппак мисоли интилсангиз, бу оламда сизни ҳеч ким тўхтата олмайди.

Шунинг учун ўз тарбиянгизга юқори руҳ билан ёндашинг. Ҳамиша унинг фойдасини ўйланг. Ўзингиз учун ўзингизга бўлган ишончини ва аудитория олдида бемалол гаплаша олиш қобилиятини шакллантириш қанчалик

муҳимлиги хақида ўйлаб кўринг. Буларнинг барчаси доллар ва центга айланганда нималар бўлиши мумкинлиги хақида ўйланг. Жамоатчилик орасида сиз учун қандай аҳамият касб этиши, қандай дўстлар орттиришингиз мумкинлиги, ўз хурматингизнинг ошиши тўғрисида ва юкори лавозимларни эгаллашингизда қандай ёрдам бериши мумкинлиги хақида ўйлаб кўринг. Ва бу ҳолат раҳбарлик лавозимларига сиз орзу қилган бошқа фаолият турларидан кўра тезроқ олиб боради.

«Яхши гапира олиш лаёқатидан бошқа ҳеч қандай қобилият, — деган эди Чонси М.Депью, — инсонни жуда тезлик билан обрў-эътибор ва шуҳрат пиллапоялари сари кўтаролмайди».

Филип Армор ўзининг миллионларига эришганидан сўнг: «Мен машҳур капиталист бўлгандан кўра, машҳур нотик бўлишни истаган бўлардим», дейди.

Бу ҳар бир зиёли инсон интилган ютуқдир. Эндрю Карнегининг ўлимидан сўнг унинг қоғозлари орасидан ўттиз уч ёшида тузган келгуси ҳаёти учун режалаштирган ишларининг рўйхати топилган эди. Ўша даврда у яна икки йилдан сўнг йиллик даромади эллик минг долларга етишини ҳисоблаб чиққан экан. Шунинг учун у ўттиз беш ёшида барча ишларини четга суриб, Оксфорд университетига ўқишга киради, тизимли таълим олади ва «омма олдида сўзга чиқишга ўзгача эътибор билан ёндашади».

Бу янги қобилият сизга қанчалик бахт ва хурсандчилик олиб келишини бир ўйланг. Ушбу сатрлар муаллифи ер қуррасининг кўп қисмини айланиб чиқиб, кўп тажрибага эга бўлди. аммо омма олдида нутқ сўзлаб, одамларни ўзи ўйлаган нарсани ўйлашга чақирган қаби ҳузур-ҳаловатни бошқа айтарли ҳеч нарсадан топмаган эди. Бу сизга куч-қувват ва бошқалардан кўра кучлилиқ ҳис-туйғусини бағишлайди. Бу ўз муваффақиятларингиздан фахрланиш хиссини туғдиради. Шу билан бирга, бошқалардан ўзиб

кетиб, улардан ўзингизни устун ҳис этасиз. Бу ҳолатда ўзига яраша бир сеҳр, қандайдир тушунтириб бўлмас ҳиссиёт мавжуд. «Нутқ сўзлашимдан икки дақиқа аввал, – деб таъкидлаган эди бир нотик, – гапиргандан кўра ўзимни ёқиб юборишни маъқул кўраман, аммо нутқим тугашига икки дақиқа қолганида эса гапиришни тўхтатгандан кўра, ўзимни отиб ташлашга ҳам рози бўламан».

Одамлар озгина кийинчиликка бардош беролмай тушкунликка тушиб, ишларини охирига етказмай ташлаб кетишади, шунинг учун ҳам бу санъатни ўзлаштириш сизга нималар беришини ўйлашингиз керак; сизнинг унга интилишингиз кизгин тус олиши керак. Машғулотларга астойдил киришингиз керак, шунда у сизни ғалабага олиб боради. Ҳафтада бир окшомингизни шу китобни мутолаа қилишга ажратинг. Қисқа қилиб айтганда, олдинга қараб ҳаракатланишда иложи борича энгил нафас олинг, ортга чекинганингизда машаққатни ҳис этинг.

Қачонлардир Юлий Цезарь Галлиядан Ла-Манш оркали йўлга чиққанида ўз легионлари билан ҳозир Англия деб ном олган мамлакатга тушиб қолган эди, ўшанда у ўзининг кўшинини руҳлангириш ва ғалабага эришиш учун қандай йўл тутган? Ўта ақлли эканлигини намоён этган: у ўз аскарларига Дуврнинг бўрли тик дараларида тўхташни буюради; аскарлар денгиз сатҳидан икки юз фут баландликдан пастга қараб, сузиб келган кемаларининг қизғиш аланга ичида қолганини кўришган. Улар душман ҳудудида бўлиб, ўз минтақалари билан алоқа аллақачон узилган, ортга қайтишнинг ягона воситаси эса ёниб қол бўлган эди, уларнинг битта йўли қолган эди: ҳужум қилиб ғалаба қозониш. Улар айнан шу йўлни танлашди.

Ўлмас Цезарнинг мардонаворлиги айнан шундай эди. Нима учун сиз ҳам аудитория олдидаги бемаъни жангга мана шундай мардонаворликни ҳис этмаслигингиз керак?

**Иккинчиси:** нима ҳақда гапирмокчи эканлигингизни аниқ билишингиз керак.

Агар нотик олдиндан ўз нутқини тайёрлаб режалаштирмаган бўлса, у албатта, ўзини тингловчилар олдида эркин ҳис қила олмайди. Бу ҳолат кўр одамни етаклаб кетаётган бошқа бир кўзи ожиз одамни эслатади. Албатта, бундай ҳолатда нотик ўзини ноқулай ҳис қилиб, эҳтиётсизлиги учун хижолат чекиши, уялиши керак.

«Мен қонун чиқарувчи мажлисга ўз штатимдан 1881 йили ёзда сайланган эдим, – деб ёзади ўз «Автобиография»сида Тедди Рузвельт, – ва билишимча, бу идоранинг энг ёш аъзоси мен эканман. Ёшларда ва тажрибасиз кишиларда бўлгани каби менинг ҳам нутқ сўзлашни ўрганишим жуда қийин кечди. Нуроний, тажрибали юртдошим герцог Веллингтон ва яна бошқа кимнингдир сўзларидан парча келтириб, берган маслаҳатлари менга жуда катта фойда берди. Мана ўша маслаҳат: «Агар айтадиган гапинг бўлса ва уни сен жуда яхши билсанггина сўзга чиқ. Ўша гапингни айт ва ўтир».

Бу «нуроний, тажрибали ҳамюрт» Рузвельтга ҳаяжонни енгишининг бошқа бир усулини ҳам айтиши керак эди. У шундай деб қўшимча қилиши зарур эди: «Ҳаяжондан осон қутулиш учун аудитория олдида бирор бир ишни бажаришга уринишинг, масалан, кўлингга бирор бир нарсани ушлашинг, доскага ниманидир ёзишинг ёки харитада бирор бир нарсани кўрсатишинг, столни суришинг, ойнани очишинг, бирор бир китоб ёки дафтарнинг ўрнини алмаштиришинг керак бўлади. Бирор бир мақсадга эга ҳар қандай жисмоний ҳаракат, ўзингни янада яхшироқ ҳис қилишга ёрдам беради».

Албатта, ҳамиша ҳам бундай ҳаракатлар учун баҳона топилавермайди, мана сизга яна бир маслаҳат. Бу маслаҳатдан агар эплай олсангиз фойдаланинг ва бунга

факат бир-икки маротаба, фаолиятингиз бошидагина мурожаат қилишингиз мумкин: ахир болалар ҳам юришни ўрганганларидан сўнг стулларга тирмашишмайди.

**Учинчиси:** ўзингизга бўлган ишончни намоиш қилинг.

Америкалик машхур психологлардан бири, профессор Уильям Жеймс шундай деб ёзган эди:

«Одатда ҳаракатлар ҳисларга боғлиқдек кўринади, аммо аслида ҳаракат ва ҳислар бирга мужассам бўлади: табиий онг таъсирида бўлган ҳаракатни бошқарар эканмиз, бевосита назорат остида бўлмаган ҳис-туйғуларимизни ҳам йўлга соламиз.

Алқисса, тетикликни тиклаб олиш учун энг онгли йўл – албатта сиз руҳий тетикликни йўқотган бўлсангиз – шундан иборатки, сиз тетик ҳолда эркин ўтиришингиз, ҳаракат қилишингиз, сўзлашингиз, гўёки хамиша тетик юргандек ўзингизни тутишингиз зарур. Агар шу ҳолатда ҳам ўзингизни тетик ҳис этмасангиз, унда бошқа ҳеч нарса сизга ёрдам бермайди.

Шу боис ўзингизни ботирлардек ҳис қилишни истасангиз, ҳақиқатдан ҳам хатти-ҳаракатларингиз мард инсонларникидек бўлсин, бу мақсад йўлида бор кучингизни жамланг, шунда эҳтимол сиздаги кўркув мардлик ҳиссига алмашар».

Профессор Жеймсининг масалаҳатига амал қилинг. Тингловчилар олдида ўзингизни жасоратли сезиш учун, илгаридан журъатли инсон бўлган каби ўзингизни намоён этинг. Албатта, агар ўзингиз аввалдан бу вазиятга тайёргарлик кўрмаган бўлсангиз, ҳеч нарса сизга ёрдам беролмайди. Аммо сиз нима ҳақда гапирмоқчи бўлганингизни яхши билсангиз, ўрнингиздан туриб, чуқур нафас олинг. Аудитория олдида нутқ сўзлашдан аввал ўттиз

сония ичида чукур нафас олинг. Кислороднинг кучли равишда кўп куйилиб келиши сизни рухлантириб, тетиклик бағишлайди. Машхур тенор (энг баланд овозли ашулачи) Жан де Решке, агар сизда бу каби нафас олиш қобилияти бўлса, «унга ўтириб олиш» мумкин, шунда барча хаяжон ўз-ўзидан йўқолади, деган эди.

Барча даврларда, барча мамлакатларда инсонлар мардликка ҳавас билан қарашган, сизнинг юрагингиз қанчалик кучли урмасин, кўрқмай олға интилиб чиқаверинг, худди сизга хуш келгандай тик туриб ўзингизни эркин кўлга олинг.

Қаддингизни тик тутиб, тингловчилар кўзига, худди улар сиздан қарздорлардек, тик қараб гапиришни бошланг. Ўзингизча айнан шундай деб тасаввур қилинг. Улар худди қарз муддатини кечиктиришни сўраш учун йиғилгандек тасаввур қилинг. Бу сиз учун яхши психологик таъсир кўрсатади.

Асабий ҳолда костюмингизнинг тугмачаларини ечиб ёки тақишнинг, маржонларни бармоқлар билан ўйнаб, кўллар билан ортикча ҳаракатлар қилишнинг кераги йўқ. Агар сиз ўзингизни асабий ҳаракатлардан тийиб тура олмасангиз, кўлларингизни ҳеч ким кўрмайдиган қилиб орқага олиб, бармоқларингизни ўйнатишингиз ёки бўлмаса оёқ бармоқларингизни қимирлатишингиз мумкин.

Одатда нотикнинг мебель жиҳозлари ортига бекиниши яхши ҳол эмас, аммо биринчи чиқиш қилганингизда стол ёки стулнинг ортида туриб, уларни маҳкам ушлаб турсангиз ёки кўлингизда тангани қисиб олсангиз, бу ҳам сизга бир оз бўлса-да далда бўлиб туради.

Тедди Рузвельт ўзига муносиб мардлик ва босикликни қандай қилиб эгаллай олган? У табиатан шундай мустаҳкам руҳий тетикликка эгамиди? Албатта, йўқ. «Болалигимда жуда беўхшов ва доимо касал бўлиб юрганим учун, – дейди у ўзининг «Автобиография»сида, – ўсмирлигимда асабий ва




Ўзимга ишонмас эдим. Шунинг учун нафақат танамни, балки қалбим ва руҳимни астойдил чиниктириш учун машаққат чекишимга тўғри келган».

Бахтимизга у қандай қилиб ўзгарганини ҳам сўзлаб берган. «Кичкиналигимда, – ёзади у, – менга Марриетанинг китобларидан бирида келтирилган бир лавҳа катта таъсир кўрсатди. У лавҳада Англиянинг унча катта бўлмаган ҳарбий кемасининг капитани қаҳрамонга қандай қилиб кўркувни енгилни тушунтириб беради. У жангга қираётган ҳар бир киши кўркишини, аммо инсон ўзини худди ҳеч нарсадан кўрмагандай тутиши керак, дея айтади. Бир неча вақтдан кейин инсон ўз мақсадига етгач, ҳақиқатдан ҳам кўркувни енгади, буларнинг барчаси эса ўзини қаҳрамондек тутгани учун юз беради. (Мен бу ҳикояни Мариетта ёзганидек эмас, ўз сўзларим билан айтиб бермоқдаман).

Мен ҳам шу назарияга риоя қилишга киришдим. Бошида баъзи бир нарсалардан – то айикнинг ғажиб ташлаши, асов отлару каллақесарларгача жуда кўркардим. Лекин кейинчалик ўзимни шундай тутдимки, гўё мен ҳеч нарсадан кўркмайман ва ҳақиқатан ҳам аста-секинлик билан кўркув мени тарк эта бошлади. Кўпчилик одамлар ҳам агар хоҳлашса, худди шундай қилишлари мумкин.

Сиз ҳам астойдил хоҳласангиз, бунга эришишингиз мумкин. «Урушда, – деган эди маршал Фош, – юриш қилиш, ўзини ҳимоя қилишнинг энг яхши усули хисобланади». Шунинг учун кўркув устига юриш қилинг! Кўркувга тик боқинг ва курашишдан чекинманг ва ҳар бир имконият туғилганда мардлик билан унинг устидан ғалаба қозонинг!

Тасаввур қилинг, сиз – бирор бир хабарни етказиб берувчи хат ташувчисиз. Биз унга эътибор бермаймиз, асосий эътиборимиз телеграмма мазмунига қаратилади. Масаланинг туб негизи телеграммада. Унга бор эътиборингизни жамланг. Уни ўз қалбингизда сақланг. Уни



худди беш бармоғингиздек билинг. Унга ишонинг. Шундан сўнг ишонч ва катъият билан гапиринг. Ва гаров бойлайманки, сиз вазиятни ўз кўлингизга олиб, ўзингизни бемалол бошқара оласиз.

**Туртинчиси:** Амалда кўлланг! Амалиётга татбик этинг! Амалиётда синанг!

Бу ерда сўнги сўз ўрнида келтираётганимиз, сўзсиз энг асосийси ҳисобланади. Агар сиз бундан олдин ўқиган барчасини унутсангиз ҳам, мана бунисини аниқ эслаб қолинг: нутқ сўзлаганда ўзингизга бўлган ишончни мустаҳкамлашнинг биринчи (унинг ўзи охиригиси ҳамдир) усули – бу иложи бориचा кўпроқ гапиришдир. Аммо буларнинг барчаси охир-оқибат, бир асосий вазиятни такозо этади: амалиётга татбик этиш, кўллаш ва факат амалда кўллаш зарур. Бу шундай зарурий талабки, усиз ҳеч нарсага эришиб бўлмайди.

«Ҳар бир иш бошловчи, – деб огоҳлантиради Рузвельт, – «буғу безгаги»га дучор бўлиши мумкин. Бу журъатсизликка боғлиқ бўлмаган, ўта асабий ҳолатга тушиб деганидир. Бу ҳолат, худди биринчи бор буғуни кўрган ёки жангга киришган одамга ўхшаб илк марта омма олдида чиқиш қилаётганларда учраши мумкин. Инсон мардликка эмас, ўзини кўлга олишга ва совуққонликка муҳтож бўлади. Бундай ҳолатга эса доимо тайёргарлик кўриб эришиш мумкин. Инсон доимо ўзини назорат қилиш орқали асабларини бошқара олиши керак. Бу асосан одатга қараб, доимий ирода кучини намойиш этиш ва ғайрат-шижоат натижасида содир бўлади. Агар инсон яхши кўрсаткичларга эга бўлса, у ўз иродасини ҳар гал намоён этгани сари янада кучлироқ бўлиб бораверади».



Сиз тингловчилар олдидаги кўрқувдан халос бўлмоқчимисиз? Бу ҳолат нималарда кўринишини бир кўриб чиқайлик.

«Кўрқув нодонлик ва ишончсизликдан келиб чиқади», деб ёзади Робинсон ўзининг «Ақлнинг шаклланиши» номли китобида. Болқача қилиб айтганда, ўзига бўлган ишончнинг етишмаслиги сабабли кўрқув пайдо бўлади.

Бу нима оқибатида келиб чиқади? Бу қила олишингиз мумкин бўлган ишингиздан яхши хабардор эмаслигингизни кўрсатади. Бу эса ўз навбатида тажрибасизликдан келиб чиқади. Сиз катта тажрибага эга бўлгандан сўнггина кўрқув йўқолади; улар худди июль куёшининг заррин нурлари остида тарқалган тунги туман сингари тарқаб кетади.

Бир нарса аниқки, сузишни ўрганиш учун сувга тушиш керак. Бу фикрга барча қўшилади. Сиз бу китобни керагидан ортиқ ўқимоқдасиз. Энди бу китобни четга олиб қўйиб, амалиётга киришишнинг вақти келмадимикан?

Ўзингиз биладиган ва жавоб бера олишингиз мумкин бўлган бирор мавзуни танлаб, тахминан уч дақиқалик нутқ таёрланг. Холи вазиятда бу чиқишни машқ қилиб олинг. Кейин, агар иложи бўлса, бир гуруҳ одамлар ёки дўстларингиз олдида унга бор кучингизни берган ҳолда сўзлаб беринг.

### *Хулоса*

1. Машғулотларнинг минглаб тингловчилари бу китоб муаллифига мактублар битишган, мактубларда улар машғулотлар натижасида нимага эришмоқчи бўлганлари ва нима учун нотиклик санъатини ўрганаётганларини ёзиб юборишган. Аммо уларнинг кўпчилиги келтирган асосий сабаб қуйидагича: улар ҳаяжондан қутулишни, халойиқ олдида тик турган ҳолда бемалол ўйлашни ва ҳар қандай тингловчиларга ишонч билан гапиришни ўрганишдир.

2. Буларнинг барчасига эришиш унча кийин эмас. Бу асло алохида илғор инсонларга бериладиган маҳорат ҳам эмас. Бу худди карта ўйнашни ўрганишдек осон: ҳар қандай эркак ёки аёл, яъни ҳар бир инсон яширин имкониятларини намойиш эта олиши мумкин, бунинг учун эса уларда етарлича кучли хоҳиш бўлиши талаб этилади.

3. Кўпгина малакали нотиклар бир одамдан кўра омма олдида яхши фикрлайди ва яхши гапира олади. Кўплаб одамларнинг иштироки уларга илҳом уйғотади. Агар сиз бу китобда келтирилган маслаҳатларга риоя этсангиз, шундай вақт келадики, сиз ҳам шундай қобилиятга эришиб, навбатдаги оммавий чиқиш ҳақида хушқайфият билан ўйлай бошласиз.

4. Сиздаги ноқулай ҳолат бошқаларда кузатилмайди, деб ўйламанг. Кейинчалик машҳур нотик бўлиб кетган кўплаб инсонлар, ўз фаолиятлари бошида хижолатдан азият чекиб, омма олдидаги кўрқувдан эсанкираб қолишган. Худди шундай ҳолат Брайан, Жан Жорес, Ллойд Жорж, Чарлз Стюарт Парнелл, Жон Брайт, Дизраэли, Шеридан ва кўплаб бошқа машҳур нотиклар билан содир бўлган.

5. Қанчалик кўп чиқиш қилишингиздан қатъий назар, сиз нутқингиз бошида айна мана шундай хижолатни ҳис қиласиз, аммо гапиришни бошлаганингиздан бир неча дақиқа кейин, бу ҳолат буткул йўқолиб кетади.

6. Бу китобдан кўпроқ ва тезроқ ўзингиз учун фойда олишни хоҳласангиз, қуйидаги тўрт қоидага амал қилинг:

а) Мақсадга эришиш учун нутқингизни қатъийлик ва кучли иштиёқ билан бошланг. Машғулотлар учун кетган интилишларингиз қандай фойда келтириши мумкинлигини ёдда тутинг. Ўзингизни руҳлантинг. Сиз учун молиявий-ижтимоий муносабатларда, юқори лавозимларга эришишда, ўзингизнинг обрў-эътиборга эга бўлишингиз йўлида нима бериши мумкинлиги ҳақида ўйланг. Ёдда тутинг, мақсадга эришиш йўлида орттирган муваффақиятингиз сизнинг бу

мақсад учун қанчалик астойдил ҳаракат қилишингизга боғлиқ.

б) Чиқишларга тайёргарлик кўринг. Агар сиз гапирмоқчи бўлган нарсаларингиз ҳақида яхши билимга эга бўлмасангиз, унда нутқ сўзлаётганда ўзингизда жўратсизликни ҳис эта бошлайсиз.

в) Ўзингизга бўлган шончли намоиш этинг. «Ўзингизни жасоратли инсонлар каби ҳис қилишингиз учун, – деб тавсия этади профессор Уилям Жеймс, – ўзингизни ҳақиқатдан ҳам ҳеч нарсадан кўркмайдиган қилиб кўрсатинг, мақсад йўлида ўзингиздаги бор иродангизни намоён этинг, шунда тахминга кўра сиздаги кўрқув ўз ўрнини мардликка бўшатиб беради». Тедди Рузвельт айти мана шу усул билан айиқлар, асов отлар ва қаллақесарлар олдидаги кўрқувини енгганини тан олган. Сиз ҳам омма қаршисидаги кўрқувдан айнан шу психологик усул ёрдамида қутулишингиз мумкин.

г) Амалиётга татбиқ этинг. Бу мақсадга эришишдаги энг муҳим восита. Кўрқув ўзига бўлган ишончсизлик оқибатидир, ишончсизлик эса ўзингизнинг нимага қодир эканлигингизни билмаганингиз сабабли вужудга келади, хабарсизлигингиз эса – тажрибасизлигингиз натижасидир. Шу боис ўзингиз учун муваффақиятлар тўла тажриба омилини яратиб олинг, шунда сиздаги кўрқув ўз-ўзидан йўқолиб кетади.

## *Иккинчи фасл*

### **ЎЗИГА БЎЛГАН ИШОНЧГА ЭРИШИШ УЧУН ТАЙЁРГАРЛИК ЗАРУР**

1912 йилдан бошлаб мазкур китоб муаллифи йилига тахминан олти минг нуткни эшитиб, уларни таҳлил қилишни сеvimли машғулоти сифатида ўз касбий вазифасига айлантирганди. Бу нутқларни коллеж талабалари эмас, балки ёши катта кишилар – ишбилармон ва мутахассислар тайёрлашган. Кўп йиллик тажрибалари натижасида муаллиф қуйидагиларга ишонч ҳосил қилди: чиқиш қилишдан аввал тайёрланиб олиш зарур; нотик гапириши керак бўлган гапларни аниқ тасаввур қилиши ва нима ҳақда гапиришини билиши керак. Ахир, ақл ва юрагингизга таъсир қилиш учун жўшқин ҳаракат қилаётган ва калби ғоялар билан тўлиб-тошаётган нотикқа ҳавасингиз келмаяптими? Нотиклик санъатининг ярим сири шунда мужассам.

Нотик бундай ақлий ва эмоционал ҳолатга тушганда, муҳим бир вазиятни тушуниб етади – шунда унинг нутки худди ўзи оқиб келаётгандай туюлади. Унга ҳеч бир ташвиш ва қийинчилик туғдирмайди. Яхши тайёрланган нутк – ўнтадан тўққизта сўзланган нутк ўрнини босади.

Биринчи фаслда айтиб ўтилганидек, кўпчилик инсонларга бу каби тайёргарлик ўзига нисбатан ишонч уйғотиш, довжораклик ва ўзини қўлга олиши учун керак. Кўпчилик омма олдида сўзлайдиган нутқини тайёрламай, катта хатога йўл қўяди. Урушга нам тортган ўқлар, ўки йўқ милтик ёки умуман қуролсиз кириб борганда, кўрқув ва асабийликни қандай қилиб енгиш мумкин? Бу каби ҳолатларда, уларнинг тингловчилар олдида хижолатомуз юришларига ҳайрон қолмаса ҳам бўлади. «Ўйлайманки, – деб эълон қилганди Линкольн Ок уйда бўлган вақтида, – агар айтадиган гапларим қолмай мен тортган

хижолатпазликларни бошдан кечирмаганимда бунчалик қариб кетмаган бўлардим».

Агар сиз ўзингизга бўлган ишончни уйғотмоқчи бўлсангиз, нима учун қўлингиздан келган барча ишни қилмайсиз? Бенуксон мухаббат кўркувни хайдади, деб айтган эди хаворий Иоанн (Исонинг афсонавий 12 шоғирдидан бири). Худди шу вазифани тўла-тўқис тайёргарлик ҳам амалга оширади. Вебстернинг таъкидлашича, у яхши тайёргарлик кўрмасдан ва яхши кийинмасдан омма олдига чиқишни тасаввур ҳам қилолмаган экан.

Нима учун биз чиқиш қилиш олдидан яхшилаб тайёргарлик кўрмаймиз? Нимага? Баъзилар тайёргарлик нима ва уни қандай ўтказиш кераклиги ҳақида аниқ тасаввурга ҳам эга эмас; бошқалар эса вақт камлигини баҳона қилишади. Шунинг учун биз мазкур фаслда шу каби масалаларга атрофлича тўхталиб ўтишга ҳаракат қиламиз.

### **Бекаму кўст тайёргарлик**

Тайёргарликнинг ўзи нима? Китоб мутолаасими? Бу тайёргарликнинг бир усули, аммо яхшиси эмас. Мутолаа ёрдам бериши мумкин. Аммо китобдаги фикрларни ўзлаштириб олиб, улардан фойдаланишга уринса, нутқида нимадир етишмаётгандек туюлаверади. Тингловчилар нима етишмаётганлигини билишмаса ҳам, нотикни яхши қабул қилишмайди.

Мисол келтираман. Бир қанча вақт илгари мазкур китоб муаллифи Нью-Йоркдаги шаҳар банкларининг юқори лавозим эгаларига нотиклик санъатидан машғулотлар олиб борди. Албатта, бу гуруҳ аъзоларига, иш билан доимо банд шахсларга машғулотларга тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказиш жуда кийиндек туюлади. Улар бутун умр ўзгача

фикрлашган, ўз карашларини ишлаб чиқишган, барча ходисаларини ўз нуктаи назарига асосланиб кўриб чиқишган ва албатта, ўз тажрибаларига эга бўлишган. Шундай қилиб, улар, бундай олиб қараганда кирк йил давомида ўзларининг нутклари учун манбалар йиғиб келишган. Аммо уларнинг баъзиларига буни англаш қийинчилик туғдирди. Улар дарахтларнинг ортидаги ўрмонни кўра олишмасди.

Бу гуруҳдагилар ҳар жума куни кечки соат бешдан еттигача машғулот ўтишган. Бир куни Нью-Йорк чеккасида жойлашган банкка алоқадор жаноб – уни Жексон деб атаймиз, – соат тўрт ярим бўлишига карамай, нутк учун мавзу йўқлигини сезиб қолади. У ўзининг идорасидан чиқиб, матбуот дўконидан «Форбс мэгэзин» журналинини сотиб олиб, машғулотлар ўтказилаётган Федераль захира банки биносига бориш чоғида метрода, «Барчасига улгуриш учун бизда атиги ўн йил муҳлат бор» сарлавҳаси остида босилган мақолани ўқиб кетади. Бу мақолани қизиқтириб қўйгани учун эмас, балки машғулотларда унга бериладиган вақтни мазмунли тўлдириш учун ўқийди.

Бир соатдан кейин машғулот чоғида ўрнидан туриб, мақола муаллифи томонидан қўйилган мавзунини қизиқарли ва ишончли тарзда муҳокама этишга ҳаракат қилади.

Бу билан у қандай натижага эришди? Қочиб қутулиб бўлмайдиган натижа, шундай эмасми?

У гапиришга ҳаракат қилган мавзунини ўзлаштириб ололмади, ҳатто яхши тушунмади ҳам. «Гапиришга ҳаракат» сўзи бу ердаги муаммони яққол кўрсатиб беради. У факатгина ҳаракат қилганди. Унда вазиятдан чиқиб кетиш фикри йўқ эди. Унинг ўзини тутиши, гапириш муомаласи бу ҳақда айтиб турар эди. Уни қизиқтирмаган мақола қандай қилиб тингловчиларга катта таассурот қолдириши мумкин эди? У ҳамиша мақолага эътиборини қаратиб, муаллиф уни-бунини ёзганини айтиб берарди. Бу нуткдаги жуда кўп фикрлар



«Форбс мэгэзин»дан олинган бўлиб, жаноб Жексонга тегишлиси ниҳоятда кам эди.

Шунинг учун ҳам ушбу китоб муаллифи унга тахминан қуйидаги сўзларни айтган эди:

– Жаноб Жексон, бизни бу мақолани ёзган кўринмас шахс кизиктирмайди. У бу ерда йўк. Биз уни кўролмаимиз. Аммо бизни сиз ва сизнинг фикрларингиз кизиктиради. Биз бировнинг нима ўйлаганини эмас, шахсан ўзингиз бу ҳақда қандай фикрда эканлигингизни айтиб беринг. Бу ерга жаноб Жексоннинг фикрларидан кўпроқ киритинг. Шу мавзу юзасидан кейинги ҳафта чиқиш қилсангиз қандай бўлар экан? Мақолани яна бир бор ўқиб чиқиб, муаллифнинг фикрларига қўшилмасизми ёки йўқми шуни аниқлаб олинг. Агар рози бўлсангиз, унинг фикрларини ўргангиз ва кўз олдингизга келтириб, ўз қарашларингиз билан солиштириб чиқинг. Агар рози бўлмасангиз, шундай деб айтинг ва бизга нима учун бу фикрларга қўшилмаганингизни тушунтиринг. Бу мақола нутқингиз учун асос бўлсин.

Жаноб Жексон бу таклифни қабул қилиб мақолани ўқиб чиқди ва муаллифнинг фикрларига мутлақо қўшилмаслигини тушуниб етди. Кейинги чиқиши учун, у метро вағонида тайёргарлик кўрмади, албатта. Бу мавзу унинг онгида секин-аста шакллана борди. Бу унинг ақл маҳсули бўлиб, худди ўз фарзандидек ўсиб ривожланди. Унинг қизлари сингари бу ғоя, у ўйлагани сари туну кун ривожлана борди. Баъзида у бирор бир янги мақолани ўқиганда қалласига яхши фикр келар, гоҳида эса бирор бир дўсти билан суҳбат чоғида мос бир мисол юзага қалқиб чиқарди. Буларнинг барчаси бир ҳафта давомида ўйлагани сари кенгайиб, чуқурлашар ва мустаҳкамланарди.

Жаноб Жексон шу мавзу юзасидан кейинги машғулотларда чиқиш қилганида, ўзи қавлаб топган руда, ўз устахонасида зарб этилган тангани намойиш этган каби ўзига хос хусусиятларини кўрсата олди. Ва у ўтган

галдагига караганда яхширок гапирди, чунки у муаллиф фикрларига карши эди. Кизикарли нутк учун фикрларнинг турлилигидан кўра яхширок омил бўлмаса керак.

Бир нотикнинг бир мавзудаги, бир хафта давомида сўзлаган иккита нутки орасидаги фарк ер билан осмонча эди! Тўла-тўкис тайёргарлик натижасида нутклар орасидаги фарк шунчалик улканлашиб кетди!

Қандай тайёрланиш ёки тайёрланмаслик кераклиги хақида бошка мисол келтираман. Жаноб Флин деб атайдиганимиз бир киши Вашингтонда нотиклик санъатини ўрганган эди. Бир куни у ўз нуткини бизнинг пойтахтимизни макташга бағишлади. У шошилишда бир газета томонидан нашр этилган реклама рисоласини кўриб чиқиб, ундаги бир-икки далилдан фойдаланган эди. Албатта, бу далиллар — курук, ҳеч бир боғланишсиз ва мазмунсиз жаранглади: мақола яхши тушунилмагани яккол кўриниб турарди. Нотик ўз мавзусини кераклича ўрганиб чикмагани, шунинг учун у ҳеч кимни рухлантормади. У гапларини чуқур ўйлаб кўрмагани боис қутилган натижага эришмади. Унинг бор нутки сокин, маъносиз ва ҳеч кимга кераксиз эди.

### **Муваффақият қозонмаслиги мумкин бўлмаган нутк**

Икки ҳафтадан сўнг жаноб Флиннинг иззат-нафсига тегадиган бир ҳодиса юз берди: унинг автомобилени жамоат гаражидан ўғирлаб кетишди. У полицияга чопиб бориб, мукофот эълон қилди, аммо ҳаммаси бефойда эди. Полиция жиноятчилик билан курашишда сузтлигини тан олди, аммо шунга қарамасдан бир ҳафта олдин қўлида бўр ушлаб олган бир полициячи йўлдан ўтаётиб, жаноб Флиннинг машинаси тўхташ жойида ўн беш дақиқа ортик тургани учун жарима

солиб кетганди. Жиноятчилар билан курашишга шунчалик вақти қолмаган бу «бўрли полициячилар» жаноб Флиннинг қаҳрига дучор бўлишди. У ўзига сиғмай кетаётганди. Энди чиқиш учун мавзу бор эди – реклама рисоласидан эмас, балки ўз ҳаётидан олинган мавзу эди. Бу тирик инсоннинг иззат-нафсига теккан жиддий масала эди. Вашингтон ҳақидаги нутқида у сўзни сўзга зўрға улаган эди, бу ерда эса полицияни айблаб айтилган нутқидаги сўзлари ўзидан ўзи, худди Везувий вулканидан отилиб чиққан оловли тошқин сингари чиқиб кела бошлади. Бундай нутқлар одатда отилган нутқга хатосиз уради, унинг амалга ошмаслиги мумкин эмас эди. Унинг асосида ҳаётий тажриба ётади ва у яхшилаб ўйланган бўлади.

### Ҳақиқий тайёргарлик нима?

Ёдлаб олинган сўзлар ёки бир парча қоғозга ёзилган силлиқ сўзлар чиқиш учун тайёргарликни англатадими? Йўқ. Ёки бир неча тасодифий, лекин сизни тўлқинлантирмайдиган фикрлардан ташкил топганми? Албатта, йўқ. Бу тайёргарлик фикрларингиз, ғояларингиз, ишончингиз, ниятингиз йиғиндисини англатади. Ахир сизда ҳам худди шундай фикрлар, умид-истаклар бор-ку. Улар сизда ҳар қуни ўйғонганингизда пайдо бўлиб, ҳатто тушларингизга ҳам кириб чиқади. Бутун вужудингиз ҳис-туйғу ва безовталиқлар билан тўла. Буларнинг барчаси онгингиз тубида худди денгиз қирғоғидаги майда тошлар сингари ётади. Тайёргарлик кўриш — бу ўйламоқ, мулоҳаза қилиш, эслаш, сизга маъқул бўлганларини танлаб, чиройли кўринишга келтириб, уларни жой-жойига қўйиб териб чиқиш, ўз мозаикангизни яратиш демакдир. Балки бу каби дастур сиз учун жуда мураккабдек кўринаётгандир? Йўқ, бу асло қийин эмас. Фақатгина бироз фикрларни жамлаб, мақсадга қараб ҳаракат қилиш керак, холос.

Диний ғоялар тарихига кирган ўз нутқларига Дуайт Л. Муди қандай тайёрланган эди?

«Бу сир эмас, – дея жавоб берганди у. – Мени бирор мавзу қизиқтирса, унинг номини катта бир конверт устига ёзиб қўяман. Менда бундай конвертлардан жуда кўп. Агар мутолаа жараёнида нутқим учун зарур фикрлар, белгиланган мавзуларга тўғри келадиган бирор бир кимматлироқ ғоя топсам, уларни қоғозчаларга ёзиб, мавзусига қараб конвертларимга соламан ва улар ўша ерда туради. Ҳар доим ўзим билан ён дафтарча олиб юраман, агар бирор кишининг гапларида ўша белгиланган саволларга жавоб бўла оладиган фикрни топсам, ёзиб, уни ҳам конвертга солиб қўяман. Буларнинг барчаси бир ва ҳатто ундан ҳам кўп йиллар ўша конвертлар ичида ётиши мумкин. Кейинчалик мен янги нутқ сўзлашимга тўғри келса, у ердан бор ёзувларни чиқариб оламан. У менга керакли манбаларни яратишга имкон беради. Бундан ташқари мен ҳамиша ўз чиқишларим устида ишлайман – улардан бирор нарса олиб ташлайман, баъзи бирига эса қўшимча қиламан. Натижада улар ҳеч қачон эскириб қолмайди».

### **Йель мактаби декани Брауннинг доно маслаҳати**

Йель диний мактаби ўзининг юз йиллигини нишонлаётганида, унинг декани доктор Чарлз Рейнольдс Браун ваъз ўқиш санъати бўйича бир маърузаси билан чиқиш қилди. Бу маърузалар китоб шаклида шу сарлавҳа остида Нью-Йоркнинг «Макмиллан» нашриёти томонидан нашр этилди. Доктор Браун ўттиз уч йилдан ошиқроқ вақт давомида ҳар куни ваъз ўқиш учун тайёргарлик кўрар, шунингдек, бошқаларни ҳам нутқ сўзлашга ўргатар эди.

Шунинг учун бу хусусда бир канча доно фикрлар бера оларди, бу маслаҳатлар ўта қимматли эди. Шу ваддан бу ерда мен доктор Брауннинг сўзларидан иктибос келтиришни жоиз деб биламан:

«Инжилдан ўзингиз танлаган парча ва даъватни яхшилаб ўйлаб олинг. Уларни ривожлантириб сайқалламагунча онгингизда саклаб тулинг. Сиз танлаган ғояни ривожлантириб, бир уюм кўплаб қизиқарли фикрларга эга бўлишингиз мумкин, албатта, уларни шакллантира олсангиз...

Энг яхшиси, агар бу жараён кўп вақт давом этса, яқшанба кунги маърузангиз учун тайёргарликни тугатадиган кунингиз – шанба тонгигача ишларингизни қолдирманг. Агар руҳоний ўз онгида бир ҳақиқатни бир ой, ярим йил ва ҳатто бир йил давомида ушлаб тура олса, у бу фикрлар янада кенгайишини, қуртак очиб янги ғоялар туғилишига ишонч ҳосил қилиши мумкин. У бу ғоялар ҳақида, кўчада кетаётганида, поездда ўтирганида ёки китоб мутолаа қилишдан чарчаб кўзларини юмганида ўйлаши мумкин.

Албатта, у айримларини тун билан ҳам ўйлаб чиқиши мумкин. Албатта, руҳоний одатда ўз черкови ёки бўлмаса ўз фикрлари билан ухлашга ётиши учун черков тўғри келмайди, чунки у ер фақат ваъз айтиш учун энг қулай жойдир. Баъзида шундай ҳолатлар бўлар эдики, мен тун ярмида ўрнимдан туриб ақлимга келиб қолган фикрларни эрталаб унутиб қўймаслик учун ёзиб қўярдим...

Аниқ бир нутқ учун маълумот йиққанингизда, танлаб олган мавзу билан боғлиқ ақлингизга келган ҳар бир фикрни ёзиб боринг. Инжилдан танлаб олган парчани илк бор танлаганингизда уни қандай тушунганингизни ёзиб қўйинг. Ундан кейин сизда пайдо бўлган ҳар бир ўхшатиш ва ҳар бир фикрни ҳам ёзиб қолдинг...

Барча фикрларингизни қисқа қилиб бир-икки сўз билан ёзиб қўйинг, уларни белгилаб қўйиш муҳим, токи

миянғиз ҳамиша янги фикрлар излашда давом этаверсин, худди бундан кейин умуман бошка китобни кўрмайдигандай. Бу усул ўз тафаккурини ривожлантириш дея аталади. Шу усул билан сиз ўз ақлий фаолиятингизнинг соф, ноёб ва ижодий бўлишига эришасиз...

Ташки ёрдамларсиз, факат ўзингизда тугилган мустақил фикрларни ёзиб қўйинг. Бу сизнинг тафаккурингиз учун олмос, гавҳар ва соф олтиндан ҳам қимматроқдир. Уларни парча қоғозга, эски хатлар орқасига – хуллас қўлга тушган барча нарсага ёзиб қўйсангиз яхши бўлади. Бу ҳар қандай ҳолатларда, чиройли тоза ёзув варақларига ёзгандан кўра яхшироқдир. Бу ерда гап факат тежамкорликда эмас, балки бундай парча ва кийкимларни тўплаш ҳамда уларни бўлақларга ажратиш маълумотларни тартибга солиш жараёнида осонроқ кечади.

Ҳамиша ақлингизга келган фикрларни ёзиб қўйинг ва уларни ўйлаб юринг. Бу жараёни тезлаштиришнинг кераги йўқ. Бу сиз бажаришингиз керак бўлган энг муҳим ақлий вазифалардан бири. Унинг шарофати билан сизнинг онгингиз ҳақиқий ижодий кучга айланади...

Ваъз ўқиганингиздан кейин шунга амин бўласизки, кавмингиз ҳаёти учун жуда катта фойда келтириш ва бундан ўзингизда коникиш туйишдан ташқари ўзлигингизни кашф этасиз. Улар – устухонингиздан пайдо бўлган суяк, вужудингиздан яралган тана, ақлий меҳнатингиз ва ижодий қувватингиз ҳосиласи. Ўзгалар фикридан тузилган маъруза ҳамиша фойдаланилган ва ўта бўрттирилган бўлиб кўриниши мумкин. Яшаётган ва нафас олаётган шундай ваъзлар борки – улар Яратганга ҳамду санолар ўқиб, черковларга ёпирилиб кираётган, одамлар қалбини забт этиб, парвоз этишга даъват этаётган, худди бургут мисол мардликдан чекинмай, бурчини адо этиш йўлида содик – инсон қудрати ва ҳаракати билан дунёга келган ҳақиқий хутбалардир».

## Линкольн ўз чиқишларига қандай тайёргарлик кўрар эди

Линкольн ўз нутқларини қандай тайёрларди? Бахтимизга улардан бир қанчаси бизга маълум. Сиз бу ерда унинг усули ҳақида ўқиганингизда, декан Браун ўз маърузаларида Линкольн ундан уч чорак аср аввал фойдаланган усулларни тавсия этганини тушуниб етасиз. Линкольн энг машҳур нутқларидан бирида пайгамбарона башорат килиб шундай деган эди: «Бўлинган уй мустаҳкам турмайди», дейишади. Ўйлайманки, икки тоифага, қуллар ва эркин аҳолидан ташкил топган мамлакатимиз ҳукумати ҳам ўрнида мустаҳкам тура олмайди». Бу нутқни Линкольн – ўзининг ҳар кунлик ишини бажарганда, тушлик пайтида, кўчада сайр қилганда, сигир соғганда, қўлида сават билан гўшт ёки бакколлик дўконига борганида, елкасига эски кулранг шарфини ташлаб кичкина ўғлини айлантириб юрганида, ўғли эса саволлар бериб, унинг озғин узун бармоқларидан тортиб, саволларига жавоб беришга отасини мажбур этганида – ҳар доим ўйлаган. Аммо Линкольн олдинга юриб ўз фикрларига кўмилган ҳолда, нутқини ўйлаб, ҳатто боласи ёнида эканлигини ҳам унутиб юборган.

Вақти-вақти билан ўйлаш ва мулоҳазаларини обдон пишитиш жараёнида қўлига тушган нарсага – эски конвертлар, қоғоз пакетлар устига фикрларини қайд этиб, ёзиб борарди. Буларнинг барчасини шляпасига солиб кўяр ва вақти келиб уларни тахлаб, қайта кўриб чиқиб, нутқ ёзиш ёки нашр этишга тайёрламагунча сақлаб юрар эди.

1858 йилдаги баҳс-мунозаралар чоғида сенатор Дуглас ҳамма жойда бир хил мазмундаги нутқни сўзлар эди. Линкольн эса ҳамиша ўйлар, фикрлар ва унинг сўзларига кўра, ҳар куни янги нутқни сўзлаш эскини қайта гапираверишдан кўра енгилроқ кечарди. Мавзу унинг

онгида хамиша тўхтовсиз равишда чуқурлашиб ва кенгайиб борар эди.

Ок уйга кўчиб ўтмасдан бир муддат олдин у кўлига конституция ва учта нуткининг матнларидан бошқа ҳеч нарсани олмасдан. Спрингфилддаги дўкончанинг тепасида жойлашган кўримсиз хонасига кулфланиб олди, у ерда ҳеч ким халакит бермасди, у президентлик лавозимига ўтириши муносабати билан ўқиши керак бўлган нутқини ёзиб чиқди.

Линкольн ўзининг Геттисбергга ўқиган нутқини қандай тайёрлаган эди? Афсуски, бу масала юзасидан факатгина ёлгон маълумотлар тарқалган. Аммо воқеанинг асли жудаям қизиқ ва қуйидагича бўлганди.

Геттисберг ҳарбий мозори иши билан шуғулланувчи комиссия уни муқаддаслаштиришни тантанали равишда ташкиллаштирмоқчи бўлди. Улар Эдвард Эверетга нутқ билан чиқишни таклиф этишди. У Бостонда пастор (руҳоний), Гарвард Университети президенти, Массачусетс штати губернатори (хоқими), Америка Қўшма Штатлари сенатори ва Англиядаги элчиси, давлат қотиби эди; у Американинг энг мохир нотиғи деб тан олинганди. Аввалига тантанали маросим 1863 йилнинг 23 октябрига белгиланди. Жаноб Эверет онгли равишда бундай қисқа муддатда яхшилаб тайёргарлик кўра олмаслигини маълум қилди. Шунинг учун маросим салкам бир ойга, унинг яхшилаб тайёргарлик кўриши мақсадида 19 ноябрга белгиланди. Охирги уч кунини Эверет Геттисбергга ўтказди, жанг майдонини айланиб чиқиб, у ерда содир бўлган барча воқеаларни қайтадан эслаб чиқди. Фикрларини ўйла, уларни онгида жамлаши, тайёргарлик кўришнинг энг яхши даври эди. Жанг майдони кўз олдида аниқ-равшан намоён бўларди.

Маросимга келадиغان комиссиянинг барча аъзолари, президент ва унинг маҳкамасига таклифномалар тарқатиб чиқилган эди. Кўпчилик таклифни рад этган, аммо



комиссия аъзолари Линкольннинг келишга розилик берганини эшитиб хайрон бўлишган эди. Ундан сўзга чиқишини сўрашлари керакмиди? Уларнинг бундай ниятлари йўк эди. Эътирозлар ҳам айтилган эди. Унда тайёрланиш учун вақт йўк эди, ҳатто бўлганида ҳам бундай нутқ учун ўзида куч топа олармиди? Ҳа, албатта у куллик ҳақидаги баҳс-мунозараларда муваффақиятли чиқиш қилиш мурожаат қилиши мумкин эди, аммо ҳеч ким унинг тантанали нутқ сўзлашини эшитмаган эди. Бу ўта муҳим, дабдабали маросим эди. Улар таваккалчиликка йўл қўя олмасдилар. Уни маросимда нутқ сўзлаш учун чақириш керакмиди ёки йўкми? Улар ўйлашар ва яна ўйлашарди... Агар улар олдиндан келажакни кўра олганларида эди, қобилиятига шубҳа қилишаётган нотикнинг бу маросимдаги чиқиши – бутун дунё тан олган, инсоният тарихидаги энг эса коларли нутқ бўлишини билишарди!

Ниҳоят, маросимга икки ҳафта колганида, комиссия аъзолари Линкольнга «бу ҳолатга муносиб фикрини билдиришини» сўраб кечикиб бўлса-да, илтимоснома жўнатишди. Ҳа, улар айнан шундай тарзда, «бу ҳолатга муносиб фикрини билдиришини» сўраб мурожаат қилишди. Бир ўйлаб кўринг, Америка Қўшма Штатлари президентида шундай мактуб ёзишса-я!

Линкольн шу заҳотиёк тайёргарликни бошлаб юборди. У Эдвард Эверетга мактуб йўллаб, ундан байрам куни сўзламокчи бўлган нутқи матнини олди, бир ёки икки кундан кейин эса, расмга тушиш учун сураткашнинг олдида борганида, Эверетнинг нутқини ҳам ўзи билан олди ва қутиш асносида ўқиб чиқди. У ўз чиқишини куни бўйи – Ок уйдан ҳарбий вазирликка борганида, у ердан қайтаётганида ва ҳарбий вазирликда чарм оромкурсига чўкканича телеграфнинг сўнгги хабарларини кутганида ҳам – ўйлаб, мулоҳаза юритарди. У қоғозга қискача хомаки режасини

ёзиб, ўзи билан шляпасида кўтариб юрарди. У чиқишини тўхтовсиз ўйлар, шунинг учун онгида нутк матни янада ёркинрок намоён бўларди. Чиқиш килишдан бир оз олдин Ноа Бруксга шундай деган эди: «У ҳали ёзиб тугатилмаган. Мен уни икки ёки уч марта қайта ёзиб чиқдим, аммо у менга маъқул келиши учун қайта ишлайвераман».

Линкольн Геттисбергга маросим арафасида, кечқурун етиб келди. Кичкина шаҳар тасаввур қилиб бўлмас даражада тикилиб кетган эди. Одатда унинг аҳолиси 1300 одамни ташкил этарди, бирданига бу кўрсаткич ўн беш минг нафарга етди. Тротуарлар одамлар билан тикилиб кетган, улар искирт кўприклар устидан ҳам юришарди. Олтита оркестр мусикаси жаранглар, йиғилганлар «Жон Брауннинг танаси» кўшиғини айтишар эди. Одамлар Линкольн тўхтаган жаноб Уиллснинг уйи олдида йиғилиб, уни чақиришар, нутк сўзлашини сўрашарди. Линкольн икки оғиз сўз билан дангал жавоб берди: у эртанги кунгача гапириш нияти йўқлигини айтди. Лекин ўша окшомини нутқни қайта ишлаб чиқишга кетказгани бизга маълум. У хатто кўшни хонага ҳам кирди, у ерда давлат котиби Сьюард жойлашганди, унинг фикрини эшитиш учун Линкольн бор овозда ўз нутқини ўқиб берди. Эртаси куни нонуштадан сўнг у нутқни ҳалиям қайта кўриб чиқар эди, шу куни у эшигини тақкиллашиб, маросим меҳмонларининг ўрнидан жой олишни айтиб келмагунларича нутқини қайта ишлаб чиқаверди. Президентнинг орқасидан кузатиб кетаётган полковник Каррнинг айишича, маросим иштирокчилари йўлга тушганда: «Президент эгарда қаддини тик тутиб борар, худди кўшиннинг бошқўмондони сингари кўринарди; аммо бир оз юрганларидан сўнг у олдинга энгашиб борар, қўллари ва боши осилиб қолган эди. Унинг ниманидир ўйлаётгани яққол кўриниб турарди».

Шуни тахмин килиш мумкинки, у хатто ўша вақтда ҳам, ўнта сўздан иборат кискагина нутқини ўйлаб, уни «қайта ишлаётган» эди.

Линкольн эътиборсиз қараган баъзи нутқлари муваффақиятсиз чиққан бўлиши мумкин, аммо у кулдорлар ва штатлар иттифоқи ҳақида гапирганида инсонларга таъсир этишнинг ноёб қобилиятига эга эди. Нега? Чунки у бу муаммолар ҳақида кўп ўйлар эди. У билан бир хонада, Иллинойсдаги кичик бир пансионларнинг бирида тунни бирга ўтказган киши, эрталаб турганида Линкольнни эрта тонгда деворга қараб ўтирганини кўрган. Унинг илк сўзлари қуйидагилардан иборат бўлган: «Икки тоифага, куллар ва эркин аҳолидан ташкил топган мамлакатимиз ҳукумати узок яшай олмайди».

Исо Масих ўз даъватларини қандай тайёрлаган? У жамоадан ажралиб чиқиб, ўз ўйларига кўмиларди. Гоҳида эътиборини бир нуктага жамлар, чўл-биёбонда якка ўзи юриб фикрлар ва қирк кечаю қирк кундуз тиловат қиларди. «Шундан сўнг эса, – деб ёзади авлиё Матфей, – Исо Масих ваъз айтишни бошлаган». Кўп ўтмай у ўзининг дунёга машҳур хутбаларидан бири – Нагорний даъватини сўзлаган эди.

«Буларнинг барчаси жуда қизиқ, лекин ҳаммани қойил қолдирадиган нотик бўлиш ниятим йўқ. Мен вақти-вақти билан бир нечта маъруза сўзламоқчиман, холос», дея эътироз билдиришингиз мумкин, албатта.

Сиз ҳақсиз ва биз ҳам сизни жуда яхши тушунамиз.

Бу китоб аниқ бир мақсад учун ёзилган – яъни сиз ва сиз каби бошқа инсонларга, айнан хоҳлаган нарсаларингизга эришишга ёрдам бериш нияти билан бу ишга қўл урилган. Аммо чиқишларингиз қанчалик оддий бўлмасин, сиз ўтган замоннинг энг машҳур нотиклари тажрибаларидан ва улар қўллаган баъзи бир усуллардан фойдалансангиз мақсадга мувофиқ бўларди.

## Нутк сўзлаш учун қандай тайёрланиш керак

Нутк сўзлаш борасида амалиёт ўтказишингиз учун қандай мавзулардан фойдаланмоқ лозим? Сизни кизиктирадиган ҳар қандай мавзудан, албатта! Барча инсонлар йўл қўядиган хатоларни сиз ҳам такрорламанг – кичик учрашувда кўплаб муаммоларни муҳокама қилишга уринманг! Бир мавзунинг бир ёки икки муаммосини олиб, уларни яхшилаб ёритишга ҳаракат қилинг. Агар сиз буларни қискагина нутқингизда амалга ошира олсангиз, жуда яхши бўлади.

Мавзуни олдиндан танланг, зеро уни муҳокама қилишга сизда етарлича вақт бўлсин. Уни етти кун ичида ўйлаб, етти тун ичида онгингизда саклаб келинг. Бу сиз ухламоқчи бўлишингиздан олдин ўйлаган энг сўнгги фикрингиз бўлсин. Бу ҳақда эрталаб, соқол олганингизда, ҳаммомдалигингизда, шаҳар марказига кетаётганингизда, лифт кутаётганингизда, тушлик пайтида, кийим дазмоллаб овқат тайёрлаётганингизда ўйлаб юринг. Бу мавзуни дўстларингиз билан муҳокама этинг. Шунингдек, мавзуни суҳбатнинг мақсади қилиб белгиланг.

Бу масала юзасидан ўзингизга турли хил саволлар беринг. Масалан, агар сизга ажрашиш ҳақида гапиришга тўғри келса, ўзингиздан унинг сабаби нимада, деб сўранг. Унинг иқтисодий-ижтимоий оқибатлари нимага олиб келади? Бу иллат билан қандай курашиш мумкин? Бир-бирини такрорлайдиган ажрашиш ҳақидаги қонунларимизнинг мавжудлиги лозимми? Нимага? Умуман олганда, ажрашиш тўғрисидаги қонунларнинг кераги борми? Ажрашишни баргараф этиш йўлларини кидирса бўладими? Ёки уни мураккаблаштириш керакдир? Балки енгиллаштириш зарурмикан?

Айтайлик сиз, нима учун нотиклик санъатини ўрганмоқчи эканлигингизни тушунтириб бермоқчисиз. Бу ҳолатда ўзингизга қуйидаги саволларни беришингиз лозим: Менинг кийинчиликларим нималардан иборат? Мен нимага эришмоқчиман? Оммавий чиқиш қилишимга тўғри келганми? Бу қачон бўлган? Қаерда? Бу қандай содир бўлган эди? Нима учун мен бу машғулотларни ишбилармон одам учун фойдали, деб ҳисоблайман? Ўзининг ижтимоий-сиёсий фаолиятида асосан ўзига бўлган ишонч, босиклик ва аниқ гапириш қобилияти орқали савдо ва сиёсат бобида юқори чўккиларга эришган қайси аёл ва эркакни биламан? Бу каби муҳим хусусиятларга эга бўлмаганлиги учун ҳеч қачон муваффақиятларга эришмайдиган одамларни-чи? Аниқлик билан саволларга жавоб беринг. Аммо бу инсонлар ҳақида уларнинг асл исмларини айтмай гапириб беринг.

Агар сиз ўрнингиздан туриб, аниқ фикрлаб, қатъий оҳангда икки-уч дақиқа гапира олсангиз, бу сизнинг биринчи чиқишларингиздан кутилган энг яхши ҳолат бўлади. «Мен нима учун нотиклик санъатини ўрганаман» каби мавзу жудаям осон ва кенг кўламдир. Агар сиз бир оз вақтингизни бу мавзуга доир манбаларни йиғишга ва саралашга кетказсангиз, сиз ҳеч нарсани эсингиздан чиқариб қўймаслигингизга ишонч ҳосил қиласиз, зеро сиз шахсий интилишингиз, кузатишларингиз ва тажрибангиз ҳақида гапирган бўласиз.

Тахмин қилайлик, сиз ўз машғулотларингиз ва касбингиз ҳақида гапирмоқчисиз. Бундай чиқиш учун қандай тайёргарлик кўрасиз? Сизда бу мавзуга доир материал тикилиб ётибди. Бунда сизнинг вазифангиз уларни яхшилаб саралаб ташкиллаштиришдан иборат бўлади. Уч дақиқа ичида уларнинг ҳаммасини гапириб беришга шошилманг. Бу бўлиши мумкин эмас. Нуткингиз жудаям умумий ва узук-юлук бўлиб қолади. Мавзунинг фақатгина бир муаммосини кўтариб чиқиб, уни муҳокама этишга

харакат қилиб кўринг. Масалан, аниқ бир вазифа билан қандай қилиб шуғуллана бошлаганингиз ёки бирор бир касбни танлаганингиз ҳақида гапириб беришингиз мумкин-ку? Бу касбни танлашингиз шунчаки тасодиф эдими ёки ўзингиз танлаганмисиз? Бошида учраган қийинчиликлар, муваффақиятсизликлар, умид ва ютуқларингиз ҳақида гапириб беринг. Сизнинг ҳикоянгиз инсоний кизиқишни уйғотсин, бу ўз ҳаётини тажрибангизга асосланган ҳақиқий санъат асари бўлсин. Ҳар қандай ҳаётнинг асл ҳикояси самимий ва ортиқча дабдабасиз гапириб берилса, кизиқиш билан тингланишига шубҳа йўқ. Бундай нутқ муваффақиятли чиқишига юз фоиз ишонингиз мумкин.

Ёки бўлмаса касбингизнинг бошқа бир бўлимини олинг: унинг қийинчиликлари нималардан иборат? Бу соҳадаги ўз фаолиятини бошлаётган янги ходимларга қандай маслаҳатлар бера оласиз?

Ёки бўлмаса сиз ҳаётда дуч келган яхши ва ёмон инсонлар ҳақида гапириб беринг. Ўз олдингизда турган мақсадлар тўғрисида сўзланг. Сизнинг касбингиз, бутун дунё соҳалари ичидаги энг кизиғи – инсонлар табиатини тушуниш борасида нималарни ўргатди? Агар сиз касбингизнинг техник жиҳатларини гапира бошласангиз, унда сизнинг ҳикоянгиз инсонлар учун умуман кизиқарсиз бўлиши мумкин. Аммо суҳбат инсонлар ёки шахслар ҳақида кетса, унда сизнинг ҳикоянгиз кизиқарли ўтишига кафолат бор.

Энг асосийси, ўз чиқишингизни – мавҳум даъватга айлантириб юборманг. Бу зерикишни келтириб чиқариши мумкин. Мисол учун, сизнинг нутқингиз қатлама пирог сингари аниқ мисоллар ва умумий фикрларга ёндашиб тайёрланган бўлсин. Аниқ воқеаларни кузатганингизни ва бу мисоллар орқали қай даражадаги умумий ҳақиқатларни тасдиқлаш мумкинлигини эслаб кўринг. Сиз аниқ мисоллар мавҳум нарсалардан кўра анча эса қоларли ва улар ҳақида

гапириш осонрок эканини билиб оласиз. Шунингдек, улар сизнинг нуткингизни янада ёркинрок ва ранг-баранг намоён этишади.

Бир ажойиб муаллиф ишга қандай ёндашганини кўриб чиқамиз. Б.Э.Форбснинг мақоласидан иқтибос келтираман, унда фирма раҳбарлари ўз ҳамкорларига вакиллик масъулиятини юклаши кераклигини исботлаб беради. Мисоллардаги турли хил инсонлар ҳаётига эътибор қаратинг.

«Кўпчилик ҳозирги йирик корхоналар илгари яқка шахс томонидан бошқарилган, аммо улардан кўпчилиги ҳозирги даражага эришишди. Сабаб: ҳар бир катта ташкилот «бир одамнинг узайтирилган сояси» бўлишига қарамай, уларнинг савдо ва саноат фаолияти шу даражада йириклашдики, ҳатто энг моҳир одам ҳам, бошқарувнинг барча тизимларини ўз қўлида ушлаб туришга ёрдам берадиган ишбилармон ҳамкорлар билан ишлашга мажбур бўлди».

Бир куни Вульворт менга ўз ишини кўп йиллар давомида ўзи бошқарганини айтган эди. Лекин охир-оқибат, у ўз соғлиғидан шикоят қилиб, ҳафталаб шифохоналарда ётгач; ишлар ўзи хоҳлаганича кетиши учун, раҳбарлик масъулиятини яна бошқалар билан бўлишишига тўғри келишини тушуниб етди.

Кўп йиллар давомида «Бетлехем стил» яқка одам бошқарадиган корпорациянинг бир шакли сифатида фаолият юритарди. Чарлз Шваб ҳамма нарсага киришиб кетарди. Аммо секин-аста Южин Ж. Грейс илгарилаб кетиб, пўлат бўйича энг яхши мутахассис бўлиб етишди, Шваб кейинчалик бир неча бор ошқора равишда бунга иқрор бўлганди.

«Истмен кодак» фирмасини дастлаб асосан Жорж Истмен бошқарар, аммо самарали ташкилотни яратиш учун унга донишмандлик етишмасди. Чикагодаги энг машҳур консерва ишлаб чиқариш фирмалари ҳам бошида ана

шундай ўзгаришларга дуч келишган. «Стандарт ойл» компанияси, тарқалган гап-сўзларга кўра, ташкилот ҳисобланмасди, бир шахс томонидан бошқариларди, шу пайтдан бошлаб йирик имкониятларга эга бўлди.

Ж. П. Морган йирик шахс бўлишига қарамай, яхши мутахассисларни танлаш ва улар билан вазифаларни бўлишиш тарафдори эди.

Савдо ташкилотлари орасида шундай виждонли бошқарувчилар ҳам борки, улар бир одамга асосланган бошқарувда туриб олиб ишни барбод қилишни ўзларига маъқул кўрадилар, аммо улар иташ-истамаслигига қарамасдан, барибир ўз фаолиятларини ва масъулиятларини бошқалар билан бўлишишларига тўғри келиб қолади.

Баъзи бир инсонлар ўз касблари ҳақида гапириб бериб, кечириб бўлмас хатога йўл қўйишади – улар фақат ўзларини қизиқтирган тарафларини гапириб бера бошлашади. Ахир нотик нафақат ўзи, балки бошқа тингловчилар учун ҳам ўз ишининг қизиқарли томонларини очиб бериши керак эмасми? У ўзгаларнинг қизиқишларини ҳам ҳисобга олиши зарур эмасми? Масалан, у ёнғинга қарши суғурта ишларини олиб борса, бизга ёнғиндан қандай қилиб сақланиш мумкинлигини айтиб бериши керак эмасми? Агар банк ходими бўлса, молия соҳасида ва пул маблағлари ҳақида бизга маслаҳат бериши керак эмасми? Агар нотик – умумдавлат хотин-қизлар ташкилотининг бошқарувчиси бўлса, аёлларга ҳаракатнинг қандай асосий шаклини ташкил этишларини мисоллар билан маҳаллий дастурлар бўйича ҳикоя қилиб бериши керак эмасми?

Тайёрланиш жараёнида тингловчиларни ўрганиб чиқинг. Тингловчиларнинг хоҳиш ва истаклари ҳақида ўйлаб кўринг. Бу баъзида муваффақиятнинг ярмини белгилаб беради.

Баъзи мавзуларни тайёрлаш чоғида шу мавзу юзасидаги маълумотларни ўқиб чиқиш, ва бошқаларнинг



фикрларини ўрганишни тпвсия этишади. Аммо ўз фикрларингизни жамлаб олмагунча ўқишни бошламанг. Бу жуда муҳимдир. Сўнгра оммавий кутубхонага йўл олинг ва кутубхоначига ўз талабларингизни билдилинг. Унга фалон мавзуда чиқиш қилмоқчи эканлигингизни айтинг. Ундан сизга ёрдам беришини очикдан-очик сўранг. Агар сиз тадқиқот ишлари билан шуғулланмаган бўлсангиз, сизга қандай ажойиб, қимматли манбаларни берганларидан хайратлансангиз керак. Бу ўша мавзуга доир катта бир китоб ёки жамоатчилик аҳамиятига молик иккала томоннинг баҳс-мунозара учун фикрлари жамланган тезислар бўлиши мумкин. Бу турли мавзуларни ёритувчи, вақт-вақти билан чоп этилиб туриладиган даврий матбуот – журналлардаги мақолалар, бизнинг асрда нашр этилган «Экспресс-ахборот альманахи», «Бутун жаҳон алманахи» каби даврий манбалар кўрсаткичи, қомуслар ва бошқа ўнлаб маълумотномалар бўлиши мумкин. Буларнинг барчаси устахонангиз қурол-аслаҳаларидир. Улардан фойдаланинг.

### **Захирадаги билимлар сири**

Бир куни Лютер Бербанк шундай деган эди: «Мен кўпинча миллионлаб ўсимликлар ўстирар эдим, уларнинг орасидан алоҳида хусусиятларга эга бир-иккитасини ажратиб олиб, қолган ёмонларини йўқотиб ташлардим». Оммавий чиқишни ҳам тахминан шундай руҳда тайёрлаш керак – шундай саралаб, қатъий танлаш билан ўстириш керак. Юзлаб фикрларни танлаб, улардан тўксонтасини ташлаб юборинг.

Ўзингиз ишлатишингиз мумкин бўлгандан кўра кўпроқ манба ва маълумот йиғинг. Буларнинг барчасини мустаҳкам ишонч ҳосил қилиш учун танлаб олинг. Буларнинг барчасини сизнинг онгингизга, кайфиятингизга ва бутун муомала маданиятингизга таъсир этиш учун

танлаб олинг. Бу тайёргарликнинг асосий ва муҳим қисмларидан биридир, шунга қарамай нотиклар оммавий чиқишларда бўлгани каби ўзаро суҳбатларида ҳам уларни чиқариб ташлашади.

«Мен маҳсулотларни сотиш билан шуғулланувчи юзлаб аёл ва эркак агентларни ўқитганман, – дейди Артур Данн. – Уларнинг кўпчилигида мен учратган энг асосий камчилик – бу ўз маҳсулотлари ҳақида билишлари керак бўлган маълумотларни яхши тушунмаслик ва бунинг оқибатида уларни сотишни билмасликларидир.

Кўпчилик савдо ходимлари менинг идорамга келиб, маҳсулот ҳақидаги маълумот ва уни сотаётганда харидорга нима дейиш кераклигини билиб олишлари биланок шу маҳсулотни сотишга тушадилар. Шундай ходимларнинг кўпчилиги бир ҳафтага ҳам етиб боришмади, энг асосийлари эса қирк саккиз соат ҳам ўз вазифаларида қола олмадилар. Озиқ-овқат маҳсулотларини сотиш бўйича мутахассисларни тайёрлаб ўқитиш чоғида, уларни у ёки бу маҳсулот мутахассиси сифатида тарбиялашга ҳаракат қилдим. Мен уларни АҚШ кишлоқ хўжалик вазирлиги томонидан озиқ-овқат маҳсулотларини ихтисослаштиришга бағишланган нашрларни ўрганишга мажбур этардим, буларда маҳсулотларнинг намлик даражаси, оксиллар, углевод, ёғлар ва бошқа фойдали моддалар миқдори кўрсатилади. Уларни ўзлари сотишлари керак бўлган маҳсулотлар қандай таркибий қисмлардан иборат эканлигини билишга мажбурлардим. Мен уларни бир неча кунлаб ўқишларига мажбурлаб, кейин имтиҳон қилардим. Мен уларни маҳсулотларини ўзга ходимларга сотишларига мажбур қилиб, харидор билан бўлган энг яхши муомала эгаларига мукофот эълон қилардим.

Мен маҳсулотларни ўрганишга тайёргарлик жараёнида ўзининг сабрсизлигини намойиш қилаётган одамларни ҳам кўп учратганман. Улар шундай дейишарди:

– Мен ҳеч қачон бу нарсалар ҳақида баққоллик дўкони сотувчисига гапиришга вақтим бўлмайди. У ҳамиша банд бўлади. Агар мен унга оқсил ва углеводлар ҳақида гапирсам, у мени эшитмайди, эшитса ҳам ҳеч нарсани тушунмайди.

Мен эса уларга шундай жавоб берардим:

– Сиз бу барча билимларни харидорингиз учун эмас, ўзингиз учун ўрганасиз. Агар сиз ўз махсулотларингиз ҳақида яхшилаб билимга эга бўлсангиз, сизда тасвирлаб бериш кийин бўлган бир хис пайдо бўлади. Сиз шундай яхшиликка ўз қалбингизни тўлдирасизки, ўзингизга нисбатан шундай ишонч ҳосил қиласизки, такрорланмас қобилятга эга бўлиб, мағлуб бўлишни ҳаёлига ҳам келтирмайдиган кучли одамга айланасиз».

«Стандард ойл» компаниясининг машҳур тарихчиларидан бири Ида Тарбелл хоним, бу китоб муаллифига, кўп йиллар аввал Парижда бўлган чоғида «Макклюрс мэгэзин» журнали асосчиси С.С. Макклюр унинг учун телеграф орқали Атлантикааро ўтказилган кабель ҳақидаги унча катта бўлмаган мақолага буюртма берганини айтиб берган. У Лондонга бориб, асосий кабелни ўтказувчи масъул билан суҳбатлашиб, бу вазифани бажариш учун керакли маълумотларни йиғади. Аммо унга бу маълумотлар кифоя қилмайди. Унга яна қўшимча маълумотлар керак бўлади, шунинг учун Британия музейидаги намоишга қўйилган барча кабелларни ўрганиб, кабеллар тарихи ҳақидаги китобни ўқийди; ҳатто Лондон чеккасида жойлашган саноат корхоналарига бориб, кабель ишлаб чиқариш жараёни билан танишиб чиқади.

У нима учун ишлатиши мумкин бўлганидан кўра ўн баравар кўпроқ маълумот йиғди? Бу унга қўшимча куч бағишлаши мумкин, деб ҳисобларди; у унга маълум бўлган, аммо мақолада келтирилмаган маълумотлар, у ёзмоқчи

бўлган кабель хақидаги мавзуга янада кўпроқ ранг-баранглик ва ишончни кўшишини англаб етган эди.

Рухшунос Эдвин Жеймс Кэтгэлл умумий ҳисобда ўттиз миллион киши олдида нутқ сўзлаган, лекин шунга қарамасдан, ҳар бир учрашувдан кейин эслаб ўтмаган қизиқарлироқ маълумотлар учун ўзини қойимаганида, унинг кейинги чиқишлари ҳеч нарсага арзимасди. Нега? Чунки у, катта тажрибага асосланиб, яхши нутққа эришиш учун нотик фойдаланиши мумкин бўлган маълумотларга қараганда бойроқ захирага эга бўлиш кераклигини англаб етди.

### *Хулоса*

1. Агар нотикнинг қалласи ва юрагида ҳақиқатдан ҳам ғоя бўлса, ички эҳтиёжнинг ўзи гапира бошлайди, у муваффақиятга буткул ишониши мумкин. Яхши тайёрланган нутқ – бу ўқилган ўнта маърузанинг ўнтасига тенгдир.

2. Нутқ сўзлашга тайёргарлик кўриш нима дегани? Бир парча қоғозга беихтиёр равишда бир неча сўзни ёзишми? Ёзилган жумлаларни ёдлаб олишми? Йўқ, ундай эмас. Асл тайёргарлик, ўзидан бирор-бир нарсани суғуриб олиш, ўз фикрларини танлаб, уларни саралаш, ўзи ишонч ҳосил қилганларини шакллантиришдан иборатдир. Масалан: нью-йорклик жаноб Жексон «Форбс мэгэзин» журналидаги мақоладан ўзгаларнинг фикрини ўзлаштиргани учун уятга қолди. У бу мақолани ўз нутқи учун асос сифатида фойдаланиб, ўз мулоҳазаларини ўз ҳаётдан олинган мисоллар билан бойитганидан кейин унинг чиқиши муваффақиятли чиқди.

3. Ҳеч қачон нутқингизни чиқишингиздан ўттиз дақиқа олдин тайёрлашга ҳаракат қилманг. Нутқни буюртма қилинган пирог сингари пишириб бўлмайди. Нутқ астойдил

тайёрланиши, етилтириб пиширилиши керак. Мавзуни ҳафта бошида танлаб олинг, уни бўш вақтингизда ўйлаб юринг, у ҳақда кечаю кундуз унутманг. Уни дўстларингиз билан муҳокама қилинг. Уни суҳбат мавзусига айлантиринг. Бу мавзу юзасидан ўзингизга турли хил саволлар беринг. Ақлингизга келган ўз фикрларингиз ва мисолларингизни турли хил қоғоз бўлақларига ёзиб юринг. Ғоялар, фикрлар, мисоллар сизнинг онгингизга турли хил вазиятда келиши мумкин – ҳаммомдалигингизда, шаҳар марказига кетаётганингизда, сизга тушлик олиб келишларини кутаётганингизда. Линкольннинг усули ана шундан иборат эди. Бу усулдан жуда кўплаб машҳур нотиклар фойдаланишган.

4. Масалани ўзингиз обдон ўйлаб олганингиздан кейин, кутубхонага бориб, бу мавзуга доир манбаларни кўриб чикинг – албатта, агар вақтингиз етарли бўлса. Кутубхоначига сизга нима кераклигини айтинг. У сизга катта ёрдам бериши мумкин.

5. Ўзингиз фойдаланишингиз мумкин бўлганидан кўра кўпроқ ахборот йиғинг. Лютер Бербанкка тақлид қилинг. У кўпинча миллионлаб ўсимлик навини ўстирар, аммо энг ноёб сифатларга эга бир-икки донасинигина сақлаб қоларди. Юзлаб фикрларни йиғинг, аммо улардан тўқсонтасидан воз кечинг.

6. Ўзингизга захирадаги билимларни яратинг, яъни ишлатишингиз мумкин бўлганидан кўра кўпроқ маълумотларни йиғинг, ахборотлар ҳажмини янада кенгайтиринг. Нутк ўқишга тайёргарлик кўраётганингизда, савдо агентларини озиқ-овқат маҳсулотларини сотишга ўргатган Артур Данн, шунингдек, Атлантикааро ўтказилган кабель тўғрисидаги мақолани тайёрлаган Ида Тарбелл кўллаган усуллардан фойдаланинг.

## МАШҲУР НОТИҚЛАР ЎЗ ЧИҚИШЛАРИГА ҚАНДАЙ ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШГАН

Бир куни мен Нью-Йоркдаги «Ротари» клубида уюштирилган нонуштада иштирок этган эдим. Зиёфатнинг асосий нотиғи кўзга кўринган давлат арбоби эди. У эгаллаб турган юкори мансаб нуфузини оширган, шунинг учун биз унинг бўлажак нуткидан туядиган коникишни олдиндан ҳис этиб, ҳузурланардик. У ўзининг ташкилоти ҳақида гапиришга сўз берганди, бу эса ҳар қандай нью-йорклик ишбилармонни қизиқтириши табиий эди.

Нотик ўз фанини гапириши керак бўлганидан ҳам ортиқроқ яхши билар эди, аммо у ўз нуткини етарлича тайёрламай, керакли маълумотларни танлаб олмаган, тартибга солмаганди. Шунга карамай, тажрибасиз одамларга хос қатъийлик ва ирода билан нутқ сўзлаш жангига киришиб кетди. У қаерга кетаётганини билмас, аммо тўғридан-тўғри бостириб бораверарди.

Хуллас, калласидаги фикрлари аралаш-қуралаш бўлиб қалашиб ётар, шундай бўлса-да, бизни нима биландир меҳмон қилишга киришгандек эди. У ишни музқаймоқ тортишдан бошлади, кейин шўрва олиб келди, сўнг балик ва ёнғоқлар, охирида эса шўрвага аралашган нимадир, яна музқаймоқ ва дудланган селёдка келтирди. Мен ҳеч қачон, ҳеч қаерда бу каби ўзини йўқотиб қўйган нотикни кўрмаган эдим.

Аввал у вазиятдан чиқиш учун ҳаракат қилди, аммо тушқунликка тушиб чўнтагидан бир сиким қоғоз чиқариб, бу ёзувларни котибаси тайёрлаганини тан олишга мажбур бўлди. Очиғини айтганда, вазият айни мана шундай эди. Аммо бу ёзувларда аниқлик, бир текислик йўқ эди. У асабий ҳолда ёзувларни қайта кўрар, тушунишга ҳаракат қилиб

вазиятдан чиқишга уринар эди; ўзини бу ёзувларни тушунгандек кўрсатса ҳам, охирида барибир натижа чикмас эди. У узр айтиб, бир қадах сув сўради, калтираган кўллари билан қадахни олиб бир-икки оғиз бир-бирига боғланмаган гапларни сўзлади-да, яна адашаётганини англаб кайтадан қоғозларни тита бошлади... Дакиқалар ўтгани сайин у кучсиз бўлиб борар ва тушкунликка тушар эди. Ҳар гал тер босган пешонасини артганида кўллари калтираб кетар эди. Барчамиз нотикнинг мағлубиятини кўриб, раҳмимиз келиб, унга қайгуриб турар эдик. Шунингдек, биз ҳам нима қилишни билмай қолгандик. Аммо нотик қайсарлик билан нутқини давом эттирарди. У вазиятдан чиқишга ҳаракат қилар, қоғозларни титар, узр сўраб сув ичар эди. Ундан бошқа ҳамма, бунинг натижаси мағлубиятга олиб келишини сезиб турарди ва ниҳоят, тўхтовсиз ҳаракатлардан сўнг жойига ўтирганида, одамлар енгиллик сезишди. Мен ҳеч қачон бу каби нокулайлик сезган тингловчиларни ва уят ҳамда ўзининг ерга урилганлигини ҳис қилган нотикни кўрмаган эдим. У худди Руссо айтганидек, нутқини ишқий мактубларни ўқигандек сўзлади: нима гапириши кераклигини билмаган ҳолда бошлаб, ўзи нима ёзганлигини тушунмай яқунлади.

Герберт Спенсернинг сўзлари билан айтганда, бу ҳикоянинг мазмуни шундан иборат эди: «Агар инсоннинг билимлари бир йўналишга солинмаса, у қанчалик кўп билимга эга бўлмасин, фикрлари ҳам шунчалик чувалашиб кетади».

Ҳар қандай теран фикрли инсон кўлида лойиха чизмалари бўлмай туриб уй қуришни бошламайди. Кўлида тахминий режа ва маълумотлар бўлмаган нотик нутқ ёзишни қандай бошлаши мумкин?

Оммага нутқ сўзлаш – бу худди аниқ бир мақсадга асосланган саёхат кабидир, шунинг учун йўналиш аввалдан харитага туширилган бўлиши керак. Қаерга боришини бил-

маган одам, одатда ўзи билмаган жойларга келиб қолиши мумкин.

Мен нотиклик санъатини ўрганувчи инсонлар йиғиладиган хоналарнинг эшигига катталиги бир футдан кам бўлмаган ёрқин харфлар билан Наполеоннинг куйидаги сўзлари ёзиб қўйилишини хоҳлар эдим. «Жанг санъати — бу аввалдан ҳисоб-китоб қилиниб, аниқ режалаштирилмасе ҳеч нарсага эришиб бўлмайдиган фан».

Бу уруш ҳаракатларидан кам бўлмаган оммавий чиқишларга ҳам тааллуқлидир. Аммо нотиклар бу ҳолни тушунишадими? Тушунишса ҳар доим шунга асосланиб ҳаракат қилишадими? Кўпчилик чиқишларда на тизим ва на тартиб бор, улар худди ирланд жарқоли солинган косага қараганда ҳам хароброк аҳволда.

Қандай қилиб аниқ фикрлар йиғиндисини самарали тарзда тартибга келтириш мумкин? Улар билан танишиб чиқмасдан бу ҳақда ҳеч ким бир нарса деёлмайди. Бу муаммо ҳаммаша янгилигича қолаверади; бу ҳар бир нотик ўзига савол тарзида бериши ва унга қайта-қайта жавоб қайтариши керак бўлган абадий масаладир. Қандайдир бенуксон қоидаларни тақлиф этиш шарт эмас, аммо шунга қарамай, биз тартибга солиш, деганда нимани тушунишимизни бу ерда аниқ мисоллар билан кўрсатиб беришимиз мумкин.

### **Муқофот олган нутқ қандай тузилган эди**

Қуйида кўп йиллар олдин Кўчмас мулк биржаси Миллий ассоциацияси йиғилишида сўзланган нутқ матни келтирилмоқда. Бу нутқ турли шаҳарларда сўзланган 27 та ҳар хил нутқлар беллашувида биринчи ўринни олган эди, балки ҳозирги кунда ҳам у муқофотга лойиқ саналар. Ушбу нутқ асосли манбалар билан тўлдирилиб, аниқ, лўнда ва



кизикарли тузилган. Унда қалб садоси мавжуд ва ўта жўшқин. Мазкур нутқ ўқиш ва ўрганишга арзийди.

«Жаноб раис, дўстлар!

144 йил аввал менинг она шахрим – Филадельфияда буюк мамлакат Америка Қўшма Штатларининг тамал тоши қўйилган эди, табиийки, бундай тарихий ўтмишга эга шаҳар мамлакатимизнинг энг йирик саноат ҳудуди бўлибгина қолмай, дунёдаги энг улкан ва энг чиройли шаҳарлардан бири сифатида америкаликларнинг кучли руҳиятини намойиш этди.

Филадельфия аҳолиси тахминан 2 000 000 кишидан иборат; шаҳар ҳудуди Милуоки ва Бостон, Париж ва Берлин шаҳарларининг умумий майдонига тенг. Аҳолининг ҳордик чиқариши ва кўнгилхушлик қилиши, ҳар бир хурматга лойик америкалик шундай атроф-муҳитга эга бўлиши учун 130 кв мильдан иборат ҳудудимиздан тахминан 8 минг акрга яқин энг яхши ерни томошабоғлар, гўзал боғ ва хиёбонлар учун ажратдик.

Дўстлар! Филадельфия – бу нафақат катта, тоза ва чиройли шаҳар; балки у бутун оламга йирик устахона сифатида маълумдир, уни бундай аташларига сабаб биз 9 200 саноат корхоналарига жалб этилган 400 000 лик йирик қўшинга эгамиз; иш кунининг ҳар 10 дақиқасида 100 000 га баҳоланадиган фойдали маҳсулотларни ишлаб чиқаришади. Машхур бир статистнинг сўзларига кўра, мамлакатимизда жун, тери, трикотаж ва тўқимачилик маҳсулотлари, фетр (аъло нав юпка наматсимон мато) калпоқлари, темир-терсак буюмлари, асбоб-ускуналар, аккумуляторлар, пўлат кемалар ва маҳсулотларнинг кўплаб бошка турларини ишлаб чиқаришда Филадельфия билан тенг келадиган шаҳар йўқ. Биз ҳар икки соатда, эртаю кеч паровозлар ишлаб чиқарамиз ва мамлакатимизнинг ярмидан кўп аҳолиси Филадельфияда тайёрланган трамвайларда катнашади. Биз бир дақиқада мингта сигара ишлаб чиқарамиз; ўтган йили бизнинг 115 та трикотаж фабрикамизда мамлакатимизнинг ҳар бир эркак, аёл ва ёш боласи учун икки

жуфтдан пайпок ишлаб чиқарилди. Биз Буюк Британия ва Ирландияни кўшиб ҳисоблаганда ҳам улардан кўпроқ гилам тўқиб чиқарамиз, савдо-сотик ва саноатдаги фаолиятимизнинг умумий масштаби шу даражада йирикки, банкларимизнинг ўтган йилги ҳисоби 37 миллиард долларни ташкил этди; бу маблағ билан эса мамлакатимизда мавжуд «Озодлик» заём қоғозларини бемалол сотиб олиш мумкин бўлади.

Аммо, дўстлар, саноат соҳасидаги хайратланарли муваффақиятимиз, йирик тиббиёт, санъат ва таълим марказларидан бири сифатида шаҳримиздан фахрланишимиз билан бир қаторда Филадельфияда дунёнинг бошқа шаҳарларига қараганда асл хусусий уйларнинг кўплиги жиҳатидан ҳам ғурурлансак арзийди. Филадельфияда 397 000 та уйга эгамиз, агар бу уйларни 25 футлик ҳовлилар билан бир қаторга қўйсак, бу қатор Филадельфиядан биз турган Канзас-Сити мажлислар зали орқали Денвергача, яъни 1881 милга чўзилиб кетиши мумкин.

Аммо сизнинг эътиборингизни бир муҳим далилга қаратмоқчиман, бу 10 минглаб уйлар шаҳарда меҳнат қилаётган ва яшаётган инсонларга тегишли бўлиб, ўз уйи ва бошпанасига эга инсонга ҳеч бир сиёсий касаллик хавф солмаслигини алоҳида таъкидламоқчиман.

Филадельфия Европа анархияси учун мослашмаган, чунки уйларимиз, ўқув масканларимиз ва йирик саноатимиз шаҳримизда туғилиб, асрлардан ўтиб аждодлар мероси бўлиб хизмат қилаётган асл америка руҳияти билан тўйингандир. Филадельфия – бу буюк мамлакатимизнинг она замини, америка озодлигининг бешиги. Мамлакатимизнинг энг биринчи байроғи тайёрланган; Қўшма Штатларнинг биринчи конгресси шу шаҳарда мажлис ўтказган; Мустақиллик Декларациясига имзо қўйилган; Американинг энг муқаддас Озодлик бонги минглаб эркак, аёл ва болаларни руҳлантирган шаҳардир бу. Шунинг учун, ўзимизни олтин бузоқчага бош эгиш эмас, балки америкача

руҳиятни тарқатишда ва озодлик машъаласини сақлаб қолиш каби улуғ вазифани бажаришда масъул ҳисоблашимиз лозимки, токи Яратганнинг иродаси билан, Вашингтон, Линкольн ва Теодор Рузвельт ҳокимияти бутун инсониятни руҳлантирсин».

Келинг, бу нутқни таҳлил қилиб чиқамиз. Унинг қандай тузилганлиги ва нимага асосланган ҳолда таассурот уйғотишини кўрайлик. Аввало бу матнда гапнинг бошланиши ва тугалланиши бор. Бу муваффақиятли нуқта сиз ўйлагандан ҳам камроқ учрайди. У бошланиши билан худди бир гала ғозлар сингари тўхтамай фақат олдинга интилмақда. Унда ортиқча Сўзлар бўлмагани учун нотик вақтини бекорга кетказмайди.

Унда янгилик ва яқдиллик бор. Нотик ўзининг шаҳри ҳақида бошқа нотиклар ўз шаҳарлари ҳақида гапира олмайдиган далиллар келтира бошлайди; у ўзининг шаҳри бутун мамлакатнинг бешиги эканлигига шаъма қилади.

У дунёдаги энг йирик ва чиройли шаҳарлардан бири эканлигини айтади. Аммо бу таъкид умумий гапдек бўлиб, ўта бачкана туюлиши мумкин. Кўриниб турибдики, бу ўзгача таассурот уйғотмаслиги аниқ. Нотик буни яхши тушуниб ўз тингловчиларига, Филадельфия худуди «Милуоки, Бостон, Париж ва Берлин шаҳарларининг умумий майдонига тенг», дея аниқ маълумот беради. Бу ўзгача бир аниқлик киритиш эди. Бу ўта кизик. Бу тингловчини жалб қилади. Бу эса коларли. Бу фикр бутун бошли статистик маълумотлар тўла варақдан кўра инсон онгига тезроқ етиб боради.

Шундан сўнг нотик Филадельфияни «бутун дунёга машҳур устахона» дея таништиради. Бу сал бўрттирилгандек эшитилади, шундай эмасми? Ҳатто ташвиқотга ўхшайди. Агар у зудлик билан кўйинги бўлимга ўтганида, ҳеч кимни ишонтира олмаган бўлар эди. Аммо у бундай йўл тутмади. У ишлаб чиқариш бўйича Филадельфия дунёда би-

ринчи ўринда турувчи маҳсулотларини санаб бера бошлади. Бу тери, жун, трикотаж ва тўкимачилик маҳсулотлари, фетр шляпалари, темир-терсак буюмлари, ускуна, аккумулятор ва пўлат кемалар эди.

Бу энди тарғиботга унча ўхшамайди, шундай эмасми?

«Ҳар икки соатда, эртаю-кеч паровоз ишлаб чиқарамиз, буюк мамлакатимизнинг ярмидан кўп аҳолиси Филадельфияда тайёрланган трамвайларда юришади».

«Мен буни ҳатто билмаган эдим, – деб ўйлайди тингловчи. – Балки мен ҳам ана шундай трамвайда келган-дирман. Эртагаёк менинг шаҳрим трамвай вагонларини каердан сотиб олишини кўриб, билиб олмоқ керак».

«Бир дақиқасига мингта сигара, – дея давом эттиради нотик. – ...Мамлакатимизнинг ҳар бир эркак-аёл ва ёш боласи учун 2 жуфт пайпок маҳсулотлари».

Бу янада кўпроқ таассурот уйғотади. «Балки менинг севимли сигараларим ҳам... оёғимдаги пайпоқларим ҳам Филадельфияда ишлаб чиқарилар?..»

Энди нотик қандай йўл тутади? Юқорида тилга олинган Филадельфия кенгликлари масаласига қайтиб, ўзи эсдан чиқарган маълумотларни келтиришни лозим топдимикан? Бир мавзунини бошласа, уни тугатмагунча гапираверади, бошқа пайт бу масалага қайтиб ўтиришга ҳожат қолмайди. Шунинг учун ҳам биз сизга ўз миннатдорчилигимизни билдирамиз, жаноб нотик! Зеро, нутқ сўзлаётган инсон бир саволдан иккинчисига сакраб, кейин яна ўша саволга худди қоронғуда учаётган кўршапалакка ўхшаб ўтаверса, тингловчи фикрларини йўқотиб қўйиши мумкин. Аммо кўпчилик нотиклар шу тарзда нутқ сўзлайдилар. Масалани аниқлик ва тартиб билан 1, 2, 3, 4, 5 шаклида ёритишнинг ўрнига, худди футбол командаси мураббийсига ўхшаб 27, 34, 19, 2 каби рақамдаги футболчиларни бақириб қақирган каби йўл тутишади. Йўқ, ҳатто бундан ҳам

ёмонрок. Уларнинг нутк сўзлашлари одатда куйидаги шаклда бўлади: 27, 34, 27, 19, 2, 34, 19.

Бизнинг нотик тўхтамасдан, ортга қайтмасдан, ўнг ва сўлга бокмасдан, худди ўзи айтган паровозлар сингари факат олдинга караб юради.

Аммо ана энди у ўз нуткининг энг нозик қисмига етиб келди: «Феладельфия, – дейди у, – бизнинг мамлакатимиздаги таълим, санъат ва тиббиётнинг энг йирик марказларидан бири ҳисобланади». У бу ҳақда факатгина икки оғиз тўхталиб, шу заҳотиёк бошқа масалага ўтиб кетади. Факатгина 12 та сўз бу далилни янада ёркинрок, инсон онгида мустаҳкам қолиши учун ишлатилган. Бу умуман ва сўзсиз ярамайди. Инсон онги темир қопқон сингари ҳаракат қилмайди. Нотик бу масалага шунчалик кам вақт ажратиб, умумий ва ноаниқ гапирган эдики, ҳатто ўзи бунга кизикмай тингловчига қаратилган эътибори нолга тушиб кетди. У нима қилиши керак эди? У худди юкорида Филадельфияни бутун дунё устахонаси дея таърифлагандек ҳаракат қилишини тушунар эди. У буни билар эди. Аммо у мусобақа кетаётганлигини жуда яхши билар ва ҳисобида 5 дақиқадан ортик вақт йўқлигини тушунарди. Шунинг учун бу масалани ёпиб кетишдан бошқа иложи йўқ эди.

Филадельфияда «дунёнинг бошқа шаҳарларидан кўра кўпроқ шахсий ховлилар бор». Нотик қандай қилиб бу гапни ўқувчиларга таъсир эттира олди? Аввало, у ракамларни келтирди: 397 000. Иккинчидан, у бу ракамларга кўрк бера олди: «Агар бу уйларни бир қаторга, 25 футлик майдонларга қўйиб чиқилса, унда бу қатор Филадельфиядан биз турган ер Канзас-Ситидаги мажлислар зали орқали Денвергача, яъни 1881 милга чўзилиб кетади».

Тингловчилар айтилган ракамни у гапини тугатгунича эсларидан чиқарган бўлишлари мумкин. Аммо улар кўз олдидарига келтирган ҳолатни эсдан чиқарганмиканлар? Бу бўлиши мумкин эмас.

Мана, совуққон, моддий даллиллардан қандай фойдаланиш керак. Лекин фақат улар билангина нотиклик санъати гуллаб-яшнамайди. Бу нотик руҳиятни кўтармоқчи, калбларга илик хис-туйғуларни киритмоқчи эди. Ва ниҳоят, охирида у хиссиётларни асир этувчи масалаларга ўтиб кетди. У шахсий уйларга эга бўлиш бу шаҳар аҳолиси учун нимани англатишини айта бошлади. У Филадельфияни «Америка озодлигининг асл бешиги» деб атади. Озодлик! Бу сеҳрли сўз учун миллионлаб инсонлар ўз жонини қурбон қилган. Бу гап шу ҳолатида яхшидир, аммо унга аниқ тарихий хотиралар, тингловчининг калбига ҳаяжон солувчи маълумотлар қўшилганида яна минг маротаба таъсирироқ чиқади...

«Бу шаҳарда биринчи Америка байроғи тайёрланган; Америка Қўшма Штатларининг биринчи конгресси мажлис ўтказган; Мустақиллик Декларацияси имзоланган... Озодлик бонги... руҳлантирган.. муқаддас миссия... биз америкача руҳиятни тарқатишда ва озодлик машъаласини сақлаб қолиш каби улуг вазифани бажаришда масъул ҳисоблашимиз лозимки, токи Яратганнинг иродаси билан, Вашингтон, Линкольн ва Теодор Рузвельт ҳокимияти бутун инсониятни руҳлантирсин». Бу нутқнинг энг юқори нуктасидир!

Хуллас, нутқнинг тузилиши шулардан иборат эди. Аммо бу нутқ композицион нуктаи назардан қанчалик яхши бўлмасин, босиқлик билан гапирилмаса ва умуман, ланж ҳолатда, ҳеч бир ҳиссиётсиз сўзланса, муваффақиятсиз чиқиши, ҳеч қандай таъсир уйғотмаслиги мумкин эди. Аммо нотик, уни қандай тузган бўлса, яъни ҳиссиёт, юқори руҳ ва самимийлик билан гапириб берди. Шунинг учун унга биринчи ўрин ва Чикаго кубогининг берилишига ҳайрон қолмасак ҳам бўлади.

## Доктор Конуэлл ўз нутқларини кай тарзда тузган

Юқорида айтиб ўтганимдек, нутқни яхши шакллан-тириш масалаларини ҳал қилувчи хатосиз қоидалар мавжуд эмас. Турли хил нутқлар ёки уларнинг кўпчилигига тўғри келувчи чизмалар, йўналиш ёки маслаҳатлар бўлмайди. Аммо баъзи бир ҳолатларда қўлланилиши мумкин бўлган чиқишларнинг режаларини келтирамиз. Ҳозирда орамизда бўлмаган Рассел Х.Конуэлл, машҳур «Олмос акрлари» китобининг муаллифи, бир қуни менга, ўзининг кўплаб чиқишларини қуйидаги принципга асосланиб тузганини айтган эди:

1. Далилларни келтириш.
2. Улардан келиб чиқадиган тасаввурларни кўрсатиб бериш.
3. Ҳаракатга ундаш.

Кўпчилик эса қуйидаги режани яхшироқ ва тўғрироқ деб ҳисоблашади:

1. Бир нечта ёмон ҳолатларни намойиш этиш.
2. Бу иллатни тузатиш йўллари кўрсатиш.
3. Ҳамкорлик қилишни сўраш.

Ёки бўлмаса буни бошқача тасвирлаш мумкин:

1. Масалан, вазиятни ўзгартириш режаси.
2. Бунинг учун биз у ишни ёки бу ишни қилишимиз керак.
3. Сиз бизга у ёки бу сабабга кўра ёрдам беришингиз керак.

Нутқнинг бошқача режасини ҳам таклиф этиш мумкин:

1. Қизиқиш ва эътиборга эришиш.
2. Ишончга эришиш.
3. Далилларингизни келтириб, тингловчиларга такли-фингиз афзалликларини тушунтириб бериш.
4. Инсонларни ҳаракат қилишга ундовчи ишонарли асосларни келтириш.

### **Машҳур кишилар ўз нутқларини қандай тайёрлашган**

Собик сенатор Альберт Ж. Бевериж унча катта бўлмаган, лекин керакли «Омма олдида гапириш санъати» номли китобини ёзган эди. «Нотик гапиришдан аввал аниқ бир мавзуга эга бўлиши керак, – дея ёзади хизмат кўрсатган сиёсий арбоб. – Бу эса, барча далиллар йиғилган, тизимланган, ўрганилган, бунинг устига нафақат бир тарафлама, балки ҳар тарафлама пухта тузилган бўлиши керак дегани. Буларнинг барчаси тахмин ёки исботланмаган фикрлар эмас, балки ҳақиқатан ҳам далил эканлигига ишонч ҳосил қилиш керак. Барча маълумотларга тўлиқ ишонаверманг.

Шунинг учун барча маълумотларни текшириб аниқлаб олиш керак. Бу шак-шубҳасиз, аниқ изланиш кераклигини билдиради, хўш, бундан нима фойда? Ахир сиз ўз ҳам-юртларингизга ўргатиб, маслаҳат бериб, уларни бирор нарсадан хабардор қилмоқчи эмасмисиз? Ҳурматга сазовор бўлишни истамайсизми?

У ёки бу масала юзасидан далилларни йиғиб, қандай фикрга келганингизни аниқ белгилаб олинг. Шунда сизнинг нутқингиз ноёб ҳисобланиб ўз таъсир кучига эга, тезкор ва ўта тушунарли бўлади. Унда сизнинг шахсингиз акс эта бошлайди. Шундан сўнг ўз фикрларингизни ёзма ҳолатда, иложи борича аниқ ва мантикий тарзда ифодаланг».



Бошқача айтганда, таассуротларни турли ҳолларда акс эттирувчи далилларни танланг, шундан сўнг бу асосларни аниқ қилиб кўрсатувчи хулосани топинг.

Вудро Вильсондан нутк усуллари ҳақида гапириб беришини сўрашганида, у шундай жавоб берган эди:

– Мен ёритмоқчи бўлган масалаларни бирма-бир санаб чиқишдан бошлайман, уларнинг бир-бирига боғлиқлигини кўриб чиқаман, шу тарзда нуткнинг скелети пайдо бўлади. Сўнг нуткимни стенография тарзида тез ёзиб чиқаман. Ҳамиша шундай ёзиб олишга одатланганман, зеро бу кўп вақтни тежаб қолишга ёрдам беради. Шундан сўнг гапларнинг ўрнини алмаштириб, имло хатоларини тузатиб, иш давомида бошқа манбаларни ҳам кўшиб ўзим машинкада қайта ёзиб чиқаман.

Теодор Рузвельт ўз чиқишларини ўзига хос, рузвельтона характерга асосан тайёрлаган: барча далилларни танлаб олиб ўрганар, баҳолар, уларнинг аҳамиятини аниқлаб, хулоса чиқарарди – буларнинг барчасини ўзига хос катъиятлик, ўзига бўлган ишонч билан амалга оширарди.

Шундан сўнг қайдлар ёзилган ён дафтарчасини олиб, ичидаги ёзувларини катъиятлик, ғайрат ва ҳаётийлик билан тез айтиб ёздирарди. Кейин машинкада босилган матнни ўқиб, уни қайта кўрар, қўшимчалар қилар, қалам билан анча-мунча ўзгартишлар киритиб яна қайтадан айтиб ёздирарди. «Оғир меҳнат, пухта тайёргарлик, давомли қўшимча ишлаш ва бор имкониятимни ишга солмагунча, мен ҳеч қачон ҳеч нарсага эришмаганман», дерди у.

Кўпинча танкидчиларни ўз нутқларини тинглаш учун чақирар ёки бўлмаса шунчаки уларга ўқиб берар эди. Аммо у ўз нутқларининг қанчалик тўғрилигини улар билан муҳокама қилишдан бош тортарди. Бу вақтга келиб унинг бир тўхтамага келгани аниқ белгилаб олинган бўларди. У нимани гапириш кераклигини эмас, балки буни қандай

айтиш лозимлиги ҳақида маслаҳат сўрар эди. У босилган варақларни қайта-қайта ўқир ва қўшимчалар киритар эди. Албатта, у уларни ёдлаб олмасди. Чикиш қилганида у ҳамиша вазиятга қараб йўл топарди, шунинг учун унинг оғзаки чикишлари кўп ҳолларда эълон қилинган ва таҳрирдан ўтган нутқларидан бир оз фарк қилар эди. Аммо тақрорлаш ва қайта ишлаб чиқиш жудаям яхши тайёргарлик эди. Шунинг учун маълумотларни яхши ўзлаштирар ва масалани ёритиб беришнинг кетма-кетлигини аниқ белгилаб олар эди. Бу унинг чикишларига янада аниқлик, сайқал бериб ўзига ишончни сингдирар эди, бундай натижага бошқа йўл билан эришишни тасаввур қилмаса ҳам бўлади.

Англиялик физик, жаноб Оливер Лож ўз маърузалари матнини айтиб ёздирганда, (аввал бошида асосий тезисларни айтиб, охирида тингловчиларга етказмоқчи бўлган фикрларни шакллантирган ҳолда) тайёргарлик ва машқнинг яхши бир усулини ихтиро қилганини гапирган эди.

Нотиклик санъатини ўрганаётган аксарият кишилар ўз чикишларини намуна тарзида магнитофон тасмасига ёзиб олишни ва уни эшитиб чикишни тайёргарликнинг бир усули дея билишади. Наъмуна тарзида? Ҳа албатта, аммо кўркаманки, баъзида ўз чикишларингизни тасма орқали эшитиб кўриш, сизда ўзингизга нисбатан умидсизлик уйғотиши мумкин. Аммо шунга қарамасдан бу фойдали машғулот бўлиб, мен бунга сизларга тавсия этаман.

Сўзламоқчи бўлган нутқингизни олдиндан ёзиб олиш сизни ўйлашга мажбур қилади. Бу фикрларингизга аниқлик киритиб, уларни хотирангизда ушлаб туради ва сўз бойлигингизни оширади.

Бенжамин Франклин ўз «Автобиография»сида сўз бойлигини қандай оширгани, сўзларни танлашда осонликка эришгани ва фикрларини жамлашни ўрганганини ёзади. Унинг ўз ҳаётини ифода этиши – классик адабиёт намуна-сидир, аммо барча классик адабиёт ижодкорларига қарши

холда бу ижод намунаси осонликча ва катта қизиқиш билан ўкилади. Уни инглиз тилининг содда ва аниқ намунаси сифатида кўриш мумкин. Келажакда нотик ёки адабиётчи бўлишни истаган ҳар бир инсон унинг асарини маза қилиб ўқийди. Ҳайлайманки, мен қуйида келтираётган шу асардан олинган бир парча сизларга ёқади:

«Тахминан шу вақтлар, «Зритель»<sup>1</sup> (Томошабин)нинг тўла бўлмаган жилди кўлимга тушиб колди. Бу учинчи жилди эди. Бундан олдин улардан ҳали бирортасини ҳам кўрмаган эдим. Мен уни сотиб олиб, кўп маротаба қайта-қайта ўқиб чиқдим ва жудаям каттик таъсирландим. Тили менга жудаям ноёб туюлиб, унга ўзимча таклид қилмоқчи бўлдим. Шу мақсадда айрим очеркларнинг маъносини қисқача ёзиб чиқдим, шундан сўнг бир неча кун ўтиб уларни яна кўлимга олдим ва китобга қарамай матнни тиклашга ҳаракат қилдим, мен учун ўринли туюлган тасвирлардан қочиб, худди аслидагидек ҳар бир фикрни тўла ва атрофлича баён этдим. Шундан сўнг ўзимнинг «Зритель»имни асл нусха билан солиштириб, ундаги бир неча хатоларни топдим ва тузатдим. Аммо менга сўз бойлиги етишмас ёки уларни тўғри ишлата олмаётгандек бўлардим; менимча, охириги тахминимга, агар шеър ёзишни давом эттирсам эриша оламан, деб ўйладим; чунки қофия учун тўғри келадиган турли ўлчамдаги ёки жарангловчи бир хил маънони берувчи сўзларни тўхтовсиз излаш билан ранг-барангликка эришишим мумкин эди, бундан ташқари турли-туман сўзлар онгимда мустаҳкам ўрнашиб, мен уларга ҳўжайини бўлиб қолардим. Шунда мен «Зритель»да чоп этилган бир-икки воқеани шеър сифатида қайта ёзиб чиқдим; уларнинг асл насрий баёнини унутганимдан сўнг эса яна қайтадан прозага айлантира бошладим.

---

<sup>1</sup> «Зритель» (The Spectator) – Эрта уйғонинг даври Англиянинг машҳур журналистлари Ж.Алддисон ва Р.Стилнинг ахлоқий-сатирик журнали. 1711 йил март ойидан 1712 йил декабригача нашр этилган.

Баъзида ўзимнинг битикларимни тўзитиб юборар эдим ва бир неча ҳафтадан сўнг сўнгги сўзларимни киритиб очеркни тугатишдан аввал уларни яхшироқ кўринишда, кетма-кетликда тахлашга уринардим. Бу мени тартибли фикрлашга ўргатиши керак эди. Охирида ўз ижодимни асл нусха билан солиштириб бир канча хатолар топар ва уларни тўғрилаб чиқардим; аммо баъзида бу ҳаракатларим тил бойлигимни ёки тасвирлаш қобилиятимни яхшилашга эришишимга умид уйғотарди. Бу эса ҳамиша интилганим – вақти келиб яхши бир ёзувчи бўлишим учун менда ишонч пайдо қиларди».

### Ёзувларингиздан фол очинг

Бундан олдинги бўлимда сизларга қайдлар килиб бориш тавсия этилганди. Қоғоз бўлақларига ўз фикрларингиз ва мисолларингизни ёзиб бориб, улардан қарталар тахлаб, худди фол очаётган каби ёйиб чиқинг – шунда алоҳида масалалар юзасидан бир нечта қутичалар ҳосил бўлади. Бу қутичалар чиқишингизнинг асосий мавзусини тахминан белгилаб беради. Шундан сўнг асосий қутиларни яна бир-иккита кичикроғига бўлиб чиқинг. Қўлингизда факат дони қолгунча тўпонини олиб ташланг – ҳатто доннинг бир қисмини четроққа олиб қўйишга, ишлатмасликка тўғри келади. Яхши тайёргарлик кўрган ҳар қандай нотик ўз чиқиши учун йикқан маълумотларининг ҳаммасидан фойдаланишга қодир эмас.

Нутк сўзлаб тугатилмагунча, саралаб олиш ва кўриб чиқиш жараёнини тўхтатиш керак эмас, ҳатто ундан сўнг ҳам қайта тўғрилаш, янада яхшироқ тайёрлаш, ҳозиргидан кўра кўпроқ ифода этилиши ҳақида ўйлаш зарур.

Нутқини тугата туриб, яхши нотик одатда, ўз нутқининг тўрт кўринишда бўлганлигига ишонч ҳосил қи-

лади: у тайёрланган, сўзланган, газеталарда босилган ва уйига кетаётганида ҳам хаёлини банд қилган нутқлардир.

### **Чиқишлар чоғида қайдлардан фойдаланиш керакми?**

Линкольннинг нутқи қанчалик яхши бўлмасин, президентлик пайтида олдиндан яхши тайёргарлик кўрилган ёзма матнсиз, ўз маҳкамаси вазирлари олдида хатто норасмий шаклда ҳам чиқиш қилмас эди. Албатта, у президентлик лавозимига ўтиш чоғида нутқ сўзлаши керак эди. Бундай мазмундаги давлат аҳамиятига эга бўлган тарихий ҳужжат ўта муҳим ҳисобланарди. Аммо Иллинойсда Линкольн ҳеч қачон ўз чиқишларида хатто қайдлардан ҳам фойдаланмас эди. «Қайдлар тингловчиларни ҳамиша чарчатиб, ноқулай аҳволга солиб қўяди», дерди у.

Унга ким қаршилиқ кўрсата оларди? Зеро, қоғозга қараб ўқиб бериш, нутққа бўлган қизиқишингизнинг ярмини ўлдириб юбормайдими? Ахир у нотик ва тингловчи ўртасидаги қимматли мулоқот, яқинликни бузиб ёки бўлмаса кийинлаштирмайдими? Шунингдек, тингловчиларнинг нотикка ёки захирадаги билимларига нисбатан ишончлари сўнмайдими?

Яна таъкидлайман, ҳамиша тайёргарлик чоғида аниқ ва кўп қайдлар қилиб боринг. Балки нутқингизни такрорлаш чоғида уларга мурожаат қилишингиз мумкиндир. Балки сиз омма олдида чиқиш қилаётганингизда бу қайдлар чўнтагингизда турса ўзингизни яхшироқ ҳис қиларсиз. Пульман вағонида болға, арра ва болта бўлгани каби бу қайдлар ҳам худди поездлар тўкнашганида, фожиага учраганида ҳалокат вақтида зарур ускуналар сифатида захирада туриши керак.

Агар сизга шпаргалка керак бўлса, у иложи борича қисқа ва катта вараққа катта ҳарфлар билан ёзилиши лозим.

Шундан сўнг нутк сўзланадиган жойга бир оз аввал келиб ўз қайдларингизни бирор бир китоб оркасига беркитиб кўйинг. Уларга факат энг керакли вазиятларда каранг ва иложи борича тингловчилардан заифлик томонингизни беркитишга ҳаракат килинг.

Аммо бу ерда айтилганларга қарамай, шундай вазиятлар бўладики, қайдлардан фойдаланиш зарурдир. Масалан, баъзи бир одамлар ўзларининг биринчи чиқишларида шундай ҳаяжонланадиларки, ҳатто тайёрлаган нутқларини ўз хотираларида яхши сақлаб қололмайдилар. Бундан нима келиб чиқади? Улар мавзудан четга чиқиб кетиб, яхши тайёргарлик кўрилган мавзуни унутиб қўйишади, яъни катта йўлдан чиқиб кетиб, боткокка ботиб қолишади. Мана шундай инсонларга ўзининг биринчи чиқишида, кўлига киска қайдларни олиш тавсия этилади. Инсон боласи юришни ўрганаётганида уй анжомларига суяниб юради, аммо бу ишни узоқ такрорламайди.

### Матнни тўлиқ ёдлаб олманг

Нуткни қоғоздан ўқиб бериш, ҳатто уни сўзма-сўз ёдлаб олиш ҳам керак эмас. Бу жудаям кўп вақтни талаб этиб, ёмонликка олиб келиши мумкин. Аммо огоҳлантиришларга қарамай, ёзувларни ўқиётган баъзи бир инсонлар барибир шу ишни такрорлайдилар. Хўш, улар гапиришни бошлай туриб нималар ҳақда ўйлашади? Ўз чиқишининг мавзуси ҳақидами? Йўқ, улар матнни сўзма-сўз эслашга тушишади. Улар одатий фикрлаш жараёнини остин-устун қилиб, ёзилган матн ҳақида тўхтовсиз ўйлай бошлашади. Барча чиқишлари совуққон, асабий ва уларда ҳеч бир инсонийлик хислатлари намоён бўлмайди. Сиздан бундай фойдасиз ишга ўз вақтингизни ва кучингизни сарф қилмас-лигингизни сўраб қоламан.

Ахир сизга муҳим молиявий масаладаги суҳбат зарур бўлса, айтадиган фикрларингизни ўтириб ёдлаб олмайсиз-ку? Албатта, йўқ! Асосий фикрларингиз сиз учун аниқ бўлмагунча масалани ўйлайверасиз. Ҳатто бир канча қайдлар қилиб, баъзи бир ҳужжатларингизга ҳам назар ташлашингиз мумкин. Сиз ўзингизга: «Мен мана бундай вазиятларни таклиф этаман. Бундай нарсаларни мана бу сабабга кўра қилиш керак дейман...», дейсиз. Шундан сўнг сиз ўзингизга фикрларингизни қайд этиб, уларни аниқ мисоллар билан бойитасиз. Ахир ҳамкорингиз билан учрашувга шундай тайёрланмайсизми? Нима учун оммавий учрашувга тайёргарлик чоғида ҳам айнан мана шу, соғлом фикрга асосланган усулдан фойдаланмаслик керак экан?

### **Генерал Грант Аппоматтокс қишлоғида**

Ли Грант таслим бўлиш шартларини ёзма равишда баён қилиш учун Федерациянинг курулли кучлар кўмондони генерал Паркерга мурожаат қилиб, унга ёзув асбобларини олиб келишини сўради. «Мен қалам учини қоғозга босганимда, – ёзади Грант ўзининг «Ёднома»ларида – сўзни нимадан бошлашни билмасдим. Фақатгина ҳеч қандай тушунмовчилик бўлмаслиги учун фикримни аниқ ифодалашим лозим эди».

Генерал Грант, сиз қайси сўздан бошлашни билишингиз шарт эмас эди. Сизнинг фикрларингиз бор эди. Сиз ишонч ҳосил қилган эдингиз. Гапирмоқчи бўлган фикрингизни аниқ ифодалаш истаги бор эди, сизда. Натижада, сизнинг одатий сўзларингиз қоғозга ҳеч бир қийинчиликсиз куйилиб келди. Худди шу жараён ҳар бир инсонга ҳам тааллуқлидир. Агар бу фикрга шубҳа билан қарасангиз, ўша одамнинг оёғидан чалиб йикитинг. У ўрнидан турганида, ўз

хиссиётларини ифодалаш учун сўз кидириши керак бўлмай қолади.

Икки минг йил аввал Гораций шундай деган эди:

*Ҳар доим бирор нарсани ёзишдан аввал, тартибли фикрлашни ўрганиб олгин!*

*Файласуфлар китоблари бу ишда сенга арзигулик тавсиялар бериши мумкин;*

*Сўзлар эса фикрларингдан сўнг ўз навбати билан келавради<sup>1</sup>.*

Ўз фикрларингизни бир жойга жамлаганингизда, нутқингизни бошидан охиригача қайтариб чиқинг. Бу ишни овоз чиқармасдан хотирангизда, чойнак қизишини пойлаганингизда, кўчада кетаётганингизда, лифт пойлаганингизда такрорланг. Бўш хонага кириб, нутқингизни баланд овозда бор маҳоратингизни ишга солиб ўкиб чиқинг.

Кентерберилик руҳоний Нокс Литтл, агар муқаддас ота ўз даъватини беш маротаба такрорламаса, ибодатчиларга ҳеч қачон етиб бормаслигини таъкидларди. Агар сиз ўз нутқингизни бир неча маротаба қайтармасангиз, қандай қилиб фикрларингизнинг тингловчиларга етиб боришига ишонч ҳосил қиласиз? Нутқингизни такрорлаганингизда, олдингизда тингловчилар бор, деб тасаввур қилинг. Буни иложи борица ҳаққоний тасаввур қилсангиз, ҳақиқий аудитория олдида ўзингизни аллақачон сўзга чиққандек ҳис этасиз.

---

<sup>1</sup> «Наука поэзии» тарж. М.Дмитриев. Квинт Гораций Флакк. Асарлари тўлиқ тўплами кит.-да. М. –Л., «Academia», 1936, 349-бет.



## Нима учун фермерлар Линкольнни «ўта ялқов» деб ўйлашган?

Агар сиз шу зайлда нотиклик санъатига амалий тайёргарлик кўрсангиз, кўпгина машхур нотикларнинг усулларидан хабардор бўласиз. Ллойд Жорж ўзининг она шахри Уэльсда мунозара жамияти аъзоси бўлганида, кўпинча далаларда сайр қилиб юрар, дарахт ва устунларга қараб имо-ишоралар билан ўз нутқини ўқирди.

Линкольн ёшлик йилларида Брекенриж сингари машхур нотикларнинг чиқишларини тинглаш учун ўттиз-қирк миль йўл юрарди. Бундай учрашувлардан у шу даражада рухланиб кетардики, келажакда машхур нотик бўлиш мақсадида, ҳатто экин майдонларида бошқа ишчиларни атрофига тўплаб, тўнканинг устига чиқар ва турли хил воқеаларни сўзлаб берарди. Ер эгалари бундан қаттиқ қаҳрланиб, «ўта ялқов» бу қишлоқлик Цицероннинг ҳазил ва ҳикоялари бошқа ишчиларни ҳам ишдан қолдирарди, деб айтишар эди.

Асквит Окфорддаги мунозара клубининг фаол аъзоси бўлганидан сўнг бемалол гапиришни ўрганиб олди. Кейинчалик у мана шундай кўринишдаги ўзининг шахсий клубини очди. Вудро Вильсон эмин-эркин гапиришни мана шундай мунозара клубларида ўрганиб олганди. Худди шу йўлни Генри Уорд Бичер ва куч-қудратли Берк ҳам танлашган. Яна суфражистлар Антуанетта Блекуэлл ва Люси Стоун шу йўлни тутишган. Элихью Рут нотиклик санъати бўйича Нью-Йоркнинг 23-кўчасидаги ёшларнинг насронийлар уюшмаси қошидаги адабиёт жамиятида тайёргарлик кўрган.

Машхур нотикларнинг ҳаёт йўллари билан танишиб чиқинг ва улар бир ишни, яъни — МАШҚ қилганларини билиб оласиз. Шунингдек, бу машғулотлар тингловчилари орасида энг яхши муваффақиятларга кўп ҳаракат қилганлар эришишган.

Сизда бунинг учун вақт етишмайдими? Унда ҳуқуқшунос ва дипломат Жозеф Чот тажрибасини қўлланг. У эрталабки рўзномани сотиб олар ва ҳеч ким ҳалақит бермаслиги учун газета билан юзини тўсиб олар эди. Аммо ундаги турли хил воқеалар ва ғийбатларни ўқиш ўрнига ўзининг нутқини ўйларди.

Чонси М.Депью темир йўллар компанияси бошқарувининг бўлажак раиси ва АҚШнинг сенатори сифатида иш билан жуда ҳам банд бўлган эди. Шунда ҳам деярли ҳар куни кечкурун нутқ сўзлашга имконият топарди. «Бу менинг иш фаолиятимга ҳалақит бермаслигига ҳаракат қилар эдим, – дерди у. – Барча нутқларим кечки пайт ишдан уйга қайтиб келганимда тайёрланарди».

Барчамизда ҳар куни хоҳлаган ишимизни қилишимиз учун бир неча соат вақтимиз бўлади. Дарвиннинг соғлиги ёмонлиги сабабли кўп вақтини ишга ажрата олмас эди. Йигирма тўрт соат ичидан ақл билан ишлаган уч соати унинг машҳур бўлиб кетишига сабаб бўлди.

Теодор Рузвельт Оқ уйда бўлган даврида унинг асосий эрталабки вақти кўплаб мажлисларни ўтказишга сарфланар эди. Аммо шу мажлислар орасидаги бир неча қимматли дақиқасининг бўш кетмаслиги учун ҳам ҳамиша қўлида бирор бир китоб бўлар эди.

Агар вақтингиз оз ва иш билан жуда ҳам банд бўлсангиз Арнольд Баннетнинг «Суткасига 24 соат қандай яшаш ҳақида»ги китобини ўқинг. Уни ён чўнтагингизга солиб юринг ва бўш вақтингизда ўқиб чиқинг. Мен шу тарика бу китобни икки кунда ўқиб битирдим. У сизга вақтингизни тежашга ва кунингизни яхшироқ ўтказишга ёрдам беради.

Ҳар кунги ишингизни бошқа бир машғулот билан алмаштириб сал нафасингизни ростлаб олинг. Нутқ санъати билан шуғулланиш ҳам шундай машғулотлар сирасига киради. Ўз оила аъзоларингиз билан бирга нутқ тузиш бўйича мусобақа ўйнанг.

## Хулоса

1. Наполеон: «Жанг санъати – ҳисоблаб чиқилган ва режалаштирилгандан ортиқ ишлар амалга ошмайдиган фандир» деган эди. Бу уруш ҳаракатларидан кам бўлмаган оммавий чиқишларга ҳам тааллуқлидир. Нутк сўзлаш – бу саёҳатдир, унинг йўналиши эса аввалдан харитага тушириб олинган бўлиши керак. Қаерга бораётганини билмайдиган нотик одатда, қаерга келиб колганини билмай қолади.

2. Фикрларни бир жойга жамлашнинг ва нутк тузишнинг хатосиз, мустаҳкам коидаси бўлмайди. Ҳар бир нутк ўзига хос, алоҳида бир муаммоларни келтириб чиқаради.

3. Нотик гапирмоқчи бўлган мавзунини яхшилаб ёритиши ва бошқа унга қайтмаслиги лозим. Мисол тариқасида мукофотга сазовор бўлган Филадельфия ҳақидаги нуткни келтириш мумкин. Бир мавзудан иккинчисига сакраб, сўнгра яна унга қайтиш керак эмас – бу худди кўршапалакнинг мақсадсиз ҳаракатини эслатади.

4. Марҳум Доктор Конуэлл ўз чиқишларини қуйидаги режа асосида тузар эди:

- а) далилларни келтириш;
- б) улардан келиб чиқадиган фикрларни сўзлаш;
- в) ҳаракат қилишга чақириш.

5. Балки сиз, яна қуйидаги режани ҳам фойдали деб ҳисобларсиз:

- а) бир нечта ёмон ҳолатларни намоиш этиш;
- б) бу иллатларни бартараф этиш йўлларини кўрсатиш;
- в) ҳамкорлик қилишни сўраш.

6. Мана яна битта ажойиб режа:

- а) қизиқиш ва эътиборни жалб этишга эришиш;
- б) ишончга эришиш;
- в) далилларни келтириш;

г) одамларни ҳаракат қилишга ундовчи ишончли асосларни келтириш.

7. Мавзуни ҳар томонлама ёритиб берувчи барча далиллар танланган, тизимланган, ўрганилган бўлиши керак, дея маслаҳат берган Альберт Ж. Бевериж. Уларни текшириб чиқинг; буларнинг ҳақиқатан ҳам далил эканига ишонч ҳосил қилинг; шундан сўнг ўзингиз учун бундай далиллар қандай хулосага олиб келишини ўйлаб олинг.

8. Чиқиш қилишдан аввал Линкольн ўз фикрларини математик аниқлик билан ўйлаб чиқар эди. Қирк ёшида, конгресс аъзоси бўлишга улгурган пайтида, сафсаталарни фош этиш ва ўз фикрларининг тўғрилигини исботлаш мақсадида Евклидни ўрганган эди.

9. Теодор Рузвельт чиқиш қилишга тайёргарлик кўрган пайтда барча далилларни танлаб баҳолаб оларди, сўнгра тезлик билан нутқини айтиб ёздирар, тайёр бўлган матнни ўқиб чиқар ва тузатишлар киритиб, якуний ҳолатда яна бир марта қайта ёздирарди.

10. Агар иложи бўлса ўз чиқишларингизни тасмага ёзиб олинг ва қайта тингланг.

11. Нотикнинг кўлидаги ёзмалар тингловчиларнинг нутққа бўлган қизиқишини эллик фоизга қисқартиради. Бундан ўзингизни олиб қочинг. Асосийси, ўз нутқингизни ўқиб берманг. Тингловчилар қоғоздан ўқиб берганингизни ҳазм қилолмайди.

12. Ўз нутқингизни яхшилаб ўйлаб, режалаштириб олганингиздан кейин, уни ҳар доим кўчада юрганингизда ичингизда қайтариб юринг. Бирор жойда ўз нутқингизни тўлиқ, бошидан охиригача, имо-ишоралар билан ўқинг. Ўзингизни худди ҳақиқий аудиториянинг олдида нутқ сўзлаётгандек тасаввур қилинг. Бу ишни қанчалик кўп амалга оширсангиз, омма олдида нутқ сўзлаётганингизда шунчалик ўзингизни яхшироқ ҳис қиласиз.

## Тўртинчи фасл

### ХОТИРАНИ ҚАНДАЙ МУСТАҲКАМЛАШ МУМКИН

«Ўртача одам, – дейди машҳур руҳшунос, профессор Карл Сишор, – ўз хотираси туғма имкониятларининг ўн фоиздан кўп бўлмаган қисмидангина фойдаланади. Қолган тўксон фоизи эса, у табиий эслаб қолиш қонунларини қўпол равишда бузгани учун ўз-ўзидан йўқолиб кетади».

Сиз шундай ўрта одамлар каторига кирасизми? Агар шундай бўлса, сиз нафақат ижтимоий, балки ишбилармонлик масалаларида ҳам ўзингиз учун фойдасиз бир шароитдасиз; демак, сиз учун бу фаслни ўқиб такрорлаш ҳам кизиқарли, ҳам фойдалидир. Бу фаслда эслаб қолишнинг табиий қонунлари тушунтириб берилган, шунингдек улардан молиявий ва оддий турмуш шароитингизда ҳамда омма олдида чиқишлар қилганингизда қандай фойдаланиш кераклиги баён этилган.

«Табиий эслаб қолиш қонунлари» жудаям оддийдир. Улар фақат учтадан иборатдир. Ҳар қандай, «эслаб қолиш тизими» дея номланган қоидалар уларга асослангандир. Қисқача айтганда, бу ерда гап *таассуротлар*, *такрорлаш* ва *тасаввур* ҳақида боради.

Хотирани мустаҳкамлашнинг биринчи шарты – эслаб қолмокчи бўлган нарсалар ҳақида чуқур, ёрқин ва мустаҳкам *таассурот*га эга бўлиш. Бунинг учун эса диққат-эътиборингизни бир жойга жамлашингиз зарур. Теодор Рузвельт уни таниган барча инсонларни ўзининг ноёб эслаб қолиш қобилияти билан лол қолдирарди. Аммо эслаб қолиш каби ноёб хусусияти шу билан тушунтирилардики, унинг таассуротлари сувга эмас, балки темирга ўйиб ёзилгандек эди. Қатъиятлик ва машқлар туфайли у, ҳатто энг ёмон вазиятларда ҳам диққатини бир жойга жамлай оларди. 1912 йили прогрессив

партиянинг Чикагода бўлиб ўтган анжумани пайтида унинг штаб-бўлими «Конгресс» меҳмонхонасида жойлашган эди. Пастда, унинг ойнасининг тагида омма йиғиларди. Одамлар байроқларини хилпиратиб: «Биз Теддини кўришни хоҳлаймиз! Биз Теддини кўришни хоҳлаймиз», деб бакиришарди. Омманинг шовқини, оркестр мусиқаси, сиёсий арбобларнинг келиб-кетиши, тезкор мажлис ва кенгашлар — буларнинг барчаси оддий бир одамни чалғитиб юбориши мумкин эди, аммо Рузвельт ҳеч нарсага эътибор бермай, ўзининг хонасида чайқаладиган курсисига ўтириб, юнон тарихчиси Геродотнинг китобини ўқиб ўтирарди. Бразилиянинг чўл худудлари бўйлаб саёҳатда юрганида, кечки кўним топган жойларига етиб бориши билан, у бирор бир шох-шаббалари кенг дарахт панасига ўзининг сафар учун мўлжалланган йиғма курсисини кўйиб, Гиббоннинг «Рим империясининг қулаши ва барҳам топиши тарихи» китобини на ёмғир ва на қароргоҳдаги шовқин-суронга, ҳатто тропик ўрмоннинг садоларига эътибор бермай, бемалол ўқиб ўтирар эди. Бундай инсоннинг барча ўқиганларини эслаб қолишига хайрон қолса бўладими?

Фикрни бир жойга жамлашнинг беш дақиқаси, бир неча кун онгли сароб орасида адашиб юришдан кўра кўпроқ натижани олиб келади. «Катъий фаолиятнинг бир соати, — ёзади Генри Уорд Бичер, — йиллаб уйқусираб ўтиргандан кўра кўпроқ натижа беради». «Мен бошқалардан кўра муҳимроқ бўлган бир нарсани катъий ўзлаштириб олдим, — дейди «Бетлехем стил» компанияси президенти, йилига миллион доллардан ортиқ фойда топадиган Южин Грейс, — ва мен бу қондани ҳар куни, ҳар қандай вазиятда қўллайман: *айни пайтда қилаётган ишимга бутун диққат-эътиборимни қаратаман*».

Бу қувватнинг, жумладан эслаш қувватининг сирасрорларидан биридир.

## Нима учун улар дарахтни пайқашмади

Томас Эдисон йигирма етти лаборантининг, олти ой давомида бир йўлдан, яъни чирок ишлаб чиқарувчи цехдан то Менло-Паркдаги (Нью-Жерси штати) заводнинг асосий биносигача олиб борадиган йўлдан катнашганини аниқлади. Бу йўлда олча дарахти ўсар эди, аммо сўров натижасида йигирма етти кишининг бирортаси ҳам унинг борлигини сезишмаган.

«Ўртача одамнинг мияси, – ишонч билан айтарди Эдисон, – кўз кўрган нарсаларнинг мингинчи қисмини ҳам қабул қилмаслиги мумкин. Бизнинг кузатиш қобилиятимиз, кузатувчанлигимиз канчалик суст эканлигига ишониш қийин».

Ўртача одамни икки ёки уч дўстингиз билан таништириб, икки дақиқадан сўнг уларнинг исмини сўрасангиз, ҳеч нарсани эслолмаслиги мумкин. Нимага? Чунки, аввало, уларга етарлича эътибор бермаган ва қизикмаган. Балки у сизга хотираси суст эканлигини айтиши мумкиндир. Йўқ, унда кузатувчанлик қобилияти ёмон.

«Нью-Йорк уорлд» журнали асосчиси Жозеф Пулитцер ҳар бир ходимининг иш столи устига:

«Эътиборли бўлинг, эътиборли бўлинг, эътиборли бўлинг» деб ёзилган тахтачаларни ўрнатиб чиққан.

Айни мана шу сиз учун ўта муҳимдир. Янги танишингизнинг исм-фамилиясини яхшилаб эшитиб олишингиз керак. Бунга эришинг. Ундан исм-фамилиясини такрорлашини сўранг. Унинг қандай ёзилишини билиб олинг. Унга бўлган ҳурматингиздан боши осмонга етади, шунда исмини эслаб қолишга муваффақ бўласиз, зеро сиз жуда ҳам эътиборли инсонсиз. Шундай қилиб, сиз аниқ ва мустаҳкам таассуротга эга бўлдингиз.

## Нима учун Линкольн овоз чиқариб мутолаа қилган

Болалик чоғида Линкольн поли ёрилиб кетган ходалардан қилинган, ойналари эса дафтарлардан йиртиб олинган ёғли варақлар билан ёпилган кишлоқ мактабига борар эди. Бу мактабда фақатгина битта китоб бор эди, шунинг учун ўқитувчи уни овозини чиқариб ўқирди. Болалар эса унинг кетидан кайтаришарди. Ҳамиша болаларнинг овози эшитилгани учун қўшнилар бу мактабни «ғуввиллаган арининг уяси» дея аташар эди.

Бу «ғувиллаб ётган арилар уяси»да Линкольн ўзида бутун умрга сақланиб қолган бир одатни ўзлаштириб олди: эслаб қолмоқчи бўлганларини Ҳамиша овозини чиқариб мутолаа қиларди. Ҳар куни эрталаб Спрингфиллдаги адвокатлик идорасига келиб, курсисига чўзилар, узун оёқларини яна бир курси устига қўйиб олиб, овозини чиқариб газета ўқирди. «У ўлгудай жонимга тегар эди, — дерди Ҳамқори. — Бир куни мен ундан, нега айнан шундай йўл тутишини сўрадим. У менга тушунтириб берди: «Овозимни чиқариб ўқиганимда, фикрларни иккита сезги аъзоим орқали қабул қиламан. Биринчидан, мен ўқиётган нарсамни кўраман, иккинчидан, эшитаман, шунинг учун ҳам яхши эслаб қоламан».

Унинг хотираси фавқулодда ўткир, ноёб эди. «Менинг ақлим, — дерди у, — худди пўлат парчасига ўхшайди. Унга бирор нарсани ўйиб ёзиш жуда ҳам қийин, аммо қачонлардир ёзилган воқеаларни ўчиришнинг умуман иложи йўқ».

У керакли мавзуни ёдида сақлаб қолиш учун иккита сезги органидан фойдаланган. Сиз ҳам айнан шундай қилиб кўришингиз мумкин...



Фақатгина кўриб ва эшитганларни эсда сақлаб қолиш билан иш битмайди. Балки уни ушлаб, ҳидини ва ҳатто таъминини ҳам билиш керак.

Аммо, энг асосийси – кўриш. Инсоннинг энг асосий ҳиссиёти кўриш орқали қабул қилинади. Кўриш таассуроти инсон онгида мустаҳкам ўрнашиб олади. Биз кўпинча инсонларни, ҳатто уларнинг исмларини эслай олмасак ҳам юз киёфаларидан таниймиз. Кўз билан мияни боғловчи асаб толалари кулоқдан мияга олиб борувчи асаб толаларидан 25 марта калинроқдир. Хитойликларда бир мақол бор: «Минг марта эшитгандан кўра, бир марта кўрган афзалдир».

Эслаб қолмоқчи бўлган телефон рақамлари ва нутқингиз режасини ёзиб олинг. Ўз қайдларингизга назар ташланг. Кўзларингизни юминг. Уларни ёрқин ҳарфлар билан ёзилгандек тасаввур қилинг.

### **Марк Твен ёзувларсиз сўзлашни қандай ўрганган**

Кўриб эслаб қолиш хусусиятини яхши эгаллагандан сўнг Марк Твен кўп йиллар давомида унинг чиқишларига путур етказган қайдномаларидан халос бўлди. «Харперс мэгэзин» саҳифаларида унинг қуйидаги сўзлари келтирилган:

«Саналар рақамлардан ташкил топганлиги сабабли уларни эслаб қолиш қийин. Улар суратга ўхшамайди, шунинг учун саналарни кўз билан илғаш осонмас. Уларни эслаб қолишга расмлар ёрдам бериши мумкин. Энг асосийси, ўзингиз расм яратинг. Мен буни ўз тажрибамдан биламан. Ўттиз йил аввал мен ҳар кеча ёдлаб олган лекцияни ўқир эдим ва ҳар оқшом адашиб кетмаслик учун қайдлар ёзилган қоғозни ушлаб туришим керак эди. Қайдлар абзацнинг биринчи сўзларини ташкил этар, улар ўн биттадан иборат эди. Улар тахминан қуйидагилардан иборат бўларди:

Бу худудда хаво харорати...

Ўша даврларда шундай одатлар амалда бўлган...

Аммо Калифорнияда ҳеч ким буни эшитмади...

Шу каби ўн битта қайдлар бўлган. Бу менга бирор-бир нарсани ўтказиб юбормаслик учун ўзига яраша маъруза режаси эди. Қоғозда улар бир-бирига ўхшаш бўлиб кўринар, бирор бир шаклни ифодаламас эди. Мен уларни ёдлаб олган, аммо кетма-кетликда эслаб қололмасдим, шунинг учун ҳар доим кўлимга қайдномани олиб вақти билан унга назар ташлашимга тўғри келар эди. Бир куни уларни қаерга қўйганимни эслолмадим, шунда қандай аҳволга тушиб қолганимни тасаввур ҳам қилолмайсиз. Сўнг ўзимни кўшимча тарзда химоялаш мақсадида яна бирор бошқа нарсани ўйлаб топишга қарор қилдим. Шунда қайдларнинг биринчи ўнта ҳарфини эслаб қолдим, уларни тирноқларимга сиёҳ билан ёзиб олиб, шу ҳолатда минбарга чиқдим. Аввал бирин-кетин бармоқларимга қараб нутқ сўзлай бошладим, аммо кейин ҳаяжон босиб қайси бирига қараганимни эслолмадим, шундан сўнг ўзимни йўқотиб қўйдим. Ахир мен ҳар бир тирноғимдаги ҳарфни ўқиб бўлганимдан сўнг уни ялаб ўчира олмасдимку, аммо шу энг яхши йўл бўлишига қарамай тингловчиларнинг кизикишини уйғотиб юборишим мумкин эди. Шусиз ҳам уларни кизиктириб қўйгандим, мени мавзудан кўра тирноқларимга кўпроқ эътибор берапти, деб ўйлашган эди. Ҳатто бир нечта киши қўлларимга нима бўлганини сўраб келишди.

Шундан сўнг хаёлимга шакллар билан ишлаш фикри келди! Шу билан қийналишларимга чек қўйилди. Икки дақиқа ичида олтита расм чиздим ва улар менинг бошланғич ўн бир гапимнинг ўрнини бемалол босишди. Мен расмларни тайёрлашим биланок ташлаб юбордим, чунки уларни энди, ҳатто кўзимни юмиб ҳам бемалол тасаввур қила олардим. Шундан бери орадан чорак аср ўтди, маърузанинг матни эса эсимдан чиқиб кетганига

йигирма йил бўлди, аммо ўша расмларни яна чизишим мумкин – улар хотирамда сақланиб қолган».

Бир куни эслаб қолиш ҳақида нутқ сўзлашимга тўғри келди ва шу фаслда келтирилган маълумотлардан иложи борича кўпроқ фойдаланишга қарор қилдим. Алоҳида белгиларни расмлар шаклида эслаб қолдим – кўз олдимга деразаси тагида оломон бақириб турганда ва оркестр садолари янграётганда Рузвельтнинг китоб ўқиб ўтирганини келтирдим. Тасаввуримда олча дарахтига қараб турган Томас Эдисонни, овозининг борича газета ўқиётган Линкольнни жонлантирдим. Шунингдек, Марк Твеннинг тингловчилар олдида қўлидаги тирноқларидан сиёҳни ялаб ўчираётганини тасаввур қилдим.

Бу шаклларнинг кетма-кетлигини қандай қилиб эслаб қолдим? Рақамларга қараб – биринчи, иккинчи, учинчи, тўрттинчига ўхшабми? Йўқ, бу ўта қийин бўлиши мумкин эди. Рақамларни шаклларга ўзгартириб, шаклларнинг рақамларини ўргандим. Масалан, «ван» (бир) сўзи «ран» (отда югурмок) сўзи билан кофиядош, шунинг учун мен Теодор Рузвельтнинг ўз хонасида сунъий от устида китоб ўқиётганини, «Ту» (икки) сўзи худди «зу» (хайвонот боғи)дек жаранглагани учун Томас Эдисон қараб турган олча дарахти ҳайвонот боғидаги айикнинг ини ичида эканлигини, «Зери» (уч) сўзи «три» (дарахт) сўзига ўхшаб кетгани учун Линкольннинг дарахт учига чиқиб олиб бор овозида ҳамкорига рўзнома ўқиётганини тасаввур қилдим. «Фор» (тўрт) сўзи «дор» (эшик) сўзига ўхшагани учун Марк Твенни эшикдан туриб одамларга тирноқларини ялаб мурожаат этаётган ҳолда тасаввур қилдим.

Бу мисраларни ўқиётган инсонлар бу усулни бемаънилик, деб ҳисоблашларини жуда яхши тушунаман. Бу ҳақиқатдир ва муваффақиятнинг сабабларидан бири шудир. Айнан бемаъни ва бўлмағур нарсалар тез эсда қолади. Агар ўз мисолларимнинг кетма-кетлигини фақат рақамлар билан

эслаб қолишга ҳаракат қилганимда, осонлик билан уларни аралаштиришим мумкин эди, ҳозир ўйлаб топган тизимим билан эса бунинг умуман иложи бўлмасди. Агар учинчи бўлимни ёдга олмоқчи бўлсам, дарахтнинг учида нима бўлганини эслар ва кўз олдимга дарҳол Линкольн келарди.

Ўзимга қулай қилиб олиш учун бирдан то йигирмагача бўлган рақамлар шаклларига номлар танлаб, рақамлардек жаранглаганларини кўринарли шаклларга айлантирдим. Агар сиз ўз вақтингизнинг ярим соатини мана шундай рақамли шаклларни ўрганишга кетказсангиз, йигирмата шаклдан иборат рўйхатга эга бўлиб, уларни яна шу ҳолатда кетма-кет тахлай оласиз, шунингдек шунчаки солиштиришингиз мумкин, масалан, қайси жисм саккизинчи бўлиб турса ёки бўлмаса ўн тўртинчи ва ҳ.к.

Буни ўзингизда синаб кўринг. Қўлингиздан ҳеч нарса келмайди, деб ўйлашингиз мумкин, аммо бир ҳаракат қилиб кўринг. Вақти келиб сиз ўзга инсонларни ноёб қобилиятингиз билан лол қолдирасиз, ҳеч бўлмаганда буни ўзингиз учун қизиқарли машғулот, деб топасиз.

### **Бутун бошли китобни қандай қилиб ёдлаб олиш мумкин**

Қоҳира шаҳридаги Ал-Азҳар университети дунёдаги энг йирик ўқув муассасаларидан биридир. Бу 21 000 нафар талабадан ташкил топган мусулмон таълим муассасидир. Олийгоҳга кириш имтиҳонларида ҳар бир ўқувчидан Қуръон китобини тўлиқ ёдлаш талаб қилинади. Бу китоб Инжил каби ҳажмга эгадир; уни оғзаки ўқиб бериш учун уч кун вақт кетади!

Хитойлик талабалар ёки бошқача ном билан аталувчи ўқимишли йигитлар айрим Хитой диний китобларини ва классик асарларини ёддан билишлари керак.

Араб ва хитойлик талабалар бундай эплаб бўлмайдиган жасоратни қандай қилиб амалга ошира олишади.

«Эслаб қолиш табиий қоидалари»нинг иккинчи қоидаси – *такрорлаш* асосида улар кўп нарсаларга эришишади.

Етарли даражада кўл такрорласангиз катта ҳажмдаги материалларни ҳам эслаб қолишингиз мумкин бўлади. Эслаб қолмоқчи бўлган маълумотларингизни такрорлаб юринг. Улардан фойдаланинг. Уларни кўлланг. Мулоқот жараёнида ўзингиз учун янги бўлган сўзлардан фойдаланинг. Янги танишингизни хотирангизда сақлаб қолмоқчи бўлсангиз, унинг исмини айтиб чакиринг. Оммавий чиқишларда гапириб бермоқчи бўлган вазиятларни турли хил суҳбатларда эслатиб ўтинг. Фойдаланилаётган маълумотлар кўп ҳолларда ёдингизда сақланиб қолади.

### **Такрорлашнинг қайси усули фойдали**

Механик равишда, кўр-кўрона ёдлашнинг фойдаси йўқ. Қабул қилишнинг муайян хусусиятларига таянган ҳолда онгли такрорлаш – айти мана шу нарса бизга асқотиши мумкин. Профессор Эббингхауз умуман мазмунга эга бўлмаган сўзлардан иборат узун рўйхатни талабаларига ёдлаш учун берган, масалан «деюкс», «қоли» ва ҳ.к. Талабалар сўзларни уч кун ичида ўттиз саккиз марта ва бир кунда олтмиш саккиз марта такрорлаганларида бир хилда ёдлашгани аниқланган. Бошқа психологик тажрибалар ҳам худди шундай натижаларни берган.

Бу онгимизнинг ишлаши билан боғлиқ ўта муҳим янгиликдир. Энди биз биламиз, бир матнни ўқиб ўтирган ва такрорлаётган инсон, уни эсида сақлаши учун икки баробар кўп вақт ва кучини сарфлар экан.

Қабул қилишнинг бу хусусиятини икки хил асос билан тушунтириш мумкин.

Биринчидан, такрорлаш жараёнида онгимиз тасаввурларни мустаҳкамлаш билан банд бўлади. Профессор Жеймс тўғри таъкидлаганидек, «биз сузишни кишда, чанада учишни эса ёзда ўрганамиз».

Иккинчидан, тўхтаб-тўхтаб ишлаган мия зўрикмайди ва толиқиб қолмайди. «Минг бир кеча» китобининг таржимони жаноб Ричард Бертон йигирма етти тилда худди она тилида сўзлаётгандек гаплашар эди; аммо у ҳеч қачон тил ўрганмаганини ва ўн беш дакикадан ортик шуғулланмаганини тан олган, «чунки бундан сўнг онг ўз соғломлик қобилятини йўқотади».

Сўзсиз, бу далиллардан кейин, ўзини ақлли, деб билган ҳар бир инсон, аудитория олдида нутқ сўзламагунча тайёргарлигини тўхтатмайди. Агар у шундай йўл тутса, ўз хотираси имкониятларининг фақат ярмидан фойдаланган бўлади.

Биз қандай унутишимизни изохловчи жуда қимматли бир янгилик кашф этилди. Ўтказилган психологик тажрибалар, бизга тақдим этилган янги маълумотларни, кейинги 30 кунга нисбатан биринчи 8 соат ичида кўпроқ ёддан чиқаришимизни маълум қилди. Ҳайратланарли муносабат! Шунинг учун йиғилишдан, ота-оналар ва ўқитувчилар уюшмаси аъзолари мажлисидан, клубдаги машғулотлардан ва оммавий чиқишлардан аввал ўз маълумотларингизни кўриб чиқиб, далилларни эсланг ва хотирангизни янгилашг.

Линкольн бу усулнинг аҳамиятини жуда яхши билар ва шунинг учун уни қўллар эди. Геттисбергда унинг кўз олдида тажрибали олим Эдвард Эверет нутқ сўзлаётган эди. Линкольн унинг узун ва расмий чиқиши якунига етаётганини кўриб, «ҳар бир нотикдан кейин сўзлаш гали унга келганда жаҳли чиққандек» асабийлашди. Зудлик билан кўзойнагини тақиб чўнтагидан нутқини чиқарди ва хотирасини янгилаш учун уни ичида ўқий бошлади.

## Профессор Уильям Жеймс яхши хотирага эга бўлиш сирини изохлайди

Юқорида келтирилган барча маълумотлар эслаб қолиш коидаларининг биринчи 2 қонуни ҳақида эди. Аммо 3-қонун ҳам бор, бу – *психологик ассоциация*, яъни тасаввур, ҳис-туйғу, фикр ва шу кабиларнинг бир-бирини эслатадиган ўзаро боғланиши. Бу эслаб қолишнинг энг зарур унсуридир. Мантиқан олиб қаралганда, у хотиранинг бутун тизимини изохлайди.

«Бизнинг ақл-идрокимиз, — дейди профессор Жеймс, — асосан тасаввур, ҳис-туйғу, фикр ва шу кабиларнинг ўзаро боғланиш тизимини намоён этади... Олиб қарайлик, мен бир неча вақт сукут сақлайман, сўнгра итоатқорона оҳанг билан: «Эсланг! Ёдингизга келтиринг!», дейман. Сизнинг миянгиз бу буйрукка бўйсунадими, ўтмишингиздаги бирор-бир аниқ суратни намойиш этадими? Албатта, йўқ. У тушунарсиз ҳолатда: «Мен нимани эслашим керак эди?» деб сўрайди. Қисқа қилиб айтганда, унга кўрсатма керак. Агар мен: туғилган йилингизни ёки нонуштага нима еганингизни, мусиқа гаммасида нечта нота борлигини сўрасам, унда сизнинг эслаб қолиш қобилиятингиз зудлик билан керакли жавобни излайди: берилган кўрсатма аниқ бир йўналишда аклингизнинг потенциал имкониятларини ишга солади. Бу кўрсатма Сиз эслашингиз керак бўлганлар билан узвий боғлиқдир. «Менинг туғилган йилим» сўзлари аниқ бир рақамлар, кун, ой ва йиллар билан эсга тушади; «Эрталабки нонушта» сўзлари эса қаҳва, гўшт, ковурилган тухум сўзлари билан боғловчи бошқа барча воқеалар тизимини ёдга солади; «Мусикавий гамма» сўзи онгингизда «До, ре, ми, фа, со, ля, си, до» билан эсга тушади. Аслини олганда, тасаввур қонунларига ташқаридан келган ҳиссиётлар таъсир кўрсатмайди. Онгингизда содир бўлган барча воқеа ва ҳодисалар унда намоён бўлиши ва янги маълумотлар билан ўзаро боғланиши

лозим. Бу сиз эслайдиган ва ўйлайдиган барча нарсаларга тааллуқлидир... Машқ қилдирилган хотира ассоциациянинг шаклланган тизимига асосланади, унинг юқори сифати унинг ўзига хос 2 хусусиятига боғлиқдир: биринчидан, ассоциациянинг мустаҳкамлигига, иккинчидан эса унинг сонига. Шундай қилиб: «Яхши хотира сири» – биз эслаб қолмоқчи бўлган кўп шаклли ва кўп сонли ассоциацияларни барча далиллар билан шакллантиришдир. Аммо ассоциацияни фактлар воситасида ҳосил қилиш – келтирилган далил ҳақида иложи борица кўпроқ ўйлашни билдиради. Қисқа қилиб айтганда, ташқаридан бир хил маълумот олаётган 2 та инсондан – ўша маълумотларни кўпроқ ўйлайдиган ва улар орасидаги узвий боғлиқликни сақлаб қолишга ҳаракат қилган киши энг яхши эслаб қолиш қобилиятига эга бўлади».

### **Далилларни ўзаро қандай боғлаш керак**

Буларнинг барчаси қизиқ, аммо бизга маълум бўлган маълумотларни қандай қилиб ўзаро боғлаш мумкин? Жавоб қуйидагича: уларнинг аҳамиятини аниқлаш ва англаш билан. Мисол учун, сиз учун янги бўлган ҳар қандай далил билан танишганингизда, қуйидаги саволларни беринг ва уларга жавоб топинг, шу йўсинда уларни бошқа далиллар билан боғлашингиз мумкин. Мана ўша саволлар:

- а) Нима учун бу шундай?
- б) Бундай бўлишига сабаб нима?
- в) Қачон бундай бўлади?
- г) Қаерда шундай бўлади?
- д) Шундай деб ким айтди?

Мисол учун, бизга нотаниш бўлган бирор кишининг фамилиясини эшитсак, одатда, уни худди шу фамилияли танишимиз сифатида тасаввур қиламиз. Агар у ноодатий



бўлса, вазиятдан фойдаланиб янги танишингизга бу ҳақда айтишингиз мумкин. Кўп ҳолларда янги танишларимиз ўз фамилияси ҳақида нималарнидир гапириб беришади. Мисол учун, бу фаслни ёзаётганимда, мени Сотер исмли аёл билан таништиришди. Мен аёлдан исм-фамилияси қандай ёзилишини сўраб, унинг ноодатийлигини таъкидладим.

«Ҳа, – жавоб берди у, – у ўта гаройибдир. Бу «халоскор» маъносини берувчи юнонча сўз». Шундан сўнг қариндошлари асли афиналик бўлган эри ҳақида ва уларнинг ўша ердаги ҳукуматда ўзига яраша ўринга эга эканликларини айтиб берди. Кишиларни ўз фамилиялари ҳақида гапириб беришга ундаш унча кийин эмас. Бу хамиша менга уларни эсда сақлаб қолишимга ёрдам беради.

Янги танишингизнинг ташки кўринишига диққат билан эътибор беринг. Унинг кўз ва сочлари рангини яхшилаб эслаб қолинг, юз бичимига синчиклаб қаранг. Кийинишига эътибор беринг. Сўзлаш оҳангига қулоқ тутинг. Ташки кўриниши, ўзига хослиги билан боғлиқ аниқ ва ёрқин таассуротларингизни унинг фамилияси билан бирга тасаввур қилинг. Кейинги гал бу ёрқин таассуротлар яна онгингизда намоён бўлиб, бир вақтнинг ўзида сизга бу одамнинг фамилиясини эсингизга туширишингизга ёрдам беради.

Сиз бирор бир киши билан иккинчи ёки учинчи марта учрашганингизда, унинг нима иш қилишини ёки касбини эслаб қоласизу, аммо исмини эслолмаган пайтингиз бўлганми? Бунга сабаб шуки, инсоннинг касби – бу аниқ ва бирор бир нарсани билдирувчи хусусиятдир. Бу ўзига яраша аҳамиятга эгадир. Ҳеч бир аҳамиятга эга бўлмаган фамилия худди томдан тушаётган дўлдек четга ўтган бир пайтда, у сизга ёпишқоқ елимдек ёпишиб олади. Шунинг учун танишингизнинг фамилиясини эслаб қолиш учун, ўша одамнинг ишига фамилиясини боғлайдиган бирор бир гапни ўйлаб топинг. Бундай усулнинг иш беришига ҳеч қандай шак-шубҳа йўқ. Масалан, йигирма нафар бир-бирига умуман нотаниш бўлган одамлар яқинда Филадельфиядаги

Пенсильвания атлетика клубида учрашишди. Уларнинг ҳар биридан ўрнидан туриб фамилияси ва нима билан шуғулланишларини айтишни сўрашди. Шундан сўнг бу маълумотларни бир-бирига боғлайдиган гап ўйлаб топилди, бир неча дақиқадан кейин эса, ҳамма иштирокчилар шу ерда қатнашётганларнинг исм-фамилияларини бемалол айта олдилар. Кейинчалик ҳар бир янги учрашувда ўша инсонларнинг исм-фамилиялари ва касблари ҳақидаги маълумот унутилмаганлиги маълум бўлди, чунки уларнинг ҳар бири бир-бирига қайсидир жиҳат билан боғлиқ эди. Улар бир-бирига бирикиб кетишган эди.

Мисол тариқасида бу гуруҳдаги бир неча аъзоларнинг исм-фамилияларини ва ўша аъзоларнинг исм-фамилия ва касбларини бир-бирига боғлаш учун ўйлаб топилган гапларни келтираман:

Жаноб Ж.П. Олбрайт, кум етказиб берувчи (сэнд бизнес) – «Сэнд мейкс ол брайт» (кум ҳамма нарсани ёрқин қилади, шунингдек – сўзлар ўйинига кўра – Олбрайт кум тайёрлайди).

Жаноб Томас Фишер, кўмир етказиб берувчи, (коул) – «Хи фишес фор коул ордерс» (у кўмирга буюртма олади).

### **Саналарни қандай эслаб қолиш мумкин**

Саналарни яхши эслаб қолиш учун онгингизда сақланган машҳур саналар билан солиштириш керак. Мисол учун, америкаликларга Сувайш канали 1869 йилда очилганлигини эслаб қолишдан кўра, АҚШдаги Фукарлар уруши тугаганидан сўнг, тўрт йил ўтиб, канал орқали биринчи кема ўтганлигини ёдда сақлаш осонроқ кечади. Агар америкалик фукаро Австралиядаги биринчи кўчиб ўтишларга 1788 йили асос солинганини эслаб қолмоқчи бўлса, бу сана унинг онгидан худди яхши қотирилмаган машина болти сингари тез чиқиб кетиши мумкин; бу санани

4 июль 1776 йил билан эслаб қолиш осонроқдир, чунки бу воқеа Мустакиллик Декларациясига имзо қўйилганидан ўн икки йил ўтгач содир бўлганлиги маълумдир. Бу худди бўшаб қолган болтни жойига қаттиқ қотирилган каби хотирани мустаҳкамлашдир.

Шу коидани телефон рақамларини эслаб қолишда ишлатиш ўта муҳимдир. Мисол учун, уруш даврида бу китоб муаллифининг телефон рақами 1776 эди. Уни эслаб қолиш ҳеч кимга қийинчилик туғдирмаган. Агар сиз телефон компаниясидан 1492, 1861, 1865, 1914, 1918 рақамларини ола олсангиз, сизнинг дўстларингиз телефон китобларини кидириб овора бўлишмайди. Агар сиз рақамингизни 1492 деб айтсангиз, улар буни эслаб қолишолмайди, чунки бу рақам билан эсда қоларли санани тасаввур қилиш қийин. Аммо сиз «Менинг телефон рақамимни эслаб қолиш сизга осон бўлади – 1492, Колумб Америка китъасини кашф этган йил» десангиз, рақамларни ёдда сақлаш осон кечади.

Бу сўзларни ўқиб турган австралияликлар, янги зелландияликлар ва канадаликлар, албатта, 1776, 1861, 1865 каби рақамларни ўз мамлакатларининг муҳим бир тарихий рақамлари билан ўзгартиришлари мумкин.

Қуйидаги рақамларни қандай қилиб осонликча эслаб қолиш мумкин?

а) 1564 – Шекспирнинг таваллуд йили.

б) 1607 – Америкага, Жеймстаунга биринчи марта инглизларнинг кўчиб келган йили.

в) 1819 – Қиролича Викториянинг таваллуд топган йили.

г) 1807 – Роберт Э.Ли таваллуд топган йил.

д) 1789 – Бастилиянинг вайрон этилиш йили.

Албатта, Иттифоққа кирган биринчи ўн икки штатнинг кетма-кет тартибда турган номларини айтиб чиқиш сиз учун қийин бўлиши мумкин. Аммо уларни бирор бир тарихий сана билан боғласангиз, шунда тез ва ҳеч бир қийинчиликсиз эслаб қоласиз. Кейинги хатбошини фақат-

гина бир марта ўқиб чиқинг. Диккатиңгизни бир жойга жамланг. Тугатганиңгизда, ўн икки штатни кетма-кетликда айтиб бера оласизми-йўқми, шуни текшириб кўринг:

Шанба кунларидан бирида кечаси *делавэрлик* ёш хоним *Пенсильвания* темир йўли бўйлаб кичик саёхат учун чипта сотиб олди. У *Нью-Жерсидан* олинган иссиқ кийимини жомадонига солиб, *Коннектикутга* тушди ва *Жоржия* исмли дугонасини йўқлаб борди. Кейинги куни эрталаб мезбон ва меҳмон *messe*<sup>1</sup>га *Мэрис-лэнд*<sup>2</sup>даги черковга боришди. Кейин улар жануб йўналиши бўйича поездда уйга қайтишди (*кар лайн*)<sup>3</sup>, *нью-йорклик* қора танли *Виргиния* исмли ошпаз аёл ковурган янги мол гўштидан татиб кўришди (*нью-хэм*)<sup>4</sup>. Тушлиқдан сўнг, улар *шимолий йўналишдаги* (*кар лайн*)<sup>5</sup> поездга чиқиб, оролларга қараб кетишди (*род ту зе айленд*)<sup>6</sup>».

### Нутқ режасини қай тарзда эсда сақлаш мумкин

Биз фақат икки сабаб туфайли нималардир ҳақида ўйлашимиз мумкин – биринчидан, ташки рағбат ва иккинчидан, аввалдан маълум бўлган воқеаларни тасаввур қилиш билан. Омма олдидаги чиқишларга нисбатан бу фикрни шундай изоҳласа бўлади: биринчидан, фикрларингиз кетма-кетлигига бирор ташки восита орқали эришишингиз мумкин, масалан, қайдлардан фойдаланиб, аммо қоғозга қараб ўқиб берадиган нотик кимга ҳам ёқар эди? Иккинчидан, нутқингиз бўлимларини аввалдан онгингизда

<sup>1</sup> «Месса» сўзи (mass) инглиз тилида Массачусетс штатининг кискартирилган номидай эшитилади.

<sup>2</sup> Айтилиши бўйича Мэриленд штати назарда тутилмоқда.

<sup>3</sup> Жанубий Каролина штати назарда тутилмоқда.

<sup>4</sup> Нью-Гэмпшир штати назарда тутилмоқда.

<sup>5</sup> Шимолий Каролина штати назарда тутилмоқда.

<sup>6</sup> Род-Айленд штати назарда тутилмоқда.

сақланиб қолган нима биландир солиштириб эслаб қолишингиз мумкин. Улар шундай мантикий кетма-кетликда бўлиши керакки, иккинчи бўлим биринчисидан, учинчиси эса иккинчисидан келиб чиқиши ва шундай давом этиши лозим, худди биринчи эшикдан сўнг иккинчиси очилгани каби.

Бу жудаям осон эшитилиши, аммо аклий имкониятлари кўрқув билан босилган янги нотиклар учун содда бўлиб кўринмаслиги мумкин. Аммо кетма-кетликни таъминловчи яна бир усул мавжуд, у жуда ҳам оддий ва тез таъсир қилади. Мен хотирада сақлашни осонлаштирадиган ибораларни қўллашни назарда тутяпман. Мисол келтираман. Сиз ўзаро боғланмаган турли хил мавзуларни кўриб чиқмоқчисиз. Уларни эса сақлаб туриш жудаям қийин. Қандай қилиб бир вақтнинг ўзида, сигир, тамаки, Наполеон, уй ва диний маданиятлар ҳақида гапириш мумкин? Келинг, кўриб чикамиз, уларни худди бир занжир мисоли қуйидаги гап билан ўзаро боғлаб чиқа оламизми: «Сигир сигарет чекиб, Наполеонни сузиб олди, уй эса диний маросимлар билан ёниб кетди».

Энди бу гапни қўлингиз билан беркитиб саволларга жавоб беринг: нутқнинг учинчи бўлими қайси? Бешинчими? Тўртинчими? Иккинчими? Биринчи?

Бундай усул ёрдам берадими? Албатта, ёрдам беради. Ва ўз хотирасини мустаҳкамламоқчи бўлганларга, бу усулни қўллаш катъий равишда тавсия этилади.

Шу йўл билан турли хил фикрларни ўзаро боғлаш мумкин, гап қанчалик бемаъни иборалар билан тузилгани сари, уни эслаб қолиш шунчалик осон бўлади.

## Буткул муваффақиятсизликка учраганда нима қилиш керак

Тасаввур қилайлик, яхши тайёргарлик ва эҳтиёт чораларига қарамай, черков жамоати олдида нутқ сўзлаётган нотик аёл нутқининг ўртасида барчасини тўсатдан унутиб қўйди ва тингловчилар рўпарасида тошдек қотиб, сўзини давом эттиролмай туриб қолди. Вазият ўта оғир эди. Унинг ғурури айни шу вазиятда ўрнига ўтириб, мағлубиятини тан олишига йўл қўймасди. Агар унда қўшимча ўн ёки ўн беш сония бўлганида, ўз нутқининг кейинги бўлимини эслай олишини сезиб турар эди. Ҳатто ўша сукут сакланган ўн беш сония ҳам тингловчилар олдида мағлубиятни билдирар эди. Нима қилиш керак? Яқинда яна бир америкалик сенатор шундай ахволга тушганда, тингловчилардан баланд овозда гапиряптими-йўқми, шуни сўради. У баланд гапирётганини жуда яхши билар, аммо бу маълумот унга жудаям зарур ва у вақтдан ютиши керак эди. Мана шу киска танаффус унга фикрини илғай олиш ва нутқини давом эттиришга ёрдам берди.

Аммо бундай «қалокат» пайтида қутқарув ҳалқаси ўрнида энг яхши усул сифатида қуйидагилар тўғри келади: сўнги сўзни ёки охириги гапни янги гапнинг бошига айлантинг. Чексиз занжир ҳосил бўлиб, нутқ тўхтамай оқиб келади, ҳатто мақсадсиз бўлса ҳам. Амалда бунинг қандай бўлишини кўриб чиқайлик. Тасаввур қилайлик, нотик ишнинг муваффақияти ҳақида қуйидаги гапларни гапириб, боши берк кўчага кириб қолди: «Ўртача одам ўзининг ишига камдан-кам қизиқиши, ташаббус кўрсатмаслиги сабабли юқори лавозимга кўтарила олмайди». «Ташаббус». Кейинги гапни «ташаббус» сўздан бошланг. Балки сиз нима дейишни ва нима билан тугатишни билмасангиз керак, аммо шунга қарамай бошланг. Ҳатто кичкина бир гап ҳам йўқдан кўра яхшироқдир.

«Ташаббус ўзига хосликни билдиради, яъни доимигидай буйруқ кутмай ўз билганича ҳаракат қилишдир».

Албатта, бу ёркин фикр эмас, у нуткка тарихийлик бағишламайди. Аммо бу ўта қийин сукут саклашдан кўра яхшироқ эмасми? Гапимиз буйруқларга тегишли эди. Унда келинг, шундан янги гапни бошлайлик.

«Доимий буйруқлар, танбеҳлар, ўзига хос фикрлашдан бош тортган ишчиларни ҳолдан тойдириш – бу хаёлингиздаги хузурсизликдан бошқа нарса эмас».

Худога шукур, гап гапирилди. Энди давом эттириш керак. Энди хаёл ҳақида бирор бир гап айтиш мумкин.

«Хаёл – бу энг зарур нарса. Бошорат, орзу. Башорат йўқ жойда халқ ўлимга муқаррардир, деган Сулаймон».

Мана ҳеч бир қийинчиликсиз иккита гап тайёр. Руҳан тетик бўлайлик ва давом эттирайлик.

«Ҳар йили бизнес жангларида вафот этаётган ишчиларнинг аҳволи ўта аянчлидир. Аянчли деганимга сабаб, агар шу эркак ва аёлларда озгина ҳаракат, ишга бўлган қатъиятлик ва масъулият бўлганида, улар муваффақиятни муваффақиятсизликдан ажратиб турувчи чегара чизигидан юкори кўтарила олардилар. Аммо шахсий ишда муваффақиятсизликка учрашганида асл сабаб шуларда эканлигини умуман тан олишмайди».

Ва шунга ўхшаш... Нотик одатий тарзда бу умумий гапларни айтиб ўтаётганида, кейинги масала унинг нутк режасида қандай ўринга эга бўлганлиги ва нима гапиришини эслаши керак.

Бу кети йўқ занжир усулини узоқ вақт давом эттирса, нотикнинг пудинг пишириш ёки қушларнинг неча пул туриши каби бемаъни фикрлар ҳақида ўйлашига олиб келиши мумкин. Аммо шунга қарамай, бу усул мавзу хотирадан кўтарилганда вақтинчалик онг фаолиятининг бузилиши натижасида қўлланиладиган энг яхши «тез ёрдамдир». Бундай усул билан охириги нуктага келиб қолган кўплаб нутқларни жонлантиришга муваффақ бўлинган.

## Барча турдаги мавзуларни хотирада сақлашни яхшилашнинг иложи йўқ

Бу фаслда эслаб қолиш қобилятимизни ёрқин таас-суротлар олиш, далилларни такрорлаш ва ассоциация қилиш орқали яхшилашни гапириб бердим. Аммо хотиранинг асоси ассоциация ҳисоблангани учун, профессор Жеймс айтиб ўтганидек, «усиз хотиранинг биринчи ёки умумий қобилятини яхшилашнинг иложи йўқ; ассоциация қилинган мавзуларнинг махсус тизими билангина эслаб қолиш қобилятимизни ривожлантиришимиз мумкин».

Мисол учун, Шекспирдан олинган цитаталардан кунига биттадан ёдласак, хотирамизни бадиий иктибослар билан бойитиб боришимиз мумкин. Ҳар бир кўчирма сизнинг онгингизда ўзи боғланадиган кўплаб дўстлар орттириб олади. Аммо «Гамлет»дан то «Ромео»гача бўлган Шекспир асарларини ёдлаш пахтанинг бозордаги нархи ва пўлат қуйиш жараёнларини эслаб қолишга ёрдам бермаслиги мумкин.

Келинг, қайтариб чиқамиз. Агар биз бу фаслда келтирилган қоидаларни қўлласак, эслаб қолиш самарадорлигини оширамиз. Агар биз бу усулларни қўлламасак, бейсбол ҳақидаги миллионлаб далилларни эслаб қолганимиз билан, ҳеч қачон фонд биржасидаги маълумотларни хотирамизда сақлашимизга имкон бермайди. Бир-бирига умуман алоқаси йўқ бундай маълумотларни солиштириб бўлмайди. Эслатиб ўтамиз: «бизнинг миямиз асосан ассоциация тизимимизга таянади».



## Хулоса

1. «Ўртача одам, – дейди кўзга кўринган психолог, профессор Карл Сишор,<sup>1</sup> – ўз хотираси туғма имкониятларининг ўн фоиздан кўп бўлмаган қисмидангина фойдаланади. Қолган тўқсон фоизи эса у табиий эслаб қолиш қонунларини кўпол равишда бузгани учун ўз-ўзидан йўқолиб кетади».

2. «Эслаб қолиш табиий қонун»ларининг уч қондаси мавжуд: *таассурот, такрорлаш, ассоциация*.

3. Эслаб қолмоқчи бўлган нарсаларингиз хақида ёрқин таассурот олиш керак. Бунинг учун эса:

а) диққатни бир жойга жамлаш керак. Бу Теодор Рузвельтнинг эслаб қолиш қобилияти сирларидан бири эди;

б) диққат билан кузатинг. Тўғри таассурот олиш учун ҳаракат қилинг. Фотоаппарат туманда яхши суратлар чиқармайди; Сизнинг онгингиз ҳам туман каби шундай таассуротларни сақлаб қола олмайди;

в) кўпроқ сезги органлари ёрдамида таассуротлар олмоқ керак. Линкольн ўзи эслаб қолмоқчи бўлган нарсаларни овозини чиқариб ўқиган. Шу сабабли у бир вақтнинг ўзида ҳам кўз орқали, ҳам кулоқ орқали маълумотларни қабул қилган;

г) энг аввало, кўз таассуротларини олишга ҳаракат қилинг. Бу яхшироқ усулдир. Кўздан мияга олиб боровчи асаб толалари кулоқдан мияга уланган асаб толаларидан кўра қалинроқдир. Марк Твен қайдлардан фойдаланганда, билдираётган фикрларининг кетма-кетлигини ёдда сақлай олмасди, аммо қайдларини ташлаб юборганида турли хил мавзуларни эслаб қолиш учун суратлардан фойдалана бошлади; шундан сўнг унинг барча қийинчиликлари ортда қолди.

4. Эслаб қолишнинг иккинчи қонуни – такрорлаш. Минглаб мусулмон талабалар Қуръонни ёддан билишади – бу китоб Инжил билан бир хил ҳажмда ва такрорлаш орқали уни ёдда сақлаб қолишади. Биз агар доимо етарли меъёрда

такрорлаб борсак, хохлаган мавзуимизни эслаб кола оламиз. Аммо такрорлаш чоғида қуйидагиларни ёдда тутинг:

а) матн хотирангизда сақланиб қолмагунча қайта-қайта такрорлайверманг. Матнни бир ёки икки маротаба ўқиб, сўнг-ра ташлаб қўйинг. Кейин яна қўлингизга олиб ўқиб чиқинг. Танаффус қилиб такрорлаш усулидан фойдалансангиз, бир уринишдаёқ ёдлаб олишингизга нисбатан камрок вақт сарфлайсиз;

б) биринчи 8 соат ичида унутганларимиз кейинги 30 кун ичида унутганларимиз билан тенгдир; шунинг учун ўз маърузангизни чиқишингиздан бир неча дақиқа олдин кўриб чиқинг.

5. Эслашнинг учинчи қоидаси – психологик ассоциация. Бирор-бир далилни эслаб қолишнинг ягона усули – бу уни бирор-бир бошқа далил билан солиштиришдир. «Онгда вужудга келаётган маълумотлар, – дейди профессор Жеймс, – хотирада сақланиши керак ва бу далиллар аввалдан тўпланган маълумотлар билан ўзаро боғланиб кетади... Олинган маълумотларни кўп ўйлайдиган ва улар орасидаги узвий боғлиқликни сақлаб қолишга ҳаракат қилган киши энг яхши эслаб қолиш қобилиятига эга бўлади».

6. Агар сиз бирон-бир воқеани аввалдан маълум бўлган воқеа билан солиштирмоқчи бўлсангиз, бу янги далилни кўп томонлама ўрганиб чиқинг. Ўзингизга қуйидаги саволларни беринг: «Нима учун бундай?», «Бундай бўлишига сабаб нима?», «Бу қачон содир бўлади?», «Бу қандай содир бўлади?», «Бундай бўлади деб ким айтди?».

7. Янги танишингизнинг исм-фамилиясини эслаб қолиш учун унга саволлар беринг – у қандай ёзилади ва ҳ.к. Унинг ташқи кўринишига диққат билан назар солинг. Исм-фамилиясини унинг ташқи кўриниши билан солиштириб кўринг. У нима иш қилишини билиб олиб, исм-фамилиясини касби билан боғлаб турувчи мнемоник гапни ўйлаб топинг, худди Пенсильвания атлетика клубида йиғилган гуруҳ иштирокчилари каби.

8. Саналарни эслаб қолиш учун уларни ўзингиз билган бирор-бир йирик воқеали саналар билан солиштиринг. Мисол учун, Шекспир таваллудининг уч юз йиллиги АҚШдаги Фукарлар уруши йили билан тўғри келган.

9. Ўз нутқингиз бўлимларининг кетма-кетлигини эслаб қолиш учун уларни шундай жойлаштирингки, ундаги ҳар бир мавзу бир-биридан келиб чиқсин. Ундан ташқари, асосий вазиятларни ўз ичига олувчи мнемоник гапни ўйлаб топишингиз мумкин, мисол учун «Сигир сигарета чекиб туриб, Наполеонни сузиб олди, уй эса диний маросимлар билан бирга ёниб кул бўлди».

10. Агар ҳар қандай хавфсизлик чораларига қарамасдан сўзламокчи бўлган мавзуингизни эсдан чиқариб қўйсангиз, нутқингизнинг сўнгги сўзи ёки гапини нутқининг бош сўзлари сифатида айтиб, вазиятдан чиқиб кетишингиз мумкин. Ўз нутқингизнинг кейинги бўлимини эслаб олмангизча шу усулни давом эттиринг.

## Бешинчи фасл

### ОММА ОЛДИДА НУТҚ СЎЗЛАШ МУВАФФАҚИЯТИНИНГ ДАСТЛАБКИ ШАРТЛАРИ

Бу сатрлар ёзилаётган кун, яъни 5 январда жаноб Эрнест Шеклтон дунёдан ўтганига бир йил тўлган эди. У ажойиб «Квест» («Қидирув») кemasида жанубга, яъни Антарктидани ўрганиш учун кетаётганида вафот этганди. «Квест» кemasига чиққан ҳар бир инсоннинг эътиборини ўзига тортадиган бир нарса – бу мис тахтачага ўйиб ёзилган куйидаги мисралар эди:

*Агар сен орзу қилишни билсангу, бу орзуингни ўз  
хўжайинингга айлантормасанг,  
Агар сен фикрлашни билсангу, уларни ўз мақсадинг  
деб билмасанг,*

*Агар сен ғалаба ва мағлубиятга дуч келиб  
Бу икки ёлгончи билан бир хил муносабатда бўлсанг,*

*Агар ўз юрагинг, асаб ва мушакларингни  
мажбурлай олсанг,  
Улардан айрилгач ҳам ишингни бажараверсанг,  
«Ўзингни кўрсат!» дегувчи иродангдан ташқари  
Сендан ҳеч нарса қолмаганда ўзни сақласанг,*

*Агар шафқатсиз дақиқаларни,  
Олтимиш сониялик пойғалар билан тўлдира олсанг, –  
Бутун олам ва унда бори сеники бўлади,*

*Бундан ташқари, сен инсон бўласан, ўғлим!*

Шеклтон бу шеърни «Квест»нинг руҳи дея атарди. Дарҳақиқат, бу мисраларда Жанубий кутбга йўл олган одам ва омма олдида нутқ сўзлаётганда ўзига нисбатан ишонч уйғонишини хоҳлаган ҳар қандай инсон руҳиятига сингиши керак бўлган ўзгача бир ҳиссиёт акс эттирилган эди.

Аммо афсус билан тан олмоқ лозимки, нотиклик санъатини ўрганишга киришган кўпчилик инсонларда бундай ҳиссиёт кузатилмайди. Кўп йиллар аввал ўқитувчилик фаолиятимни энди бошлаган пайтларимда кечки ўқув юртларига қабул қилинган ва мақсадига етмай туриб ўқишини ташлаб кетаётган талабалар сонининг кўплигини кўриб хайратга тушган эдим. Уларнинг адади шу даражада кўп эдики, бундан ҳам ажабланасиз, ҳам дилингиз сиёҳ бўлади, бу эса ўз навбатида инсоннинг табиатига ёмон баҳо беришга мажбур қиларди.

Мен тажрибамдан келиб чиқиб шунини айтишим мумкинки, бу сатрларни ўқиётган баъзи ўқувчилар ҳозирданок руҳларини чўктириб бўлишган, чунки улар ўзларидаги кўркув ҳисси ва омма олдидаги ўзларига бўлган ишончни қўлга ололмайдилар. Жудаям қайғули ҳолат, зеро «Сабри йўқ инсон қанчалик кўримсиздир! Ярани бир зумда даволаш мумкинмикан?». (Шекспир.)

### Тиришқоклик жуда зарур

Биз ҳар қандай янги машғулотлар, масалан, гольф ўйнаш, француз тили ёки нотиклик санъатини ўрганишни бошлаётганимизда ҳеч қачон олдинга шахдам қадамлар билан одимламаймиз. Биз муваффақиятларга бирин-кетин эришмаймиз. Уларни тўсатдан, кескин қадамлар босиб қўлга киритамиз. Баъзида биз бир оз тўхтаб, ортга юриб кетамиз, баъзан эса ҳатто бундан олдинги эришганларимизни бой беришимиз мумкин. Бу каби таназзул даврлари ҳамма

рухшуносларга шунчалик таниш ва яқинки, улар бунга «кийшиқ таълим учун плато (ясси тоғ)» дея ном беришган. Нотиклик санъатини ўрганмоқчи бўлган инсонлар вақти келиб бундай «ясси тоғ»ларда хафталаб тўхталиб қолишлари мумкин. Улар қанчалик астойдил меҳнат қилмасинлар, ҳеч ҳам олдинга юра олмайдилар. Рухи заифлар бу ҳолатларга чидолмай ишларини ярим йўлда ташлаб кетишади, рухияти тетик инсонлар эса давом эттириб, баъзида ўзлари тушунмай қолган ҳолда ёки қандайдир важдан қутилмаган муваффақиятларга эриша оладилар. Улар платоларнинг устидан самолёт каби учиб кетадилар. Тўсатдан ўзларида тетиклик ҳис эта бошлайдилар. Улар бирданига ўзларини эркин сезадилар, омма олдида чиқиш қилаётиб ўзига ишонч ва таъсир этиш кучига эга бўладилар.

Аввал айтиб ўтилганидек, омма олдида чиқиш қилишнинг биринчи дақиқаларида балки сиз ўткинчи бир қўрқув, ҳаяжон ва асабий тарангликни ҳис қиларсиз. Аммо астойдил ҳаракат қила бошласангиз, яқин орада бошланғич ҳаяжондан, бошқа барча қўрқувлардан халос бўласиз. Бир неча сўздан кейин сиз ўзингизни қўлга ола бошлайсиз. Шунда даврага чиқишингиз сизга ўзга бир роҳат бағишлайди.

### Қатъиятингизни намоён этинг

Бир куни ҳуқуқни ўрганмоқчи бўлган бир киши мас-лаҳат сўраб Линкольнга мактуб йўллади. Шунда Линкольн: «Агар сиз ҳуқуқшунос бўлишга қатъий қарор қилган бўлсангиз, бу ишнинг ярми битди дегани... Шуни ёдда тутингки, сизнинг муваффақиятга эришишга бўлган ишончингиз қолган барча нарсалардан устундир», дея жавоб берган эди.

Линкольн бу гапларнинг тўғри эканлигини биларди, чунки унинг ўзи буларнинг барини ўз бошидан ўтказган эди. Бутун ҳаёти давомида, у мактабда бор-йўғи бир йилга етар-етмас вақт давомида таҳсил олди. Китоблар-чи?

Линкольннинг айтишича, у уйдан эллик миль радиус масофагача пиёда кезиб, қандай китоб бўлишидан катъий назар қарзга сўраб турган. Унинг кулбасида кечаси билан ўт ёнар ва гоҳо ўчок ёруғлигида ҳам китоб ўқиб чиқар эди. Уйининг ёғоч деворлари орасида кўплаб коваклар бўлиб, Линкольн ҳамиша шу ковакларга китобларини тикиб қўяр, тонг отиши билан шохлар ва барглардан тўшалган ўрнидан сакраб туриб, кўзларини ишкалаб, китобни ковакдан олар ва тўйиб-тўйиб мутолаа қилишга киришар эди.

У бирор-бир нотикнинг маърузасини тинглаш учун йигирма-ўттиз миль пиёда юриб борар, уйга қайтаётганида эса нутқ сўзлашни ўрганиш учун ҳар қандай жойда – далада, ўрмонда ёки Жентривиллдаги Жонс боққолхона растаси олдида турган харидорлар ёнида ҳам машқ қилаверар эди. У Нью-Сейлем ва Спрингфилддаги адабиёт ҳамда баҳс-мунозара жамиятларига аъзо бўлиб, ҳозир айнан сиз машқ қилаётган каби асаббузар мавзуларга тайёргарлик кўрар эди.

Линкольнни ҳамиша тортиниш ҳисси безовта қиларди. Аёллар олдида у ҳамиша ўзини йўқотиб қўяр ва бир оғиз сўз айтолмай қолар эди. Мэри Тоддга эътибор бериб юрган пайтларида Линкольн сўз тополмай жим ўтирар ва фақат у айтаётган гапларни эшитар эди. Аммо шу одам астойдил машқ қилиш ва ўз устида ишлаш орқали сенатор Дуглас каби юқори савияли кишилар билан баҳс-мунозара олиб бора оладиган даражадаги нотикқа айланди. У Геттисбергда президентликка қайта сайланиш маросимида бағишланган нутқни шунақанги юқори руҳ ва савияда сўзлай олдики, бундай нутқ инсоният тарихидаги анча-мунча нотикларда камдан-кам кузатилган эди.

Шунинг учун ҳам ўз бошидан ўтказган қийинчилик-лари ва оғир курашларини ёдда тутган ҳолда Линкольн: «Агар сиз ҳуқуқшунос бўлишга катъий қарор қилган бўлсангиз, бу ишнинг ярми битди дегани...» деб ёзганига хайрон бўлмаслик керак.

Теодор Рузвельт хонасида Авраам Линкольннинг ажойиб бир сурати осиглик турар эди. «Кўп ҳолларда бирор-бир муҳим ва чигал масаланинг қарорини чиқаришдан аввал, ҳуқуқ ва қарашлар тўқнаш келган вақтларда, – дерди Рузвельт, – мен Линкольннинг суратига қараб: «Бундай вазиятларда у ўзини қандай тутган бўлар эди?!» дея ўрнига ўзимни қўйиб кўрар эдим. Сизга сал ғалатирок кўриниши мумкин, аммо очиғини айтаман, бу ҳолат қийинчиликларни ҳал қилишимда менга енгиллик туғдиргандек бўларди».

Сиз ҳам Рузвельтдан ибрат олсангиз-чи! Агар сиз руҳингизни чўктириб, нотиклик санъатини эгаллашга бўлган курашингизни ярим йўлда ташлаб кетишга тайёр бўлсангиз, чўнтагингиздан Линкольннинг сурати туширилган беш долларни чиқариб: «Бундай вазиятларда у ўзини қандай тутган бўлар эди?!» дея ўзингиздан сўраб кўринг. Ахир сиз у қандай йўл тутишини биласиз-ку. Стивен А.Дуглас АҚШ сенатига бўлган сайловларда унинг устидан ғалаба қозонганида Линкольн ўзининг тарафдорларига «Нафақат бир мағлубият, балки юз мағлубиятдан сўнг ҳам чекинмаслик керак», дея айтган эди.

### **Ҳаракатларингиз мукофотга лойиқлигига ишонамиз**

Мен бир ҳафта давомида ҳар куни эрталаб нонушта пайтида бу китобни олдингизга қўйиб, Гарвард университетининг, машҳур руҳшуноси, профессор Уильям Жеймснинг куйидаги сўзлари келтирилган вароғини очиб, уларни ёдда сақлаб қолмагунингизча ўқиб чиқишингизни жуда хоҳлардим:

«Ҳеч бир йигит ўзи олаётган билимларнинг йўналиши қандай бўлишидан қатъий назар, унинг натижаси ҳақида безовта бўлмаслиги керак. Агар у иш кунининг ҳар бир



соатини астойдил меҳнат қилиб ўтказса, сўнги натижа тўғрисида ўйламаса ҳам бўлади. Қачондир у ажойиб бир тонгда уйғониб, илмнинг қайси бир соҳасини танлаганидан қатъи назар, ўз тенгдошлари орасида энг билимдон одамга айланишига тўла ишонч ҳосил қилиши мумкин».

Энди эса мен машҳур профессор Жеймснинг фикрига таянган ҳолда шуни айтишим мумкинки, агарда сиз чин кўнгилдан омма олдида нутқ сўзлаганда руҳингизни тетик тутсангиз ва тўғри машғулотлар олиб борсангиз, ишонаманки, бир куни эрталаб уйғонганингизда ўз жамиятингиз ёки ўз шахрингизнинг энг яхши нотиғига айланасиз!

Албатта, бу сизга хаёлий ҳавас бўлиб туюлиши мумкин, аммо умумий қонун-қоидаларга кўра, бу ҳақиқатдир. Баъзи истиснолар ҳам бўлади, албатта. Онг фаолияти суст бўлган ҳамда ўзини шахс сифатида кўрсата олмаган ва айтишга сўзи йўқ одам маҳаллий миқёсда Даниел Вебстер бўла олмайди, аммо ақл чегарасида фикр юритсак, бу даъво тўғри ҳисобланади.

Аниқ бир мисол келтиришимга руҳсат берсангиз.

Нью-Жерси штатининг собиқ губернатори Стоукс Трентондаги нотиклик санъати мактабининг тингловчилари шарафига ўтказилган битирув кечаси зиёфатида иштирок этган эди. Бу кеча у тинглаган ўқувчиларнинг нутқлари Вашингтондаги сенат аъзоларининг сўзларидан ҳеч ҳам қолишмаслигини айтиб ўтди. Мазкур нутқлар бир неча ой илгари омма олдида нутқ сўзлай олмай ўзини йўқотиб қўйган ишбилармон кишилар томонидан сўзланганди. Улар ҳеч қандай бўлғуси Цицеронлар эмас, балки Нью-Жерси штатининг оддий тадбиркорлари эди, аммо шунга қарамасдан бир кун эрталаб ажойиб тонгда уйғонганларида ўз шаҳарларининг энг илғор нотиклари қаторидан жой олишганди.

Сизнинг нотик бўлишдаги муваффақиятингиз икки омилга бориб тақалади: туғма кобилиятингиз ҳамда мақсадга бўлган интилишингизнинг кучи ва теранлигига. «Ҳар бир соҳада, – деган эди профессор Жеймс, – фанга бўлган қатта

қизиқишингиз сизни кутқариб қолади. Агар сиз натижага ўта сергаклик билан интилсангиз, сиз, албатта, унга эришасиз. Агар сиз бой бўлишни истасангиз, бойиб кетасиз, бордию олим бўлишни хоҳласангиз, албатта, олимлик даражасига етасиз, модомики сиз шунчаки яхши инсон бўлиш истагида экансиз, бу натижага ҳам эришасиз. Аммо бир вақтнинг ўзида шу куч, ғайрат ва шижоатни бошқа юз хил тарафга эмас, фақатгина ўзингиз хоҳлаган нарсага йўналтиришингиз керак». Шунингдек, профессор Жеймс: «Агар сиз ўзига ишонган нотик бўлишни хоҳласангиз, албатта, бу орзуингиз амалга ошади, фақат буни ҳақиқатдан ҳам исташингиз керак», дея айтишга ҳақли эди.

Мен ўзига ишончни орттирмоқчи бўлган ва омма олдида эркин сўзлай олишни истаган тахминан минглаб аёл ва эркакларни диққат билан кузатиб бордим. Улар аъло даражадаги қобилиятга эга эди. Уларнинг кўпи ўз шаҳрингизда кунда учратадиган оддий инсонлар каби эди. Аммо улар матонатли эдилар. Шундай вазиятлар ҳам учрардики, мисол учун ўта қобилиятли инсонлар шунчалик банд ёки пулнинг кетидан қувиш билан овора бўлишганидан яхши натижаларга эриша олмас, аммо мустаҳкам ирода ва олдинга интилиш каби мақсадга эга ўртамиёна одамлар эса охир-оқибат, илғор поғонага чиқиб олишарди.

Бу оддий бир инсон учун табиий ва одатий ҳолдир. Ахир шундай ҳолатларни савдо ва ихтисослаштирилган соҳаларда кузатмаганмисиз? Катта Рокфеллер шундай дерди: «Бизнесда муваффақиятга эришишнинг биринчи ва энг асосий қоидаларидан бири – бу сабр-тоқатдир». Худди шунга ўхшаб бизнинг соҳада ҳам бу шарт муваффақиятнинг асосий гарови ҳисобланади.

Маршал Фош бутун дунё кўрган энг йирик кўшинлардан бирини ғалабага олиб келганди, у ҳамиша фақат биргина ютуққа эга экани, яъни ҳеч ҳам тушкунликка тушмаслигини такрор айтар эди.

Француз кўшини 1914 йили Марнега караб чекинишни бошлаганида, генерал Жоффр кўл остида икки миллион аскар бўлган генералларига чекинишни бас қилиб, фақат ҳужумга ўтишларига буйруқ берди. Ўтмишдаги энг муҳим урушлардан бири бўлган бу кураш икки кундан бери шиддатли тус олганида генерал Жоффр кўмондонлигининг марказини бошқараётган генерал Фош ҳарбий жанг тарихида из қолдирган қуйидаги номани ёзиб юборган эди: «Менга тегишли қисм ва ўнг қанотим чекиниб бормоқда. Вазият жуда ҳам ажойиб! Ҳужумни давом эттираман».

Бу ҳужум Парижни ҳимоя қилиб қолди.

Шунинг учун аҳвол ўта қийин ва ҳатто иложсиз бўлиб қолганида, марказ чекиниб, ўнг қанот ортга қочаётганида шундай деб ҳайқиринг: «Вазият ажойиб!» Ҳужумга! Ҳужумга! Ва фақатгина ҳужум қилинг, шунда сиз ўзингизда бор энг қадрли ҳамда муҳим бўлган – жасорат ва ишончни сақлаб қола оласиз».

### **Ёввойи Кайзер чўққисига чиқиш**

Бир неча йиллар муқаддам мен Австриянинг Альп тоғларидаги Ёввойи Кайзер деб номланган чўққисига чиқишга қарор қилдим. «Йўлнома»да чўққига чиқиш қийин бўлиши ва ҳаваскор альпинистлар учун йўлбошчи кераклиги айтилган эди. Мен билан дўстимнинг йўлбошчимиз йўқ ва биз ҳаваскорлар эдик, шунинг учун бир киши биздан:

– Муваффақиятга эришишга кўзингиз етадимми? – деб сўради.

– Албатта, – дея жавоб бердик биз.

– Нима учун бундай ўйлайсизлар? – деб сўради у.

– Бошқалар ҳам йўлбошчисиз бу ишни амалга оширишибди, – дея жавоб бердим мен, – демак, бунинг иложи бор, мен эса ҳеч қачон бирон-бир ишга маглубиятни ўйлаб қиришмайман.

Альпинист сифатида мен жуда нозик ва заиф ҳаваскор эдим, аммо инсон қандай ишга бел боғлашидан қатъи назар, омма олдида нутқ сўзлаш ёки Эверест чўккисини забт этиш бўладими, унинг руҳияти айнан мана шундай бўлмоғи керак...

*Ҳамиша муваффақият ҳақида ўйланг. Ўзингизни ҳаммининг олдида бемалол сўзлаётгандай тасаввур қилинг.*

*Буни амалга ошириш фақат ўз қўлингиздадир. Ўз муваффақиятингизга ишонинг. Бунга қатъий тарзда ишонсангизгина, муваффақиятга эришиш учун барча керакли ишларни амалга оширасиз.*

Адмирал Дюпон олтига ишонарли баҳона келтириб, шунга асосан ўз кичик ҳарбий кемаларини Чарлстон бандаргоҳига олиб кирмаслигини айтган. Адмирал Фаррагут эса диккат билан уни тинглар экан:

– Аммо сиз айтиб ўтмаган яна бир сабаб бор, – деди.

– Қандай сабаб экан? – сўради адмирал Дюпон.

– Сиз буни амалга оширишингизга ишонмадингиз! – деган жавоб бўлди.

Кўпчилик ўқувчиларнинг оммавий чиқишларда машқлар эвазига эришган энг кадрли нарсаси – бу ўзига бўлган ишончнинг ошиши ва бирор ишни амалга ошира олишига бўлган ишончнинг мустаҳкамланишидир. Ҳар қандай ишда муваффақиятга эришиш учун бундан муҳим яна қандай сабаб бўлиши мумкин?

### **Ғалабага етаклайдиган иродага эга бўлинг**

Менинг бу ерда марҳум Элберт Хаббарднинг доно бир маслаҳатини келтириб ўтмай иложим йўқ. Агар эркак ёки аёл буни ўзлаштириб ҳаётда қўлласа, у бахтли бўлиши мумкин ва турмуш тарзи янада енгиллашади.

«Сиз уйдан кўчага чиққан пайтингизда иягингизни тик тутинг ва бошингизни баланд кўтаринг, кўксингизни тўлдириб нафас олинг. Куёшнинг заррин нурларидан тўла баҳраманд бўлинг; дўстларингизни кулиб қаршиланг ва ҳар бири билан кўришганда бор меҳрингизни бериб кўлини сикинг. Сизни нотўғри тушунишлари мумкинлигидан кўркманг ва душманларингизни ўйлаш учун бир дақиқа ҳам вақтни бекор кетказманг. Нима қилмоқчилигингизни аниқ белгилаб олинг, шунда сиз мақсадга қараб ҳеч бир чекланишларсиз илдамлаб кетасиз. Дикқатингизни бажармоқчи бўлган муҳим ва буюк ишларга қаратинг, шунда кунлар ўтишига қарамай, бу ниятингиз амалга ошиши учун керак бўладиган бор имкониятларга эришасиз, худди маржон полипи (ковакичаклиларга мансуб денгиз ҳайвони) денгиз тубидан ўзига керакли моддаларни олгани каби. Тасаввурингизда ўзингиз айланмоқчи бўлган ақлли, жиддий ва вазмин инсон қиёфасини намоён қилинг, шунда бу фикр сизнинг соат сайин ўша инсонга айланиб боришингизга туртки бўлади... Фикр ҳаммасидан устунроқдир. Мардлик, очиқкўнгиллик ва ҳаётдан завқ олиш каби тўғри йўлларни сақлаб қолинг. Тўғри фикрлаш – демак, яратмоқ деганидир. Барча нарсалар хошишга қараб келади, худди шу сингари ҳар бир тоат-ибодат ҳам ўз натижасини беради. Биз қалбимиз ва юрагимиз интилган истак сингари ўзгариб бораверамиз. Иягингизни тик тутинг ва бошингизни баланд кўтаринг. Биз кўғирчоқ кўринишидаги худодарга ўхшаймиз».

Наполеон, Веллингтон, Ли Грант ва Фош каби буюк кўмондонлар кўшиннинг ғалабага бўлган иродаси ва ўзига нисбатан ишончи бошқа нарсалардан кўра кўпроқ муваффақият келтиришини тан олишган.

«Тўксон минг нафар мағлубиятга учраганлар тўксон минг нафар ғолиб келганлар оқдида рухлари чўккани, ғалабага ортик ишончлари қолмагани ва ички қаршиликлари сингани учун чекинишмоқда», деган эди маршал Фош.

Бошқача айтганда, бу тўқсон минг нафар чекинаётган ҳарбийлар жисмоний зарба кўрганлари йўқ, улар рухан синганлари, жасорат ва ўзларига бўлган ишончни йўқотганлари учун мағлубиятга учрашди. Бундай қўшинга бошқа умид қилмаса ҳам бўлади. Бундай инсондан ҳам ҳеч нарсани кутмаслик мумкин.

АҚШ ҳарбий-денгиз кучлари собик бош руҳонийси, хонаки черков попи Фрейзьер биринчи жаҳон уруши даврида ҳарбий руҳоний бўлишни истаган шахслар билан суҳбат олиб борганди.

Ундан: «Ҳарбий флот руҳонийси вазифаларини бекаму кўст бажариш учун қандай сифатлар керак бўлади?» деб сўрашганида, у: «Худонинг инъоми, тадбиркорлик, сабр-тоқат ва жасорат», дея жавоб берган эди.

Худди шу сифатлар нутқ сўзлаш учун чиқиш қилишда ҳам керак бўлади. Уларни ўзингизга шиор қилиб олинг. Роберт Сервиснинг қуйидаги шеърини эса жанговар мадҳия сифатида қабул этинг:

*Агар саҳрода ёлғиз адашиб қолсанг,  
Ёш боладек ваҳима чулгаса сени,  
Ўлим ҳам кўзларингга қараб тик боқса,  
Бутун тананг тилка-пора бўлса, начора  
Тепкини босиб... ўлмоқлик зарур.  
Аммо «Охиригача кураш!» дейди эркак виждони,  
Ўзингни маҳв этишга ҳаққинг йўқ сенинг.  
Шунчалик оч-наҳор ва ҳорғин экансан,  
Қийин эмас барчасига яқун ясамоқ...  
Аслида тишни-тишга босмоқ қийиндир.*

*Курашишдан толиқдингми? Уял, ҳайф сенга!  
Сен, ахир ёшсан, мард ва ақлли.  
Кўрдим, сенга қийин, лек ноумид бўлма,  
Кучингни йиғ, йўқдан бор қил ва кураш!*

*Қатъият олиб келар сенга галаба,  
Рухингни чўқтирма, биродар!  
Бор кучингни йиғ, қийин эмас чекинмоқ,  
Аммо қийин – бошни баланд кўтармоқ.*

*Инграмоқ ва маҳв бўлмоқ – ўлмоқ осон,  
Судралмоқ ва чекиниш осон.  
Бор умиддан айрилганингда ҳам,  
Курашмоқ ва яна курашмоқ –  
Мана бу – ҳавас қилгудек тақдир!  
Даҳшатли жангдан чиқсанг ҳам,  
Аъзойи баданинг яра-чандиқларга тўлиб кетса ҳам,  
Яна бир марта ҳаракат қил. Улиш осон,  
Энг қийини – тириклар ичида қолмоқ!*

### **Хулоса**

1. Биз аста-секинлик билан ҳаракат қилмай туриб ҳеч қачон ҳеч нарсани – гольф ўйнашни ҳам, француз тили ёки нотиклик санъатини ҳам ўрганолмаймиз. Биз тўсатдан, кескин кадамлар билан олға силжимоқчи бўламиз. Айнан мана шунинг учун баъзида бир оз тўхтаб ёки ортга юриб, ҳатто бундан олдин эришганларимизни бой беришимиз мумкин. Бу каби таназзул даври рухшуносларга шунчалик танишки, улар ҳатто бунга «қийшиқ таълим учун ясси тоғ» дея ном беришган. Биз зўр бериб меҳнат қилишимиз, аммо вақти келиб бундай «ясси тоғ»ларда ҳафталаб тўхтаб қолишимиз мумкин. Баъзи одамлар бу ҳолатга чидай олмай, «ясси тоғ» туфайли тушкунликка тушиб бошлаган ишларини ярим йўлда ташлаб кетишади. Бу фавкулудда қайғули ҳолат бўлиб, агар улар ўз ишларини давом эттириб, амалий машқларни бажарганларида «ясси тоғ»нинг устидан самолёт каби учиб ўтиб кутилмаган муваффақиятларга эришишларини англаб етган бўлардилар.

2. Балки сиз омма олдида чикиш килаётиб, биринчи дакикаларда ўткинчи бир кўрқув, хаяжон ва асабий тарангликни ҳис этмасдан туриб нутк сўзлай олмасдирсиз, бу кечинмаларни албатта, бошингиздан ўтказарсиз. Аммо агар астойдил ҳаракат қила бошласангиз, якин орада бошланғич хаяжондан бошқа барча кўрқувлардан халос бўласиз, ҳатто бу бошланғич хаяжон ҳам киска вақт ичида йўқола бошлайди.

3. Профессор Жеймс ҳамиша ёшларнинг ўзлари танлаган касбларини ўзлаштиришда ўз қобилиятларига нисбатан шубҳага бормасликка, ҳеч ҳам хавотирга тушмасликка даъват этган. Агар талаба чин дилдан ҳаракат қилса, «бир куни тонгда уйғониб, қайси соҳани танлаганидан қатъий назар, ўз даврининг энг илғор кишиларидан бирига айланишига тўла ишонч ҳосил этиши мумкин». Гарвард университети профессори томонидан тантанали тарзда билдирилган бу психологик ҳақиқат омма олдида нутк сўзлашни ўрганиш учун ҳаракат қилаётган ушбу китоб ўқувчиларига ҳам қарата айтилгандир. Бунга ҳеч ҳам шубҳа бўлмаслиги керак. Ушбу соҳада муваффақиятга эришган инсонлар, одатдагидек, ноёб қобилият ва имкониятларга эга бўлмаганлар. Лекин улар кунт-матонат ва букилмас қатъият эгаси эдилар. Улар асло ортга чекинмасдан, фақат олдинга юриб мақсадларига эришганлар.

4. Нотиклик санъатида эришишингиз мумкин бўлган муваффақият ҳақида ўйланг. Шунда сиз муваффақият учун нима керак бўлса, айнан шуни бажарасиз.

5. Агар тушкунликка тушсангиз, Теодор Рузвельт каби Авраам Линкольннинг суратига каранг ва ўзингиздан бундай вазиятларда у ўзини қандай тутарди, деб сўранг.

6. АҚШ ҳарбий-денгиз кучларининг биринчи жаҳон уруши давридаги бош руҳонийси ҳарбий руҳонийнинг муваффақияти учун зарур фазилатларни бешта сўз билан ифодалаш мумкин, деб айтганди. Улар қайсилар эди?



## ЯХШИ НУТҚ СЎЗЛАШ СИРИ

Биринчи жаҳон урушидан кейин кўп ўтмай мен Лондонда ака-ука жаноб Росс Смит ва жаноб Кит Смит билан танишиб қолдим. Улар эндигина Лондондан Австралиягача бўлган масофани биринчилардан самолётда учиб ўтиб, Австралия ҳукумати томонидан белгиланган эллик минг доллар мукофотни олишган, Британия империясида шов-шув чиқишига сабаб бўлиб, қирол томонидан дворян унвонига сазовор бўлишган эди.

Машҳур кинотасвирчи капитан Херли улар билан қисман парвоз этиб, бу жараёни тасмага муҳрлаган эди. Мен уларга самолётдаги парвоз ва йўлдаги таассуротлари ҳақидаги кўргазмали маърузани тайёрлашда ва омма олдида нутқ сўзлашда ёрдам бердим. Улар тўрт ой мобайнида Лондонда, филармония залида нутқ сўзлашди. Улардан бири эрталаб, иккинчиси эса кечкурун сўзлар эди.

Иккаласининг ҳам таассуротлари бир хил эди: ёнма-ён ўтириб улар самолётда дунёнинг ярмини айланиб чиқишди. Улар ҳатто сўзма-сўз бир нарсани қайтаришарди, аммо негадир маърузалари бир-бирига сира ўхшамасди.

Ҳар бир нутқнинг, сўзлардан ташқари, ўзига яраша бир тортувчи кучи бўлади ва мана шу нарса муҳим аҳамиятга эгадир. Бу алоҳида бир белгининг намунасидир. «Аслида гап сиз қандай нутқ сўзлашингизда эмас, уни қандай гапириб беришингиздадир».

Бир куни мен концертда Шопен мазурка (полякча ракс ва шу ракс мусиқаси) сини ҳар бир товушигача аниқ чалиб ўйнаётган Падеревскийни кузатаётган бир ёшгина аёл билан ёнма-ён ўтириб қолдим. У шунақанги ҳайратда эдики, ҳеч нарсани тушунолмай қолганди. Бу аёл ҳам мазкур куйни чалган, аммо Падеревский каби аниқ ва таъсирчан

чиқаролмаган эди. Унинг чалиши ажойиб, шунчалик таъсирчан эдики, бутун аудиторияни маҳв этганди. Гап фақат у танлаган ноталарда эмасди, уларни қандай маҳорат билан чалишда, ўйинга қалбни бериб, вужуд билан киришиб кетишида эдики, айнан мана шунинг ўзи даҳолик билан ўртамиёналик орасидаги тафовутни намоён этарди.

Бир куни буюк рус рассоми Брюллов ўз шогирдининг хомаки суратига оддийгина тузатиш киритди. Тузатилган асарга ҳайрон бўлиб қараган шогирд шундай деди:

– Сиз шунчаки қўл теккиздингиз, сурат эса умуман бошқача бўлиб қолди!

– Санъат айнан шундан бошланади, – жавоб берди Брюллов.

Падеревский ижроси ва рассомлик каби бу ҳолатнинг айнан нотиклик санъатига ҳам тўлиқ алоқаси бордир.

Худди шу ҳолат инсон бирор-бир сўзни талаффуз этаётганда содир бўлади. Англия парламентида, гап нимани сўзлашда эмас, балки бу ҳақда қандай гапиришни билишда, деган эски маталга мурожаат қилиш урфга айланган. Квинтилиан буни жуда қадимда, Англия ҳали Римнинг олис колонияларидан бири бўлган пайтда гапирган эди.

Аксарият қадимги маталларда таъкидланганидек, уни худди йирик туз донасидек қабул қилиш лозим; лекин жуда саёз қилиб тайёрланган нутқ яхши намойиш эта олинса, катта таассурот қолдириши мумкин. Мен коллежлардаги танловларда кўп бора иштирок этиб, яхши нутқ матнига эга нотиклар ҳамisha ҳам ғолибликка эришмаслигига амин бўлганман. Асосан ўз нутқини жарангдор овозда ва бошқалардан кўра таъсирчан ифодалаб бера олган нотик ғолибликни қўлга киритарди.

«Нутқда учта нарса катта аҳамият касб этади, – деганди бир куни сурбетларча вақтичоғлик билан лорд Морли, – ким гапираяпти, қандай гапираяпти ва нимани гапираяпти. Шу учтасидан охиргиси энг кам

аҳамиятлисидир». Бу ошириб юборишми? Албатта, аммо гап тагида ҳақиқат ётганини илғаш қийин эмас.

Эдмунд Берк ҳамиша мантиқан аниқ, тузилиши бўйича асосланган нутқлар ёзар эдики, улар ҳатто ҳозирги кунда она ватанидаги коллежларнинг ярмида классик нутқлар намунаси сифатида ўрганилади, аммо Беркнинг ўзи ҳеч нарсага ярамайдиган бир нотик эди. У ўзининг нутқларини қизиқарли ва ишонарли тарзда сўзлаб, омма учун етказиб бера олмас эди. Шунинг учун ҳам уни жамоа палатасида «тушлик қўнғироғи» дея аташар эди. У нутк сўзлаш учун минбарга чиққанида, палата аъзолари йўталишни, оёқларини дўпирлатишни, баъзида эса тўпланиб чиқиб кетишни бошлашар эди.

Агар сиз пўлатдан ясалган ўкни кимгадир бор кучингиз билан улоқтирсангиз, унинг ҳатто кийимини ҳам йиртолмайсиз. Аммо агар сиз порохни ёниб турган мой шамга яқинлаштирсангиз, у билан қарағай тахтасини ҳам тешиб юборишингиз мумкин. Афсус билан шуни айтмоқ керакки, одамларга мой шам билан порохга ўхшаш жарангдор нутқлар пўлат ўк сингари ланж нутқлардан кўра кўпроқ таассурот қолдиради.

Шунинг учун ўз чиқишингизнинг ифода тарзига синчиклаб эътибор беринг.

### **Нутқ сўзлаш одоби нима?**

Универсал дўкон сиз сотиб олган маҳсулотни беришда қандай йўл тутади? Ҳайдовчи сизнинг харидингизни эшигингиз олдига ташлаб кетадими? Бирор-бир нарсани бериб қўйиш билан уни эгасига топширишнинг фарқли жиҳатлари борми? Масалан, шошилинчнома кимга тегишли бўлса, почта ходими уни айнан ўша одамга топшириб кетади. Аммо барча нотиклар ҳам шунга эриша олишармикан?

Минглаб нотикларга хос хусусиятни намоён этувчи бир мисолни келтиришимга рухсат бергайсиз. Бир пайтлар мен Швейцария Алп тоғларининг Мюррен ёзги дам олиш сихатгоҳига жойлашдим. Мен Лондон компанияларининг бирига тегишли меҳмонхонада тўхтаган эдим, одатда бу компания ҳар ҳафта меҳмонлар олдида нутқ сўзлаш учун иккита нотикни юборар эди. Биринчи бўлиб машҳур инглиз адабаси келди. У «романнинг келажаги» мавзусида нутқ сўзлади. Бу мавзуни ўзи танламаганини, шунинг учун ҳам айтишга арзимайдиган, уни қизиқтирмайдиган гапларни нутқ сифатида сўзлаб бераётганини тан олди. У наридан-бери тайёрланган узук-юлук жумлаларни устма-уст қалаштириб ташлаганча, тингловчилар олдида уларга ҳеч бир кизиқиш билдирмай, гоҳ тепага, гоҳ ўзининг ёзувларига ва гоҳ ерга қараб ўтирар эди. У ўзининг сўзларини ҳеч бир кизиқишсиз, бўшлиққа сўзлаётгандек эди гўё.

Бундай чиқиш қилгандан кўра умуман сўзга чиқмаган маъкул. Бу ўзи билан ўзи суҳбатлашишдан бошқа нарса эмас. Ва тингловчилар билан ҳам ҳеч қандай мулоқот йўқ эди. Яхши нутқ сўзлаш учун энг асосийси – аудитория билан *алоқани ҳис қилишдир*. Тингловчилар нотикнинг онги ва юрагида ёзилган қандайдир мактуб уларнинг онги ва юракларига кўчиб ўтаётганини ҳис этишлари керак. Юқорида мен мисол келтирган нутқ эса фақат сувсиз Гоби чўлида муваффақият қозониши мумкин. У ҳақиқатдан ҳам одамлар орасида эмас, балки мана шундай жойда сўзлангандай эди.

Маълумотларни етказиш бир вақтнинг ўзида ҳам оддий, ҳам мураккаб жараёндир. Бу жараённи кўп ҳолларда нотўғри тушуниб, нотўғри амалга оширишади.

## Кўнгилдагидек нутк сўзлаш сир

Нутк сўзлаш қандай бўлиши кераклиги ҳақида жуда кўп бўлмағур ва курук сафсаталар ёзилган. Кўп қоида ва амаллар билан уни ўзгача сир-асрорларга кўмиб ташлашган. Эскидан қолган «элоквенция» (сўзамоллик) ўзга бир илоҳий ва инсоний уйдирма, нутк сўзлашга ўзгача бўлмағур кўриниш берувчи муаммодир. Ишбилармон одамлар кутубхона ёки китоб дўконларига бориб, ҳеч нарсага арзимайдиган «нотиклик санъати»га доир китобларни танлаб олишади. Бошқа соҳаларда эришилган тараққиётга қарамадан, ҳалигача баъзи бир ўқувчиларни Вебстер ва Ингерсоллнинг дабдабали нутқларини ифодали ўқишга мажбур қилишади – бу Вебстер ва Ингерсолл хонимларнинг қалпоқчалари каби эскирган ва ҳозирги давримиз руҳиятидан шунчалик узоқки, худди улар тўсатдан тирилиб, қалпоқчаларининг тагида пайдо бўлиб қолгандек.

АҚШда Фуқаролар уруши даврида омма олдида нутк сўзлашнинг янги ва замонавий мактаблари вужудга кела бошлади. Нутқлар ҳам янги давр руҳиятига мослашиб, худди шошилинонома сингари содда ва аниқ тусга кирди. Эндиликда замонавий тингловчилар қачонлардир урф бўлган қуйма сўз ўйинларини эшитиб ўтирмайди.

Замонавий аудиториянинг талаби шуки, хоҳ ўн беш киши ишга алоқадор йиғилишда, хоҳ мингта одам чодир остида ўтиришсин, нотик худди битта одам билан шахсий масалада гаплашаётгандай ўзини эркин тутиб, оддий сўзлашини хоҳлашади.

Шу тарзда, лекин шу йўсиндаги куч ва шижоат билан сўзлаш керак эмас, чунки сизни эшитмай қўйишлари мумкин. Табиий кўриниши учун нотик қирк нафар одам олдида чиқиш қилаётиб, бир киши билан гаплашгандан кўра кўпроқ куч сарфлаши керак бўлади. Худди шунга ўхшаб, бино томида жойлашган ҳайкал шу даражада катта

бўлиши лозимки, уни ердан кузатган одам унинг шаклини ўзи билан тенг кўрсин.

Марк Твен Невада штатидаги конларнинг бирида чиқиш қилганида унинг олдига кекса бир олтин изловчи келиб сўради: «Бу сизнинг табиий сўзлаш тарзингизми?»

Айни мана шу тингловчилар учун муҳим – «сўзлашнинг табиий тарзи», бу етарли даражада самаралидир.

Бирлашган хайрия фондининг умумий йиғилишида Жон Генри Смит билан гаплашгандек нутқ сўзланг. Ахир фонд аъзолари Жон Генри Смитларнинг ҳаммаси эмас. Шу аёл ва эркаклар билан алоҳида суҳбат қурилганда қилинадиган муомала услуби улар билан жамоа сифатида гаплашгандек бўлиши керак эмасми?

Мен ҳозиргина оддий бир ёзувчи аёлниинг чиқишини тасвирлаб бердим. Шу аёл нутқ сўзлаган худди шу жойда мен бир неча кундан кейин машҳур физик олим, жаноб Оливер Ложнинг нутқини эшитишга муяссар бўлдим. Унинг мавзуси «Атомлар ва дунёлар» эди. У бу мавзунини ўрганиш учун ўзининг ярим асрлик ҳаёти, изланишлари, меҳнати ва тажрибаларини сарф этган. Унинг гапираётган сўзлари ҳаётининг бир қисмига айланиб улгурган бўлиб, қалби ва онгидан келиб чиқар, бу айнан ўзи хоҳлаб гапиргиси келган мавзу экани яққол аён эди. Нотик тингловчиларга фақатгина атомлар ҳақида аниқ ва таъсирчан гапириб беришни унутаёзгани учун Яратганга ташаккурлар айтар эдим. У чиндилдан ўзи кўраётганини биз ҳам кўришимизни, ҳис қилаётганини биз ҳам ҳис этишимизни хоҳлар эди.

Хўш, бунинг натижаси қандай бўлди? У ажойиб нутқ сўзлаган эди. Унинг ҳам ўзига тортувчи хусусияти, ҳам шижоати бор эди. У жуда кучли таассурот қолдирган эди. Лож жудаям маҳоратли нотик эди, аммо мен шунга аминманки, у ўзини ҳеч ҳам нотик дея ҳисобламасди. Мен шунга ҳам аминманки, тингловчиларнинг ҳаммаси ҳам уни нотик деб ҳисобламасди.

Агар бу китобнинг ўқувчилари ҳам худди шундай тарзда, нотиклик санъатини ўрганган одамдай нутқ сўзлашса, унда муаллифга обрў-эътибор келтирмаган бўлишади. Муаллиф шу даражада табиий сўзлашингизни истайдикки, тингловчиларингиз сизни эшитиб, тайёргарликдан ўтганингизни ҳатто ҳаёлларига ҳам келтиришмасин. Яхши дераза эътиборни ўзига жалб этмайди. У шунчаки ёруғликни ўтказди, холос. Яхши нотик ҳам худди шунга ўхшайди. У шу тарзда табиий сўзлайдики, тингловчилари унинг гапириш услубини сезишмайди ҳам ва фақат сўз юритилаётган предметнигина кўришади.

### Генри Форд маслаҳати

«Барча Форд машиналари бир хилдир, – дерди унинг яратувчиси, – аммо бир хил икки инсон мавжуд эмас. Ҳар бир янги ҳаёт – бу қуёш остидаги бирор-бир янги нарсадир; илгари аник шунга ўхшаш нарса бўлмаган ва бундан кейин ҳам бўлмайди. Ёш қалб ҳам ўзига айнан мана шундай қараши керак – у ўзидаги ягоналик учқунини топиб, бошқалардан ажралиб туриши учун уни бор кучи билан ёндирмоғи лозим. Жамият ва мактаблар бундай учқунни йўқ қилишга уринадилар, улар ҳаммани бир хил кўришни хоҳлайдилар, мен эса: учқуннинг ўчишига йўл қўйманг, бу сизнинг ҳаётингизда муҳим ўринни эгаллайдиган ягона асл асосдир, дейман».

Буларнинг барчаси аудитория олдида нутқ сўзлаётган нотик учун икки марталаб тўғри айтилган фикрдир. Бу дунёда сизга ўхшайдиган одам бўлмайди. Бу дунёда юз миллионлаб одамлар мавжуд, уларнинг ҳам икки кўзи, бурни ва оғзи бор, аммо уларнинг ҳеч бири сизга ўхшамайди, ҳеч қачон бир хил юз тузилиши ва онгнинг ривожланишига эга эмасдир. Агар сиз табиий гапирсангизгина, улар ҳам сиз каби фикрлаб, ўз

сўзларини ифодалай олишади. Бошқача айтганда, сизнинг алохида бир хусусиятингиз бор. Нотик сифатида сиз учун бу (табийлик) энг киммат бойликдир. Уни маҳкам ушлаб олинг. Асраб-ардоқланг. Уни шакллантириб боринг. Бу сизнинг нуткингизга куч ва самимият қўшадиган учқун, «мухим аҳамиятга эга бўлишингиз учун асқотадиган ягона асл асосдир».

Жаноб Оливер Лож, бошқа нотиклар сингари нутк сўзламас эди. Чунки ўзи бошқалар каби эмас эди. Унинг гапириш услуби шу даражада ягона эдики, ҳатто ўзининг ташқи кўриниши – соқоли ва бошининг каллиги билан ҳам ажралиб турар эди. Агар у Лойд Жоржга тақлид қилмоқчи бўлганида эди, унинг нутқи кўчирилгандек бўлиб, бу ҳеч бир натижа бермасди.

Қачондир АҚШда содир бўлган энг машҳур баҳс-мунозара – 1858 йили сенатор Стивен Дуглас ва Авраам Линкольн ўртасида Иллинойс штати ён-бағирларида жойлашган шахарларда ўтказилган эди. Линкольннинг бўйи узун ва бесўнакай эди. Дуглас эса паст бўйли ва хушмуомалали эди. Бу инсонларнинг характерлари, ақлий қобилиятлари ва одоблари уларнинг ташқи кўринишлари каби ҳар хил эди.

Дуглас маданиятли, оқсуяқларга мансуб одам эди. Линкольн эса битта пайпоқда ҳам эшик олдига чиқиб меҳмонларни кутиб олишга тайёр бўлган оддий бир ўрмончи эди. Дугласнинг хатти-ҳаракатлари нафосатга йўғрилганди. Линкольнники эса – бесўнакай кўриниш касб этарди. Дуглас умуман хазилдан узоқ юрар, Линкольн эса ҳамиша қизиқарли латифалар айтиб турарди. Дуглас умуман такқосламай гапирар, Линкольн эса ҳар доим ўхшатишлар билан сўзлар эди. Дуглас калондимоғ ва ҳукмфармо, Линкольн эса камтар ва кўнгилчан эди. Дуглас ажойиб олим, Линкольн эса жуда секин мулоҳаза юритарди. Дуглас шиддатли довул каби илдам, Линкольн эса хотиржам, теран ва эҳтиёткор эди.



Бу иккала арбоб мутлако бошқа-бошқа одамлар бўлишса ҳам, аслида яхши нотик эдилар, чунки уларда ўзларидаги ўзига хосликни сақлаб қолиш учун матонат ва соғлом фикр етарли эди. Агар улардан бирортаси кимгадир таклид қилганида, у батамом барбод бўларди. Аммо бор иқтидор ва маҳоратларини қўллаган ҳолда уларнинг ҳар иккаласи кучли ҳамда ўзига хос инсонлар эканликларини намойиш этишди. Уларга эргашишга ҳаракат қилинг.

Бундай маслаҳатларни бериш осон, уларга риоя қилиш-чи? Албатта, йўқ. Ҳарбий санъат борасида маршал Фох айтаганидек: «унинг асл негизи жуда оддий, аммо афсуски, уни ҳаётга татбиқ этиш қийиндир».

Аудитория олдида табиий кўриниш учун амалиёт жудаям шартдир. Актёрлар буни жуда яхши билишади. Қачонлардир тўрт ёшли бола бўлганингизда агар яхшилаб ҳаракат қилсангиз, балки сиз саҳнага чиқиб бирор нарсани тингловчиларга айтиб бера олган бўлардингиз. Аммо агар сиз йигирма тўрт ёш ёхуд қирқ тўрт ёшда бўлсангиз, минбарга чиқиб гапиришни бошласангиз, айтинг-чи, нима бўлар эди? Ўша тўрт ёшлик пайтингиздаги бебошликни сақлаб қола олармидингиз? Бўлиши мумкин, аммо гаров ўйнайманки, сиз ўзингизни чеклардингиз, ўзингизнинг эмас, бошқа бировнинг овозида гапира бошлардингиз, ўзлингиз ўз чиганоғига яширинган шиллиқурт мисоли йўқоларди.

Инсонларни ўз фикрларини айтиб бера олишга ўргатиш уларга бирор-бир қўшимча сифат бериш дегани эмас; бу ўзидаги чегаралашни йўқотиб, ўзини эркин ҳис этишга ёрдам бериш, уни чалиб йикитишганда қанчалик табиий фикр билдирса, шунчалик табиий гапиришга ўргатишдан иборатдир.

Юзлаб марта мен кимдир нутқ сўзлаётганда маърузанинг ўртасида уни тўхтатиб, «одамга ўхшаб гапириши»ни сўраганман. Юзлаб марта мен уйга инсонларни табиий гапиришга ўргатаман, деб чарчаб, асабим таранг ҳолда,

ҳолсизланиб келганман. Менга ишонишингиз мумкин, бу жараён осон кўринганидек ҳеч ҳам енгил эмас.

Бу дунёда бундай самарали табиий нутк сўзлаш маҳоратини эгаллашнинг энг яхши усули – амалда шуғулланишдир. Шуғулланиб туриб, барибир эркин гапира олмасангиз, шартта тўхтанг-да ўзингизга: «Нима бўлди? Ўзингни қўлга ол. Одам бўл!» денг. Шундан сўнг аудиториянинг энг охирида ўтирган кўримсиз кўринишдаги бирор кишини танлаб олинг-да, унга қарата мурожаат қилганча гапираверинг. Хонада сизлардан бошқа одам борлигини унутинг. Айнан мана шу қаршингиздаги одам билан суҳбат қулинг. У сизга савол бергандай, сиз эса унинг саволларига жавоб қайтараётгандай ўзингизни тасаввур қилинг. Агар у ўрнидан туриб сизга мурожаат қилсаю унга жавоб беришингизга тўғри келса, бу, албатта, сизнинг шахсий мулоқот қилишингизга олиб келади, янада табиий ва янада оддий. Шунинг учун ҳам айнан мана шу ҳолат содир бўлгандек тасаввур этинг.

Сиз яна шундай усулни қўллашингиз: ҳақиқатдан ҳам савол бериб, уларга жавоб беришингиз мумкин. Масалан, нутқингиз ўртасида мана шундай денг: «Буни қандай исботлаб беришимни билишни хоҳлайсизми? Менда далилларга асосланган исботлар мавжуд, мана булар...» Шундан сўнг тасаввурингиздаги саволларга жавоб беришни бошланг. Бу каби нарсаларни табиий тарзда бажариш мумкин. Бу нутқларнинг бир хиллигини бузиб, янада самарали, ранг-баранг ва ёркин қилади.

Очиқ-ойдинлик, юкори кайфият ва ўзингизга бўлган ишонч ҳам сизга ёрдам беради. Инсон ўз ҳиссиётларининг босими остида бўлганида унинг асл ҳолати юзага чиқа бошлайди. Тўсиқлар йўқолиб боради. Унинг ҳиссиётлари жўшқин уриб йўлдаги барча тўсиқларни олиб ташлайди. У эркин ва табиий тарзда гапира бошлайди. Шундай қилиб, материални изоҳлаб бериш қоидалари ҳақида суҳбат қураб

эканмиз, биз кўп бора бу китоб варақларида келтириб ўтилган бир фикрга тўхталиб ўтамиз: нутк сўзлаганингизда қалбингизни бағишланг.

«Лондонда черков хизматларида бўлиб, улар ҳақида гапириб берган бир дўстимнинг ҳикоясини ҳеч қачон унутмайман, – деган эди декан Браун Йелдаги диний мактабда ваъзхонлик санъати ҳақида ўқиган маърузасида. – Жорж Макдональд воизлик қиларди. Ўша куни эрталаб у муқаддас битикдан яҳудийларга ёзилган номанинг ўн биринчи бобини ўқиб берди. Ваъз ўқиш вақти келганда у шундай деди:

«Барчангиз такводор кишилар ҳақида эшитдингиз. Мен сизларга имон нима экани ҳақида тушунтириб ўтирмайман. Илоҳиёт профессори бу ишни мендан кўра яхшироқ бажаради. Мен бу ерга имон келтиришингизга ёрдам бериш учун келдим».

Шундан сўнг бу кишининг абадий ҳақиқатга бўлган чуқур ҳиссиётга тўла буюк ишончи ва ибодати бошланди, натижада у бу ишончни тингловчиларнинг ақл ва юракларига сингдира олди. *У нимаики гапирган бўлса, сўзларига қалбини бағиш этди, шунинг учун унинг нутқи ҳақиқий чиқди, сабаби у ўз қалбининг асл гўзаллигини намойиш қила олди».*

«У қалбини бахш этди». Сир айнан мана шунда. Аммо бу каби маслаҳатлар муваффақият келтиравермаслигини ҳам биламан. Улар ноаниқ ва мужмалдек туюлади. Ўртамиёна ўқувчи аниқ ва тушунарли маслаҳатлар, худди кўли билан ушласа бўладиган, ўзи тушунадиган нарсаларни олишни хоҳлайди. Унга худди автомобиль бошқариш қоидалари каби аниқ қоидалар зарурдир.

Айнан мана шу, у хоҳлаган нарса, шунинг учун мен шуни унга беришни истайман. Шунда унга ҳам, менга ҳам осонроқ бўлади. Бундай қоидалар мавжуд, аммо уларда бир камчилик бор: улар таъсир этиш кучига эга эмас. Улар ҳар

кандай нуткнинг табиийлигини, эркинлигини олиб, уни куруқ ва жонсиз қилиб қўяди. Бу менга жуда таниш ҳолат, ёшлигимда бу қоидаларга амал қиламан, дея кўп кучимни йўқотганман. Уларни ушбу саҳифаларда учратолмайсиз, зеро Жош Биллингс завқли дақиқаларида айтиб ўтганидек, «агар шундай туюлгани билан аслида ундай бўлмаса, кўп нарсани билишнинг маъноси қолмайди».

### **Омма олдида нутқ сўзлаганингизда бу усулларни қўллайсизми?**

Маърузангизга табиийлик бағишлаши, сизга аниқ ва жонли кўриниш касб этиши учун бу борадаги айрим усулларни кўриб чиқамиз. Мен буни қўллашдан олдин роса шубҳага бордим, зеро кимдир: «Ҳа, мана гап қаерда!.. Шунчаки ўзингни мажбурлаш керак экан холос, кейин ҳаммаси ўз ўрнига тушар экан» дейиши мумкин-ку. Йўқ, асло бундай эмас. Агар сиз ўзингизни *мажбурласангиз*, нутқингиз жонсиз ва енгил-елпи бўлиб қолади.

Ҳали унчалик кўп бўлмади, биз бу усулларни худди овқатни ҳазм қилгандай, одатий тарзда дўстларимиз билан муомалада қўллаган эдик. Айнан мана шундай тарзда улардан фойдаланишимиз керак. Бошқа усули йўқ. Одатий чиқишларда бу сизга аввал ҳам айтилганидек, фақат амалий машқлар натижасида вужудга келади.

### **Биринчидан, муҳим сўзларни алоҳида таъкидланг, қолганларини эса уларга бўйсундиринг**

Сухбатда ишлатадиган сўзларда биз фақатгина бир дона бўғинга эътибор қаратамиз, бошқаларидан эса йўл четидаги гадейлардан ўзини олиб қочган такси сингари тез ўтиб кетишга ҳаракат қиламиз, масалан, МассачУсетс,

бахтСИЗлик, курШОВ. Худди шундай ҳолат гапда ҳам содир бўлади. Бир гапда фақатгина бир ёки икки сўз Нью-Йоркдаги Бешинчи кўчада қад ростлаган «Эмпайр стейт билдинг» осмонўпар биноси каби бўйнини чўзади.

Мен ҳеч ҳам ғалати ёки ноодатий ҳодисани тасвирлаётганим йўқ. Қулоқ тутинг. Сиз буларни атрофингизда ҳамиша тинглашингиз мумкин. Сиз кеча шу қилиқни юз ёки минг маротаба амалга оширгансиз. Эртага ҳам, шубҳасиз, сиз яна юз марта буни бажарасиз.

Мисол келтираман, қуйида келтирилган иқтибоснинг катта ҳарфлар билан ёзилган сўзларини алоҳида таъкидлаб, қолганларини эса тез ўқиб чиқинг. Бундан нима ҳосил бўлади?

«Мен қандай ишга бел боғласам, ҳар бирида ОМА-ДИМ ЧОПАРДИ, чунки мен айнан шу натижани ХОҲЛАР-ДИМ. МЕН ҲЕЧ ҚАЧОН ЎЙЛАНИБ ЎТИРМАСДИМ, айнан мана шу бошқалардан кўра менга кўпроқ УСТУНЛИК берди».

*Напалеон*

Бу мисраларни бошқача тарзда ҳам ўқиш мумкин. Бошқа нотик ушбу сўзларни ўзгача ўқийди, деган тахмин ҳам бор. Талаффуз қилиш учун темир қоидалар мавжуд эмас. Барча нарса вазиятга қараб белгиланади.

Қуйидаги гапларни чуқур талаффуз билан, фикрнинг аниқ ва ишонарли чиқишига ҳаракат қилиб айтиб кўринг. Ахир сиз муҳим гапларни алоҳида белгилаб, қолганлари устидан шунчаки ўтиб кетмаяпсизми?

*Енгилган деб ҳисобласанг ўзингни,  
Енгиласан ҳақиқатдан ҳам.  
Уддалай олмайман, деб ўйласанг,  
Демак, ҳал этолмайсан ҳеч нарсани.  
Ғалаба қозонмоқчи бўлсангу, аммо  
Қўлимдан келмайди, деб ўйласанг,*

*Демак, мағлублигинг муқаррар.  
Ғолиб бўлмас ҳаёт курашларида  
Кучли ва чаққонлар ҳамиша,  
Ўзини қодир санаган инсонгина –  
Эртами-кечми, голиб – ҳамиша.*

*Номтаълум муаллиф*

«Менимча, катъий аҳд қилмоқликдан кўра инсон руҳиятининг ўзга бир муҳим белгиси бўлмаса керак. Буюк инсон бўлмоқчи ёки бу ҳаётда ном қолдиришни истаган ёш йигит нафақат минглаб тўсиқларни енгиши, балки минглаб муваффақиятсизликлар ва мағлубиятларга қарамасдан барчасининг устидан ғолиб келмоғи лозим».

*Теодор Рузвельт*

### **Иккинчидан, овозингиз оҳангини ўзгартиринг**

Нутқ сўзлаш давомида сизнинг товушингиз гоҳо юқорилаб, гоҳо пасаяди, сўнгра яна кўтарилиб, ҳамиша ўзгариб, денгиз юзаси каби тўлқинланиб туради. Нима учун?

Ҳеч ким билмайди ва бу нарса ҳеч кимни кизиқтирмайди. Натижа жуда яхши бўлади ва бу табиий ҳолатдир. Бу ҳолатни ҳеч ким ўрганмаган, ҳаётимизга ўздан-ўзи хоҳишимиздан катъий назар, болалигимиздан кириб келган. Аммо агар биз омма олдига нутқ сўзлаш учун чиқадиган бўлсак, товушимиз Невада штатидаги чўлга ўхшаб қуруқ ва жонсиз бўлиши тахмини ҳам мавжуд.

Агар сиз ўзгармас оҳангда ва одатда баланд овозда гапирсангиз, бир сонияга тўхтаб, ўзингизга шундай деб мурожаат қилинг: «Сен худди санам, бут каби сўзламоқдасан. Одамлар билан суҳбатлаш. Одамга ўхшаб гапир. Ўзингни табиий тут».

Сизга бу каби ўзингизни қўлга олиш ёрдам берадими? Балки озгина фойда берар. Бир оз бўш вақт ўз-ўзидан фойдали бўлади. Сиз тўхтовсиз машғулотлар орқали ўзингизга кўмаклашмоғингиз керак.

Бирданига овозингизни баландлатиш ёки пасайтириш орқали, сиз танланган ҳар қандай ибора ёки сўз умумий вазиятда боғингиздаги яшил дафна сингари алоҳида ажралиб туришига эришишингиз мумкин. Бруклинлик машҳур рухоний, доктор С.Паркс Кэдмен ҳамиша шундай йўл тутар эди. Худди шу ишни жаноб Оливер Лож, шунингдек, Брайан ҳам амалга оширишар эди. Рузвельт ҳам худди шундай қилган. Ҳар бир ўзини ҳурмат қилган нотик шу усулни қўллайди.

Куйида келтирилган иктибосларни ўқиётганингизда ажратиб кўрсатилган сўзларни товушингизни пасайтирган ҳолда ўқинг. Бундан нима ҳосил бўларкан?

*«Менинг биргина фазилатим бор – ҳеч қачон руҳан тушқунликка тушмайман».*

*Маршал Фош*

*«Таълимнинг энг олий мақсади – билим бериш эмас, балки ҳаракатдир».*

*Герберт Спенсер*

*«Мен саксон олти йил умр кўрдим. Муваффақият чўқкисига чиққан юзлаб одамларни учратдим. Муваффақиятга эришишининг барча элементлари ичида энг зарури – бу ишончдир».*

*Кардинал Гиббонс*

## Учинчидан, нутқингиз суръатини ўзгартиринг

Ёш бола гапирганида ёки бирор-бир оддий сўхбатларни олиб борганимизда *нутқимиз суръати ҳамиша ўзгариб туради*. Бу, албатта, ёқимли ва табиийдир. Бу ўз-ўзидан содир бўлади. Шунингдек, ифодалилик беради. Умуман олиб қараганда, бу бирор-бир фикрни алоҳида ажратиб кўрсатишнинг энг яхши усулидир.

Уолтер Б.Стивенс ўзининг Миссури штати тарихий жамияти томонидан нашр этилган «Линкольн мухбир нигоҳида» китобида Линкольн ўз сўзларига ишонтирувчанлик ҳиссини бермокчи бўлганида бу усулдан фойдаланганини ҳикоя қилади.

«У ҳамиша тез гапирар, бирор-бир муҳим ибора ёки сўзни айтмокчи бўлса, нутқ оҳангини секинлаштирар, сўнгра эса тезлик билан гапини тамомлар эди... У муҳим бўлган сўзларда шунчалик узок тўхтар эдики, бунинг ўрнига бошқа ўнлаб муҳим сўзларни айтиб юбориши мумкин эди».

Бу усул сўзсиз эътиборни ўзига жалб этади. Мисол келтираман. Мен омма олдида нутқ сўзлаганда кўп бора кардинал Гиббонснинг юқорида келтирилган сўзларини иктибос келтирардим. Мен мардлик ғоясини алоҳида таъкидлагим келар, шунинг учун муҳим сўзларга келганда нутқимни секинлаштирардим ва ўзимни худди шу сўзлар таъсири остида қолгандек ҳис этардим, ҳақиқатдан ҳам шундай бўларди. Бу усулни қўллаган ҳолда иктибосни овоз чиқариб ўқинг ва бундан нима чиқишини кўрасиз.

Ўлиmidан олдин кардинал Гиббонс шундай деган эди: «Мен *саксон олти йил* умр кўрдим. Муваффақият чўққисига чиққан *юзлаб одамларни* учратдим. Муваффақиятга эришишнинг барча элементлари орасида *энг зарури* – бу *ишончдир*. *Ҳар қандай инсон ўзида мардлик ҳиссини пайдо қилмас экан, ҳеч қандай буюк ишларга қўл уролмайди*».



«Ўттиз миллион доллар» иборасини тез ва эътиборсизлик билан, худди арзимас бир пул ҳақида гап кетаётгандай талаффуз қилинг. Энди эса «ўттиз минг доллар» жумласини жуда секин, худди бундай катта маблағдан ҳайратга тушгандек сўзлаб кўринг. Ўттиз минг доллар ўттиз миллион доллардан устунроқ бўлиб кўринмадими сизга?

### **Тўртинчидан, муҳим фикрлардан аввал ва кейин тўхтаб олинг**

Линкольн ҳамиша нутқининг ўртасида тўхтаб олар эди. У муҳим ғояларга етиб келганида тингловчиларнинг онгига таъсир этиш учун олдинга қараб тиралар ва уларнинг кўзларига тик қараб индамай турар эди. Тўсатдан индамай туриш бирданига айтилган сўзлар каби катта таъсир этиш кучига эга эди – ўзига эътиборни тортарди. Барча тингловчилар диққат билан бундан кейин нима бўлишини кутиб туришар эди. Мисол учун унинг Дуглас билан бўлган баҳс-мунозараси охирига етиб келаётганида ҳамма унинг ютқазшига ишонганди, шунинг учун у бир муддат умидсизликка тушди ва дилгирликка мубтало бўлди, бу ҳолат унинг сўзларига таъсирли руҳ бағишлади. Линкольн солномасини ёзганлардан бирининг сўзларига қараганда, ўзининг сўнгги чиқишида у бирданига «бир неча дақиқа жим қолганча, кўплаб ярим бепарво одамларга, ярим ҳамфикрларининг юзига толиққан, кўпинча тўкилай деб турган ёшга тўла кўзлари билан қараб турди. Сўнгра умидсиз курашдан чарчаган каби қўлларини бир-бирининг устига қўйиб, ўзига хос текис оҳангда шундай деди: «Дўстларим, АКШ сенатига ким сайланиши – менми ёки судья Дугласми, асло муҳим эмас. Бугун сизларнинг эътиборингизга қўйган муҳим муаммоимиз ҳар қандай инсоннинг шахсий манфаатлари ва сиёсий ўйинлардан кўра узокни кўзлайди. Шунингдек, дўстларим – бу ерда у бир оз тин олди ва ҳамма унинг ҳар бир сўзини диққат билан

тинглаб турарди, – бу масала судья Дуглас ва менинг чарчаган, кучсиз овозимиз абадий ўчганида ҳам энг мухим ва долзарб бўлиб колаверади».

Бу оддий сўзлар ва уларнинг шу тарзда оддий айтилиши одамлар калбига жуда каттик таъсир этганди».

Линкольн шунингдек, таъкидламокчи бўлган мухим сўзларидан сўнг тўхтаб оларди. У бу сўзларга урғу бериб айтиб бўлгач, улар тингловчилар онгига таъсир этмагунича жим турар эди.

Жаноб Оливер Лож ўз фикрларини айтишдан аввал ва кейин тўхтаб олар эди. У бир иборада икки-уч марта тўхтаб олар, буни табиий ва ғайришуурий холда амалга оширарди. Жаноб Оливернинг нотиклик санъати усулларини ўрганаётган кишигина буни дарров илғаши мумкин.

«Сукут сакласанг, – дерди Киплинг, – сўзлай оласан». Сукут сақлашдан онгли равишда ва ўз ўрнида фойдаланишни билсагина у олтин даражасидаги кийматга эга бўлади. Бу менсимасдан караш мумкин бўлмаган энг мухим ва кудратли курулдор, аммо шунга карамай, бошловчи нотиклар ундан умуман фойдаланмайдилар.

Куйида Хоменнинг «Жанговар нутқлар» китобидан келтирилган парчадаги нотикларнинг муваффақият билан сукут сақлаши мумкин бўлган жойларини белгилаб чиқдим. Мен буларни сукут сақлаш керак бўлган энг яхши, ягона жойлар деяётганим йўк. Шунчаки бу ерда шу усулни кўллаш мумкин, деяпман. Сукут сақлаш учун жойлар қатъий ва махсус коидалар билан аниқланмайди. Барчаси, нотикнинг кайфияти ва ҳолати, шунингдек, нутқнинг асосидан келиб чиқади. Бугун сиз иборанинг бир ерида, эртага эса бошқа ерида сукут сақлашингиз мумкин.

Жумлани сукут сакламасдан ўқиб чиқинг, сўнгра мен кўрсатган жойларида сукут саклаб мутолаа килинг. Улар қандай натижа беришини кўрасиз.

«Маҳсулотларни сотиш – бу курашдир (шу ерда сукут сақланг, тингловчилар онгида кураш хақида фикр уйғонсин) ва фақатгина курашчилар унда ғолиб келиши мумкин (сукут

сақлаб, бу фикрнинг ҳам вужудга келишини пойлаб туринг). Бизга бу ҳолат ёқмаслиги мумкин, аммо биз уни яратганимиз йўқ ва уни ўзгартиролмаймиз (сукут). Савдосотик дея аталмиш ўйинга кирганингизда бор жасоратингизни йиғинг (сукут). Агар бу ишни амалга оширмасангиз (бу ерда сукутни чўзинг), сиз ҳар доим нишондан ташқари ура бошлайсиз (сукут). Ҳали ҳеч қачон тўпни оширишдан кўркқан одам гол ура олмайди (сукут сақлаб, тингловчилар онгида фикрнинг вужудга келишига вақт беринг). Шунини ёдда тутинг (сукут сақлаб яна фикрни жонлантиринг), тўпни ишонч билан ўйинга киритган ёки уни охириги зарба учун узатган одам – бу калбидаги катъий ишонч билан ғалабага интилган ўсмирдир... (тингловчиларда бу ўйинчига нисбатан қизиқиш уйғотиш учун узоқроқ сукут сақлаб туринг)».

Қуйидаги парчаларни аниқ ва фикрлаган ҳолда овозингизни чиқариб ўқинг. Ўзингиз табиий ҳолда сукут сақлашингиз мумкин бўлган жойларига эътибор беринг.

«Буюк Америка чўллари Айдаҳо, Нью-Мексика ёки Аризонада жойлашган эмас. У ўртача инсоннинг бош кийими остида жойлашган. Буюк Америка чўли – аслидан кўра ақлий фаолият афзалроқ макондир».

*Ж.С.Нокс*

«Инсон билан боғлиқ балолардан ҳалос этувчи ҳеч қандай восита йўқ; унга энг яқин жойлашгани – бу ошкоралиқдир».

*Профессор Фоксуэлл*

«Мен кўнглини олишим керак бўлган икки зот бор, – улар Аллоҳ таоло ва Гарфилддир. Гарфилд билан бу дунёда яшамоғим лозим, Аллоҳ таоло билан эса – у дунёда».

*Жеймс А.Гарфилд*

Шундай ҳам бўлиши мумкин: бу фаслда мен келтирган йўриқларга тўлиқ риоя қилиб, шунга қарамасдан, бир уюм хатолар қилиш мумкин. Омма олдида худди оддий суҳбат кургандек, аммо грамматик хатоларга йўл қўйиб, одамларни ҳақорат қилиб қўядиган даражада ва ёқимсиз овозда гапириш мумкин. Ҳар бир одамнинг хатти-ҳаракатлари кўплаб тузатишларга муҳтожлиги табиий ҳолдир. Нутқ сўзлаш табиий тарзингизни такомиллаштиринг, шундан сўнг эса бу усулни минбарга ўтказинг.

### Хулоса

1. Нутқда сўзлардан бошқа муҳимроқ нарсалар ҳам бор. Бу ерда асос сизнинг *нима* гапиришингизда эмас, уни *қандай* айтишингиздадир.

2. Кўпчилик нотиклар ўз тингловчиларига эътибор бермайдилар, гоҳ тепага, гоҳ эса ерга қараб ўтирадилар. Улар ўзлари билан ўзлари гаплашгандек бўладилар, худди аудитория билан нотик ўртасида алоқа ва ўзаро боғлиқлик йўқдай. Бундай муомалалар суҳбатни адо қилиб, шунингдек, омма олдида нутқ сўзлашни бузиб қўйиши мумкин.

3. Яхши чиқиш қилиш – бу аввало сўзлашиш оҳанги, самимийлик ва алоҳида таъкидлашдир. Ҳомийлик фондининг бирлашган йиғилишида худди Жон Генри Смит билан суҳбатлашгандек гапиринг. Ахир фонд аъзолари Жон Генри Смитлардан кўра бошқача одамлар эмас-ку.

4. Ҳар қандай одам нутқ сўзлаши мумкин. Агар сиз бунга шубҳа билан қарасангиз, ўзингиз текшириб кўринг: энг кўпол инсонни танлаб, уни оёғидан чалинг, шунда ўрнидан турганида унинг ҳеч бир хатосиз сизга бирор нарса дейишини кўрасиз. Биз шунчаки омма олдида нутқ сўзлаганингизда худди шундай табиийликка эга бўлишингизни хоҳлаймиз. Бундай хусусиятни ўзингизда намоён қилиш учун жуда кўп шуғулланишингиз керак. Бошқаларга тақлид қилманг. Агар сиз бошқаларга нисбатан

самимий суҳбат курсангиз, бу дунёда бошка ҳеч кимга ўхшамайсиз. Чикишингизга факат ўзингизга хос булган хусусиятлар ва яқдиллигингизни олиб кирилинг.

5. Тингловчилар билан улар худди ҳозир ўринларидан туриб сизга жавоб беришни бошлайдигандай суҳбат курилинг. Агар улар сизга савол беришганида, балки сизнинг чикишингиз шу заҳотиёқ яхши томонга ўзгариб кетар. Шунинг учун кимдир сизга савол берган, сиз эса унга жавоб бераётгандай *ўзингизни тасаввур қилинг*. Овозингизни чиқариб: «Буни қаердан билишимни сўраяпсизми? Мен сизларга айтишим мумкин...» денг. Бундай ҳолатлар жуда табиий туюлади; сизнинг ибораларингиз ортик расмий бўлмай, нутқингизни кизитиб, янада ёркинрок килади.

6. Нутқингизга қалбингизни беринг. Асл ҳис-туйғуларга тўлиб-тошган самимийлик дунёдаги бошка ҳар қандай қоидалардан кўра кўпроқ ёрдам беради.

7. Барчамиз жиддий суҳбатларда ўзимиз билмаган ҳолда қўллайдиган тўрт усул мавжуддир. Аммо сиз уни омма олдида чиқиш қилганингизда қўллайсизми-йўқми? Кўпчилик одамлар буни амалга оширмайдилар.

а) Иборада ишлатиладиган муҳим сўзларингизни ажратиб, аҳамиятсизларини уларга бўйсундирасизми? Сиз барча сўз, бўғин ва қўшимчаларни бир хилда талаффуз қиласизми ёки сўзларга урғу берган ҳолда, масалан, «МассаЧУсетс» тарзида айтасизми?

б) Сизнинг ҳам товуш оҳангингиз ёш бола гапираётгандай кўтарилиб, кейин пасайгандай, вақти-вақти билан ўзгариб турадими?

в) Нутқ суръатини ўзгартирасизми, унча катта аҳамиятга эга бўлмаган сўзларни тезроқ ўқиб, муҳимларига кўп вақт сарфлайсизми?

г) Сиз учун муҳим бўлган фикрларни айтишдан аввал ва кейин сукут сақлайсизми?

## **МИНБАРГА ЧИҚИБ ХАЛҚ ОЛДИДА СЎЗЛАШ ВА ШАХСИЯТ**

Бир куни Карнеги технология институти юз нафар кўзга кўринган ишбилармонга, уларнинг интеллектуал салоҳиятлари даражасини текшириш учун тест саволларини тарқатиб чиқди. Бу саволлар уруш даврида армияга қўлланилган тест саволларини эслатар эди. Олинган жавоблар шак-шубҳасиз, муваффақиятга эришиш учун юксак интеллектуал салоҳиятдан кўра, шахсият муҳимрок эканлигини кўрсатди.

Бу айтилган фикр таъкидлаш керакки, ишбилармонлар, таълим соҳаси ходимлари, шунингдек, эркин фаолият юритувчи хизматчилар ва нотиклар учун ҳам ўта муҳимдир.

Нутқ сўзлашга тайёргарлик кўришни ҳисобга олмасак, шахсиятнинг ўзи оммага нутқ сўзлашда энг муҳим омил ҳисобланади. Элберт Хаббард шундай деган эди: «Нотикликда сўзлар эмас, нутқ оҳанги асосий ўринда туради». Аниқроқ айтадиган бўлсак – товуш оҳанги ва ғоя. Аммо шахсият бинафша хиди каби мужмал, туткич бермас ва таҳлил остига олинмайди. Унда инсоннинг бор-буди: жисмоний, маънавий, аклий, руҳий томонлари, афзаллиги, истаклари, жўшқинлиги, аклий захираси, кучи, тажрибаси, маълумоти хуллас, унинг бутун умри мужассам. Шахсият Эйнштейннинг нисбийлик назарияси каби жуда мураккаб ҳодиса, уни ҳамма ҳам тушунавермайди.

Шахсият авлоддан авлодга ўтиши ва ижтимоий-муҳит таъсирида илғорлашуви мумкин, уни ўзгартириш ёки яхшилаш жуда қийин. Аммо шунга қарамай, бир оз куч берсак, уни аниқ бир даражагача мустаҳкамлаб, янада кучли ва янада ёрқинроқ қилишимиз мумкин. Ҳар ҳолда, бизларга

Аллоҳ ато этган шахсият деб номланувчи ажиб бир ходисанинг энг юкори даражасини олишга эришиш мумкин. Бу масала ҳар биримиз учун жудаям муҳимдир. Зеро, шахсиятни янада такомиллаштириш имкониятлари бизда чекланган бўлса ҳам, уни ўрганиш ва муҳокама қилиш жуда катта мавзудир.

Агар ўзингизга хос хусусиятларга эришмоқчи бўлсангиз, дам олгандан сўнг тингловчилар олдида нутқ сўзлашингиз керак. Чарчаган нотик ҳеч қандай ўзига хос ва тортувчи кучга эга бўлолмайди. Кўпчилик нотиклар йўл кўядиган энг катта хатога сиз йўл кўйманг, улар нутқ сўзлашга тайёргарлик қилишни ва нутқ режасини ишлашни орқага суриб, сўнг кеткизган вақтини тиклаб олиш учун тез суръатда ишлашга тушишади. Сиз ҳам шундай қилсангиз, танангизда захарли моддалар кўпайиб, мия тез чарчаб қолади, бу эса нутқнинг чўзилиши каби ёқимсиз ҳолатларга олиб келади, сиз бир жойда тўхтаб қоласиз, асаб тизимингиз ва миянгиз фаолияти сусайиб, бор кучингизни йўқотасиз.

Агар сиз кўмита мажлисида кундузи соат тўртда муҳим масала юзасидан гапиришингиз керак бўлса, бундан олдин яхшилаб овқатланиб, бир оз дам олишингиз зарур. Жисмоний ва аклий ҳордиқ чиқариш ва асабларни бўшаштириш – айна мана шу нарса сизга жуда асқотади. Машҳур кўшикчи аёл Жералдин Фаррат ҳамиша янги танишларини хайрон қолдирар, улар билан суҳбатлашишни эрига қолдириб, хайрлашганча эрта кетиб қолар эди. Чунки у санъат талабларини яхши билар эди. Нордика хоним эса муваффақият қозониш учун аёлларга ёқадиган нарсалар: жамоатчилик ишлари, дўст-дугоналар ва ширин таомлардан ҳам воз кечиш керак, деб айтарди.

Муҳим муаммо ҳақида нутқ сўзлашингизга тўғри келса, ҳеч қачон қорнингиз оч ҳолда минбарга чикманг. Худди тақводор одам каби меъёрда овқатланинг. Одатда Генри Уорд Бичер якшанба кунлари кечаси соат бешларда

сут билан кречер печеньеларидан еб олар, шундан сўнг бошка ҳеч нарса тановул қилмасди.

«Мен кечкурун қўшиқ айтганимда, – дер эди Мельба хоним, – тушлик қилмасдан, соат бешларда енгил газак тановул қилардим. Бу газак балиқ, жўжа ёки дудланган олма билан «ширин гўшт» (бўқок ва ошқозон ости беги)дан иборат бўларди, устидан бир стакан сув ичардим. Опера ёки концертдан сўнг уйга қайтсам, кечки овқатдан олдин ҳамиша кучли очликни ҳис қилардим».

Профессионал нотик бўлганимдан сўнг тўйиб овқатланиб, икки соат нутқ сўзлашга ҳаракат қилганимга қадар Мельба ва Бичерлар қанчалик доно йўл тутишганини ҳатто ҳаёлимга ҳам келтирмаган эдим. Тажрибаларим дастлаб «денгиз тили»дан пиширилган лаҳм гўшт, ковурилган картошкадан тайёрлаган французча бифштекс, салатлар, сабзавотлар ва ширинликлардан лаззатланган ҳолда, бир соатдан сўнг тингловчилар олдида нутқ сўзлаёлмаслигимни кўрсатди. Миямда айланиши керак бўлган қон пастга – картошка ва бифштекс курашишни бошлаган ошқозонга тушган эди. Падеревский концертдан олдин ўзи хоҳлаган нарсаларни еса, унинг ичида қандайдир хайвон жойлашиб олиб, бармоқларининг учигача қамраб олиши ва бунинг натижасида ижроси зерикарли ва таъсирсиз чиқишини таъкидлаганда ҳақ эди.

### **Нима учун бир нотикнинг чиқиши бошқасиникига қараганда яхшироқ бўлади**

Кувватингизни туширадиган, толиктирадиган ҳеч бир ишга қўл урманг. Чунки бундай ишлар ўзига тортар хусусиятга эгадир. Ҳаётини кувват, илдамлик ва ғайрат – нотиклар ва омма олдида сўзга чиқишдан сабоқ берувчи муаллимларга мен энг биринчи навбатда синғдирмокчи



бўлган муҳим хусусиятлардан саналади. Худди кузги буғдой тўла майдон атрофига йиғилган ёввойи ғозлар мисоли, одамлар ўзидан қувват манбаини чиқарувчи нотикларни дарров ўраб олишади.

Лондоннинг Гайд-Парк боғидаги очик майдонда нутқ сўзлаётган нотиклар мисолида бу қоида ўз исботини топганини кўп кўрганман. Мармар арк олдидаги майдонча ҳар хил нотиклар учрашадиган жой ҳисобланади. Бу ерга ҳар якшанбада, куннинг иккинчи ярмида келиб Рим папасининг шубҳага ўрин қолдирмайдиган католик таълимоти шарҳини, Карл Маркснинг иқтисодий назариясини тарғиб этаётган социалистни ёки нима учун мусулмон эркак икки хотин олганида ҳақ бўлишини тушунтираётган қандайдир ҳиндни ва бошқаларни тинглаш мумкин. Бир нотик атрофида унча кўп одам йиғилмаган бир пайтда, бошқасининг олдида юзлаб тингловчи тўпланиши мумкин. Нима учун? Нутқлар мавзуи ҳар доим ҳам нотикларнинг ўзига тортадиган кучига сабаб бўла оладими? Йўқ. Кўп ҳолларда бу нотикнинг ўзига боғлиқ, у бундан кўпроқ фойда кўради, демак у бунга кўпроқ кизиқади. У тобора шижоат ва ҳаяжон билан гапиради. У ўзидан атрофига ҳаётий куч ва кўтаринкилик таркатади. Бундай нотиклар ҳамиша одамлар эътиборини жалб қилишади.

### **Кийим сизга қандай таъсир кўрсатади**

Университет президенти ва психология бўйича мутахассис бир гуруҳ одамларга саволномалар жўнатишди. Бу саволларда кийимлар уларга қандай таъсир кўрсатиши сўралган эди. Улар яқдиллик билан, агар яхши кўринишда ва бекаму-кўст кийинишган бўлса, буни ҳис этиш ва бу ҳақдаги фикр таъсир этиб, қанчалик қийин тушунилмасин, уларни тобора аниқ ва ишонарли бўлишга ундашини

таъкидлашган эди. Кийимлар ўз эгаларига шунча кўп ишонч ва куч берар эдики, хатто уларнинг ўзларига хурмати ошиб кетарди. Улар аъло даражада кийинишганда ҳар қандай муаммони ҳал қилишда ва муваффақиятга эришишларида ёрдам беришини таъкидлашар эди. Кийим уни кийган одамга шу тариқа таъсир кўрсатади.

Кийим тингловчиларга қандай таъсир этади? Мен буни жуда кўп кузатганман. Агар нотик – қопсимон шим, ўлчами йўқ костюм, тозаланмаган оёқ кийим кийган, костюмининг бир чўнтагидан ручка ва қалам, иккинчисидан эса газета чиқиб, бошқа чўнтаклари тамаки идиши ва трубкадан дўмпайиб турган эркак бўлса ёки нотик дидсиз кийинган, сумкаси турли хил нарсаларга тўлган, ички кийимлари кўриниб ётган аёл бўлса, у ҳолда ўзим кўп марталаб гувоҳи бўлганимдек, тингловчилар бундай нотикларга, улар ўзларини кам ҳурмат қилишганидай ҳурмат кўрсатмайдилар. Балки улар нотикнинг акли худди соч турмаги каби пала-партиш ёки тозаланмаган оёқ кийимлари сингари айтарли эмас, деб тахмин қилишса керак.

Генерал Ли Аппоматтокедаги суд биносига, ўз қўшинларининг сўзсиз таслим бўлганини эълон қилгани келган вақтида рисоладагидай кийиниб олган, устида янги мундир, бикинида эса жудаям қимматбаҳо қилич осиглик турарди. Грант эса мундирсиз ва шамширсиз эди, шунчаки аскар қўйлаги ва шимини кийган эди. Кейинчалик у ўз хотираларида шундай деб ёзган эди: «Менимча, ўша пайтда бенуксон мундир кийиб, ўзига астойидил қараган олти футли қадду қомат эгаси олдида жуда ғалати кўринган бўлсам керак». Ўша тарихий воқеада Грантнинг муносиб кийинмагани унинг бутун умри давомида жуда кўп афсусланишига сабаб бўлган бўлса ажаб эмас.

Вашингтондаги кишлок хўжалиги вазирлигининг синов боғида бир неча юз ари уялари бор. Ҳар бир ари уяси ичига катта ойна ўрнатилган бўлиб, тутмачани босиш орқали уя ичига нур тушириш, сўнг эртами-кеч, хоҳлаган пайт ариларни яхтилаб томоша қилиш мумкин эди. Нотик ҳам шундай – у доимо катталаштириб кўрсатадиган тошойна олдида, юзига ёруғлик туширилиб, барча унга тикилиб тургандек. Унинг ташқи қиёфасидаги заррача камчилик ҳам водийдаги Пайка чўққиси сингари ҳаммага кўриниб қолиши мумкин.

**«Ҳали гап бошлашга улгурмасимиздан  
бизга танбех беришади ёки қувватлашади»**

Бир неча йил олдин мен «Америкен мэгэзин» журнали учун нью-йорклик бир банк эгасининг ҳаёти хақида мақола ёзган эдим. Ўшанда мен унинг дўстларидан бирини суҳбатга чақириб, молиячининг муваффақиятлари сабабини тушунтириб беришини илтимос қилдим. У дўсти эришган ютуқлар асосан унинг табассумига, мафтункор жилмайишига боғлиқ эканини айтди. Кимгадир бу фикр бўрттирилгандек туюлиши мумкин, аммо мен шундай эканига ишонаман. Бошқа ўнлаб, юзлаб инсонлар ҳам, балки янада кўпроқ одамлар молия соҳасида жуда кўп тажриба ва билимларга эгадирлар. Аммо қаҳрамонимнинг улар эга бўлмаган бир хислати бор эди – у жуда хушмуомала инсон эди. Энг кучли ажралиб турувчи хислат унинг меҳр билан жилмайиши бўлиб, бу билан у суҳбатдошларининг ишончига кирар ва уларда яхши таассурот қолдирар эди. Биз хамиша бундай инсонларнинг муваффақиятга эришишини хоҳлаймиз ва уларга ёрдам бериш бизга ҳузур бағишлайди.

Хитой халк мақолида шундай дейилган: «Жилмайишни билмаган инсон савдо билан шуғулланмасин». Ахир инсоннинг майин табассуми, сотувчи харидорга муомала қилганидай, тингловчилар учун ҳам ёқимли эмасми? Мен бир ҳамкасбимни эслайман, у Бруклин савдо палатаси қошидаги нотиклик курси аъзоларининг чиқишларида иштирок этарди. Ҳамиша тингловчилар олдига чиққанида ўзи шуғулланаётган иш унга ёқиши сезилиб турар эди. У ҳамиша бизларни кўрганидан хурсанд бўлиб тургандек жилмаяр, шунинг учун ҳам тингловчилар кўнгилларида унга нисбатан ўзгача бир илик туйғу ҳис этишарди.

Аммо шундай нотиклар ҳам бўлади, улар тингловчилар олдига худди жуда қийин, ҳал этиб бўлмас муаммони муҳокама қилаётгандай хўмрайиб чиқишар, нутк сўзлаб бўлишгач, худди жуда оғир муаммодан кутулгандай шукрона айтиб юборишга тайёр туришар эди. Биз тингловчилар ҳам худди шундай ҳолатни ҳис қилардик. Зеро, бундай кайфият ўта юқумлидир.

«Ўхшаш ҳолат ўзига монанд ҳолатни пайдо қилади», дейди профессор Оверстрит ўзининг «Инсон хатти-ҳаракатига таъсир кўрсатиш» номли илмий ишида. «Агар биз ўз тингловчиларимиз билан қизиксак, улар ҳам бизга қизиқишади, дея оламиз. Агар биз тингловчиларга жаҳл, ғазаб билан қарасак, улар ҳам бизга жаҳл билан қарашлари мумкин. Агар биз ўзимизни тортинчок ҳолатда ёки ҳаддан ташқари ҳаяжонлансак, улар ҳам бизга ишонмасликлари мумкин. Агар биз ўзимизни ўйлаб, мақтанчоқлик қилсак, улар ҳам бизга нисбатан ўзларини катта тута бошлашади. Биз нутк сўзлашдан анча олдин, тингловчилар камчиликларимизни кўриб, бизни ёмонлашади ёки маъқуллашади. Шу боис биз одамларда ижобий таассурот қолдириш учун ўзимизни шунга яраша тутмоғимиз керак».

## Тингловчиларни бир жойга тўпланг

Кўп ҳолларда кундузи унча кўп бўлмаган, залнинг ҳар-ҳар жойида, кечки пайт эса ўша хонани тўлдириб ўтирган одамлар олдида нутқ сўзлашимга тўғри келган. Кечки гуруҳ тингловчилари кундузги гуруҳ катнашчилари зўа-базўр кулган ўринларда роса кулишарди; кундузги гуруҳ ҳеч қандай эътибор кўрсатишмас, кечки гуруҳ эса кўпинча мени олқишлар эди. Нима учун?

Ҳап шундаки, кундузи келадиган қариялар ва болалар кечки пайт келадиган ғайратли ва тажрибали одамлар каби ўз хиссиётларини намойиш эта олишмасди. Аммо бу асосийси эмас, шунчаки айтилган изоҳдир.

Муҳим сабаб шундаки, одамлар хонанинг ҳар жой-ҳар жойида сочилиб, ажралиб турган бўлишса, уларни мавзуга қизиқтириш осон эмас. Катта хонадаги бўш ўринларнинг кўплиги каби бирор нарса йўқки, иштиёқни шунчалик тез сўндирилса.

Генри Уорд Бичер ўзининг хутбани қандай ўқиш кераклиги ҳақидаги Йель маърузаларида шундай деган эди: «Мендан кўпинча: Сизга озчилик тўпланган катта хонада нутқ сўзлашдан кўра, кўпчилик олдида нутқ сўзлаш яхши эмасми, деб сўрашади? Мен: «йўқ», деб жавоб бераман. Мен ўн икки кишининг олдида ҳам минг киши олдида гапиргандек нутқ сўзлай оламан. Фақат ўша ўн икки киши бир-бирларига яқин ўтиришлари керакки, мен уларнинг бир-бирларига суяниб туришганини кўрай. Аммо минг нафар тингловчи бир-биридан тўрт фут узокда ўтирса, худди улкан зал бўш тургандек бўлади...

Тингловчиларингизни бир жойга жамланг, шунда кам куч сарфлаб ҳам уларни ўзингизга ишонтира олишингиз мумкин».

Кўпчиликка, оломонга қўшилган одам ўзига хослигини бир муддатга йўқотиши мумкин. Яъни

оломоннинг бири бўлиб қолади, шунда унга таъсир этиш имконияти ошади. У ҳатто ўзи эътиборсиз бўлмаган нарсаларга ҳам қизиқиб, кула бошлайди ва нотикни тинглаётган оломоннинг узвий бир қисмига айланади.

Инсонларни алоҳида-алоҳида турганидан кўра, тўп бўлиб туришганида бошқариш осонроқ. Мисол учун, урушга кетаётган одамлар энг хавфли ва ақлга сиғмайдиган хатти-ҳаракатларни ҳам бажараверадилар, сабаби улар ҳамма билан бирга бўлишни хошлашади. Охириги урушда немис ҳарбийлари бир-бирларининг қўлларидан ушлаб, жангга киришган.

Оломон! Халқ! Омма! У ўзгача бир кўриниш намоён эта олади. Барча йирик халқ ҳаракатлари ва ислохотлар оломон психологияси орқали амалга оширилган. Эверет Дин Мартин бу мавзуда «Оломон ахлоқи» деб номланган кизикарли китоб ёзган.

Агар унча кўп бўлмаган тингловчилар олдида нутк сўзламоқчи бўлсак, кичикроқ жой танлашимизга тўғри келади. Катта залга озчилик одамларни йиққандан кўра, уларни кичик хонага тўплаган, курсиларни бир-бирига яқинроқ жойлаштириб, ўтирғизган маъқул.

Агар тингловчиларингиз залда тарқалиб ўтиришган бўлишса, сизга яқинроқ келиб, ўтиришларни илтимос қилинг. Бу ишни нутк сўзлашни бошлашдан олдин амалга оширинг.

Агар одамлар ҳақиқатдан ҳам жуда кўп тўпланишган ва нотикнинг баландроқ кўтарилишига эҳтиёж туғилса, шундагина минбарга чиқинг. Ўз тингловчиларингиз билан бир қаторда, уларнинг қаршисида туришга ҳаракат қилинг. Иложи борича ҳар қандай расмий ҳолатдан воз кечишга интилинг. Узвий алоқа ўрнатиб олиб, нутқингизни оддий жонли суҳбатга айлантинг.

## Майор Понд деразани синдираp эди

Залда хавонинг иложи борича тоза ва яхши бўлишига эътибор беринг. Омма олдида нутқ сўзлаётганингизда, кислород худди ҳикилдоқ, томоқ, кичик тил каби ўта муҳим аҳамиятга эга. Агар хонанинг хавоси айниб турганида эди, Цицероннинг моҳир нотиклиги-ю, «Роккетс» аёллар ансамблининг бор ёкимлилиги ҳам одамларни асло ўзига жалб этолмас, кизиктиролмас эди. Шунинг учун бошқа нотиклар қатори мен ҳам нутқ сўзлашимга тўғри келса, тингловчиларга туриб, бир-икки дақиқа дам олишларини, танаффусда эса дерезаларни катта очиб юборишларини илтимос қиламан.

Ўн тўрт йил мобайнида майор Жеймс Б. Понд ваъзхонлик маҳоратининг юқори чўққисида турган бруклинлик машҳур нотик Генри Уорд Бичернинг гумаштаси сифатида бутун АҚШ ва Канадани айланиб чиқди. У тингловчилар ҳали йиғилиб улгурмасидан аввал Бичер нутқ сўзлайдиган зал, черков ёки театрга келиб, ёруғликни, курсиларни, ҳароратни ва хонани шамоллатиш мосламаларини яхшилаб текшириб чиқар эди. Понд эски армиянинг бакирок ва кайсар офицери бўлиб, ҳамма уни ҳурмат қилишини истарди. Шунинг учун хоналар димиқиб кетган бўлса, дерезаларни оча олмаса, китобларни ойнага иргитар, парча-парча қилиб синдириб ташлар эди. «Нотик учун кислород худди тангрининг инояти каби жудаям зарурдир» деб ҳисобларди Спержен.

## Юзингизни ёритувчи нур бўлсин

Агар спиритизм (ўлганлар руҳи нариги дунёда яшайди ва улар билан сўзлашиш мумкин, деб ишонувчи мистик оқим) билан шуғулланмасангиз, иложи бўлса, зални янада

ёруғрок килинг. Нимкоронгу, худди термос ичи каби зимистон бинода одамларни бирор нарсага кизиктиришдан кўра беданани кўлга ўргатиш осонрок.

Дэвид Беласконинг сахна режиссурасы хакидаги мақоласини ўқиб кўринг, шунда оддий нотик хонани тўғри ёритишнинг қандай катта аҳамият касб этиши хакида ҳеч қандай тушунчага эга эмаслигини билиб оласиз.

Ёруғлик, керак бўлса, сизнинг юзингизга уриб турсин. Одамлар, тингловчилар сизни кўришни хошлашади. Юзингиздаги кузатиладиган кичик ўзгаришлар, ҳиссий ҳолатлар мавзуни изоҳлаб беришда муҳим аҳамият касб этадиган энг асосий жиҳатлар бўлиши мумкин. Баъзида улар сиз айтадиган сўзлардан кўра кўпрок аҳамият касб этишади. Агар сиз тўғридан-тўғри чирокнинг тагида турган бўлсангиз, юзингизга соя тушади, агар ёритиш мосламасининг тўғрисида жойлашган бўлсангиз, унда юз-кўзингиз ялтираб кўринади. Шунинг учун нутқингизни бошлашдан олдин ўзингизга ёруғликка нисбатан қулай жой танлаш мақсадга мувофиқ бўлмасмикан?

### **Сахнада ҳеч қандай ортиқча нарсага ўрин йўқ**

Нутқ сўзлаётганда столга ўтириб олманг. Тингловчилар сизнинг бўй-бастингизни кўришни исташади. Улар ҳатто сизни кўриш учун бўйинларини чўза бошлашади.

Қандайдир яхши одам, балки сиз нутқ сўзлайдиган хонадаги стол устига графинда сув билан стакан келтириб кўйса керак. Агар сиз нафсингизда чанқокни ҳис этсангиз, бир чимдим туз ёки лимон бўлаги ҳам худди Ниагара шаршараси мисоли сўлагингиз кўп ажралиб чиқишига олиб келади.



Сизга сув ҳам, графин ҳам керак эмас. Сизга бошка бефойда жисмларнинг ҳам кераги йўқ, улар маърузачи гапирганда кўпинча эътиборни тортиб, кўпрок обрўга эга бўлиб боради.

Бродвейдаги турли автомобиль фирмаларининг салонлари жуда чиройли безатилган бўлиб, кўзни қувнатади. Париждаги йирик атир-упа ва заргарлик дўконлари ҳам ажойиб ва нафис дид билан безатилган. Нима учун? Чунки булар яхши даромад омили бўлиши мумкин. Бундай безатишларни кўрган ҳар қандай харидорнинг шу фирмага ҳам хурмати, ҳам ишончи ортиб боради.

Шу мақсадда нотик ҳам ўзига хуш келган жойда нутк сўзлаши керак. Менимча, энг яхшиси ҳеч қандай хона жиҳозлари (мебеллар)нинг бўлмаслигидир. Нутк сўзловчининг ортида тингловчилар диққат-эътиборини жалб қилувчи ҳеч нарса бўлмаслиги керак. Теварак-атрофида ҳам ҳеч нарса бўлмагани яхши. Тўқ кўк рангли духоба парда тавсия этилади, холос.

Одатда нотикнинг ортида нималар бўлади? Жуғрофий хариталар, диаграмма ва жадваллар, кўпинча эса чанг босиб ётган стуллар, баъзилари ҳатто тўнкарилиб, бир-бирининг устига тахланган. Бундан қандай вазият келиб чиқади? Бундай ўта дидсиз, кўримсиз ва тартибсиз ҳолатлар тингловчини бездиради. Шунинг учун ҳам уларнинг барчасини олиб ташлаш керак.

Генри Уорд Бичер: «Омма олдида нутк сўзлашда энг асосийси, бу инсоннинг ўзи ҳисобланади» дер эди. Шунинг учун нутк сўзловчи Швейцариянинг мовий осмони фониди кад ростлаб турган корли Юнгфрау тоғи чўққиси каби яққол кўзга ташланиши керак.

## Сахнада ҳеч қандай меҳмонга хожат йўк

Бир куни мен Лондонда (Онтарио вилояти) эдим, у ерда Канада бош вазири нутк сўзлаётган эди. Бирданига кўлида узун тахта билан хонанинг хавосини тозаломокчи бўлган бир фаррош юра бошлади, у бир ойнадан иккинчи ойна томон ўтиб борарди. Кейин нима бўлди? Тингловчилар бир неча дақиқа нотикка эътибор беришмай, худди қандайдир бир мўъжиза кўраётгандай фаррошга тикилиб қолишди.

Тингловчилар ҳаракатланаётган жисм ёки шахсга эътибор бермасликка *уринишса* ҳам бунинг уддасидан чиқишолмайди. Агар нотик бу ҳақиқатни ҳамиша ёдда тутса, ўзини турли ёқимсиз ҳолатлар ва муаммолардан халос қилиши мумкин.

Биринчидан, у эътиборни чалғитиши мумкин бўлган ҳар қандай ҳаракатдан – бармоқларини кимиралатиш, кийимини тўғирлаш ёки бошқа бир асабий қилиқлардан ўзини тийиши зарур. Бир куни Нью-Йорк залларининг бирида тингловчилар минбар копкиғини чертиб ўйнаётган нотикнинг қўл ҳаракатларини ярим соат кузатишганини эслайман.

Иккинчидан, нотик тингловчиларни шундай ўтирғизиши керакки, улар залга кечикиб кирганларни кўришмасин, уларга қараб чалғишмасин.

Учинчидан, сахнада нотикдан бошқа одам бўлмаслиги керак. Бир неча йил муқаддам Реймонд Робинс Бруклинда жуда кўп маъруза ўқиган эди. Бир куни бошқалар қатори мен ҳам сахнага чакирилдим. Мен бу таклифга қатъий қарши эдим, чунки бу нотикка нисбатан адолатсизлик бўлади, деб ўйлардим. Мен ҳар гал сахнага чакирилган одамларнинг эснаганларини, оёқларини чалкаштириб ўтирганларини кўрдим. Ҳар гал улар бир ҳаракат қилишганида хонада ўтирган тингловчилар нотикдан

диккатларини узиб, шу меҳмонга карашаётганига эътибор бердим. Мен бу ҳақда Робинсга айтиб бердим. Шундан кейин саҳнага фақат ўзи чиқа бошлади.

Дэвид Беласко саҳнага асло кизил гул кўйдирмас эди, чунки улар диккат-эътиборни ўзига кўп тортади. Шундай экан, нима учун нотик ўзи гапираётган вақтда қандайдир безовта одамнинг тингловчиларга қараб ўтиришига йўл кўйиб бериши керак? Нотик бунга асло йўл кўймаслиги зарур, агар у ақлли бўлса, шундай қилиши аниқ.

### Ўтириш одоби

Нотикнинг нутк сўзлашдан олдин тингловчиларга қараб ўтириши тавсия этилмайди. Ахир тингловчилар олдига таниш одам сифатида эмас, янги ўрганилмаган киши киёфасида чиққани яхши эмасми?

Аmmo агар биз ўтиришни хоҳласак, бу ишни қандай амалга оширишни билишимиз керак. Теварак-атрофга аланглаб ўтириш учун курси қидираётган одамни кўп бора кўргансиз, унинг ҳаракатлари ухлаш учун жой қидираётган инглиз този итини эслатмайдими сизга? Улар теварак-атрофни яхшилаб кузатиб, охир курси топишганида, унга ўзларини худди кум тўла коп сингари ташлашади.

Курсига ўтиришни биладиган одам унга орқасини ўгириб, оёғи билан пайпаслаб топиб, бошидан оёғига қадар қаддини тик тутиб, тана ҳаракатини назорат қилганча оҳиста чўқади.

### Вазминлик

Сизга юқорида кийимингизга ёки заргарлик буюмларингизга ёпишавермасликни маслаҳат берган эдик, чунки бу тингловчиларнинг диккат-эътиборини чалғитади.

Аmmo бошка бир сабаб ҳам бор. Бундай хатти-ҳаракат сизнинг сустигингиз ва ўзингизни назорат кила олмаслигингиздан дарак беради. Сизнинг ташки кўринишингизга ҳеч қандай ўзгартириш киритмайдиган ҳаракатлар сиз ҳақингиздаги таассуротни салбийлаштиради. Нейтрал ҳаракатлар мутлақо мавжуд эмас. Шунинг учун ўзингизни қўлга олиб, ўз жисмоний ҳаракатларингизни назорат қилишга ўрганинг. Шундай қилсангиз жисмоний ва рухий жиҳатдан вазмин одам сифатида таассурот уйғотасиз.

Тингловчилар олдиға чикканингиздан сўнг, гап бошлашға шошилманг. Зеро, бу хаваскорларға хос ишдир. Чуқур нафас олинг, тингловчиларингизға назар ташланг, агар қаердадир гап-сўзларни эшитсангиз, бу овозлар тўхтамағунича сукут саклаб туринг.

Тингловчилар олдиға чиқишдан олдин иложи борича кўкрагингизни кериб олинг. Нима учун буни ҳар қуни ёлғиз қолганингизда қилмаслигингиз керак? Шунда тингловчилар олдиға чиқар экансиз, буни онгли равишда бир одат қаби бажара бошлайсиз.

«Ҳатто ўнта одам ичида биттаси ҳам, – деб ёзади ўзининг «Самарали ҳаёт» китобида Лютер Х. Галик, – кўримли келишган гавдаға, қад-қоматға эға бўлиш имкониётларини кидирмайди... Бўйнингизни ёқангиз билан қисинг». Шунингдек, у қуйидаги ҳар қунлик машқни ҳам тавсия этади: «Иложи борича секин ва чуқур нафас олинг. Шу вақт бўйнингизни ёқангиз билан қисинг ва шу ҳолатда ушлаб туринг. Бу машқни ҳатто қуч билан бажарсангиз ҳам сизға ҳеч қандай зарари йўқ. Бу машқдан мақсад икки елка орасидаги умуртқа қисмини тик тутишдан иборатдир. Бу тананинг кўкрак қисми айланасини қатталаштиради».

Қўлларингизни нима қилишингиз керак? Уларни унутинг. Агар улар табиий ҳолда ёнингизда осилиб турса, бундан ортиғи бўлиши мумкин эмас. Агар қўлларингиз сизға худди бир бош бананға ўхшаб кўринса ҳам, уларға

кимдир эътибор бериб, кизиқиши мумкин, дейиш хаёлингизга келмасин.

Қўлларнинг энг яхши ҳолати ўзингизни бўш қўйиб, қўлларни осилтириб туришдир. Бу ҳолатда улар энг кам эътиборни тортиб, ҳатто кайфияти жуда ёмон одам ҳам танкид қилишдан ўзини тияди. Бундан ташқари, уларни ҳеч бир муаммосиз эркин ва бемалол, шунингдек табиий равишда ҳаракат қилдиришингиз, албатта агар зарурати туғилса, нутқингизни ифодалашда фойдаланишингиз мумкин.

Тасаввур қилиб кўринг: Сиз жудаям ҳаяжондасиз, қўлларингизни орқага олсангиз, чўнтақларингизга тиксангиз ёки минбар устига қўйсангиз – саросимага тушишни йўқотишга ёрдам беради, деб ҳисоблайсизми? Бу ҳолатда нима қилишингиз керак? Ақл билан иш тутинг. Мен машхур нотикларнинг жуда кўлини тинглашга муваффақ бўлганман. Кўпчилиги, балки жуда кўпи нутқ сўзлаш пайтида қўлларини чўнтақларига солишарди. Брайан, Чонси М. Дэпью ва Тедди Рузвельт ҳам шундай қилишган. Ҳатто Дизраэли каби энг нозик дидли инсон ҳам бундай ваҳимани енгиш йўлини тополмаган. Аммо бу билан осмон узилиб ерга тушмаган ҳали, об-ҳаво маълумотларига кўра, эртаси куни кўёш яна ўз ўрнига кўтарилган. Агар инсоннинг бирор гапи бўлса ва шу гапини ишонарли тарзда гапириб бера олса, ўша пайт қўл-оёқ ҳаракатлари мутлақо аҳамиятсиз бўлиб қолади. Агар унинг мияси турли ғояларга, юраги эса ҳис-ҳаяжонга тўла бўлса, бу иккиламчи ҳаракатлар катта аҳамиятга эга бўлмайди. Шунинг учун қўл ва оёқларнинг ҳаракатлари омма олдида чиқиш қилаётганда энг муҳим жиҳат сифатида баҳоланмайди, балки энг аҳамиятлиси рухий нуқтаи назар саналади.

## Бемаъни ҳагги-ҳаракатлар табiiй имо-ишоралар ўрнини босолмайди

Бу ҳол бизни табiiй тарзда инсонлар кўп ишлатадиган имо-ишоралар муаммоларига етаклаб боради. Ўрта Ғарбдаги коллежлардан бирининг президенти менга омма олдида нутқ сўзлашдан биринчи сабоқ берган эди. Агар адашмасам, бу биринчи сабоқ асосан кўл ҳаракатлари ҳақида бўлиб, нафақат кераксиз, балки зарарли ҳам эди. Қўллар эркин ҳолатда ёнда туриши, бармоқлар эса ярим букланган ҳолда туриши керак, деб ўргатишарди менга. Қўлни кўтариб, секин букиш ҳолатини, сўнг кафт билан оҳиста «ўйнатиб», олдин кўрсатгич, кейин ўрта, кейин эса жимжилокларни букишни ўргатишарди. Буларнинг бари тўпори ва ўта самарасиз ҳолатлар бўлиб, бирор гал ақлга лойиқ ва чин дилдан чиққанини ҳеч кўрмаганман. Бошқа ҳеч бир ақлли инсон қилмайдиган ишни қилишга мени тайёрлашар эди.

Бу ҳаракатларга ўзимга хос бўлган ҳаракатларни ҳам кўшишга ҳеч қандай имкон беришмасди. Ҳеч ким менда имо-ишора билан сўзлаш иштиёқини уйғотмас эди. Нутқ жараёнининг янада ҳаётiiй, табiiй ва бежирим бўлишига туртки берувчи ҳеч бир ҳаракатлар амалга оширилмас эди. Ҳеч ким менга ўзимни бўш қўйишга, мендаги уятни олиб ташлаб, эркин гапиришга ва ҳар қандай инсон каби вазмин бўлишга ўргатмаган. Бу асабга тегувчи жараён худди ёзув машинкаси каби механик тарзда кечар, жонсиз ва ўтган йилдан қолиб кетган куш уясига, ҳатто Панча ва Жудининг чиқишларига ўхшаш беъмани эди.

XX асрда бу каби ақлга сиғмас йўллар билан таълим беришганига гоҳо ишонмайсан киши. Шунга қарамасдан бир неча йил муқаддам имо-ишоралар ҳақида бутун бошли китоб нашр этилган бўлиб, инсонларни гўё роботларга айлантиргани каби бирор сўзни айтаётганида у ёки бу имо-

ишоралардан фойдаланиш кераклигини, қайси имо-ишорани бир қўл билан, қайси бирини эса икки қўл билан бажариш, қайси қўлни баланд, қайси бирини эса пастроқ кўтариш кераклигини, хатто бармоқлар ҳаракатларигача ўргатишган. Мен бир вақтнинг ўзида йигирма киши машғулотда катнашганига эътибор берганман. Уларнинг бари бир хил нутқ ўқишар ва ўрни келса, бир жойда бирдан шу имо-ишораларни бажаришарди. Натижада жуда ҳам бемаъни кўриниш ҳосил қилишарди. Айти шундай сунъий механик ҳамда зарарли тизим ҳақиқий имо-ишоралар санъатининг асл кўринишини кўп инсонлар кўз олдида бузиб юборарди. Яқинда Массачусетс штатидаги энг йирик коллежлардан бирининг декани коллежда омма олдида нутқ сўзлаш курслари йўқлиги, чунки у бу курсларда ҳақиқатдан ҳам бирор бир нарсага ўргатувчи амалий машқларни кўрмаганини айтиб ўтди. Мен бу деканнинг нуқтаи назарини ёқлайман.

Имо-ишоралар ҳақидаги асарларнинг ўндан тўққизи мутлақо фойдасиз, бундан ҳам ёмони – сифатли оқ қоғоз ва босмаҳонанинг ажойиб қора бўёғи беҳудага сарфланган, холос. Китобдан олинган ҳар қандай ишора худди шундай самарага эга бўлади. Имо-ишоралар сизнинг қалбингиздан, ўзингиз кўрган нарсаларни бошқаларни ҳам кўришга мажбур қиладиган табиийликдан, ниҳоят, ўз инстинктларингиздан келиб чиқиши керак. Ягона арзирли имо-ишоралар – ҳеч қандай тайёргарлик қилмай, табиий тарзда пайдо бўлганидир. Самимийлик ҳар қандай йўл-йўриқдан кўра кўпроқ тош босади.

Имо-ишораларни костюм каби кийиб олиш мумкин эмас. Улар шунчаки ички кўринишнинг ташқи изоҳидир, худди ўпич, санчиқ, қулиш ва денгиз касали каби.

Инсоннинг имо-ишоралари худди унинг тиш ювадиган чўткаси сингари фақат ўзиники бўлиши керак. Зеро, ҳеч бир инсон бошқа бировга буткул ўхшамайди, агар

улар ўзларини табиий ҳолда тутишса, уларнинг имо-ишоралари ҳам ўзига хос бўлади.

Ҳатто икки инсонни бир хил усулда имо-ишора қилишга ўргатиб бўлмайди. Тасаввур қилинг, кимдир бўйи узун, кўпол ва секин ўйлайдиган Линкольнни худди тез гапирувчи, расо ва ғоят башанг Дуглас каби имо-ишоралар қилишга мажбур этса-я... Бу ўта бемаъни ҳолат бўлар эди.

Линкольннинг биографи ва ҳамкори, адвокат Герндон сўзларига кўра: «Линкольн кўлларини қанча кўп қимирлатса, бошини ҳам ҳар томонга куч билан буриб шунча ҳаракат қиларди. Бошини шундай қимирлатиши, бирор бир муҳим гапни алоҳида таъкидламоқчи бўлганида алоҳида билинар эди. Баъзида бу имо-ишоралар кўл ҳаракатлари билан ҳам уланиб кетар, худди электр учқунларини бирор ёнувчи ашё устига улоқтиргандай бўларди. У ҳеч қачон баъзи нотиклар сингари кўлларини ёйиб, худди бўш ҳавони йиртаётгандай ҳаракат қилмас эди. У ҳеч қачон саҳнада яхши кўриниш учун куч сарфламасди... Нутқини сўзлаш давомида у ўзини янада эркинрок, янада бемалолроқ тутар, охир-оқибат унинг чиқиши ажойиб ҳолатга келарди. У ёркин ва табиий ўзига хосликка эга бўлиб, ҳар томонлама муносиблик касб этарди. У ҳашамат, дабдаба, сийқаси чиққан иборалар ва муғомбирликдан ҳазар қилар эди... Тингловчилар онгига фикрларини сингдираётган пайтда ўнг кўлининг узун бармоқларида бутун бошли бир мазмун ва моҳиятга тўла дунё намоён бўларди. Баъзида ҳузур ва хурсандчилик ҳиссини билдирмоқчи бўлганида у иккала кўлини тахминан эллик даражада баланд кўтариб, худди ўзи намоён қилган тасвирни қучоқламоқчи бўлгандай ҳаракат қиларди. Агар у кучли жирканиш ҳиссини ифода этса, масалан, қуллик ҳақида гапирганида, – иккала кўлини мушт қилиб олиб, ҳавони кесиб бўлаклаган каби нафратини ифодалар ва бу ҳолат улуғворлик касб этарди. Бу унинг имо-ишоралари



ичида энг самаралиси бўлиб, йўлида чиккан ҳар қандай нарсани кўпориб ташлаб, тупрокка қориб ташлашдек важоҳатни англатувчи қатъий қарорини намоён этарди. У ҳамиша иккала оёғида тик турар, ҳеч қачон бир оёғини иккинчисидан олдинга қўймас эди. Ҳеч қачон ҳеч нарсани ушламас ва ҳеч нарсага суйанмас, нутк сўзлаш давомида ҳолатини камдан-кам ўзгартирар, ўзини катта олиб, олди-оркага юриб гапирмас эди. Қўлларига дам бериш учун ҳамиша чап қўли билан камзулининг четини ушлаб, ўнг қўлини имо-ишора учун бўш қолдирарди». Сен-Годент унинг айни шу ҳолатини Чикагодаги Линкольн боғига ўрнатилган ҳайкалга жо айлаган.

Линколннинг услуби шундай эди. Теодор Рузвелт эса вазмин, шижоатли ва серҳаракат эди, унинг бор ҳиссиётлари юзида намоён бўлар, мушти доим тугилган ва бутун танаси ўй-хаёлларини акс эттирарди. Брайан кўпинча кафти очиқ ҳолда қўлларини олдинга чўзар, Гладсон эса мушти билан ё столни ёки кафтини урар, эзар, баъзида эса оёқларини шовкин билан ерга уриб, тапиллатарди. Лорд Розбери доим ўнг қўлини кўтариб, кескин пастга туширар эди. Бундай нотикларнинг фикр ва ишончида ҳамиша куч ва шижоат мавжуд эди, айни мана шу нарса имо-ишораларни янада жонли ва табиий қилар эди.

Тўсатдан... ҳаётини... Айни мана шундай имо-ишоралар «*summum bonum*» (олий бахт-саодат) ҳаракатлари ҳисобланади. Беркнинг имо-ишоралари ўта кўпол ва бурчаксимон эди. Питт «беўхшов масҳарабоз сингари» қўлларини силкитарди. Жаноб Генри Ирвинг бир оёғи чўлоқ бўлгани сабабли ғалати ҳаракатлар қиларди. Лорд Маколей эса минбарда беўхшов кўринарди. Худди шундай фикрларни Граттан ва Парнелл ҳақида ҳам айтиш мумкин. «Менимча бу ҳолатлар, – дейди лорд Керзон парламент нотиклиги ҳақида Кембридж университетидида чиқиш қилаётиб – буюк нотикларнинг ўз имо-ишораларини ўйлаб

топишганидан бўлса керак. Шубҳасиз, буюк нотикларга аъло даражадаги ташки кўриниш ва ажойиб гапириш одоби ёрдам беради, ammo улар хунук ва беўхшов бўлишса ҳам бу нарса катта аҳамиятга эга эмас».

Кўп йиллар олдин мен машҳур Жипс Смитнинг хутбасини тинглаган эдим. Минглаб одамларни насронийлик динига даъват этган бу инсоннинг мохир нотиклигидан хайратда қолган эдим. У жудаям кўплаб имо-ишоралар қилар, ammo уларни худди ўзи нафас олаётган ҳавони сезмагандек асло сезмас эди. Бу идеал даражадаги ҳолат эди.

Агар сиз ҳам ҳаётга худди мана шундай тамойилларни киритсангиз, имо-ишоралардан қандай қилиб фойдаланганингизни сезмай ҳам қоласиз. Мен сизга имо-ишораларнинг қайсидир қоидаларини келтира олмайман. Зеро, уларнинг бари нотикнинг ғайратига, тайёргарлигига, иштиёқига, нутқ мавзуга, тингловчиларга, вазиятга ва албатта, унинг ўзига хослигига боғлиқдир.

### **Фойдали маслаҳатлар**

Шуларга карамай, сиз учун фойдали бўлиши мумкинлигини ўйлаб, бир қатор маслаҳатлар беришни ўринли, деб биламан. Биргина имо-ишорани хамиша такрорлайверманг, улар зерикарли тус олиши мумкин. Тирсақларингизни бирдан шиддатли ҳаракатга келтирманг. Тингловчилар олдида турганингизда уларга елкаларингиз ҳаракати янада яхшироқ таъсир қилади. Имо-ишора қилаётганингизда бирданига тўхтатиб қўйманг. Агар сиз кўрсаткич бармоғингиз билан бирор-бир фикрни алоҳида белгилаб ўтмоқчи бўлсангиз, гапнинг охиригача бу ҳаракатни сақлаб қолишдан хавотирга тушманг. Бунга кўпинча амал қилишмайди, оқибатда оддий ва жиддий хатога йўл қўйишади. Натижада маънодорлик бузилади,

майда саволлар кераксиз, хакикатда жиддий саволлар эса уларга нисбатан бемаънидек бўлиб қолади.

Тингловчилар олдида нутқ сўзлаётганингизда фақат табиий кўринишдаги имо-ишоралардан фойдаланинг. Аммо сиз машқ қилаётган бўлсангиз, иложи борича имо-ишоралардан фойдаланишга *ўзингизни мажбурланг*. Ҳўзингизни мажбурланг ва натижада сизнинг ишораларингиз табиий кўринишга эга бўлади.

Китобни ёпинг. Китобни ўқиб, имо-ишорларни ўрганиб бўлмайди. Нутқ сўзлаётганингизда сизнинг шахсий сезгиларингиз устозингиз ўргатганларидан кўра умидбахш ва бебаҳо ҳисобланади.

Мабодо сиз имо-ишоралар хақида айтиб ўтган барча гапларимни унутган бўлсангиз, шуни ёдда тутинг: агар инсон ўзи гапирмоқчи бўлган мавзуга боши билан чуқур шўнғиган, тингловчилар онгига фикрларини етказиш учун ўзини ёддан чиқарар даражада ҳаракат қилаётган бўлса, бу ҳолатда унинг имо-ишора ва нутқ сўзлаши мутлақо рисоладагидай эканлигини кузатиш қийин эмас. Башарти бу фикрнинг тўғрилигига шубҳангиз бўлса, кимнингдир олдида боринг-да, уни оёғидан чалиб йиқитинг. У оёққа турганида сизга карата ўз фикрларини табиий равишда шундай ифодалайдик, унинг сўзларини нотиклик санъатининг бенуқсон кўриниши деб атагимиз келади.

Яна шундай бир ҳолат мавжудки, фикримча, ундан нутқ сўзлаш борасидаги энг доно маслаҳатни илғашимиз мумкин.

Кичкина бочкачани тўлдиринг.

Тиқинни уриб чиқаринг.

Ана шунда табиатнинг асл моҳиятини англайсиз.

## Хулоса

1. Карнеги технология институтида ўтказилган тажрибаларга кўра, муваффақиятга эришишда чуқур билимларга эга бўлишдан кўра инсон шахсияти кўпроқ аҳамиятга эга экан. Бу ҳақиқат нотиклик санъатига ҳам тегишли. Аммо шахсият шу даражада ўрганилмаган ва сирли ходисадирки, ривожланиши учун бирор бир кўрсатма бериш мушкулдир. Шунга қарамай, бу фаслда эслаб ўтилган айрим маслаҳатлар нотикнинг муваффақият қозониши учун асқотиши мумкин.

2. Толиққан ҳолатингизда нутк сўзламанг. Дам олиб, ўзингизда куч ва шижоат тўплаганингиздан сўнг одамлар олдига чиқинг.

3. Нутк сўзлашдан олдин ўртамиёна овқатланинг.

4. Куч-қувватингизни сўндирадиган ҳеч қандай ишларни бажарманг. Сизнинг кучингиз ўзига тортувчи хусусиятга эгадир. Одамлар худди кузги бугдойзорга ёпирилган ёввойи ғозлар сингари шижоатли нотик атрофини ўраб олишади.

5. Назокат билан ва бежирим кийининг. Яхши кийинишингиз сизга нисбатан ҳурмат ва ишончни мустаҳкамлайди. Агар нотик қопсимов шим, тозаланмаган туфли кийган, сочларини тараманган, кўйлагининг кўкрак чўнтагидан ручка, қалам чиқиб турган эркак ёки дидсиз кийиниб олган, сумкачаси қаппайган нотик аёл бўлса, тингловчилар бундай нотикларга эътиборсиз бўлиб, ҳурмат қилмай қўйишади.

6. Ҳамиша жилмайиб туринг. Тингловчилар олдига шундай киёфада чиқингки, бу ишингиздан хурсандлигингиз кўриниб турсин. Профессор Оверстрит шундай деган: «Ўхшаш ҳолат шунга монанд яна бир ҳолатни келтириб чиқаради». «Агар биз тингловчиларимизга нисбатан кизиқиш билан ёндашсак, уларда ҳам бизга нисбатан

қизиқиш уйғонишига ишонсак бўлади... Шунинг билан биз нутқ сўзлашимиздан олдин улар бизнинг хатоимизни кўриб ёзғиришади ёки маъқуллашади. Шунинг учун хатти-харакатларимиз билан ижобий натижага эришиш мумкинлигига ишонч ҳосил қилсак бўлади».

7. Тингловчиларни бир жойга жамланг. Агар ҳар жойда сочилиб ўтиришган бўлса, уларга таъсир этиш қийинроқ кечади. Хонада одамлар бир-бирларига яқин ўтиришса, алоҳида-алоҳида ўтирган ҳолатдагидан кўра сизнинг фикрларингизга нисбатан акс-садо беришлари, ўз фикрларини кулиш, олқишлаш ва маъқуллаш орқали ифодалашлари осон ва табиий юз беради.

8. Агар сиз унча катта бўлмаган тингловчилар гуруҳи олдида нутқ сўзламоқчи бўлсангиз, уларни иложи борича кичикроқ хонага йиғинг. Улардан юқорига чиқмай, бир каторда туриб гапиринг. Чиқингизни ўзига ҳос табиий, норасмий шаклда бошлаб, кейин оддий суҳбатдай давом эттиринг.

9. Нутқ сўзланаётган хона ҳавоси тоза бўлишига алоҳида аҳамият беринг.

10. Хонани иложи борича кўпроқ ёритинг. Шундай жойда турунги, чирок нури юзингизга тушсин, тингловчилар сизнинг юз ифодаларингизни аниқ кўришсин.

11. Бирор-бир жиҳоз (мебель) олдида туриб олманг. Стол-стулларни бир тарафга суриб қўйинг. Одатда сахнани тўлдириб турадиган барча хунук ва кераксиз нарсаларни кўринмайдиган жойга йиғиштириб қўйинг.

12. Агар таклиф қилинган меҳмонлар сахнада ўтиришса, уларнинг ҳар қандай кичик ҳаракати ҳам, албатта, тингловчилар эътиборини тартади. Хонада ўтирган тингловчиларнинг бирор нарса, жонивор ёки инсоннинг кимирлашига эътибор бермай иложлари йўқ. Шундай экан, ўзингизга қийинчилик ва рақобатни сотиб олишнинг нима кераги бор?

## НУТҚ СЎЗЛАШНИ ҚАНДАЙ БОШЛАШ КЕРАК

Бир куни мен Шимоли-Ғарбий университетнинг собик президенти доктор Линн Гарольд Хаудан кўп йиллик тажрибасига асосланган ҳолда нотик учун нимани энг муҳим деб ҳисоблашини сўрадим. Бир дақиқа сукут саклагач, у жавоб берди: «Ҳаяжонга соладиган кириш қисми дарров эътиборни ўзига тортади». У маърузасини қандай бошлаб қандай тугатишигача олдиндан режалаштириб кўяр эди. Жон Брайт, Гладстон, Вебстер, Линкольн ҳам худди шундай қилишган. Соғлом фикр ва тажрибага эга бўлган ҳар бир нотик худди шу йўлдан боради.

Бошловчи нотик-чи? Камдан-кам учрайди. Олдиндан режалаштиришга кўп вақт, ақлий меҳнат ва ирода зарур бўлади. Мияни ишлатиш ўта қийин жараёнدير. Томас Эдисон ўз устахонаси деворига жаноб Жошуа Рейнольдснинг қуйидаги сўзлари ёзилган тахтачани осиб кўйган эди: «Фикрлаш жараёни билан боғлиқ қийинчиликлардан қочиш учун ҳеч қандай хийла-найранг қилмасликнинг иложи йўқ».

Тажрибасиз одам одатда илҳом лаҳзаларидан умидвор бўлади. Натижада эса ўйдим-чуқурларга тўла оғир йўлдан кетишга мажбур бўлади.

Британия империясининг энг камбағал хизматчисидан энг бой ва машҳур газета эгасигача бўлган йўлни босиб ўтган марҳум лорд Нортклиффнинг муваффақиятга эришувида қачондир ўзи ўқиган барча сўзлардан кўра, Паскалнинг қуйидаги сўзлари кўпроқ ёрдам берганини таъкидлаган: «Олдиндан кўра олиш – бошқариш демакдир».

Чиқишингизни режалаштираётган пайтингизда бу ажойиб шиор ёзув столингиз устида бўлиши керак.

Сўзламоқчи бўлган ҳар бир сўзингизни англаб етишингиз учун миянгиз тиниқлигида нутқни нимадан бошлашни олдиндан кўра билинг. Охир-оқибат қандай таассурот қолдиришингизни ҳам олдиндан кўришга ҳаракат қилинг, зеро ҳеч ким уни йўққа чиқаролмайди.

Ҳатто Аристотель давридаёқ бу мавзуга доир китобларда нутқ уч қисмга: кириш, нутқнинг ўзи ва хулосага ажратиб чиқилган. Яқин ўтмиш билан солиштириб қарасак, маърузалар шошилмай – от қўшилган енгил аравачада сайр қилиб юриш давомида сўзланган. Бу вақт мобайнида нотик ҳам янгиликларни етказар, ҳам тингловчиларга ҳам кўнгилочар томошалар кўрсатарди. Юз йил олдин бу услуб жамиятда вужудга келган кемтикни тўлдирар эди, ҳозир эса бу бўшлиқни газета, журнал, радио, телевидение, телефон ва кинотеатр тўлдиряпти.

Аmmo вазият буткул ўзгариб кетди. Дунё қайта қурилди. Охирги юз йил ичида ўйлаб, кашф этилган нарсалар Валтасар ва Навуходоносор даврида бошланган ўзгаришлардан кўра, ҳаётни кўпроқ илдамлатиб юборди. Автомобиль, самолёт, радио ва телевидение шарофати билан қадамларимиз ҳам илдамлашиб бормоқда, худди шунга ўхшаб нотик ҳам бу тезкор вақтдан ортда қолиб кетмаслиги керак. Агар сиз нутқ сўзлашни бошламоқчи бўлсангиз, у худди афиша сингари қисқа бўлиши зарур. Мисол учун замонавий тингловчилар қуйидагиларни хоҳлашади: «Бирор нарса айтиш учун арзирли гапингиз борми? Яхши. Фақат иложи борича тезроқ гапиринг, жимжимадорликдан қочинг. Ҳеч қандай сафсатага ўрин йўқ! Бизга далилларни келтиринг-да, бориб жойингизга ўтиринг».

Вудро Вильсон сувости жанги сабаб ультиматум (катъий талаб) эълон қилиш каби жиддий масала бўйича конгрессда нутқ сўзлаганида, мавзу номини айтиб, тингловчилар диққат-эътиборини қуйидаги сўзлар ёрдамида

бир жойга жамлади: «Мамлакатимизнинг ташқи сиёсий муносабатларида шундай вазият юзага келдики, бу ҳақда очиқ-ойдин айтиб бериш менинг тўғридан-тўғри бурчим саналади».

Чарлз Шваб Нью-Йоркдаги «Пенсильвания» жамияти олдида нутқ сўзлашни бошлаб, иккинчи иборанинг ўзидаёқ асосий гапга ўтиб кўя қолди: «Ҳар бир америкаликнинг онгида ҳозирда бир савол кўндаланг турибди. Яъни, ҳозирги кунда ишчанликнинг сусайиб кетишини қандай тушунмок керак ва келажакда бизни нима кутаётир? Шахсан мен бундай вазият тез ўнгланиб кетади, деб ўйлайман...»

«Нэшнл кэш режистер» ширкати савдо раҳбари чиқишларининг бирида ходимларига қуйидагича мурожаат қилди. Унинг нутқида фақат учта гап бор эди, шижоат ва ўзгаришларга чакириқ руҳи билан тўлалиги сабаб уларни тинглаш жуда осон кечди: «Сизлардан буюртма қабул қилувчилар, одатга кўра, бизнинг фабрикамиз мўриларидан тутун чиқишига диққат билан қараб туришлари керак. Ёзнинг охирги икки ойида бизнинг мўрилардан чиққан тутун агрофмуҳитни хиралаштирадиган даражада етарли бўлмади. Ҳозир эса, оғир кунлар ўтиб, гал савдо-сотикни тиклаб олишга келганида, биз сизларга қисқа, аммо аниқ бир илтимос билан мурожаат қиламиз: биз кўпроқ тутун кўришни хоҳлаймиз».

Ёш ва тажрибасиз нотиклар ўз чиқишларида сўзлайдиган нутқларига нисбатан мақташга арзигули тезлик ва аниқликка эриша олишармикан? Кўпчилик тажрибасиз ва иш кўзини билмаган нотиклар чиқишларини икки муваффақиятсиз йўлнинг биридан бошлашади. Келинг, уларни бирма-бир муҳокама қилайлик.



## Нутқни кулгили ҳикоя билан бошлашдан эҳтиёт бўлинг

Кандайдир арзирли афсусланарли сабабларга кўра, янги бошловчи нотик ўзини гапга уста бўлишим керак, деб хисоблайди. Табиатига кўра, у ҳар қандай ҳазилдан узок турган ҳолда, энциклопедия китоби каби жиддий одам бўлиши мумкин. Шунга қарамай нутқ сўзлашни бошлаган заҳоти унга гўё Марк Твеннинг руҳи синггандек туюлади. Шу боис нутқини ҳазил ҳикоялар билан бошлашга ҳаракат қилади, айниқса, бирор зиёфатдан чиққан бўлса. Бундан қандай ҳолат юзага келади? Гаров ўйнашим мумкин, йигирма одамни биттага қарши қайраш каби, бу ёш нотикнинг ҳикояси ва гапириш тарзи тингловчига луғат китобидай жуда оғир бўлади. Унга ҳикояси муваффақият келтириши гумон. У Гамлетнинг машҳур сўзлари билан айтсак, «арзимас, беўхшов ва гўл» кўриниши мумкин.

Агар нотик ўтирган жойлари учун пул тўлаган тингловчилар олдида шундай хатоларга йўл қўйса, уни ёқтирмай қолишлари ва у ҳақда орқаваротдан турли гап-сўзларни кўпайтиришлари мумкин. Аммо одатда тингловчилар нотикка яхши муносабатда бўлишади, шу боис ўзларини уринтириб бўлса ҳам, бир-икки жилмайиб, ҳатто кулиб ҳам қўйишади. Аслида эса, юракларининг тубида ўхшамаган ҳазилкашликнинг барбод бўлганига ачиниш ҳиссини туя бошлашади! Улар ўзлари ўз ўринларида эмасликларини ҳис эта бошлашади. Сиз ҳам бу каби эврилишни ҳеч кузатганмисиз?

Нотиклик санъатида тингловчиларни кулдиришдан кўра қийинроқ ва ажойиброқ жиҳат бўлмаса керак. Ҳазил-мутойиба шахснинг ўзига хослиги билан боғлиқ бўлиб, туйқус келадиган илҳом, завқ мевасидир.

Шуни ёдда тутинг, ҳикоя камдан-кам ҳолатларда кулгили бўлади. Ҳамма гап уни қандай айтиб беришингизга

боғлиқ. Юздан тўксон тўққиз киши ўз даврида Марк Твенни машҳур қилган ҳикояларни қайта айтиб бериб, мағлубиятга учраши мумкин. Линкольннинг Иллинойс штатининг саккизинчи суд округи майхонасида айтиб берган ҳикояларини, минглаб мил йўл босиб келиб, эрталабгача эшитган ва ҳатто гувоҳларнинг сўзларига кўра, кулавериб, стулдан йиқилган тингловчилар эшитган ҳикояларини ўқиб чиқинг. Бу ҳикояларни оилангизда овоз чиқариб ўқинг, шунда бу ҳикоялар яқинларингизда кулги уйғотади-мийўқми, шуни кўрасиз. Мисол учун, куйидаги ҳикоя Линкольнга ҳамиша ажойиб муваффақият келтирган. Сиз ҳам уни айтиб кўришга ҳаракат қилсангиз-чи? Фақат олдин бундан бир ўзингиз, одамлар олдида чикмасдан амалга ошириб кўринг: «Бир куни Иллинойс штатининг лойли кўчаларидан уйига етиб олмакчи бўлган бир йўловчи дўлда қолиб кетди. Қоронғи тун тушган эди. Ёмғир шу даражада кучли қуяр эдики, худди осмонда кимдир тўғонни очиб юборгандай. Чакмоқлар булутларни худди динамит каби ёриб, портлатар, баъзида атроф ёришиб, йўл устига тушаётган шох-шаббалар кўринар эди. Момақалдирок йўловчининг кулоқларини қар қилиб кўяёзди. Ниҳоят, чакмоқларнинг энг ёмони гумбурлаб, умрида бундай кўрқинчли чакмоқни эшитмаган инсонни тиз чўқтирди. Одатда у ибодат қилмасди. Аммо бу гал беихтиёр: «Ё Худойим, ёлвораман, кўпроқ ёруғлик бериб, камрок шовқин бер», деб юборди.

Сиз ҳазил хиссиёти берилган алоҳида инсонлар қаторида туришингиз мумкин. Агар шундай бўлса, бу қобилиятингизни иложи борича ривожлантиринг, унга сайқал беринг. Шунда қаерда чиқиш қилишингизга қарамай, сизни ҳамиша яхши кутиб олишади. Аммо сизнинг қобилиятингиз бошқа соҳаларга тегишли бўлса, Чонси М. Депюнинг ридосини кийишингиз сиз томонингиздан

ўйламай қилинган иш, ҳатто давлатга қарши жиноят сифатида баҳоланиши мумкин.

Агар қачондир Линкольннинг ёки Жоб Хежеснинг нутқларини ўқишингизга тўғри келиб қолса, улар айниқса, ўз чиқишларининг бошида бўлмагур ҳикояларни кам айтишгани сизни ҳайрон қолдиради. Эдвин Жеймс Кэттелл менга ҳеч қачон қулдириш учун одамларга қизиқарли ҳикоялар гапириб бермаганини кўп айтар эди. Бундай ҳикояларнинг ҳам ўз ўрни бўлиб, улар ҳам қандайдир фикрларни намойиш қилиши керак. Ҳазил, тортнинг устидаги қиёми ёки бўлмаса, торт қатламлари орасидаги шоколад бўлиши мумкин, аммо ҳеч қачон тортнинг ўзи бўлмайди. АҚШнинг энг яхши ҳазилкаш нотиғи ҳисобланган Стрикленд Жиллилан чиқишларининг биринчи уч дақиқасида ҳеч қандай ҳикоя айтмасликни ўз олдига мақсад қилиб қўйган эди. Агар у буни тўғри деб билган бўлса, ўйлайманки, биз ҳам ушбу қоидага амал қилишимиз мумкин.

Савол туғилади: унда нутқнинг бошланғич қисми оғир-вазмин ва ўта тантанавор бўлиши керакми? Асло бундай эмас. Сиздан олдинги нотиқнинг мулоҳазаларига ёки вазиятга қараб, керакли ҳолатлар ва вазият талаб қиладиган қилиқлар билан, керак бўлса, одамларда қулгу уйғотишингиз мумкин. Бирор ноўхшов нарсани танлаб олиб алоҳида белгилаб олинг. Кейин уни кўпиртира бошланг. Бу каби ҳазиллар Пэт ва Майк, қайнона ва эчки ҳақидаги эскириб кетган латифалардан кўра қирк баробар кўпроқ муваффақият олиб келади.

Менимча, кайфиятни кўтарувчи энг яхши ҳазил бу ўзингиз ҳақингизда тўқилган ҳазил бўлса керак. Бирор қулгили ва ғалати вазиятга тушиб қолганингизни айтиб беринг. Шунда бу дарров ҳазиломуз вазиятни пайдо қилади. Эскимослар, ҳатто оёғини синдириб олган одамнинг устидан ҳам қулишади. Хитойликлар уйнинг иккинчи

кавати ойнасидан ерга тушиб, ўлар даражага келган итнинг устида жилмайиб туришади. Биз қанчалик раҳмдилрок бўлиб кўринмайлик, ўз бош кийимини ушлашга ҳаракат қилаётган ёки банан пўчоғига сирпаниб кетган одам устидан кулмаймизми?

Деярли ҳар бир мос бўлмаган ҳолат мос ҳолатга нисбатан кулги уйғотиши мумкин, худди бир журналист баёнот бериб, «болалар, қориндан тайёрланган овкатлар ва демократларни кўрарга кўзи йўқ»лигини ёзган.

Англияда ўз сиёсий чиқишларидан бири билан шуҳрат топган Редьярд Киплинг нутқ бошида одамларни қандай моҳирлик билан кулдирганига эътибор беринг. У тайёр латифаларни айтиб бермай, ўзининг тажрибалари билан ўртоқлашиб, тўғри келадиган нарсаларни тўғри келмайдиган нарсалар билан солиштириб гапирган:

«Ҳурматли лордлар, хонимлар ва жаноблар! Ҳали ёш пайтим Ҳиндистонда бўлганман, газетада хизмат қилардим, жинойи ишларни омма эътиборига ҳавола этардим. Бу жудаям қизиқарли иш эди. Сабаби у мени фирибгарлар, киссавурлар, котиллар ва бошқа шу каби омади чопган «спортчилар» билан таништирди (кулгу). Баъзида суд залидан ҳисобот ёзганимдан сўнг камокхоналарда жазо муддатини ўтаётган дўстларимдан хабар олиб турар эдим (кулгу). Одам ўлдиргани учун умрбод жазога маҳкум қилинган бир кишини эслайман. У ўта ақлли ва ўз фикрларини аниқ баён эта оладиган инсон бўлиб, менга «Ўз ҳаётим» деб аталган бир ҳикояни айтиб берган эди. Бир куни у бундай деди: «Ишонинг менга, агар инсон эгри йўлга кириб қолган бўлса, яна текис йўлга чиқиб олиши учун ўша йўлни тўсиб турган одамни олиб ташламагунича уринавериб, бир хатоси кетидан бошқаларини улаб юраверади» (кулгу). Айни мана шу нарса ҳозирги кундаги Вазирлар Маҳкамасининг ҳолатини намоён қилиб беради (кулгу, қўллаб қувватловчи нигоҳлар)».

Худди шу йўл билан Уильям Говард Тафт «Метрополитэн лайф иншуренс» ширкати бошқарувчиларининг ҳар йилги ўтказиладиган зиёфат байрами дастурига ўзининг бир қисм ҳазил-мутойибасини киритди. Бундан энг ажойиби қуйидагидан иборат: у ҳазиллашар ва бир вақтнинг ўзида тингловчиларга хушомад ҳам қилар эди:

«Жаноб президент, ҳурматли «Метрополитен лайф иншуренс» ширкати ходимлари!

Мен ўзим учун кадрдон бўлган жойларни тўққиз ой мукаддам зиёрат этиб, у ердаги зиёфатларнинг бирида шижоат билан гапираётган бир жанобнинг чиқишини кузатдим. У олдиндан бундай зиёфатларда нутқ сўзлаш бўйича катта тажрибага эга бўлган дўстидан маслаҳат олганини ва бундай зиёфатларда нутқ сўзлаш учун ўқимишли ва бир оз ичиб олган оломон кулай эканини айтиб ўтган эди (*кулгу ва олқишлар*). Бугун зиёфатда нутқ сўзловчи нотик тажрибасига эга бўлган ҳолда шунини айтишим мумкинки, бу зиёфат аҳли мен қачондир кўрган аудиториялардан энг яхшисидир. Албатта, бундан олдин айтиб ўтилган элемент сизларда мавжуд эмас (*олқиш*), аммо унинг ўрнини «Метрополитэн лайф иншуренс» ширкати ходимларининг руҳияти тўлдириб турибди (*давомли олқишлар*)».

### Узр сўраш билан бошланг

Бошловчи нотик йўл қўядиган иккинчи хато шундан иборатки, у ҳамиша нутқ сўзлашни узр сўраш билан бошлайди: «Мен нотик эмасман... Нутқ сўзлаш учун тайёргарлик кўрмай келдим... Ҳеч нарса дея олмайман...»

Ҳеч қачон бундай деманг! Ҳ е ч қ а ч о н ! Киплинг шеърларидан бири шундай сўзлар билан бошланади: «Олдинга ҳаракат қилишнинг маънисини йўқ». Нотик шундай

тарзда нутқини бошлаганида тинговчиларда ҳам айна шу ҳолат пайдо бўлади.

Агар нутқ сўзлашга тайёр бўлмасангиз, кимдир буни, албатта, пайқайди. Бошқалар эса сезмайди. Уларнинг эътиборини тортишининг нима кераги бор? Тайёр эмаслигингизни тингловчиларнинг онгига сингдириш уларни ҳақорат қилиш эмасми, керакли таомни тайёрламасдан, қозонингизда пайдо бўлган ҳар қандай эски овқат билан уларни меҳмон қилаверасизми? Бунинг асло кераги йўқ! Тингловчи узрингизни тинглаб ўтиришни истамайди. Бу ерга у маълумот бериб қизиқтиришлари учун келган, ёдда тутинг, *қизиқтиришлари учун.*

Тингловчилар олдида пайдо бўлган захотингиз улар сизга диққат-эътиборларини қаратишади. Қолган беш сония ичида буни саклаб қолиш осон эмас, аммо уста нотик қолган беш дақиқа ичида ҳам ушлаб туриши мумкин. Агар сиз бу имкониятни қўлдан бой берсангиз, уни қайта тиклаб олиш икки баравар қийин бўлади. Шунинг учун нутқни биринчи гапданок қандайдир қизиқарли хабардан бошланг. Иккинчи ё учинчи жумлада эмас, айнан **БИРИНЧИ ГАПДАНОК!**

«Буни қандай амалга ошириш мумкин?» Ўзингиздан сўранг. Бу осон эмаслигини тан оламан. Бу мақсад йўлида манба йиғиш учун, биз турли айланма ва эгри-бугри йўллардан юришимиз керак. Зеро, мавзулар, йиғилган материаллар, вазиятларнинг сиз ва тингловчиларингизга тўғридан-тўғри алоқаси бор. Шу боис мазкур фаслнинг қолган қисмида баён этилган маслаҳатлар ҳам сизга фойда келтиради ва қимматли аҳамият касб этади, деб умид қиламиз.

## Қизиқиш уйғотинг

Хоуэлл Хили Филадельфиядаги «Пенн атлетик» клубидаги нуткини бундай бошлаган эди. Ўқиб кўринг-чи, у эътиборингизни тортармикан?

«Бундан саксон икки йил олдин, йилнинг тахминан шу мавсумида, Лондон шаҳрида кейинчалик тенгсиз деб топилган унча катта бўлмаган бир китоб нашр этилган эди. Кўпчилик уни «Дунёдаги энг буюк кичкина китоб» деб атади. Бу китоб илк бор нашр этилганида Стрэнд ёки Пэлл-Мэллда учрашган дўстлар бир-бирларидан, албатта: Бу китобни ўқидингизми? деб сўрашарди. Шунда, албатта: «Ҳа, мен ўқидим, Парвардигор ўзи мадаккор бўлсин», дея жавоб беришарди.

Бу китоб дунё юзини кўрган кунийёк минг нусхада сотилди. Икки ҳафта ичида бу китобни хоҳловчилар ўн беш минг нафарга етди. Шу даврдан бошлаб китоб кўплаб нашриётларни кўрди. Бир неча йил аввал Ж. П. Морган бу китобнинг қўлёзмасини жуда қиммат нархга харид қилиб, ҳозирги кунгача Нью-Йоркдаги «Ўз кутубхонам» деб атайдиган ажойиб суратлар галереясида бошқа тенгсиз бойликлар билан бир каторда сақлаб келади.

Бу қандай китоб бўлдиёкан, бутун дунёга машҳур? Ҳа, у Чарлз Диккенснинг «Рождество кўшиғи» номли китоби эди...»

Сиз бундай муқаддимани муваффақиятли деб ҳисоблайсизми? Бу маълумот эътиборингизни тортиб, бу ҳикояни тинглашдан ташқари, ўша китобга сизнинг қизиқишингизни кучайтирдими? Нима учун? Бу ҳикоя сизда қизиқиш уйғотиб, сал бўлса ҳам, асабингизни таранглаштиргани табиий. Шундай эмасми?..

Қизиқувчанлик! Ким унга мубтало бўлмаган?

Ўрмонда шундай қушларни кўрганманки, азбаройи менга қизиқишганидан бир соат давомида устимда учиб

юришган. Алп тоғларидаги бир овчини билардим, у тоғ кийигини алдаб чакириш учун чойшабни ерга солиб, ўзи ҳам ерга ётиб олиб, судралар, шу йўл билан ҳайвонларда кизикиш уйғотарди. Итлар, мушуклар, борингки, барча жонзотлар шу каби машҳур одамзод ҳам кизикиш туйғусига эгадир.

Шунинг учун тингловчиларни нутқингизнинг биринчи иборасиданок кизиктиринг, шунда улар ҳам сизга кизикиш билан қарайдилар.

Бир ёзувчи полковник Томас Лоуренс ва унинг Арабистондаги саргузаштлари ҳақидаги нутқини одатда куйидагича бошлар эди:

«Ллойд Жорж полковник Лоуренсни ўз даврининг энг романтик ва замонамизнинг ўзига хос шахсларидан бири деб ҳисоблар эди».

Бундай кириш қисми икки тоифа устунликка эгадир. Бирор бир машҳур инсоннинг жумлаларини келтириш, биринчидан, катта эътибор тортади. Иккинчидан, бу одамларда кизикиш уйғотади. «Нимага романтик ва ўзига хос, — деган табиий савол туғилади. — Мен у ҳақда ҳеч эшитмаганман... У бунга арзийдиган нима иш қилди?»

Лоуэлл Томас полковник Томас Лоуренс ҳақидаги нутқини шундай бошлар эди: «Бир куни мен Қуддусда насронийлар кўчасидан ўтиб бораётганимда, шарк бойларининг киммат кийимларига ўраниб олган бир кишини учратиб қолдим. Унинг белида Муҳаммад пайғамбарнинг авлодлари тақиб юрадиган ёйсимон тилла ханжар осиглиқ эди. Аммо бу киши сира ҳам арабга ўхшамасди. Чунки унинг кўзи кўк, арабларники эса қора ёки жигарранг бўлади».

Бундай муқаддима ҳам диққат-эътиборингизни тортади, шундай эмасми? Нотик айтган одам ким эканини билишни истайсиз. Нима учун у арабларга ўхшаб кийиниб



олган? У нима билан шуғулланади ўзи? Унга нима бўлган эди?

«Замонавий дунёнинг ўн етти мамлакатада кулдорлик тузуми ҳали ҳам мавжудлигини биласизми?» деган савол билан ўз нутқини бошлаган бир нотик, нафақат тингловчилар кизиқишини уйғотар, балки уларни лол қолдирарди: «Кулдорлик? Бизнинг даврда-я? Ишонгим келмайди. Қайси мамлакатларда? Улар қаерда жойлашган?»

Кўп ҳолларда нутқни ўзига хос текширувдан бошлаб, кейин унинг сабабини билишга бўлган хоҳиш билан тингловчини қизиқтириб олиш мумкин. Масалан, менинг бир тингловчим нутқини бундай бошлади:

«Яқинда қонунчилик бошқармаси аъзоларидан бири ҳар қандай мактабга икки мил яқин жойда итбалиқларнинг қурбақага айланишларини тақиқловчи қонун қабул қилинишини айтди».

Сиз жилмаясиз. Нотик ҳазиллашдимизми? Қандай бемаънилик! Ростдан ҳам шундайми? Шундан сўнг нутқ сўзловчи бу ҳодиса қандай содир бўлганини тушунтириб беради.

«Сатердей ивнинг пост» журналида чоп этилган, «Гангстер (АҚШда бандит, босқинчилар тўдасининг аъзоси)лар билан бирга» деб сарлавҳа қўйилган мақола куйидагича бошланар эди:

«Чиндан ҳам гангстерлар тўдаси вужудга келганми? Ҳа, одатдагидек. Қандай қилиб?..»

Мақола муаллифи шу бир-икки сўзда мавзу ҳақида маълумот берганини, гангстерлар тўдасининг вужудга келгани ҳақида гапириб, кизиқиш уйғотганини кўриб турибсиз. Бу мактовга арзигули ҳол. Ҳар бир нутқ сўзламоқчи бўлган шахс тингловчилар диққат-эътиборини тортиш учун мухбирлар ишлатадиган усулларни ўзлаштириб олиши керак. Улардан сиз нутқ бошлашда керак бўладиган кўплаб маълумотларни, яъни тайёр матнларни ёдлашдан кўра кўпроқ фойда олишингиз мумкин.

## Бирор хикояни айтиб беришдан бошласак қандай бўларкан?

Бизга кўпинча нотикнинг ўз таассуротлари ҳақида гапиргани ёқади. Рассел Э. Конуэлл «Олмослар акр (ер ўлчови)лари» номли маърузасини олти минг мартадан кўпроқ ўкиб, бу иши учун миллионлаб доллар мукофот олган эди. Ўзига хос бу ажойиб маъруза қандай бошланар эди?

«1870 йили биз Тигр дарёси оқими бўйлаб пастга сузиб кетаётган эдик. Бизга Персеполь, Ниневея ва Вавилонни кўрсатиши учун йўлбошчи ёлладик...»

Шу ерда нотик *тарихни* гапира бошлайди. Айни мана шу нарса эътиборни тортади. Бундай кириш қисм мутлақо тўғридир. У омадсиз бўлиши мумкин эмас. Воқеалар шижоат билан ривожланиб бораверади. Бизлар унинг ортидан борамиз. Кейин нима бўлишини билишни хоҳлаймиз.

Куйида «Сатердей ивнинг пост» журналида чоп этилган икки хикоядан олинган жумлалар келтирилган:

1. Кутилмаганда тўппончадан ўқ узилиши тинчликни бузиб юборди.

2. Бу воқеа ўз-ўзидан бемаъни кўринса ҳам, оқибатларига кўра унча бемаънига ўхшамайди. Зеро, у Денвердаги «Монвью» меҳмонхонасида июль ойининг биринчи ҳафтасида содир бўлган эди. Содир бўлган воқеа бошқарувчи Гебелда шундай катта кизикиш уйғотган эдики, у дарҳол бориб воқеани ёзнинг ўртасида навбатдаги текширув боис бир-икки кунга келган «Монвью» хўжайини Стив Фарадейга ва бошқа меҳмонхоналарга хабар берди».

Бу ибораларнинг бари ҳаракатларга боғлиқ эканига эътибор беринг. Улар бирор-бир жараёни бошлаб беради. Бу сизнинг кизикишингизни уйғотади. Сиз давомини ўқигингиз; иложи борича кўпроқ нарсани билгингиз; у ерда гап нима ҳақида кетаётганини англагингиз келади.

Хатто тажрибасиз ёш нотик ҳам агар ҳикоя қилишнинг бу усулини қўллаб, тингловчиларда қизиқиш уйғота олса, нутқни муваффақиятли бошлаш имконияти туғилади.

### **Қандайдир аниқ тасвир билан бошланг**

Ўртамиёна тингловчиларга узоқ вақт давомида мавҳум мулоҳазаларни эшитиш қийин, жуда ҳам қийин. Аниқ тасвирларни эшитиш эса осонроқ кечади. Уларнинг биридан бошлаб кўрсак-чи? Нотикларни бундай йўл тутишга мажбур қилиш жуда қийин. Биламан, мен ҳаракат қилиб кўрганман. Улар авваламбор бир нечта умумий баёнотни маълум қилишдан бошлаш керак, деб ўйлашади. Асло ундай эмас. Нутқингизни тасвирдан бошланг, тингловчиларни қизиқтириб олинг, сўнг секин умумий гапларга ўтиб борасиз. Агар сизга бу усулга оид мисол келтириш керак бўлса, олтинчи фаслнинг бошланишига қаранг.

Сиз ҳозир ўқиб турган ушбу фаслнинг бошланишида қандай усулдан фойдаланилган?

### **У ёки бу жисмдан фойдаланинг**

Диққат-эътиборни тортишда дунёдаги энг осон усул – тингловчилар кўриши мумкин бўлган бирор жисмни ушлаб олишдир. Ҳайвонлар ва эсипастлар, бешикдаги гўдаклар, дўкон растасидаги маймунлар, шунингдек, кўчадаги итлар бу каби нарсаларга аҳамият қаратишади. Баъзида бу усул ҳатто энг ҳурматли тингловчилар олдида ҳам иш бериши мумкин. Мисол учун филадельфиялик С.С. Эллис ўз нутқини қўлининг бош ва кўрсатгич бармоқлари билан тутган тангани боши устида кўтарган ҳолда бошлаган эди. Табиийки, барча тингловчилар унга диққат-эътибор

каратишди. Шунда у сўради: «Шу ерда ўтирганлардан бирортангиз қачондир мана шундай тангани йўлакдан топиб олганмисиз? Бу ҳол шундан далолатки, бу тангани топган омадли инсон кўчмас мулк сифатида бойликка эга бўлишини айтишади. Фақат ўша одам бу ерга келиб шу тангани кўрсатса бўлгани...» Шундан сўнг Эллис ноқонуний ва одобдан ташқари фаолиятни фош қилишни бошлар эди.

### **Савол беринг**

Эллис фойдаланган кириш қисмининг яна бир ижобий тарафи бор. Унинг савол бериши тингловчиларни ўйлантириб, у билан бирга ҳаракат қилишга ундайди. Эътибор беринг, «Сатердей ивнинг пост» газетасидаги гангстерлар ҳақидаги мақола иккита саволдан бошланади: «Чиндан ҳам гангстерлар тўдаси вужудга келганми?... Қандай қилиб?» Бундай муҳим савол бериш тингловчиларда бирор фикр уйғотиб, у ҳақда ўйлашлари учун асқотадиган энг осон ва умидбахш усулларида бири ҳисобланади. Агар бошқа усуллар фойдасиз бўлиб қолса ҳам, бу усул сизга ҳамиша ёрдам бериши мумкин.

### **Машхурларнинг сўзидан иқтибос келтириб, нутқ бошласангиз-чи?**

Машхур арбобларнинг сўзлари ҳамиша тингловчилар диққат-эътиборини тортади, шу боис уларнинг сўзидан олинган парча нутқни бошлаш учун энг яхши воситадир. Савдо-сотик борасида омадга эришиш мавзусига бағишланган баҳс-мунозара қандай бошланиши сизга ёқадими?

«Жамият бизни пул, обрў ва бошқа кўп мукофотлар билан тақдирлайди, фақатгина бир нарсадан ташқари, – дейди Элберт Хаббард – у ҳам бўлса ташаббусдир. Ташаббуснинг ўзи нима? Сизларга жавоб бераман: бу бирор ишни бошқалар сўрамаса ҳам, қандай керак бўлса шу тарзда бажаришидир».

Бундай маъруза бир нечта мақтов сўзларга лойик. Биринчи гап қизиқиш уйғотиб, эътиборни ўзига тортади ва биз ундан ҳам кўпроғини билишга ошиқамиз. Агар нотик «Элберт Хаббард» сўзларидан кейин моҳирона сукут сақласа, бу ҳам тингловчилар эътиборини жалб этади. «Жамият нима учун бизни катта мукофотлар билан тақдирлайди?» деб сўраймиз. Бизга тезроқ гапириб беринг. Биз сизга кўшилмаслигимиз мумкин, аммо ҳар нима бўлса ҳам, бизга фикрингизни айтиб кетинг. Иккинчи гап бизни ўша заҳотиёқ асосий фикрга олиб ўтади. Алоҳида бир фикрни намойиш этувчи учинчи савол – тингловчиларни бирор нарса қилишга, ўйлашга ва мунозарада иштирок этишга ундайди. Тингловчилар бундай ишни жуда яхши кўришади. Бу уларга жуда хуш келади! Тўртинчи ибора ташаббусни таърифлайди... Бундай кириш сўздан сўнг нотик мисол сифатида ўз ҳаётидан бир воқеани гапириб беради.

### **Нутқингиз мавзусини тингловчиларнинг муҳим ҳаётий қизиқишлари билан боғланг**

Нутқингизни тингловчиларнинг қизиқишлари билан боғлиқ ҳар қандай фикрдан бошлашингиз мумкин. Бу нутқ бошлашнинг энг яхши усулларида биридир. У, албатта, диққат-эътиборни тортади. Бизга бевосита ва кучли таъсир этадиган нарсаларга кўпроқ қизикамиз.

Бу шунчаки соғлом фикр, шундай эмасми? Шунга карамасдан, бу усул жуда кам қўлланилади. Мисол учун, мен бир бошловчи нотикнинг даврий тиббий кўрикнинг зарурлигига бағишланган нутқини тинглаган эдим. У нутқини қандай бошлаган эди? У нутқини инсон ҳаётини узайтириш масалалари билан шуғулланувчи институт ҳақидаги ҳикоядан бошлади. Ушбу институтнинг қандай ташкил этилгани ва қандай хизматлар кўрсатишини гапириб берди. Бўлиши мумкин эмас! Бизнинг тингловчиларимиз қайсидир ширкатларнинг қандай хизмат кўрсатишига умуман қизиқиш билдиришмайди. Аммо улар ўзлари билан чуқур ва абадий қизиқишади.

Нима учун бу муҳим омилни тан олмаслик керак экан? Нима учун бу ширкатнинг тингловчилар ҳаёти учун ўта муҳимлигини намойиш этмаслик керак? Нирма учун нутқни мисол учун, бундай тарзда бошламаймиз: «Суғурта ширкатлари томонидан ишлаб чиқилган жадваллар асосида умрингиз неча йил давом этиши мумкинлигидан хабарингиз борми? Ҳаётингизни суғурта қилганларнинг ҳисобига кўра, умрингизнинг умумий давомийлиги ҳозирги ва саксон ёшингиз орасидаги вақтнинг учдан икки қисмини ташкил этар экан. Масалан, агар ҳозир ўттиз беш ёшда бўлсангиз, ҳозирги ва саксон ёшингиз орасидаги тафовут қирқ беш ёшни ташкил этади. Сиз бу муддатнинг учдан икки қисмини, яъни ўттиз йил яшашингиз мумкин. Бу муддат етарлими? Йўқ, йўқ барчамиз иложи борича кўпроқ яшашни хоҳлаймиз. Шунга карамай, юқорида кўрсатилган суғуртачилар жадвали миллионлаб ҳолатлар асосида тузиб чиқилган эди. Уларни рад этишга умид қилишимиз мумкинми? Ҳа, албатта, агар зарур чораларни кўрсак. Бу йўлда энг биринчи кадам, тўлиқ тиббий кўрик ҳисобланади...»

Бу ҳолатда биз даврий тиббий кўрик нима учун кераклигини тўлиқ тушунтириб ўтадиган бўлсак, тингловчи

унга бундай хизматларни кўрсатишнинг яратилганлиги билан кизиқиб қолиши мумкин. Аммо нутқни бу каби ташкилот ҳақидаги ҳикоядан бошлаш ўта аҳмоқлик ҳисобланарди!

Бошқа мисолни кўриб чиқайлик. Бир нотикнинг ўрмонзорларни асраб қолиш мавзусида нутқ сўзлаганини эшитганман. У тахминан куйидагича сўз бошлади: «Биз америкаликлар миллий бойликларимиз билан фахрланишимиз керак...» Бундай кириш қисмидан кейин у бизга ўтинларимизни шармандаларча исроф қилаётганимизни исботлай бошлади. Аммо унинг нутқи қандайдир умумий, саёз ва анча муваффақиятсиз бўлган эди. Тингловчилар бу масаланинг ўзларига қанчалар муҳим эканини англашлари учун нотик ҳеч нарса қила олмади. Тингловчилар орасида босмаҳона ходими ҳам бор эди. Ўрмонларнинг йўқолиб кетиши унинг фаолияти учун жуда аниқ нималарнидир англатарди. Тингловчилар орасида банк ходими ҳам бор эди. Ўрмонларнинг йўқотилиши унинг ишига ҳам ва бизнинг умумий фаровонлигимизга бевосита алоқадор эди... Ва ҳоказо. Унда нима учун нутқнинг кириш қисмини куйидагича бошлаш мумкин эмас: «Мен ҳозир очиб бермоқчи бўлган муаммо, жаноб Эпплби, сизнинг ишингиз билан бевосита боғлиқдир, шунингдек, сизники билан ҳам жаноб Сол. Аслини олганда, у озик-овкат маҳсулотлари ва турар-жой тўловига ҳам катта таъсир қилади. У барчамизнинг ҳаётимиз ва фаровон яшашимизга ҳам жиддий таъсир ўтказди».

Бу ўрмонларимизни сақлаб қолиш муаммосининг долзарблигини бўрттириб кўрсатиш эмасми? Бундай деб ўйламайман. Бундай муқаддима Элберт Хаббарднинг «улкан манзарани намоён этиб, мавзуни эътибор тортадиган тарзда очиб бериш» керак деган тамойилига муносибдир.

## Хайратда қолдирадиган далилларнинг ўзига тортувчи кучи

«Ажойиб журналбоп мақола, – деган эди машхур вақтли нашрлардан бирининг асосчиси С.С. Маклюр, – бу анча-мунча хайратда қолдиришдир».

Улар бизни кундалик пинакдан чалғитиб, борлиғимизни эгаллаб олишади-ю, диккат-этиборимизни ўзига тортади. Мана, бир қанча мисоллар. Балтиморлик Н.Д. Баллантайн радионинг ажойиб хусусиятларига бағишланган нутқини куйидаги сўзлар билан бошлади:

«Нью-Йорк дераза ойналарида оёғи билан ҳаракат қилаётган пашшанинг товуши радио орқали эшиттирилса ва Марказий Африка бўйлаб жарангласа, Ниагара шаршарасининг овозига ўхшатармидингиз?»

Нью-Йоркдаги «Гарри Ж.Жонс» компаниясининг президенти Гарри Ж. Жонс жиноятчилик муаммоларига бағишланган нутқини шундай бошлаган эди:

«Бир куни Қўшма Штатлар Олий судининг собик раиси Уильям Хоуард Тафт жиний ҳуқуқларимиз қандай амалга оширилаётгани ҳақида баёнот бераркан, уни таракқийтимиз учун шармандалиқдир, деб атади».

Бундай кириш сўзининг икки томонлама фойдаси бор: ҳуқуқ соҳасидаги машхур кишининг фикри алоҳида аҳамиятга эга бўлиши билан бирга диккат-этиборни ўзига тортиши аниқ.

Филадельфиядаги оптимистлар клубининг собик президенти Пол Гиббонс жиноятчилик муаммоларига бағишланган нутқини этиборни тортувчи куйидаги таъкидлар билан бошлади:

«Америкаликлар таракқийлашган дунёдаги энг даҳшатли жиноятчилар ҳисобланишади. Бу фикр қанчалик хайратланарли бўлмасин, афсуски, ҳақиқат. Аҳоли сонини ҳисобга олганда, Огайо штатининг Кливленд шаҳрида



Лондондагига нисбатан олти марта кўп қотиллик ва бир юз етмиш марта ортик ўғирлик содир бўлади. Кливленд шаҳрида ҳар йили ўғирлик мақсадида одамларга қилинган босқинчилик ҳаракатлари Англия, Шотландия ва Уэлс шаҳарларида содир этилган шундай ҳолатлар йиғиндисига нисбатан анча кўп юз беради. Ҳар йили Англия ва Уэлсдагидан кўра Сент-Луисда кўпроқ қотиллик содир этилади. Нью-Йоркда ҳам Франция, Германия, Италия ёки Британия оролларидагидан кўпроқ қотиллик рўйхатга олинган. Энг ачинарлиси, жинойтчилар ўз жинойтларига яраша тегишли жазо олмасликларидир. Агар сиз қотиллик содир этган бўлсангиз, қачонлардир сизни қатл этишлари эҳтимоли тахминан юздан бир фоизни ташкил этади. Тинч аҳоли вакили сифатида агар сиз кимнидир отган бўлсангиз, бунинг учун осиб ўлдирилишдан кўра саратондан вафот этиш имкониятингиз ўн баробар кўпроқдир».

Бундай кириш қисмини муваффақиятли ҳисоблаш мумкин. Чунки Гиббонс бу сўзларни ўта зарур шижоат ва жиддийлик билан гапирган эди. Бу сўзлар яшашади, улар нафас олишади. Аммо курснинг бошқа тингловчилари ҳам жинойтчилик муаммоларига бағишланган нутқларини шунга яқин мисоллар билан бошлашар эди, лекин нима учундир уларнинг кириш сўзлари ўртача кўриниш касб этарди. Нима учун? Сўзлар. Сўзлар. Сўзлар. Уларнинг тузилиш техникаси хатосиз, аммо уларда руҳ бўлмасди. Баъзан нотикларнинг сўзлаш одоби уларнинг нутқлари мазмунига пугур етказарди.

### **Оддийгина кириш сўзининг аҳамияти**

Қуйида келтириладиган кириш сўзи сизга ёқармикан? Агар ёқса, нима учун? Мэри Е. Ричмонд Нью-Йоркдаги аёл-сайловчилар иттифоқининг йиллик мажлисида, вояга етмаганларнинг никоҳ қуришларига қарши қонун муҳока-маси арафасида шундай деб мурожаат қилди:

«Кеча поездга ўтириб, бу ердан унча узок бўлмаган шаҳардан ўтиб кетаётиб, бир неча йил олдин ўша шаҳарда ўтказилган бир тўй маросими эсимга тушди. Бу штатдаги бошқа тўйлар ҳам бу каби тез ва ҳалокатли ўтаётгани учун сизга бугун ўша аниқ воқеани бир неча тафсилотлари қадар айтиб бериш билан сўзимни бошламоқчиман.

Бу воқеа 12 декабрь куни содир бўлган эди. Ўн беш ёшли ўқувчи қиз эндигина балоғат ёшига етган, қўшни коллеж талабаси бўлган бир йигитни учратиб қолади. 15 декабрь куни, яъни танишганларидан уч кун ўтиб, қиз ўн саккиз ёшга тўлганига қасам ичиб, чунки шундагина ота-онасининг розилиги зарур бўлмайди, турмуш қуриш рухсатномасини қўлга киритишади. Рухсатномани олиб, муниципалитет (баъзи мамлакатларда маҳаллий ўз-ўзини идора қилиш органи) биносидан чиқишлари билан руҳонийга мурожаат этишади (қиз католик эди), аммо руҳоний адолатли равишда уларга никоҳ ўқишдан бош тортади. Қандайдир йўл билан, балки руҳоний орқали қизнинг онаси кизининг турмушга чиқмоқчи бўлганини билиб қолади. Аммо онаси кизини қидириб топгунича келиштирувчи судья бу икки ёшни бирлаштириб қўяди. Ёш куёв қизни меҳмонхонага олиб боради ва улар икки кечаю икки кундузни бирга ўтказганларидан сўнг йигит қизни ташлаб кетади ва бошқа ҳеч қачон унинг олдига қайтиб келмайди».

Шаҳсан менга бундай кириш сўзи жуда ёқади. Энг биринчи гап жуда яхши тузилган. Нотиқ қизиқарли хотираларини ўртоқлашмоқчи бўлади ва биз уни барча тафсилотлари билан эшитишни хоҳлаймиз. Биз инсон ҳаётига доир қизиқарли ҳикояни тинглай бошлаймиз. Бундан ташқари, бу ҳикоя ҳақиқатга яқинроқ туюлади. Назариядан йироқ, расмиятчилик учун айтилмаган, ўйлаб топилмаган... «Кеча поездга ўтириб, бу ердан унча узок бўлмаган шаҳардан ўтиб кетаётиб, бир неча йил олдин ўша шаҳарда ўтказилган бир тўй маросими эсимга тушди». Бу

қандайдир табиий, эркин ва инсонга хос жаранглайди. Бу ҳар қандай тингловчига ёқади. Аммо шундай ҳам бўладики, баъзан тингловчиларга олдиндан пухта тайёрланиб, ҳар томонлама ўйланган маърузалар ёқмаслиги мумкин. Бизга санъатнинг сеҳрли олами ёқади.

### Хулоса

1. Нутқнинг бошлаб олиш анча қийинчилик туғдириши мумкин, аммо шунга карамай, жуда муҳим ҳисобланади, чунки бу пайтда тингловчилар анча тетик бўлиб, уларга таъсир этишнинг айна вақти саналади. Агар нотик бунда бошқаларнинг услубига ўхшаб қоладиган тасодифий вазиятга таянадиган бўлса, бу жуда жиддий оқибатларга олиб келиши мумкин; нутқнинг кириш қисмини яхши бошлаш учун олдиндан пухта тайёргарлик кўриш зарур.

2. Кириш қисми жуда қисқа бўлиши ва бир ёки икки гапдан ошмаслиги керак. Баъзи вақтларда эса унинг кераги ҳам бўлмайди. Жуда кам миқдорда сўз ишлатган ҳолда, тўғридан-тўғри асл мақсадга ўтасиз. Ҳеч ким бунга қаршилиқ билдирмайди.

3. Бошловчи нотиклар ўз сўзларини кўпинча ҳазил ҳикоядан ёки узр сўрашдан бошлашади. Униси ҳам, буниси ҳам одатда муваффақиятсиз чиқади. Латифани озчилик, жуда, жуда, жуда ҳам озчилик муваффақият билан айтиб бера олади. Баъзан бу тарзда уриниш тингловчиларга ҳузур бағишлаш ўрнига, уларни саросимага солиб қўйиши мумкин. Ҳикоялар ўринли бўлиб, фақат уларни айтиб бериш зарурияти туғилсагина айтилиши керак эмас. Юмор худди тортнинг устидаги қиём каби бўлиши даркор, лекин асло тортнинг ўзи эмас... Ҳеч қачон тингловчилардан узр сўраманг, чунки бу уларни ҳақорат қилгандай бўлиб, асабларига тегади. Нима демокчи бўлсангиз, айна шу нарсани гапиринг, тез гапиринг-да, бориб ўрнингизга ўтиринг.

4. Нотик ўз тингловчилари диққат-эътиборини қуйидаги усуллар билан тортиши мумкин:

а) тингловчиларда қизиқиш уйғотиб (Диккенснинг «Рождество қўшиғи» китоби сингари);

б) одамийлик нуқтаи назаридан бирор қизиқ ҳикояни айтиб бериб («Олмослар акрлари» маърузаси каби);

в) аниқ тасвир билан бошлаб (мазкур китобнинг олтинчи фасли муқаддимасига қаранг);

г) бирор аниқ жисмдан фойдаланиб (мисол учун, топиб олинган танганинг бўш ер майдонига эгалик ҳуқуқини бериши ҳақида);

д) савол берган ҳолда (мисол учун: «Сизлардан бирор киши бундай тангани йўлакдан топиб олганми?»);

е) бирор-бир ҳайратлантирувчи иқтибос келтириб (масалан, Элберт Хаббарднинг ташаббуслар кадр-қиммати ҳақидаги маърузаси кириш қисмидаги сингари);

ж) нутқ мавзуси тингловчиларнинг муҳим ҳаётий қизиқишлари билан боғлиқ эканини кўрсатган ҳолда (мисол учун: «умрингизнинг давомийлиги ҳозирги ва саксон ёшингиз орасидаги тафовутнинг учдан икки қисмини ташкил этади. Даврий тиббий кўрикдан ўз вақтида ўтиб турсангизгина умрингизни узайтиришингиз мумкин», деб айтинг ва ҳоказо);

з) Ҳайратланарли далилларни келтириб (мисол учун, «тараккий этган ҳозирги дунёда америкаликлар энг дахшатли жиноятчилар ҳисобланишади» деган фикр билан).

5. Нутқингизни ўта расмий тарзда бошламанг. Унга катта тайёргарлик кўргангизни билдириб қўйманг. Нутқингиз эркин, беғараз ва табиий бўлиши лозим. Бунга эса яқинда бўлиб ўтган ёки ҳозиргина айтилган ҳодисалар ҳақида гапириб эришиш мумкин (мисол учун: «Кеча поездга ўтириб, бу ердан унча узоқ бўлмаган шаҳардан ўтиб кетаётиб, эсладим...»).

## НУТҚНИ ҚАНДАЙ ТУГАЛЛАМОҚ КЕРАК

Маърузангизнинг қайси қисмини тузишда сизда омилкорлик ёки тажрибасизлик, маҳорат ёки малака етишмаслиги мавжудлигини билишни хоҳлайсизми? Бу маърузанинг бошланиши ва тугалланишини тузаётганингизда намоён бўлади. Театрларда бир эски гап юради, албатта, бу фикр роль ижро этувчи актёрларга тегишли бўлиб, тахминан куйидагича: «Уларнинг саҳнага қандай чиқиш ва саҳнани қандай тарк этишларига қараб, ижро маҳоратларига баҳо бериш мумкин».

Боши ва охири! Улар ҳар қандай иш фаолиятда энг қийин жараён ҳисобланади. Ахир ижтимоий ҳаётда чиройли тарзда намоён бўлиш ва бу майдонни шу зайлда тарк этиш ҳам қанчалик қийинчилик талаб этмайдими? Иш ҳақида кечаётган суҳбат чоғида ҳам энг қийини – бошидаёқ уни ўзи томонга оғдириб, охирида муваффақиятга эришишдир.

Нутқни яқунлаш ҳақиқатдан ҳам маърузанинг энг муҳим бўлимларидан бири ҳисобланади. Охирида айтиладиган нотикнинг сўзлари у нутқини тугатганидан сўнг ҳам тингловчилар кулоғида жаранглаб туради ва анча пайтгача хотираларида сақланади. Аммо бошловчи нотиклар бу муҳим асосга жуда кам аҳамият беришади. Улар ўз сўзларини яқунлашда асосан яхшилик тилашни маъқул кўришади.

Улар қиладиган ҳатолар нималардан иборат? Келинг, шулардан бир нечтасини кўриб чиқиб, тузатиш йўлларини излашга ҳаракат қилайлик.

Биринчидан, ўз нутқларини куйидагича тугатадиган нотиклар ҳам бор: «Хуллас, сизнинг диққат-эътиборларингизга ҳавола этмоқчи бўлган фикрларим шулардан иборат эди. Шу билан маърузамни яқунлайман». Бу асло яқун эмас. Бу ҳато. Бу ерда нотикнинг – ҳаваскорлиги шундоқ намоён

бўлиб турибди. Бундай ҳатони умуман кечириб бўлмайди. Агар гапирмоқчи бўлган гапларингиз шулардан иборат бўлса, уларни айтиб бўлганингиздан сўнг нега ўрнингизга ўтирмадингиз? Ўтиринг, гапирмоқчи бўлган гапларингиз шулардан иборат экани ҳақидаги фикрни очик-ойдин айтиб ўтирмасдан, уни тингловчилар эътиборига хавола этинг.

Шундай нотиклар ҳам бўладики, масалан, улар бор гапларини айтиб бўладилар-да, нима билан тугатишни билмай қоладилар. Агар адашмасам, айнан Жош Биллингс буканинг шохидан эмас, думидан ушлашни маслаҳат берган, чунки айти мана шу ҳолатда уни қўйиб юбориш осонроқ бўлади. Буканинг шохидан ушлаб олган нотик уни қўйиб юборишга қанчалик ҳаракат қилмасин, беркиниш учун керакли девор ёки дарахтни топа олмайди. Шунинг учун охир-окибат, у худди тилсимланган доира ичига тушиб қолгандек, айланаверади, такрорлайверади ва ўзи ҳақида салбий таассурот қолдиради...

Бундан чиқиш йўли борми? Баъзида нутқнинг якун қисмини олдиндан тайёрлаб қўйиш керак, шундай эмасми? Ахир нутқнинг якунланиш қисмини тингловчилар олдида туриб, нутқ сўзлаш учун асаблар таранг бўлиб турганида тайёрлаш шартми? Нутқингизнинг якунини тинч ва осуда шароитда олдиндан тайёрлаб қўйганингизга нима етсин.

Ҳатто Вебстер, Брайт, Гладстон каби инглиз тилини тўлик эгаллаган илғор нотиклар ҳам ўз нутқларининг сўнгги сўзларини олдиндан тайёрлаб, ёдлаб олиш зарур, деб билганлар.

Агар ёш нотик ҳам уларнинг маслаҳатларига амал қилса, у камдан-кам ҳолда бу йўлни тутганидан афсус чекади. У ўз нутқини қайси сўзлар билан якунлашини аниқ билиши керак. У нутқининг якунланиш қисмини бир неча маротаба машқ қилиб кўриши, ҳар бир такрорлаш давомида айнан бир хил сўзлардан фойдаланиши шарт бўлмаган ҳолда ўз фикрларини аниқ ифодалаши лозим, албатта.

Нотикнинг тайёргарликсиз сўзлашига тўғри келганида, нуткни тингловчиларнинг ҳолатига мослаш учун ўзгартириши, баъзида эса кискартириши керак бўлади. Шунинг учун нутқ якунининг икки-уч нусхасини олдиндан тайёрлаб қўйиш мақсадга мувофиқ бўларди. Агар улардан бири тўғри келмаса, иккинчиси аниқ мос келиши мумкин.

Баъзи нотиклар ўз нутқларининг якунларига умуман етиб кела олишмайди. Нутқларининг ўрталарида ёқилғиси қолмаган мотор каби баъзи-баъзида сўзларидаги бир қанча силкинишлардан сўнг буткул тўхтаб қолишади. Фалокат юз беради. Албатта, улар учун яхши тайёргарлик ва кўпрок машғулот зарур, яъни захирага кўпроқ ёқилғи қуйиб олиш зарар қилмайди.

Кўпгина нотиклар ўта кескин ҳолатда ўз нутқларини бўлиб қўядилар. Уларга ўз нутқларини якунлаш қобилияти етишмайди. Умуман олганда, уларнинг хулоса қисми умуман йўқ: шунчаки нуткни тўхтатиб қўядилар, холос. Бу тингловчиларда салбий таассурот қолдириб, улар ўзларининг олдида ҳаваскор турганлигини дарров тушунишади. Агар бирор-бир дўстингиз билан суҳбат кураётганингизда, у суҳбатингизни бўлиб, ҳатто сиз билан хайрлашмасдан хонадан югуриб чиқиб кетса, нима деган бўлар эдингиз?

Ҳатто Линкольн ҳам президент лавозимига ўтирган пайтдаги ўзининг биринчи нутқида айни мана шу хатога йўл қўйганди. Бу нутқ оғир вазият юзага келганида сўзланган эди. Унинг атрофида тушунмовчилик ва норозилик фикрлари йиғилиб борарди. Бир неча ҳафтадан сўнг қонли ва вайроналик кайфиятлари бутун мамлакатга ёпилиб кирди. Жануб аҳолиси учун мўлжалланган чиқишида Линкольн ўз нутқини қуйидагича якунламоқчи эди:

«Фукарлар уруши муаммосини ҳал қилишнинг муҳим ечими менинг эмас, айнан сизнинг қўлингизда, норози ҳамюртларим. Ҳукумат сизларга ҳужум қилмайди. Агар ўзларингиз зўравонлик қилмасангиз, орамизда ҳеч

кандай низо келиб чикмайди. Сиз осмонларга қараб ҳукуматни йўқ қилиш ҳақида ҳеч қандай қасам ичмагансиз, мен эса бу пайт уни ҳимоя қилиб, саклаб қолиш учун тантанали қасам ичганман. Сиз унга ҳужум қилишдан ўзингизни тийишингиз мумкин. Мен эса уни ҳимоя қилишдан бош торта олмайман. Бугунги кунда, энг муҳими: тинчликми ёки қилич, деган муаммони ҳал қилиш айнан сизга боғлиқдир!»

Линкольн бу нутқини ўз вазири Сьюардга кўрсатди, у жуда адолатли гапларни, яъни бу нутқнинг ҳаддан ташқари кескин ва жанжал уйғотувчи эканини айтиб ўтди. Сьюарднинг ўзи нутқнинг якунини ўзгартирмоқчи бўлди; умуман олганда у икки хил якун ёзди. Линкольн улардан бирини маъқул кўриб, ўз нутқининг охириги учта гапи ўрнига қўйиб гапирди. Натижада президент лавозимига ўтиришда сўзланган нутқи ўзининг кескинлигини йўқотиб, шоирона чечанлик, ҳақиқий гўзаллик, дўстликнинг энг юқори чўккисини намоён этди:

«Мен ўзим хоҳламаган ҳолда нутқимни якунлайман. Биз душман эмас, дўстлармиз. Биз бир-биримизга душман бўлмаслигимиз даркор. Албатта, қандайдир ғазабланишлар пайдо бўлиши мумкин, лекин улар бизнинг дўстлик респталаримизга асло таъсир қилиши керак эмас. Ҳар бир жанг майдонидан ва ҳар бир қаҳрамон мазоридан чиқиб боровчи хотиранинг сирли торлари ҳар бир тирик юракка ва бепоён заминимиздаги ҳар бир оилага бориб тақалувчи ўз овозини Бирлик хориға қўшиб юборади, агар уларга яна тегишишса, бу табиатимизнинг илоҳий ибтидоси шарофати билан юз бериши шубҳасиздир».

Ҳар бир бошловчи нотик ўз нутқининг якунини кўнгилдагидек тузганлигини қандай ҳис этиши мумкин? Беихтиёр, механик тарздами?

Йўқ. Худди маданият каби бу иш ҳам жуда нозик саналади. Бу инсондаги олтинчи туйғу, ички сезги орқали



намоён бўлади. бўлиши керак. Агар нотик ўз нуткининг уйғун ва моҳирона яқун топишини *ҳис этмаса*, бунга қандай қилиб эришиши мумкин?

Аммо бундай *ҳисни* инсон ўзида ривожлантириши мумкин, фақатгина олдинги илғор нотиклар қўллаган усулларни ўрганиши керак. Мана мисол учун, Уэльс шаҳзодасининг Торонтодаги Империя клубида сўзлаган нуткининг яқунланиш қисми:

«Мен, жаноблар, ўзимни қўлга ололмай, ўз ҳақимда кўп гапирганимдан хижолатдаман. Аммо мен шуни таъкидлашни истардимки, Канадада энг кўп сонли тингловчилар ҳузурида нутқ сўзлаш қандай масъулиятли эканлиги ва менинг аҳволим ҳақидаги фикрлар бир-бирига жуда боғлиқ, деб ўйлайман. Мен бундай улуғ масъулиятни ва сизнинг ишончингизни ҳамиша оқлашга сўз бераман».

Агар бу нутқни кўзи ожиз тинглаганида, ҳатто у ҳам нутқнинг яқун топганини *ҳис этган бўлар эди*. У очик ҳавода бойланмаган аркон каби тугалланмай қолмади. Бу нутқ тугалланди.

Машхур Гарри Эмерсон Фосдик якшанба куни Миллатлар Иттифоқининг VI Ассамблеяси очилишидан сўнг Женевадаги муқаддас Пётр бош черковида нутқ сўзлади. У ўзи учун: «Қўлида шамшир тутганлар, шу тигдан ўлим топадилар» мавзусини танлаб олди. У мазкур хутбасини қандайин чиройли, тантанали ва кучли тарзда тугаллаганига эътибор беринг:

«Биз Исо Масих ва урушга бир хил кўз билан қарай олмаймиз – гапнинг асл моҳияти мана шунда. Айни мана шу муаммо ҳозирги кунда насронийлар виждонини тўлқинлантириши керак. Уруш инсониятнинг бошига етадиган энг кўркинчли ва вайрон қилувчи ижтимоий гуноҳ ҳисобланади; у буткул ғайридин оқибат саналади; ўз усул ва оқибатлари билан Исо Масих рад этган барча гуноҳларни акс эттириб, у назарда тутганларини англашиши мумкин

эмас; у худо ва инсон хакидаги ҳар қандай насроний таълимотларни бутун дунёдаги даҳрий-назарийетчилар қачонлардир ўйлаб топганларидан кўра кўпроқ рад этади. Ҳозирги кундаги мазкур буюк ахлоқий муаммони ҳал этишни черковлар ўз зиммасига олиб, ота-боболаримиз даврида бўлгани каби кўп худолиликка қарши курашиш, урушаётган мамлакатларни қўллаб-қувватлашни рад этиш ҳамда бутун дунё мамлакатлари ва аҳолисини баҳам-жиҳатликка чакиришнинг аниқ бир ечимини ўйлаб топганида, яхши иш бўлар эди. Бу ватанпарварликни рад этиш эмас, балки улуғлашдир.

Бугун бу ерда, баланд ва меҳмонбоп томнинг остида, мен америкалик бўла туриб ўз ҳукуматим номидан гапира олмайман, аммо америкалик ва насроний сифатида миллионлаб ватандошларим номидан биз ишонадиган ва сиғинадиган ва унда иштирок этмаганимиздан афсусланаётган олий умум мақсадимиз йўлида катта муваффақиятлар тилайман. Бир олий мақсад, яъни – тинчликка эришиш учун бор қобилиятимиз билан кураш олиб бораяпмиз. Дунёда бу каби олий мақсад учун курашишдан бошқа муҳим нарса бўлмаса керак. Икки йўлдан бирини танлаш – инсоният олдида қачонлардан бери кўндаланг бўлиб турган жуда даҳшатли фалокатдир. Бутун олам тортишиш қонуни ва Яратганнинг қонунлари руҳоният дунёсида ҳеч бир одам ёки халқ учун чекловлар қилмайди: «Қўлида шамшир тутганлар, шу тифдан ўлим топадилар».

Аммо мазкур нутққа яқун ясовчи мисоллар улуғвор оҳангсиз, орган овозига ўхшаш мусикасиз, худди Линкольн президент лавозимига сайланганда айтган иккинчи нутқининг яқунловчи қисми каби ифодааланмаганда тўлиқ бўлмас эди. Оксфорд университетининг фаҳрий ректори, марҳум граф Керзон Кеддлстонский, бу нутқ «инсоният шухрати ва бойлигини орттирувчи... нотиклик санъатининг, шунингдек, илоҳий сўзамолликнинг соф олтини ҳисобланишини» айтиб ўтган эди.

«Биз меҳр-муҳаббат билан умидвор бўламиз ва ғайрат билан ибодат қиламизки, токи бу урушнинг даҳшатли мусибатлари мумкин қадар тезроқ тугасин. Лекин агар икки юз эллик йиллик машаққатли меҳнат эвазига эришилган барча бойликларнинг йўқ қилиниши, қамчи зарбидан томган ҳар бир томчи қон учун шамшир зарбидан тўкилган қон билан товон тўлаш ҳалигача давом этар экан, уч минг йил олдин айтилганидек, айниқса, биз бугунги кунда ҳам шу сўзларни қайта такрорлашимиз керакки: «қилинган гуноҳлар учун худо томонидан бериладиган жазо тўғри ва адолатлидир».

Ҳеч кимга жаҳл қилмай, ҳаммага бор меҳримизни бахшида этиб, ҳаққоний ишда катъий туриб, Парвардигор бизга тўғри йўлни кўриш имкониятини бергани учун ҳам, келинлар, олдимизда турган вазифаларни ҳал этишга интилайлик: талофот кўрган мамлакатларга ёрдам қўлини чўзиб, бу жангларда шаҳид кетганлар ва ҳалок бўлганлар, беваю, етимларга ёрдам берайлик – бизда ҳаққоний ва мустаҳкам тинчликка эришиш учун замин яратилгани каби бошқа барча халқларга ҳам бу борада нимаики лозим бўлса ҳаммасини амалга оширайлик».

Менинг фикримча, сиз ҳозиргина марҳум оғзидан қачонлардир янграган энг ажойиб нутқнинг яқунловчи қисмини ўқиб чиқдингиз... Менинг баҳо беришимга қўшиласизми? Яна қайси нутқларда бундан кўпроқ ватанпарварлик, самимий муҳаббат ва юксак ҳамдардликни учратгансиз?

«Геттисбергдаги нутқи ғоят гўзал сўзланган бўлса ҳам, – дейди Уильям Э.Бартон ўзининг «Авраам Линкольн ҳаёти» номли китобида, – унинг бу чиқиши улуғворликнинг энг юқори поғонасини эгаллади... Бу Авраам Линкольннинг энг машҳур чиқишларидан бири бўлиб, унинг маънавий ва рухий куч-қувватининг энг юқори даражасини акс эттиради».

«У худди мукаддас битиклар сингари эди, – деб ёзган эди Карл Шурц. – Ҳеч бир Америка президенти шунга ўхшаш сўзларни Америка халкига ҳеч қачон гапирмаган эди. Америкада юрагининг туб-тубидан шундай сўзларга жой ажратган президент ҳеч қачон бўлмаган».

Балки сиз Америка президенти каби Вашингтонда ёки бош вазирга ўхшаб Оттава ёки Канберрда барҳаёт нутқлар ирод этиш ниятингиз йўқдир. Сизнинг олдингизда жамоатчилик фаолияти билан шуғулланувчи бир гуруҳ одамлар қаршисида ўз нутқингизни яқунлаш вазифаси туради. Бу ишни қандай амалга оширасиз? Келинг, бир оз ўйлаб кўрамиз. Бир қанча фойдали таклифларни ишлаб чиқишга ҳаракат қилиб кўрайлик.

### **Нутқингизнинг асосий мазмунини қисқача яқунланг**

Ҳатто уч ёки беш дақиқалик маърузаларда ҳам нотик жуда кўп масалаларни кўриб чиқишга ҳаракат қиладики, нутқинг охирида тингловчилар мавзунинг асосий мазмунини англай олмай қоладилар. Аммо фақат озчилик нотиқларгина бунини тушунишади. Улар нотўғри тушунчага эга бўладилар, яъни тасаввурларида зоҳир бўлган тушунчалар тингловчилар учун ҳам худди шундай аниқлик касб этади, деб ҳисоблайдилар. Асло ундай эмас. Нотиқ ўз фикрларини маълум вақт давомида ўйлаб чиқади, аммо уларнинг бари тингловчилар учун янги фикрлар бўлиши мумкин; улар тингловчилар онгига худди сочма ўқ учқуни каби тушади. Айримлари уларга тегиб кетиши мумкин, лекин кўпчилиги ёнларидан ўтиб кетади. Тингловчилар Яго (Кассио) каби «кўп нарсани эшлашади, аммо аниқ эмас».

Бир ирландиялик сиёсий арбоб нутқ сўзлаш бўйича қуйидаги маслаҳатни берган дейишади: «Аввал оммага

айтмоқчи бўлганларингизни гапиринг; сўнгра гапириб берганларингиз ҳақида сўзланг». Ёмон фикр эмас. Аслида «гапириб берганларингиз ҳақида сўзлаш»ни жуда тез-тез тавсия этишади. Бу ишни, албатта, тез, қисқа ва аниқ, яъни айтилганларни шархлаш ёки хулосалаш тарзида бажариш лозим.

Мана, яхши бир мисол. Чикаго темир йўллари тизимидаги раҳбар ходимлардан бири нотик эди.

«Қисқа қилиб айтганда, жаноблар, бу блокловчи ускунани ишлатишда бизнинг шахсий тажрибамиз, шарқ, ғарб ва шимолда ундан фойдаланиш тажрибаси, ҳаракатланиш асосларини белгилаб берувчи оқилона қоидалар ҳамда бир йил ичида талофотлар олди олинганлиги туфайли тежаб қолинган маблағлар – буларнинг бари менга жиддий ва қатъий тарзда уни бизнинг жанубий бўлинмамизга зудлик билан жорий этилиши учун тавсия этишимга имкон беради».

У нима қилганини сездингизми? Сиз нутқнинг қолган қисмини эшитмасдан туриб, буни кўришингиз ва сезишингиз мумкин. У бир нечта гапни жамлаб, эллик бешта сўз ишлатган ҳолда амалда нутқининг асосий мазмунини ифодалаб беришга мушарраф бўлди.

Бу каби қисқа хулосалар сизга ёрдам беришига ишонасизми? Агар ёрдам берса, бу усулдан қурол сифатида фойдаланинг.

### **Ҳаракат қилишга даъват**

Ҳозиргина келтирилган яқунловчи сўз ҳаракатга ундовчи нутқнинг ажойиб хотимаси намоиши ҳисобланади. Нотик нимадир қилинишини хохлади: темир йўлдаги жанубий бўлимга блокловчи усқунани ўрнатиш лозим эди. Ўзининг бу даъватини маблағ тежалиши воситаси ва талофотларнинг олдини олиш далили сифатида асослаб берди. Нотик ҳаракатни талаб қилди ва бунга эришди. Бу ўқув маърузаси эмас эди. У маълум бир темир йўллари

компаниясининг директорлар кенгашида янграган бўлиб, блокловчи ускунанинг ўрнатилишига, яъни даъват этилган ҳаракатнинг амалга оширилишига эришди.

### **Қисқа самимий мактов**

«Буюк Пенсильвания штати янги даврнинг келишини тезлаштириш учун қилинадиган ҳаракатни бошқариши керак. Бу штат темир ва пулатнинг буюк ишлаб чиқарувчиси, худудида жаҳондаги энг йирик темир йўл компанияси жойлашганлиги, қишлоқ хўжалигига ихтисослашган штатларимиз ичида учинчи ўринда туриши билан бизнинг савдо-сотиқ соҳамизнинг асоси ҳисобланади. Ҳали ҳеч қачон бу штат олдида бундай улуг истикбол эшиклари очилмаган ва раҳбарлик ролини ижро этиш учун порлоқ имкониятлар кўзга ташланмаган эди».

Мана шундай гаплар билан Чарлз Шваб Нью-Йоркдаги «Пенсильвания» жамиятида ўз нутқини яқунлаган эди. Унинг тингловчилари ўзларини бахтли, хузурбахш ва ижобий ҳисларга тўлгандек сездилар. Ижобий баҳога муносиб бундай усул билан нутқни янада самаралироқ яқунлаш учун уни сидқидилдан ўқиш керак бўлади. Ҳеч қандай қўпол ялтоқланиш, ҳеч қандай бачканалик керак эмас. Ҳар қандай яқун агар унда самимийлик бўлмаса қалбаки, ўта қалбаки бўлиб кўриниши мумкин. Одамлар уни қалбаки танга каби қабул қилишни исташмайди.

### **Кулгили хотима**

Жорж Коуэн шундай дерди: «Тингловчилар билан хайрлашаётганингизда улар кулиб туришсин». Агар сизда бу ишни қилиш учун етарли қобилият ва керакли манбаалар

бўлса, бу жуда ҳам яхши. Аммо буни қандай қилиб амалга оширса бўлади? Гамлет айтганидек, мана қаерда муаммо. Ҳар бир инсон ўз йўлидан кетмоғи лозим.

Ллойд Жоржнинг Жон Уэсли макбараси билан боғлиқ бўлган тантанали нутқини сўзлаб бўлиб, қатъий тартибга асосланган услубий черков йиғини иштирокчиларининг юзида кулги уйғотиб, минбарни тарқ этганини тасаввур қилиш жуда қийин бўлса керак. Аммо у бу ишни қанчалик ақл билан бажариб, ўз нутқини раво ва чиройли қўнлаганига эътибор беринг:

«Бу қабрнинг таъмирлаш ишларини ўз қўлингизга олганингиздан хурсандман. Буни фақат олқишламоқ лозим. У шундай инсон эдики, тозалikka риоя этилмаган ва ёқимсиз ҳолатлардан жуда жирканарди. Менимча, айнан у қуйидаги сўзларни айтган эди: «Жулдур кийимли услубчини ҳеч ким ҳеч қачон кўрмасин, илойим». Айнан унинг шарофати билан сиз ҳеч қачон бундай кишини кўрмагансиз (*кулги*). Унинг қабрини кўримсиз ҳолатда қолдириш унга нисбатан икки марта лаб ҳурматсизлик бўлар эди. У эшикдан чиқаётганида олдига югуриб келган дербиширлик қизнинг «Худонинг ўзи сизни қўлласин, жаноб Уэсли» деган сўзларига нима деб жавоб бергани эсингизда борми? У шундай деб жавоб берган эди: «Эй, аёл, агар сенинг юзинг ва рўмолинг тоза бўлганида, қилган дуоларинг янада қимматлироқ бўларди». (*Кулгу*). Унинг бетартибликка муносабати шундай эди. Унинг қабрини тозаламасдан қолдирманг. Агар у бу ҳолатни кўрганида, бу ҳолат уни бошқа нарсалардан кўра кўпроқ ранжитган бўлар эди. Унга эътиборли бўлинг. Бу ўта кадрли ва муқаддас макбарадир. Унга сиз жавобгарсиз (*Олқишлар*)».

## Жўшқин сатрлар билан туғатилган нутқлар

Нутқни муносиб тарзда яқунлаш усулларида хеч бири ҳазил ёки шеърӣ хотимага тенглашолмаса керак, агар улар ҳам ўз ўрнида қўлланса, албатта. Аслини олганда агар нутқингизни яқунлаш учун мос келадиган шеърлардан фойдалансангиз, жуда аъло иш бўларди. Бу нутқингизга кўнгилдагидек тароват, улғворлик, ўзига хослик ва гўзаллик бахш этади.

Жаноб Гарри Лодер «Ротари» америкалик депутатлар клубининг Эдинбургдаги съездида ўз нутқини қўйидагича яқунлаган эди:

«Уйга қайтганингиздан сўнг, бирортангиз менга почта откриткасини жўнатиңг. Агар сиз юбормасангиз, унда ўзим сизга жўнатаман. Айнан мен жўнатганлигимни шу ондаёк билиб оласиз, сабаби мен жўнатган откриткаларнинг устида марка бўлмайди. (Кулгу.) Аммо унда баъзи бир нарсаларни ёзиб юбораман. Масалан, қўйидагиларни:

*Келиб-кетаверар йил фасллари,  
Сизга аён,ўз вақтида хазон бўлар барчаси,  
Аммо бир нарса бор – ёрқин ва соф, шабнам мисоли,  
Сизга бўлган меҳру муҳаббат –  
Ҳали-ҳамон ҳис этарман мен уни».*

Бу кичкина шеър Гарри Лодернинг турмуш тарзига мутлақо мос ва шубҳасиз, унинг нутқлари билан ҳамнафасдир. Шунинг учун ҳам айни ҳолатда бу жуда ажойиб бўлган эди. Агар «Ротари» клубининг бошқа бир вазмин ва жиддий аъзоси бу кичкина шеърни ўз нутқининг сўнгида ишлатганида, бу жуда нотабий, ҳатто, кулгили кўриниши мумкин эди. Омма олдида нутқ сўзлаш



санъатини қанчалик узоқ ўқитганим сари, ҳаётнинг турли вазиятларига мос келадиган умумқоидаларни бериш мумкин эмаслигини кўпроқ англайман. Зеро, барчаси таҳлил қилинаётган мавзу, ҳаракат вақти ва жойи, ҳаттоки шахснинг ўзига ҳам боғлиқ. Авлиё Павел таъкидлаганидек, ҳамма ўзини қутқариш ҳаракатида бўлиши керак.

Эркин фаолият билан шуғулланувчи бир кишининг Нью-Йорк шаҳридан сафарга чиқиши муносабати билан ўтказилган хайрлашув кечасида меҳмон сифатида иштирок этган эдим. Бирин-кетин нотиклар ўрнидан туриб узоққа кетаётган дўсти ҳақида баландпарвоз сўзларни айтишар ва янги фаолияти йўлида муваффақиятлар тилашар эди. Ундан ошиқ чиқишлар қилинди, аммо улардан фақат бир нутқ ёддан чиқмайдиган тарзда яқунланган эди. Бу айнан шеърлар билан тугайдиган нутқ эди. Нотик жўнаб кетаётган одамга қараб ўтирилиб, ҳиссиётларини жунбушга келтириб шундай деди: «Энди кўришгунча хайр, омадлар ва ўзимга тилашим мумкин бўлган барча тилакларимни сенга ҳам тилайман!

*Шарқликлар сингари қўлимни кўксимга қўйиб:*

*Аллоҳ сенга ёр бўлсин, дейман.*

*Қаерга оёқ қўйсанг – ўша ер тоабод*

*Жаннат боғларидек гуллаб-яшнасин.*

*Меҳнат ва ҳордиқ онларида ҳам*

*Аллоҳнинг марҳамати сенга зиёда бўлсин.*

*Шарқликлар сингари қўлимни кўксимга қўйиб:*

*Аллоҳ сенга ёр бўлсин, дейман».*

Бруклиндаги «Л.А.Д. моторс» корпорацияси вице-президенти Ж. А. Эбботт ўз ташкилоти ходимлари олдида садоқат ва ҳамкорлик ҳақида нутқ сўзлаган эди. Ўз нутқини Киплингнинг «Чакалақзор ҳақидаги иккинчи китоб»идаги жарангдор сатрлар билан яқунлади:

*Мана сизга Чангалзор Қонуни –  
У осмон гумбази каби мустаҳкам.  
Бўри яшар, чунки Унинг ҳозирча қорни тўқ;  
Қонунни бузган заҳоти Бўри маҳв бўлар.  
Чирмовуқ каби ўралиб,  
ҳар томонга қараб ўсар Қонун:  
Тўданинг кучи Бўри билан яшашида,  
Бўрининг қуввати – она Тўдасидир.*

Агар сиз ўз шаҳрингиздаги кутубхонага кириб, маъруза учун тайёрлаётган мавзуингизга мос бирор бир шеър танлаб беришларини сўрасангиз, кутубхоначи сизга Бартлеттнинг «Таниш иқтибослар» китобига ўхшаш бирор маълумотномани топишга ёрдамлашиши мумкин.

### **Инжилдан олинган иқтибоснинг кучи**

Агар маърузангиз учун Инжилдан иқтибос келтирмоқчи бўлсангиз, ишим юришди, деяверинг. Инжилдан олинган мос парчалар аксарият ҳолларда жуда кучли таъсирга эга бўлади. Таниқли молияшунос Фрэнк Вандерлип бу усулни Қўшма Штатларидан қарздор иттифокчиларга бағишланган маърузасининг хотимасида кўллади: «Агар биз талабларимизни бажаришга мажбурласак, шубҳасиз, ҳеч нарсага эришолмаймиз. Агар бу ишга худбинлик билан ёндошсак, унда биз пул эмас, балки нафратга сазовор бўламиз. Агар мурувватли бўлсак, донолик билан мурувват кўлимизни чўзсак, у ҳолда қарзларимизни тўлашлари мумкин ва қилган яхшилигимиз йўқотмоқчи бўлганларимиздан кўра моддий жиҳатдан биз учун кўпроқ аҳамиятлилик касб этарди. «Кимки ўз ҳаётини сақлаб қолишни хоҳласа, уни йўқотади, лекин кимки мен ва Инжил учун ўз ҳаётидан жудо бўлса, ўзини халос этади».

## Энг авж нукта

Энг авж нукта (кульминация) – нуткка хотима ясаашнинг энг оммабоп усулларидан саналади. Уни амалга ошириш кўп холларда кийинрок кечиши ҳамда барча нотиклар ва ҳамма мавзу учун ҳам мос келавермаслиги мумкин. Аммо, агар у яхши бажарилса, жуда ҳам яхши таассурот қолдириши мумкин. У ҳар бир гапдан сўнг янада кучлирок бўлиб, ўзининг юкори чўққисига чиқиши мумкин. Китобнинг учинчи фаслида келтирилган ва мукофотга сазовор этилган Филадельфия ҳақидаги маъруза энг авж нуктада тугаган чиқиш учун яхши мисол бўлиши мумкин.

Линкольн Ниагара шаршараси ҳақидаги маърузасини тайёрлашда кульминациядан самарали фойдаланган эди. Қуйидаги ҳар бир ўхшатиш олдингисидан кўра кучли эканига ва Ниагаранинг ёшини Колумб, Исо, Мусо ва Одам Ато даврлари билан таккослаб энг авж нуктага эришганига эътибор беринг:

«Бу хотирада чексиз ўтмишни жонлантиради. Колумб бизнинг минтақамизни излаганида, Исо хочда кийналганида, Мусо Исроил қавмини Қизил денгиз орқали олиб ўтаётганида, бундан ташқари, Одам Ато Оллоҳнинг қўллари билан яратилганида, – ҳозир ҳам ўша давр сингари Ниагара шаршараси қайнаб оқиб турарди. Тарихда қолиб ва кирилиб, Америка адирларини ўз кабрлари билан тўлдириб турган динозаврлар ҳам Ниагара шаршарасига биз каби термилиб караган. Илк одамларнинг сафдоши ва ҳозирги одамлардан каттарок бўлган Ниагара ўн минг йил аввал қандай бўлса, ҳозир ҳам соф ва кучлидир. Узок минг йилликларда кирилиб, суяклари ер остида қолиб кетган мамонт ва катта филсимон ҳайвонлар ҳам қачонлардир шу заминда яшашганида – узок вақт давомида бирор сонияга тўхтамай, булоқлари қуримай, музламай, ҳеч қачон дам олмаган Ниагарага биз каби қараб туришган».

Уэнделл Филлипс худди шундай усулни Туссен-Лувертюра хакидаги нуткида кўллаган эди. Унинг маърузаси хотимаси қуйида келтирилади. Бу парча кўпинча омма олдида нутк сўзлашга бағишланган китобларда мисол сифатида берилади. Унда ҳаётий куч ва шижоат яққол намоён бўлиб туради. У бизнинг амалий асримиз учун оҳанжамадордек кўринса-да, жуда ҳам кизиқарлидир. Бу нутк эллик йилдан кўпроқ вақт илгари ёзилган эди. Шуниси кизикки, Уэнделл Филлипснинг Жон Браун ва Туссен-Лувертюраларга нисбатан «Эллик йилдан сўнг сўз ҳақиқатга айланади», деб берган баҳосининг тарихий аҳамияти қанчалик нотўғри эканини айтиб ўтиш жоиз. Биржанинг кейинги йилдаги нархларини ёки чўчка ёғининг баҳосини олдиндан айтиш каби тарихий жараённинг қандай кечишини башорат қилиш ҳам кийин кўринади.

«Мен уни Наполеон деб атаган бўлар эдим, аммо Наполеон қасамини бузиб, денгиз тўла қонлар тўкиб ўз империясига асос солган. Бу инсон эса ҳеч қачон ўз сўзини бузмаган. «Ҳеч қандай қасосга ўрин йўқ» – айни мана шу унинг буюк шиори ва ҳаётдаги мақсади эди. Мана унинг Францияда ўғлига айтган сўнгги сўзлари: «Ўғлим, қачонлардир сен, албатта, Санто-Домингога қайтиб борасан. Франция отангни ўлдирганини ёдингдан чиқариб ташла». Мен уни Кромвел деб атаган бўлар эдим, аммо Кромвел шунчаки бир аскар эди ва ўзи ташкил этган давлати ўзи билан бирга қабрга кириб кетди. Мен уни Вашингтон деб атар эдим, аммо буюк вержиниялик кўл остида қулларни ишлатар эди. Бу инсон ўз империясини хавф остига қўйиши мумкин эди, лекин ўз мулкига тегишли энг хароб кишлоғида ҳам ҳеч қачон қуллар билан савдо қилишга рухсат бермас эди.

Сиз бугун мени ўта ишқибоз деб ҳисоблашингиз мумкин, зеро, сиз тарихни кўзларингиз билан эмас, балки ўз бидъатларингиз билан ўқиб чиқдингиз. Аммо эллик йил

ўтгач, ҳақиқат юзага чиқиб, тарих ўз саҳифаларига Греция учун Фокион, Рим учун Брут, Англия учун Хемпден, Франция учун Лафайет номларини киритиб, Вашингтонни илк тамаддунизмнинг ёрқин ва камолга етган гули сифатида танлаб, шунингдек, ҳозирги давримизнинг энг пишган меваси сифатида Жон Браунни эътироф этгандан сўнг ўз патқаламини қуёшли рангга богириб, ёрқин кўк ҳарфлар билан барча исмларнинг энг теппасига – аскар, давлат арбоби ва жафокаш Туссэн-Лувертюрнинг исмини ёзади».

### **Вақт ўз адоғига етиб борганида**

Яхши кириш сўзи ва хотима танлаб олмагунча изланинг, тадқиқ эдинг, тажрибалар ўтказинг. Кейин уларни бирлаштиринг.

Бизнинг шиддат билан тез ўтаётган асримизнинг кайфиятига мос келадиган тарзда нотик ўз нутқини қисқартир-маса, у тингловчилар томонидан завқ-шавқсиз қабул қилинади, баъзи ҳолатларда эса рад этилиши ҳам мумкин.

Бошқа ҳеч ким эмас, айнан тарслик авлиё Савл (ҳаворий Павелнинг яҳудийча исми) шундай гуноҳ қилиб қўйган эди: у ваъзхонлик қилаётганида тингловчилардан бири, Евтих исмли ўсмир йигит ухлаб қолиб, ойнадан тушиб кетади ва бўйнини синдиришига сал қолади. Аммо шундан кейин ҳам Савл ўз нутқини тугатмайди. Ҳар нарса бўлиши мумкин. Асли шифокор бўлган бир нотикнинг Бруклиндаги университет клубида нутқ сўзлагани ёдимга тушди. Зиёфат узок давом этаётган эди. Жуда кўп нотиклар сўзга чиқиб бўлган эдилар. Унинг гали келганда соат чамаси тунги иккилар бўлиб қолган эди. Агар у одоб, назокат, масъулият ҳиссига эга бўлганида, бир-икки оғиз сўз гапириб, уйимизга кетишга имкон берар эди. У бу ишни қилдими? Йўқ, у бир-икки оғиз гапириш ўрнига қонхўрликка қарши тайёрланган

қирк беш дақиқалик баландпарвоз нутқининг охири кўринмасди. Нутқининг ярмига етиб бормасдан, тингловчилар унинг худди Евтихга ўхшаб деразадан ағдарилиб тушиб, бирор жойини синдиришини ва шунинг баҳонасида овози ўчишини истаб қолишди.

«Сатердей ивнинг пост» журналининг бўлажак муҳарири жаноб Лоример журналдаги бир қатор мақолалар сериясини машҳурликнинг энг чўққисига чиқиб, ўқувчилар унинг давомини орзиқиб кутаётганларида тўхтатиб қўйишини айтиб берган эди. Бу вазиятда тўхтатиб қўйишнинг нима кераги бор? «Шунинг учунки, – дейди Лоример, – муваффақият чўққисига чиқкандан сўнг кўп ўтмай ундан зерика бошлашади».

Бу доно фикр омма олдида нутқ сўзлашга ҳам тегишлидир. Тингловчилар давомини эшитишга ошиқиб турганларида нутқ сўзлашни тўтатинг.

Исо Масихнинг қачонлардир ирод этган буюк Нагорний хутбасини бор-йўғи беш дақиқа давомида такрорлаш мумкин. Линкольннинг Геттисбергда сўзлаган нутқи атиги ўнта гапдан иборат эди. Турмуш китобидан бутун дунёнинг яратилиш тарихини газетадаги котиллик ҳақида ёзилган ҳикояни ўқишдан кўра камроқ вақт сарфлаб мутоалаа қилиш мумкин... Гапни чўзманг! Қисқа қилинг!

Ньяси архиепископи доктор Жонсон Африканинг ибтидоий замон халқлари ҳақида китоб ёзган эди. Қирк беш йил давомида улар орасида яшаб, уларни кузатган эди. Доктор Жонсоннинг ёзишича, гаванга деб аталадиган қишлоқ йиғинида нотик узок сўзлай бошласа, тингловчилар унга «Бас, етади!» маъносини билдирувчи сўз «Иметоша!» деб бақирганларича, жим бўлишга мажбур этишар экан. Айтишларича, бир қабила аҳолиси ўз нотиғига бир оёғида канча вақт тура олса, шунча гапиришига рухсат беришаркан. Нотикнинг кўтарилган оёғининг бош бармоғи ерга тегса, у ўз нутқини яқунлаши керак бўлган.

Оддий аудитория тингловчилари улардан кўра одобли ва босикрок бўлсалар-да, узундан-узок нутқларни шу даражада ёмон кўришади.

*Зеро, тақдири ҳақида эсланг уларнинг,  
Биламанки, унутасиз ҳаммасин дарров,  
Ўрганинг улардан қандай сўзлашни.*

### Хулоса

1. Нутқнинг якуни ҳақиқатдан ҳам стратегик жиҳатдан энг муҳим қисм ҳисобланади. Охирида айтилган сўзларни тингловчилар кўп ҳолатда ёдда саклаб қоладилар.

2. Ўз нутқингизни тахминан куйидаги гаплар билан якунламанг: «Сизга бу масалада айтмоқчи бўлган гапларим шулардан иборат эди. Шунинг билан нутқимни тугатаман». Нутқингизни якунланг, аммо буни ҳеч кимга айтманг.

3. Нутқингизнинг якунловчи қисмини Брайт, Вебстер ва Гладстон каби олдиндан тайёрлаб олинг. Уни қайта машқ қилиб чикинг. Ўз нутқингизни қандай якунламоқчи бўлганингизни иложи борица сўзма-сўз билинг. Нутқингизни охишта тугатинг. Уни тугалламай, бўлинган ҳолда дами қайтган чакиртош каби ярим йўлда ташлаб кетманг.

4. Мана, хотима тузишнинг етти усули:

а) қисқача хулосалаш, такрорлаш ва ўз нутқингизда очишга ҳаракат қилган асосий мазмунни қискартирган ҳолда қайта баён этиш;

б) ҳаракатга ундаш;

в) тингловчиларни ўринли макташ;

г) кулги уйғотиш;

д) мос келувчи шеърий сатрларни кўчирма сифатида келтириш;

е) Мукаддас Китобдан олинган парчадан фойдаланиш;

ж) энг авж нуктани ишлаб чиқиш.

5. Нутқнинг аъло даражадаги кириш ва яқун қисмини шундай тайёрлангки, улар ўзаро бир-бирига боғлансин. Ўз нутқингизни ҳамиша тингловчиларингиз буни исташидан аввал яқунланг. Ёдда тутинг: «Муваффақият чўққисига чиққандан сўнг кўп ўтмай ундан зерика бошлашади».



## НУТҚ МАЗМУНИНИ ҚАНДАЙ ТАРЗДА АНИҚ БАЁН ЭТИШ МУМКИН

Биринчи жаҳон уруши даврида таниқли инглиз руҳонийси Кемп-Аптонда саводсиз аскарлар олдида нутқ сўзлаганди. Уларни оқолларга жўнатиш керак эди, аммо уларнинг ҳаммаси ҳам нима учун урушга юборилаётганлари ҳақида тасаввурга эга эмасдилар. Мен бундан жуда яхши хабардор эдим, чунки улар билан суҳбатлашиб, фикрлари билан кизиккандим. Бундан ташқари, руҳоний лордлар палатаси аъзоси бўлиб, аскарларга «миллатлараро биродарлик» ва «Сербиянинг тинч ерда яшашга ҳаққи борлиги» ҳақида тушунтиришга ҳаракат қилди. Бу гаплар у ёқда турсин, уларнинг ярми Сербиянинг нима эканини ҳатто тасаввур ҳам қилишмас эди: шаҳарми ёки касаллик номими, бунинг фарқига боришмасди. Унинг нутқларига келадиган бўлсак, худди шу тарзда баландпарвоз мактовлардан иборат нутқ сўзлаб, небуляр космогоник назария ҳақида ҳам муваффақият билан сўзлаши мумкин эди. Шунга қарамасдан бирорта ҳам аскар зални тарк этмади: унинг нутқи давомида қуролланган ҳарбий полициячилар эшик олдида туриб ҳеч кимни ташқарига чиқазишмади.

Мен бу руҳонийнинг имкониятларини ерга урмоқчи эмасман. Зиёли одамлар орасида яхши нотик бўлишига ҳеч қандай шубҳа йўқ. Аммо аскарлар қаршисида у мутлок мағлубиятга учради: ўз тингловчилари ҳақида ҳеч қандай маълумотга эга эмас, ҳатто ўз маърузасининг аниқ мақсадини ҳам англаб етмаган ва бунга қандай эришиш мумкинлигини ҳам билмасди.

Нутқнинг мақсади деганда биз нимани назарда тутамиз? Нотик буни англайдими-йўқми, ҳар бир нутқ

куйидаги 4 мақсаддан бирини ўз ичига олади. Булар қандай мақсадлар?

1. Қандайдир масалани тушунтириб англатиш.
2. Тасаввур уйғотиш ва ишонтириш.
3. Ҳаракатга эришиш.
4. Қизиқтириб кайфиятни кўтариш.

Бу ҳолатларни аниқ мисоллар билан кўрсатиб беришга рухсат бергайсиз.

Ўз даврида механикага катта кизиқиш билдирган Линкольн кемаларни қоялардан чиқариб олувчи усқунани яратиб, уни патентлаштиради. У ўзининг адвокатлик ширкатидан узоқ бўлмаган ерда жойлашган устахонада бу усқунанинг андозасини яратиш устида ишлар эди. Бу усқунани охир-оқибат ишлатиб бўлмаса-да, Линкольн унинг имкониятларини ўйлаб шижоати тошиб ишлар эди. Дўстлари бу усқунанинг андозасини кўриш учун унинг ширкатига келишганида, уни қандай ишлашини кўрсатиб беришга эринмасди. Бу тушунтиришларидан асосий мақсади ўз ғояларига аниқлик киритиш эди.

Линкольн ўзининг тенгсиз нутқини Геттисбергда сўзлаганида ҳам, президент лавозимига ўтиришдан олдин биринчи ва иккинчи маърузаларини ўқиганида ҳам, Генри Клей оламдан ўтгач, уни кўкларга кўтариб нутқ ирод этганида ҳам – барча ҳолатларда чиқишларидан асосий мақсади таассурот қолдириш ва ишонтириш эди. Албатта, у тингловчиларини ишонтириш учун аниқ ва ишонарли нутқ сўзлаши керак эди, аммо бу ерда аниқлик хавотир оладиган асосий муаммога кирмасди.

Суд маслаҳатчилари олдида чиқиш қилган ўзининг нутқида, хамиша ўзига керакли ҳукмни чиқартиришга ҳаракат қилар эди. Ўзининг сиёсатга доир нутқларида сайловчилар овозини йиғишга тиришарди. Бу ҳолатларда унинг асл мақсади *ҳаракат* эди.

Президент бўлиб сайланишидан икки йил аввал, у кашфиётлар ҳақида нутқ ёзганди, бу маърузанинг асл мақсади тингловчиларни қизиқтириш эди. Ҳеч бўлмаганда айнан мана шундай мақсад унинг олдида турган эди, аммо у катта муваффақиятга эриша олмади. Умуман олганда маърузачи сифатида эришган мавқеи унга жиддий умидсизлик олиб келди. Бир шаҳарда унинг маърузасини эшитиш учун ҳеч ким келмади.

Аммо у мен илгари айтиб ўтган бошқа илғор нутқларида катта муваффақиятга эришди. Нима учун? Чунки бу ҳолатларда у ўзининг аниқ мақсадини ва унга қандай эришиш мумкинлигини билар эди. У қаерга бормоқчи эканини ва у ерга қандай боришни жуда яхши биларди. Бошқа нотиклар айнан шу нарсани билмаганлари учун ўз сўзларида адашиб, қийин аҳволга тушиб қоладилар.

Масалан, мен бир куни Нью-Йоркдаги эски отчопарда америкалик бир конгрессменни ҳуштак чалиб, минбардан кетишига мажбур қилишганини ўз кўзим билан кўрган эдим, сабаби у шубҳасиз, ўзи билмаган ҳолда ўз мақсадини нотўғри ва номаъқул танлаган эди. Бу воқеа уруш даврида бўлганди. У ўз тингловчиларига АҚШ урушга қандай тайёргарлик кўраётганини айтиб бераётган эди. Омма бу муаммони очиб беришини эмас, балки вақтичоғлик қилишни хошлаётган эди. Иштирок этаётганлар нотик нутқини ўн дақиқа, чорак соат ичида тугатса керак, деб ҳурмат ва сабр билан тинглаб туришди, аммо у ўз нутқини тугатмади. У гапларини бир-бирига уламай, бир фикрдан иккинчи фикрга ўтиб гапира бошлади, шунда тингловчиларнинг тоқати-тоқ бўлиб, ортик уни тинглашни иташмади. Кимдир уни ҳазил аралаш олқишлай бошлади. Бошқалар эса уни ўз қарсақлари билан қўллаб-қувватлади. Бир дақиқадан сўнг минглаб одамлар ҳуштак чалиб унга бақира бошлашди. Ўз аудиториясининг кайфиятини тушуна олмаган аҳмоқ нотик нутқини яна давом эттиришга қарор

қилди. Бу тингловчиларнинг жаҳлини чиқариб юборди. Жанжал бошланиб кетди. Уларнинг сабри тугаб, конлари қайнаб кетди. Улар нотикни жим бўлишга мажбурламоқчи бўлишди. Қаршилиқ тўфони тобора кучайиб борар эди. Ниҳоят, омма шовқини унинг сўзларини эшиттирмай қўйди, ҳатто йигирма кадам ёнида турганида ҳам унинг сўзлари эшитилмас эди. Шунда нотик ортга чекиниб, ўз мағлубиятини тан олишга қарор қилди ва шармандаларча минбарни тарк этди.

Бу мисолни ҳамиша ёдда тутинг. Ўз мақсадингизни аниқ билинг ва нутқни сўзлашдан аввал унга яхшилаб тайёргарлик кўринг. Сиз бу мақсадга қандай эришишни аниқ билишингиз керак. Шундан сўнг унга эришишга киришинг ва ишга ақл ва маҳорат билан ёндашинг.

### **Янада аниқроқ бўлиши учун ўхшатишлардан фойдаланинг**

Гап аниқлик ҳақида борадиган бўлса, унга эришиш ҳам муҳим, ҳам қийинлигига етарлича баҳо бермаслик мумкин эмас. Қандайдир ирланд шоири базм кечасида ўз ижодидан ўқиб бераётганини эшитиб қолдим. Ўтирганларнинг ҳатто ўн фоизи, гап нима ҳақида эканини тушунмаётган эдилар. Омма олдида ёки яқинлар даврасида нутқ сўзлаётган кўпчилик нотиклар менга шу одамни эслатиб туради.

Университетларда ва омма олдида қирқ йилдан бери маъруза ўқиб келаётган жаноб Оливер Лож билан нутқ сўзлашнинг асосий қоидаларини муҳокама қилганимизда, у биринчидан билим ва тайёргарлик, иккинчидан эса «осонликча тушуниладиган бўлиши учун йўналтирилган ҳаракатларнинг» аҳамиятини алоҳида таъкидлаб ўтди.

Франция-Пруссия уруши бошида генерал фон Мольтке ўз зобитларига шундай деган эди: «Шуни ёдда тутингки, жаноблар нотўғри тушутирилиши мумкин бўлган ҳар бир буйруқ, нотўғри тушунилиши мумкин».

Наполеон бу хавфнинг катталигини тан олар эди. Унинг ўз котибларига энг кўп гапирадиган ва қайтарадиган сўзлари: «Аниқрок гапиринг! Аниқрок гапиринг!» эди.

Шогирдлари Исо Масихдан нима учун одамларга масал айтиб сабоқ беришини сўрашганида, у шундай деб жавоб берган: «Улар қараб туришса ҳам кўришмайди, тинглашса ҳам эшитишмайди, ҳеч нарсани тушунишмайди ҳам».

Тингловчиларингизга бегона бўлган жисмлар ҳақида гапираётганингизда, халқ буюк Устозни тушунганлари каби сизни ҳам тушунишларига умид кила оласизми?

Ишониш қийин. Унда нима қилиш керак? Шундай вазиятда у қандай йўл тутган бўларди? У энг оддий ва табиий усулни қўллаган ҳолда масалага ечим топарди: одамларга нисмаълум нарсани улар учун маълум нарсалар билан таққослаб тушунтирарди. Парвардигори олам... У нимага ўхшайди? Фаластиндаги саводсиз дехконлар буни қандай тушунишарди? Шунинг учун Исо Масих уларга маълум бўлган предмет ва воқеалар асосида тасвирлаб берди:

«Парвардигори олам томизғига ўхшайди, худдики аёл киши уч ўлчов ун билан томизғини аралаштирса ҳам ҳамир ачиб кетмайди, балки ундан ҳамма севиб истеъмол қиладиган нон ҳосил бўлди...

Парвардигори олам яхши марварид излаган савдогарга ўхшаш... Яна парвардигори олам денгизга ташланган ёйма тўрга ўхшаган...»

Бу тарзда ўхшатиш жуда тушунарли бўларди ва улар англаб етишарди. Тингловчилар орасида ҳар ҳафта ҳамиртуруш ишлатадиган уй бекалари; ҳар куни денгизга

тўр ташлайдиган балиқчилар; марварид билан савдо киладиган савдогарлар бор эди.

Довуд пайғамбар эса Ёқубнинг ғамхўрлик ва меҳр-муҳаббатга йўғрилган эзгуликларини қандай ифодалаган?

«Аллоҳим – менинг раҳнамоим! Мен ҳеч нарсага муҳтож бўлмайман: у мени ҳосилдор ерлар ва сокин оқувчи сувлар водийсида роҳат-фароғатда яшашимни таъминлайди».

Кумли саҳрода ҳосилдор ерлар... қўйларнинг ичиши учун сув – бу жойлардаги чорвадор халқ фақат шундай сўзларни тушуниши мумкин эди, холос.

Бу қондани қўллашнинг қайсидир маънода қизиқ ва кўзга кўринган усулини кўриб чиқайлик. Бир қанча динга даъват этувчилар Инжилни Экваториал Африкага узок бўлмаган жойда яшовчи бир қабиланинг шеvasига ўгираётган эдилар. Улар қуйидаги гапга етиб келишди: «Гуноҳларинг кип-қизил бўёққа ўхшашига қарамай, улар қор каби оппоқ рангга айланадилар». Бу иборани улар қандай қилиб таржима қилишлари керак эди? Сўзма-сўзми? Бу бачкана ва маъносиз бўлиб қолар эди. Маҳаллий аҳоли ҳеч қачон февраль тонгларида йўлакларни қорлардан тозалашмаган. Уларнинг тилида ҳатто қор сўзи йўқ эди. Улар ҳеч қачон қор билан ёғочнинг фарқига бормайдилар, аммо улар кўп бора пальмаларга чиқиб ўзларининг тушликлари учун бир неча дона қор қонғи ёғочларни ерга улоқтиришган. Шунинг учун уларга таниш бўлмаган нарсаларни маълум нарсалар билан алмаштириб, бу иборани қуйдагича таржима қилишди: «Гуноҳларинг кип-қизил бўёққа ўхшашига қарамай, улар қор қонғи ёғочининг мағзи каби оқ бўлар».

Бу сингари вазиятларда вазифани бундан-да яхшироқ бажаришнинг бошқа иложи топилмасди, шундай эмасми?

Миссури штатидаги Уорренсбург ўқитувчилар коллежида Аляска ҳақида гапириб бераётган бир нотикни

Франция-Пруссия уруши бошида генерал фон Мольтке ўз зобитларига шундай деган эди: «Шуни ёдда тутингки, жаноблар нотўғри тушутирилиши мумкин бўлган ҳар бир буйрук, нотўғри тушунилиши мумкин».

Наполеон бу хавфнинг катталигини тан олар эди. Унинг ўз котибларига энг кўп гапирадиган ва қайтарадиган сўзлари: «Аниқрок гапиринг! Аниқрок гапиринг!» эди.

Шогирдлари Исо Масихдан нима учун одамларга масал айтиб сабоқ беришини сўрашганида, у шундай деб жавоб берган: «Улар қараб туришса ҳам кўришмайди, тинглашса ҳам эшитишмайди, ҳеч нарсани тушунишмайди ҳам».

Тингловчиларингизга бегона бўлган жисмлар ҳақида гапираётганингизда, халқ буюк Устозни тушунганлари каби сизни ҳам тушунишларига умид қила оласизми?

Ишониш қийин. Унда нима қилиш керак? Шундай вазиятда у қандай йўл тутган бўларди? У энг оддий ва табиий усулни қўллаган ҳолда масалага ечим топарди: одамларга номаълум нарсани улар учун маълум нарсалар билан таққослаб тушунтирарди. Парвардигори олам... У нимага ўхшайди? Фаластиндаги саводсиз дехконлар буни қандай тушунишарди? Шунинг учун Исо Масих уларга маълум бўлган предмет ва воқеалар асосида тасвирлаб берди:

«Парвардигори олам томизғига ўхшайди, худдики аёл киши уч ўлчов ун билан томизғини аралаштирса ҳам ҳамир ачиб кетмайди, балки ундан ҳамма севиб истеъмол қиладиган нон ҳосил бўлди...

Парвардигори олам яхши марварид излаган савдогарга ўхшаш... Яна парвардигори олам денгизга ташланган ёйма тўрга ўхшаган...»

Бу тарзда ўхшатиш жуда тушунарли бўларди ва улар англаб етишарди. Тингловчилар орасида ҳар ҳафта ҳамиртуруш ишлатадиган уй бекалари; ҳар куни денгизга

тўр ташлайдиган баликчилар; марварид билан савдо киладиган савдогарлар бор эди.

Довуд пайгамбар эса Ёқубнинг ғамхўрлик ва меҳр-муҳаббатга йўғрилган эзгуликларини қандай ифодалаган?

«Аллоҳим – менинг раҳнамоим! Мен ҳеч нарсага муҳтож бўлмайман: у мени ҳосилдор ерлар ва сокин оқувчи сувлар водийсида роҳат-фароғатда яшашимни таъминлайди».

Кумли саҳрода ҳосилдор ерлар... кўйларнинг ичиши учун сув – бу жойлардаги чорвадор халқ фақат шундай сўзларни тушуниши мумкин эди, холос.

Бу коидани қўллашнинг қайсидир маънода кизик ва кўзга кўринган усулини кўриб чиқайлик. Бир қанча динга даъват этувчилар Инжилни Экваториал Африкага узок бўлмаган жойда яшовчи бир кабиланинг шевасига ўгираётган эдилар. Улар қўйидаги гапга етиб келишди: «Гуноҳларинг қип-кизил бўёққа ўхшашига қарамай, улар қор каби оппоқ рангга айланадилар». Бу иборани улар қандай килиб таржима қилишлари керак эди? Сўзма-сўзми? Бу бачкана ва маъносиз бўлиб қолар эди. Маҳаллий аҳоли ҳеч қачон февраль тонгларида йўлақларни қорлардан тозалашмаган. Уларнинг тилида ҳатто қор сўзи йўқ эди. Улар ҳеч қачон қор билан ёғочнинг фарқига бормайдилар, аммо улар кўп бора пальмаларга чиқиб ўзларининг тушликлари учун бир неча дона какос ёнғоқларни ерга улоқтиришган. Шунинг учун уларга таниш бўлмаган нарсаларни маълум нарсалар билан алмаштириб, бу иборани қўйдагича таржима қилишди: «Гуноҳларинг қип-кизил бўёққа ўхшашига қарамай, улар какос ёнғоғининг мағзи каби оқ бўлар».

Бу сингари вазиятларда вазифани бундан-да яхшироқ бажаришнинг бошқа иложи топилмасди, шундай эмасми?

Миссури штатидаги Уорренсбург ўқитувчилар коллежида Аляска ҳақида гапириб бераётган бир нотикни



тушунтиришда шу усулдан муваффақиятли фойдаланган. Мисол учун, бир куни мен унинг Европадаги бир гурух тингловчиларига Ўрта Ер денгизида қанча томчи бўлса, сувнинг бир томчисида шунча атом борлигини гапириб бераётганини эшитдим, негаки тингловчиларининг кўпчилиги Гибролтардан Сувайш каналигача бўлган саёҳатда бир ҳафтадан кўпроқ вақтларини ўтказишган эди. Нутк мақсадини янада тушунарли қилиш учун бизнинг сайёрамизда қанча ўт бўлса, сувнинг бир томчисида шунча атом бўлишини айтиб ўтди.

Ричард Хардинг Дэвис ўзининг Нью-Йоркдаги бир гурух тингловчиларига муқаддас София масжиди «Бешинчи авенюдаги театрнинг зали каби катта ва ҳашаматли» эканлигини айтган эди. У Бриндизининг «агар орқа тарафидан кириб борса Лонг-Айленд-Сити каби кўринишини» айтган эди.

Нутк сўзлаганингизда ҳамиша шу қоидага амал қилинг. Агар сиз буюк пирамидаларни тасвирлай бошласангиз, авваламбор унинг тўрт юз эллик бир фут баландликка эга эканлигини айтиб, сўнгра тингловчилар кундалик ҳаётларида кўрадиган бирор-бир баланд бино билан солиштиринг. Тингловчиларга бу пирамиданинڭ ўрнида нечта шаҳар кварталлари жойлашиши мумкинлигини айтиб беринг. Ҳеч қачон қанчадир галлон (суюқ ва сочилма жисмлар учун ўлчов бирлиги) ёки қанчадир минглаб барреллар сони ҳақида тингловчиларга маълум қилманг, балки сиз нутк сўзлаётган бинонинг қанча қисми сиз айтаётган суюқлик микдори билан тўлиши мумкинлигидан гапиринг. Бирор-бир жисмнинг йигирма фут баланд эканлигини тилга олгандан кўра, мана шу залдан бир ярим баробар баланд, деб айтиб қўйган маъқул. Масофаларни миль билан ифодалагандан кўра, бирор-бир кўча ёки темир йўл станциясигача бўлган оралик воситасида тасвирлаб беринг.

## Иложи борича махсус атамаларни қўлламанг

Агар сиз маълум бир касб эгаси – ҳуқуқшунос, шифокор, муҳандис ёки бирор-бир соҳа вакили бўлсангиз – ўз соҳангизга алоқадорлиги йўқ одамлар билан суҳбат кураётганда ва уларга бирор-бир маълумот беришда ўта эҳтиёткорликдан чекинманг.

Мен икки баробар эҳтиёткорлик ҳақида гапираяпман, чунки иш фаолиятим даврида айнан шу масалага доир нутқларнинг муваффақиятсизликка учраганига гувоҳ бўлганман. Бундан кўринадики, нотиклар тингловчиларнинг ана шу соҳадан беҳабар эканликларини инобатга олишмаган. Хўш, бу нимага олиб келди? Улар гапларини бир-бирига боғлай олмай, бир фикрдан иккинчисига сакраб, ўз ғояларини шу соҳани биладиган одамлар тушунадиган турли иборалар билан ифодалардилар, аммо тингловчилар учун худди июль ёмғирларидан сўнг Айова ва Канзас штатларидаги жўхори далаларини босиб оладиган Миссурининг лойка сувлари каби хира ва лойка эди.

Бундай нотик нима килмоғи лозим? У Индиана штатининг собиқ сенатори Бевериж айтган қуйидаги маслаҳатларни ўқиб, ёдда сақлаши лозим:

«Энг қулай усули – аудиториядаги тайёргарликдан ўтган маълум бир тингловчини танлаб, ўз маърузаларингизга кизиштиришдир. Бунга далил ва исботларни аниқ келтирган ҳолда эришиш лозим. Эътиборни тортишнинг яна бир яхши усули ота-онаси билан келган кичкина бола ёки қизга диққатни қаратишдир.

Ўзингизга ва агар истасангиз тингловчиларингизга ҳам сиз тўхталган масала хусусида ҳатто болалар тушунадиган даражада аниқроқ сўзлашга ҳаракат қилишингизни баланд овозда айтишингиз мумкин. Маърузангизни

тугатганингиздан сўнг эса улар сиз айтган нарсаларни кайтадан такрорлаб беришлари мумкин».

Сухбат чоғида бир шифокорнинг айтган гапини кўп эсламан, у «Диафрагмал (кўкрак-курсок пардаси билан) нафас олиш ичакнинг перистальтикаси (ичакларнинг тўлқинсимон керилиш ва қисилиш ҳаракатлари)га шубҳасиз ёрдам бериб, соғлиқ учун ўта фойдалидир», деган эди. Бу гапи билан бу ҳақдаги тушунтиришларига яқин ясаб, бошқа саволга ўтиб кетмоқчи эди. Мен унинг гапини бўлиб, тингловчиларга мурожаат қилдим ва диафрагмал нафас олиш бошқа нафас олишлардан қандай ажралиб туришини, айнан нима учун соғлиқ учун фойдали эканини ва перистальтиканинг ўзи нима эканини билганлар кўп кўтаришини сўрадим. «Референдум» натижалари шифокорни лол қолдирди. У яна шу мавзуга қайтиб, қуйидагича тушунтириб берди:

«Диафрагма ингичка мушак толаси бўлиб, ўпка ва корин бўшлиғининг юқори қисми асосидаги кўкрак қафасининг тубини ҳосил қилади. Агар диафрагманинг ўзи ҳаракат қилмай, нафас олиш кўкрак қафаси орқали амалга оширилса, у худди тўнтарилган товоқчага ўхшаб букланиб қолади.

Чуқур нафас олганда ҳар бир нафас – гумбазсимон мушакни то ясси ҳолга келгунча, яъни корин мушаклари белга тиралиб қолгунча, пастга тушишга мажбур қилади. Диафрагманинг пастга йўналтирилган бундай босими корин бўшлиғининг юқори қисмида жойлашган тана аъзолари – ошқозон, жигар, ошқозон ости бези, талоқ, қуёш ўрилмаси (қоринда туташган вегетатив нервлар системаси)ни массаж қилади ва кучайтиради.

Сиз нафас чиқаришингиз билан ошқозонингиз ва ичагингиз яна диафрагмага қараб юқорига кўтарилади ва уқаланиш ҳолати такроран содир бўлади. Бундай массаж организмнинг тозаланиш жараёнига имкон яратади.

Жуда кўп ҳолда ичак турли хил касалликларнинг пайдо бўлишига сабабчи бўлади. Агар бизнинг ошқозон ва ичагимиз диафрагмал нафас олиш ёрдамида керакли машғулотларни қабул қилса, кўп ҳолларда овқат сингмаслик, қабзият ва организм заҳарланишининг олдини олишимиз мумкин».

### Линкольн нутқларидаги аниқликнинг сири

Линкольн чуқур ва доимий иштиёқ билан далилларни шундай топиб айтирдики, улар шу заҳотиёқ катнашчилар учун аниқлик касб этарди. Конгрессга юборган ўзининг биринчи номасида «шакарга босилган» иборасидан фойдаланган эди. Ҳукумат босмаҳонаси мудири ва Линкольннинг собиқ яқин дўсти жаноб Дефриз бундай ибора Иллинойсда вазиятга қараб сўзлаган нутқларига мос келишини ва бундай тарихий нутқга умуман ёпишмаслигини айтади. «Биласанми, Дефриз, – дея жавоб беради Линкольн. – Қачонлардир одамлар бу иборанинг маъносини тушунмайдиган давр келди, деб хисобласанг, уни ўзгартираман, унгача ўз жойида тураверсин».

Бир куни у Нокс коллежининг президенти доктор Гул-ливерга, ўзидаги содда тилга бўлган «оташин муҳаббат»нинг қандай қилиб шаклланишини тушунтириб берди:

«Ҳамон ёдимда – ва буни илк хотираларимдан бири сифатида ҳеч қачон унутмасам керак, – кичкиналимда кимдир мен билан тушунмаган тилда гаплашса, ҳамиша жаҳлим чиқиб кетар эди. Ўйлашимча, бундан бошқа ҳеч нарсадан ҳеч қачон ғазабланмаганман, бундай ҳодиса ҳамиша менинг ғашимга теккан ва бу ҳол ханузгача давом етиб келмоқда. Ҳамон ёдимда, кечкурунлари ўзимнинг кичкина ётоқхонамга кирганимдан сўнг отамнинг қўшнилари

билан суҳбатини эшитарканман, ундаги мен учун тушунарсиз фикрларнинг мағзини чақиш учун бутун тунни ўз хонамда юриб ўтказардим. Ухлашга қанча тиришсам ҳам, бирор-бир фикрни илиб олиш иштиёқи менга тинчлик бермасди. Унинг маъносини тушунганимдан сўнг то ҳар қандай таниш болакай тушунадиган содда тилда ифодалай олмагунимча тинчимасдим, уни ичимда қайта-қайта такрорлайверардим. Бу хиссиёт оташин муҳаббатимга айланиб қолган ва ҳозиргача мени тарк этмайди».

Оташин муҳаббат? Ҳа, буни айнан шундай атаса бўлади. Нью-Сейлемлик ўқитувчи Грем шундай деб гувоҳлик беради: «Шундай вақтлар бўлардики, Линкольн у ёки бу фикрни ифодалаб беришда уч усулдан бирини танлаш учун соатлаб ўйланиб ўтирар эди».

Одамлар тушунарсиз фикр билдиришларининг асосий ва оддий сабабларида бири уларнинг ўзлари нима демоқчи бўлганларини аниқ билмаганларидандир. Ғира-шира таассуротлар! Ноаниқ, мужмал ғоялар! Натижада нима бўлади? Уларнинг ақл-фаросатлари худди туманда расм туширган фотоаппаратнинг ишига ўхшайди. Шунингдек, улар ноаниқлик ва иккиламчи фикр сабабли ҳам безовта бўлишлари керак, худди Линкольн сингари. Улар бу усулдан фойдаланишлари зарур.

### **Тингловчиларнинг кўриш қобилиятларидан фойдаланинг**

Тўртинчи фаслда айтиб ўтганимиз каби, кўзлардан мияга борадиган асаб толалари қулоқдан борувчи асаб толаларига қараганда қалинроқдир. Ван шуни кўрсатадики, эшитишдан кўра, кўриш таассуротларимиз учун йигирма беш марта кўпроқ эътибор қаратар эканмиз.

Қадимги хитой мақолида таъкидланганидек: «Юз марта эшитгандан кўра, бир марта кўрган афзал».

Шунинг учун, фикрларингиз тингловчилар томонидан яхши қабул қилинишини хоҳласангиз, ғояларингизни кўринарли қилиб тасвирлаб беришга ҳаракат қилинг. Машҳур «Нэшнл кеш режистер» компаниясининг президенти, марҳум Жон Г. Паттерсоннинг режаси шундай эди. «Систем мэгэзин» журнали учун бир мақола ёзиб, унда ўз ишчилари ва савдо ходимлари олдида нутқ сўзлаганда кўллайдиган усулларини бафуржа баён этган эди:

«Сизни ҳамиша диққат билан тинглаб, тушунишлари учун сўзларнинг ўзи камлик қилади, деб ҳисоблайман. Бунинг учун яна қандайдир таассурот уйғотадиган кўшимча зарур бўлади. Ўз нутқларингизни, агар иложи бўлса, нима тўғри – нима нотўғри эканини ўргатувчи тасвирлар билан тўлдирса яхши бўлар эди; диаграммалар, ҳар қандай сўзлардан кўра ишончлироқ, тасвирлар эса ҳар қандай диаграммадан яхшироқдир. Ҳар қандай муаммони очиб беришнинг энг яхши усули, нутқнинг тасвирлар билан бирга ўтказилиши, сўзларнинг эса фақат уларни боғловчи сифатида иштирок этишидир. Мен аллақачон, инсонлар билан мулоқотда, тасвирлар мен айтмоқчи бўлган ҳар қандай сўзлардан кўра муҳимроқ эканини тушуниб бўлганман.

Шубҳасиз, уларнинг орасида энг самаралиси кичкина суратлардир... Менда уларни намойиш этишнинг тўлиқ тизими ёки «тасвир орқали суҳбатлашиш» имконияти бор. Доллар белгиси туширилган юмалок шакл бир суммани, доллар шаклининг қоп устида чизилгани эса пулларнинг кўплигини билдиради. Бу борада одамларнинг оддий юз киёфалари туширилган расмлар орқали катта натижаларга эришиш мумкин. Юмалок шаклни чизиб, унинг ичига кўз, бурун, оғиз ва қулоқларни англаувчи чизиқларни чизиб

чикинг. Агар бу чизиклар ўзгартирилса, юз киёфасининг турли ҳолатлари вужудга кела бошлайди. Қариялар лабининг чети пастга туширилган чизиклар билан; замонавий ва тетик инсон киёфасида эса бу чизиклар юкорига қаратилган ҳолда тасвирланади. Бу расмларнинг бари оддий; шунинг ҳам ёдда тутиш керакки, гап бу ерда энг яхши рассом сифатида чиройли суратларни чизишда эмас. Бу ерда энг асосий вазифа фикрни карама-қарши руҳда ифодалашдан иборатдир.

Катта ва кичик пул халталари ёнма-ён қўйилганда, тўғри ва нотўғри йўлни англатади; тўғри йўл сизга кўп даромад олиб келади, нотўғри йўл эса кам. Агар нуткингишда фойдаланиш учун бу суратларни чизиб олишни тезда ўргансангиз, тингловчилар сизни диққат билан тингламасликларидан хавотир олмасангиз ҳам бўлади; сиз нима қилсангиз, албатта, улар шунга эътибор беришади ва фикрингизни тушунтиришининг ҳар бир босқичида, уларни олиб бормокчи бўлган нуқтагача сиз билан бирга боришади. Бундан ташқари, бундай қувноқ шакллари одамларга завқ бағишлайди.

Кўпинча бирор бир рассомдан мен билан бирга цехларни айланишини ва сездирмасдан нотўғри қилинаётган барча ишларнинг суратини чизишини сўрадим. Шундан сўнг чизилган барча хонаки чизмалар суратга айлантирилди ва ишчиларимни йиғиб, улар айнан нимани нотўғри қилаётганларини шу сурат орқали кўрсатардим. Аммо стереоптикон ускунаси борлигини эшитган захоти уни сотиб олдим ва кейинчалик суратларни экранда намойиш эттира бошладим, бу албатта, қоғозда кўрсатгандан кўра самаралироқ эди. Шундан сўнг кино пайдо бўлди. Ўйлайманки, энг биринчи киноаппаратларнинг бири менда эди. Ҳозирда эса бизда катта миқдордаги кинофильмлар ва олтмиш мингдан зиёдроқ рангли стереослайдлар сақланадиган бўлим мавжуд».

Албатта, ҳар бир буюм ёки ҳодисани кўргазмали куруллар ва суратлар орқали акс эттириб бўлмайди. Шунга қарамадан уларни имкониятга қараб ишлатиш мумкин. Улар диққат-эътиборни тортиб, қизиқиш уйғотади ва чиқишларимизни икки баробар тушунарли қилади.

### **Рокфеллер стол устидаги тангаларни ерга туширади**

«Систем мэгэзин» журнали саҳифаларида Рокфеллер «Колорадо фьюэл энд айрон» компаниясининг молиявий аҳволини кўрсатиб бериш учун кўргазмали курулдан қандай фойдаланганини айтиб берган эди:

«Билишимча, улар («Колорадо фьюэл энд айрон» ишчилари) Рокфеллерлар ўз компанияларидан катта фойда оладилар деб ҳисоблашар эди, чунки ҳамма уларга шундай дерди. Мен уларга асл вазиятни кўрсатиб бердим. Мен уларга бу компания билан ҳамкорлик қилишни бошлаганимиздан бери, яъни ўн тўрт йилдан бери улар бирор марта ҳам бизнинг акцияларимиз учун фоизларни тўламаганликларини кўрсатиб бердим.

Учрашувларимизнинг бирида мен бу компаниянинг асл молиявий ҳолатини аниқ кўрсатиб бердим. Мен столнинг устига бир неча тангаларни қўйдим. Шундан сўнг ишчиларнинг ҳақи сифатида бир қисмини ерга тушириб ташладим, зеро компаниянинг биринчи вазифаси ишчиларнинг маошини ўз вақтида бериш эди. Шундан сўнг мен яна бир неча тангаларни олиб қўйдим, бу хизматчиларнинг мояналарини билдирар эди, шунингдек, директорларнинг хизмат ҳақлари деб белгиланган қолган тангаларни ҳам олиб қўйдим, охирида қимматбаҳо қоғозларнинг эгаларига бирорта ҳам танга қолмади. Шунда мен улардан сўрадим: «Барчамиз тенг шерик ҳисобланган бу корхонада, учта



хамкор каттами кичикми фойда олсаю, тўртинчи хамкор умуман фойда олмаса, бу адолатданми?»

Сизнинг тасвирларингиз куёш ботиши пайтида яккол намоён бўлувчи буғу шохлари сингари аниқ ва тўғри бўлсин. Мисол учун, «кучук» сўзи сизнинг тасаввурингизда аниқ шу жонзотнинг қиёфасини пайдо қилади, у коккер-спаниел, скотч-терьер, сенбернар ёки шпиц бўлиши ҳам мумкин. Эътибор беринг, мен сизга «бульдог» (тумшуғи тўмтоқ, жағи кучли ит) сўзини айтганимда, термин аниқроқ бўлгани учун онгингизда муайян итнинг яккол образи намоён бўлади. «Олачипор бульдог» сўзи тасаввурингизда янада аниқроқ суратни намоёйиш этмаяптими? Оддийгина «от» сўзидан кўра «қора шотланд пониси» дейишингиз жонлироқ эмасми? «Оёғи синган бентам зотли оқ хўроз» ибораси «хонаки парранда» оддий терминига қараганда кўз олдингизда аниқроқ ва ёркинроқ тасвирни гавдалантиради, албатта.

### **Мухим ғояларни турли хил сўзлар билан такрорланг**

Наполеон такрорлашни нотиклик санъати назариясидаги ягона жиддий қонун-қоидалардан бири, деб ҳисоблаган. Одамлар янги ғояларни тезда қабул қилмасликларининг асосий сабаби уни яхши тушуниб етмасликларида эканлигини у жуда яхши биларди. Янги ғояларни тушуниб олиш учун вақт кераклигини ва инсон тасаввурлари фақат шунга қаратилиши лозимлигини ҳам жуда яхши билар эди. Қисқаси, у тингловчига етказмоқчи бўлган ғояни такрорлаш лозимлигини, аммо буни фақатгина бир хил сўзлар билан амалга оширмаслик кераклигини ҳам билар эди. Тингловчиларга бу ҳолат ёқмайди ва улар ҳақлидирлар. Аммо фикрни

такрорлаш янги иборалар ёрдамида амалга оширилса, турли вариантда ифодаланса, тингловчилар ҳам ҳеч қачон уни қайтариқ деб ҳисоблашмайди.

Аниқ бир мисолни олайлик. Мархум жаноб Брайн шундай дерди:

«Агар бирор бир муаммони ўзингиз яхши тушунмасангиз, бошқаларни ўша масалани тушунишга мажбур қила олмайсиз. Ўзингиз уни қанчалик аниқ тасаввур этсангиз, бошқаларга ҳам шунчалик ёркинрок тушунтириб бера оласиз».

Бу ердаги охириги гап биринчи гапдаги фикрни такрорлаётганини сезиш кийин эмас. Аммо бу гаплар оғзаки айтилганида, улар такрорланаётганини пайқаш учун вақт камлик қилади. Сиз шунчаки суҳбат мазмуни янада тушунарли бўлиб қолганини сезасиз.

Ўзимнинг курс машғулотларимда, агар нотик юқорида келтирилган қайтариқ қоидасини қўлласа, нутқ аниқ ва таъсирчан бўлган ҳолларни кўп учратдим. Янги нотиклар эса уни умуман қўллашмайди. Афсус!

### **Аниқ мисоллар ва умумий даражалардан фойдаланинг**

Нутқни тушунарли ифодаланишнинг умидбахш ва оддий усулларидан бири – бу умумий даражалар ва аниқ мисоллардан фойдаланишдир. Бу икки тушунча орасида қандай фарқ мавжуд? Номидан кўриниб турганидек, улардан бири умумий, иккинчиси эса аниқ тушунчадир.

Улар орасидаги фарқни аниқ мисоллардан фойдаланган ҳолда ифодалаб беришга руҳсат берсангиз. Шундай тахминни олсак: «Эркин фаолият билан шуғулланувчи шундай эркак ва аёллар борки, улар жуда кўп пул ишлаб топишади».

Бу фикрни аниқ деб бўладими? Гапираётган инсон сизга бу билан нима демокчилигини аниқ тушундингизми? Йўк, нотикнинг ўзи ҳам бу фикри тингловчиларда қандай таассурот уйғотганини билмаслиги мумкин. Озарк тоғларидаги қишлоқ шифокори ўзини ойига беш минг доллар топадиган шаҳарчадаги оила шифокори сифатида тасаввур қилиши мумкин. Интилувчан тоғ муҳандиси йилига юз минг топадиган ўз соҳасидаги одамлар ҳақида ўйлаши мумкин. Бундай фикрлар мужмал ва ноаниқ, уларни янада ёркинроқ ифодалаш лозим. Нотик айти қайси соҳаларни назарда тутаётганлигини кўрсатиб бериш ва «жуда кўп пул» деганда нимани назарда тутганини билиш учун бир неча ойдинлаштирувчи тафсилотларни кўшиш керак бўлади.

«Кўшма Штатлар президентидан ҳам кўп пул топадиган адвокатлар, профессионал боксчилар, композиторлар, кўшиқчи шоирлар, ёзувчилар, драматурглар, рассомлар, актёрлар ва кўшиқчилар бор».

Чиндан ҳам мана энди тингловчи нотик нима демокчи бўлгани ҳақида аниқроқ тасаввурга эга бўлладими? Аммо у аниқ фамилияларни келтириб ўтгани йўк. У аниқ мисолларни эмас, умумий даражаларни кўллади. У «кўшиқчилар» деди, аммо Роза Понсель, Кирстен Флегстад ёки бўлмаса Лили Понс деб аниқ айтмади.

Шундай қилиб, бу баёнот ҳали ҳам ноаниқлигича қолмоқда. Биз уни тасвирлаш учун аниқ мисолларни келтира олмаймиз. Ахир нотик буларни биз учун қилиши керак эмасми? Агар у қуйидаги хат бошида ифодалангани каби аниқ мисоллардан фойдаланганида, унинг баёноти янада ёркинроқ аҳамиятга эга бўлмасмиди?

«Таниқли адвокатлар Сэмүэл Антермейер ва Макс Стюэр йилига миллион доллар фойда кўришади. Жек Демпсининг бир йиллик фойдаси ярим миллион доллар экани маълум. Ёш ва маълумотсиз қора танли боксчи Жо

Луис эндигина йигирма ёшга тўлганида жуда кичиклигидан йилига беш юз минг доллар даромад топар эди. Ирвинг Берлиннинг регтайм йўналишидаги кўшиқлари унга хар йили ярим миллион доллар пул олиб келиши хакида одамлар кўп гапиришади. Сидней Кингсли ўзининг муаллифлик конуни ҳукукига кўра хар хафта ўз пьесалари учун ўн минг доллар олади. Герберт Уэллснинг ижодий меҳнати унга уч миллион доллар олиб келганини ўз таржимаи ҳолида айтган эди. Хар йили ўзининг суратлари ёрдами Диего Ривера ярим миллион доллар топади. Катарина Карнелл кинофильмларда иштирок этгани учун хар хафта ёзиладиган беш минг долларлик мукофот пулларидан кўп бора воз кечган».

Энди тингловчиларда нотик уларга айтмоқчи бўлган маълумотлар хакида аниқ ва ёркин тасаввур уйғонди.

Аниқ фикр билдиринг. Катъиятли бўлинг. Аниклик нуткингишни янада ёркин, таъсирчан, ишонарли ва кизиқарли тузишингизга ёрдам беради.

### **Тоғ эчкиси билан тенглашманг**

Профессор Уильям Жеймс ўқитувчилар олдида сўзлаган маърузаларидан бирида, нутки давомида фақат бир масалани кўриб чиқишини айтиб ўтган эди, у назарда тутган маъруза эса бир соат давом этди. Шунга карамасдан, яқинда мен бир нотикнинг нутқини тинглашга муваффақ бўлдим, унинг нутқи бор-йўғи уч дақиқа давом этди, лекин у ўз сўзини бизнинг эътиборимизни ўн бир дона саволга қаратиш билан бошлади. Шундай қилиб, хар бир савол учун ўн олти ярим сония вақт сарфланган эди. Ақлли одам бундай бемаъни уринишни содир этиши мумкин деб бўлмайди, албатта. Тўғри, мен жуда бўлмаганда юз берадиган ҳолатлар хакида гапирдим, аммо бундай

вазиятлар қайсидир маънода ҳар қайси янги нотик учун тўсик бўлиши мумкин. Бу ҳолат «Кук» компаниясининг гидини эслатади, у ҳам хорижлик меҳмонларга Парижни бир кун ичида кўрсатмоқчи бўлади. Бу Америка табиий тарихи музейини ярим соатда айланиб чиқиш билан баробардир. Натижада на аниқлик ва на хурсандчиликка эришиш мумкин. Кўп нутқларнинг ноаниқ ва саёз бўлишига асосий сабаб, нотик ўзига ажратилган вақт ичида кўплаб саволларга жавоб изламоқчи бўлади. У бир саволдан иккинчи саволга тоғ эчкиси сакрагандай тез-тез сакраб ўтади.

Чиқишларнинг аксарияти қисқа бўлиши лозим, шунинг учун уларга мувофиқ равишда маълумот тайёрлашингиз зарур. Мисол учун, агар сиз касаба уюшмалари ҳақида нутқ сўзламоқчи бўлсангиз, уч ёки олти дақиқа ичида, улар қандай шакллангани, улар қўллайдиган усуллар, улар қилган яхшилиқлар ва ёмонлиқлар, ишлаб чиқаришда бўладиган турли хил муаммоларни гапириб беришга ҳаракат қилманг. Бунга асло йўл қўйманг! Чунки агар сиз бу йўлни тутмоқчи бўлсангиз, бирор бир тингловчи сиз нима демоқчи бўлганингиз ҳақида аниқ таассуротга эга бўлмайди. Барчаси чалкашиб, мавзу ноаниқ кўринишга киради, фикрлар ҳаддан ташқари таркок бўлиб, барча хабарлар жуда умумийлашиб кетади.

Зеро, касаба уюшмаларининг бир бўлими фаолиятини олиб, уни яхшилаб ўрганиб чиқиш ва тингловчиларга намоёиш этиш яхшироқ эмасмикан? Ҳа, бу йўл тўғрироқ бўлади. Бундай нутқ фақатгина яхши таассурот қолдиради. У аниқлик касб этади, уни эшитиш ва эслаб қолиш ҳам осон бўлади.

Шундай бўлса ҳам, агар бу мавзунинг бир қанча бўлимларини кўриб чиқишга тўғри келиб қолса, нутқнинг охирида айтилганларни иложи борида умумлаштириш керак. Келинг, бу қандай бажарилишини кўриб чиқайлик.

Куйида мазкур сабоқнинг хулосаси келтирилган. Айтилган фикрнинг янада аниқ ва тушунарли бўлиши учун бу хулосани ўқиш бизга ёрдам берадими?

### *Хулоса*

1. Аниқлик қанчалик муҳим бўлмасин, бу жуда кийин ҳам.

2. Исо Масиҳ нотаниш нарсаларни таниш буюм ва ходисалар билан боғлаб тушунтиришга эришган. У Парвардигори оламни хамиртурушга, денгизга ташланган ёйма тўрга, марварид излаётган савдогарга қиёслайди. «Бор, шундай қилавер». Агар сиз Алясканинг катталиги ҳақида аниқ тасаввур уйғотмоқчи бўлсангиз, унинг майдони ўлчамларини квадрат миллиарда келтириб ўтиш шарт эмас; унинг худудига жойлаштириш мумкин бўлган штатларнинг номини айтиб, унинг аҳолисини сиз нутқ сўзлаётган шаҳарнинг аҳолиси билан тенглаштиринг.

3. Сизнинг касбингизга алоқаси бўлмаган одамлар олдида нутқ сўзлаётиб махсус атамаларни тилга олишдан ўзингизни тийинг. Линкольннинг усулига риоя этиб, фикрларингизни ҳар қандай ёш бола ёки қизалок тушунадиган тарзда сўзлаб беринг.

4. Сўзламоқчи бўлган нутқ мавзуингиз сизга кун ёруғидаги куёш каби таниш эканига ишонч ҳосил қилинг.

5. Тингловчиларнинг кўриш қобилиятларидан фойдаланинг. Иложи бўлганда, кўргазмали куроллар, расмлар ва турли хил экспонатлардан фойдаланинг. Аниқ фикрга эга бўлинг. Агар сиз «ўнг кўзи тепасида қора доғи бор унча катта бўлмаган овчи итни» назарда тутаётган бўлсангиз, ҳеч қачон «кучук» сўзини тилга олманг.

6. Асосий фикрларингизни такрорланг, аммо бир марта айтган сўзларингизни иккинчи марта қайтарманг.

Гапларни алмаштилинг, аммо буни тингловчилар сезмаган ҳолда фикрларингизни такрорланг.

7. Мавҳум нуқтаи назарингизга умумий даражадаги аниқ мисоллар ва вазиятлар билан аниқлик киритинг.

8. Жуда кўп масалалар ҳақида фикр билдиришга уринманг. Катта бўлмаган нутқда йирик мавзунинг бир ёки икки бўлиmidан ортиғини кўриб чиқиш мумкин эмас.

9. Нутқни ўзингиз айтган ҳолатларнинг қисқа хулосаси билан якунланг.

## **ТИНГЛОВЧИЛАРИНГИЗНИ ҚАНДАЙ ҚИЗИҚТИРИШ МУМКИН**

Ҳозир сиз ўкиб турган саҳифа бир варақ оддий қоғоз, шундай эмасми? Бундай саҳифаларни сиз кўп марта кўргансиз. Бу сиз учун зерикарли бўлиб кўриниши мумкин, аммо агар мен у ҳақда бирор бир кизикарли маълумот келтирсам, балки бунга ўзгача кўз билан қарарсиз. Келинг, кўриб чиқамиз! Сизга бу варақ яхлит бир материалдан тайёрлангандек туюлса-да, аслида у ўргимчак тўрини эслатиб юборади. Физик бунинг атомдан ташкил топганини жуда яхши билади. Атомнинг катталиги қанча? Ўнинчи фаслдан бизга маълумки, бир томчи сувда, Ўрта Ер денгизида қанча сув томчиси ва сайёрамизда қанча ўт-ўлан бўлса, шунча атом мавжуд. Бу қоғозни ташкил этувчи атомларнинг ўзи нимадан ташкил топган? Ундан ҳам майдарок бўлақлар – электрон ва протондан ташкил топган. Бу электронлар атомнинг марказий протони атрофида айланади, айтиш мумкинки, деярли Ой ва Ер ўртасидаги масофада жойлашган бўлади. Ва бу электронлар жимитдек оламида ўз орбитаси атрофида шу даражада тез, яъни сониясига ўн минг миль тезликда айланади. Шунинг учун кўлингизда ушлаб турган варақнинг асосига қирувчи электронлар сиз уни ўқиганингиздан бошлаб, Нью-Йорк ва Токио орасидаги масофага тенг бўлган йўлни босиб ўтди...

Бор-йўғи икки дақиқа олдин сиз бу варақни ҳаракатсиз, зерикарли ва ўлик жисм, деб ўйлангандирсиз. Аслида эса бу яратганнинг сирли мўъжизасидир. Бу кувватнинг ҳақиқий довулидир.

Агар қизиқиб қолган бўлсангиз, бунга янги ва ноёб далилни билганингиз сабаб бўлди. Айнан мана шу ерда одамларни қизиқтиришнинг бир сири мавжуд. Бу ҳар қуни



одамлар билан суҳбатлашганимизда ишлатишимиз керак бўлган муҳим ҳақиқатдир. Мутлако янги бўлган нарса бизга қизиқ эмас; жудаям эски нарса эса бизни ўзига жалб қилмайди. Бизга эски нарсалар ҳақида бирор бир янги гап айтишларини хоҳлаймиз. Мисол учун, сиз иллинойслик фермерни Бурждаги собор ёки Мона Лиза сурати тасвирлари билан қизиқтира олмайсиз. Булар фермер учун мутлако янги нарсалар бўлиб, ўзига маълум эски ишларига ҳеч ҳам алоқаси йўқдир. Аммо сиз унга голландиялик фермерлар қандай қилиб денгиз сатҳидан пастда жойлашган ерга ишлов беришлари, тўсик ўрнини босувчи ариқлар казишлари ёки дарвоза бўлиб хизмат қилувчи кўприқларни қуришлари ҳақида гапириб, қизиқтиришингиз мумкин. Иллинойслик фермерингизга голландиялик фермерлар қишда ўзлари истиқомат қиладиган уйларига сигирларини олиб киришларини ҳамда бу сигирлар баъзан чиройли пардалар осилган ойнадан ташқаридаги қорни қузатишларини гапириб берсангиз, оғзи ланг очилиши, табиий. У сигирлар ва тўсиқлар ҳақида биларди, аммо бу эски ҳолатлар тўғрисидаги янгича караш ифодаси эди. «Чиройли пардалар! Сигир учун-а? – деб хайкиради у. – Жин урсин!» Шунда у бу ҳикояни ўзининг бошқа дўстларига ҳам айтиб беради.

Мана яна бир ҳикоя. Сиз уни ўқий бошлаганингизда, бу сизни қизиқтирадими йўқми, шунга эътибор беринг. Агар қизиқтирса, нима учунлигини биласизми?

### **Сульфат кислотаси сизга қандай таъсир кўрсатади**

Кўпинча суюқ моддаларни пинта, кварта, галлон ёки барреллар билан ўлчашади. Биз одатда вино кварталари, сут галлонлари ва оқим барреллари ҳақида гапирамиз. Янги

нефт булоғи кашф этилганида, у кунига шунча баррелл нефт беряпти деймиз. Аммо жуда кўп ишлаб чиқариладиган ва фойдаланиладиган шундай суюклик ҳам борки, уни тонна билан ўлчашади. Бу суюклик сульфат кислотасидир.

Биз ҳар куни уни турли хил ҳолатларда учратиб, ундан фойдаланамиз. Агар сульфат кислотаси бўлмаганида, сизнинг машинангиз тўхтаб қолиб, сиз яна «қари қирчанғи» ва кабриолетлардан фойдаланишингизга тўғри келар эди. Гап шундаки, сульфат кислотаси керосин ва бензинни тозаланишда кенг қўлланилади. Усиз хонангизни ёритаётган чирокларни, тушлик қилаётган столингизни, ётоқхонангизга олиб борувчи йўлни тасаввур қилиш қийин.

Эрта тонгда уйғониб, ҳаммомингиздаги сувни ёққанингизда, никелланган жўмракни бурайсиз, уни ишлаб чиқариш учун ҳам сульфат кислотаси керакдир. Шунингдек, у сизнинг эмалланган ваннангизни ишлаб чиқаришда ҳам ишлатилади. Сиз ювинаётган совун сульфат кислотасида ишлов берилган ёғ ва мойлардан ташкил топгандир... Сочингиз сиз билан танишишдан аввал сульфат кислотаси билан танишиб бўлган эди. Бошингизга ишлатадиган чўтканинг қилли қисми, пластмассали тароғингиз ҳам сульфат кислотаси ёрдамида ишлаб чиқарилган. Шубҳасиз, сизнинг устарангиз ҳам кислота билан кимёвий йўл орқали ишлов берилган.

Сиз ички кийимингизни кийиб, устидан устки кийимингизнинг тугмачаларини тақасиз. Бўёқларни ишлаб чиқарувчи сифатида бўёқчининг ўзи ва оқартирувчи ҳам сульфат кислотасидан фойдаланишган. Балки тугмачаларни ишлаб чиқарувчи ҳам ўз маҳсулотларини қайта ишлаш учун шу суюкликдан фойдалангандир. Тери ошловчи мутахассис кияётган пойабзалингиз учун тери ишлаб чиқаришда ундан фойдаланади; шунингдек, шу пойабзалларимизни тозалашда ҳам у бизга хизмат қилади.

Нонушта килиш учун ўтирасиз. Пиёла ва тарелкалар, албатта, агар улар соф оқ рангда бўлмаса, сульфат кислотаси ёрдамида тайёрлангандир. У идиш-товокларнинг устига зар беришда ва турли хил расмларни безатишда ишлатилади. Олдингизда турган қошиқ, пичоқ ва санчкилар ҳам сульфат кислотаси тўлдирилган ваннага тушиб, қумуш рангини олган.

Нон тайёрланган бугдой ҳам фосфат ўғитлар ёрдамида ўстирилган бўлса керак, бу ўғитлар эса сульфат кислотаси ёрдамида ишлаб чиқарилади. Агар сиз гречихадан пиширилган қалин қуймоксимон нонни қуюқ шинни билан бирга қўшиб еяётган бўлсангиз, қиём тайёрлаш учун ҳам сульфат кислотаси зарурлигини биласиз...

Шундай қилиб, кун давомида сульфат кислотаси бизнинг ҳаётимизга ҳар қадамда ўз таъсирини кўрсатади. Сиз қаерга боришингиздан қатъий назар, ундан қочиб қутулолмайсиз. Биз усиз урушолмаймиз ва яшай олмаймиз ҳам. Зеро, сульфат кислотасининг инсоният учун қанчалик зарурлигини ҳар қандай ўртамиёна одам ҳам билмаса керак... Шунга қарамасдан, вазият айнан шундайдир.

### Дунёдаги уч хил энг қизик нарсалар

Нима деб ўйлайсиз, дунёдаги қайси учта нарса энг қизик ҳисобланади? Жинсий ҳаёт, мулк ва дин. Булардан биринчиси ёрдамида биз ҳаётни яратишимиз мумкин, иккинчиси билан уни оёқда ушлаб тура оламиз, учинчи билан эса унинг бошқа оламда давом этишига умид қиламиз.

Аммо бизни айнан *бизнинг* жинсий ҳаёт, *бизнинг* мулкимиз ва *бизнинг* динимизгина қизиқтиради. Қизиқишларимиз бизни айнан ўзимизнинг “мен”имиз атрофига жамлайди.

Бизни «Перуда васиятнома қандай тузилади» каби саволлар эмас, балки «Ўз васиятномамизни қандай

тузишимиз мумкин» деган мавзудаги суҳбатлар қизиқтиради. Шунчаки қизиқишни ҳисобга олмаганда, бизни хиндуларнинг дини умуман қизиқтирмайди, аммо нариги дунёда чексиз ҳузур-ҳаловатни ваъда қилувчи дин барчани қизиқтириши, табиий.

Марҳум лорд Нортклиффа, одамларни нима қизиқтиради, деб савол беришганида: «Уларнинг ўзлари», дея жавоб берган экан. Нортклифф нима деяётганини жуда яхши билар эди, зеро у Буюк Британиядаги энг бой газеталардан бирининг эгаси ҳисобланарди.

Ўзингни қандай намоён этишингни билишни истайсизми? Ҳозир биз қизиқ мавзуга тўхталиб ўтамиз. Биз сиз ҳақингизда гаплашамиз. Сиз ўзингни ойнада кўрган каби ҳақиқий табиатингиз ва асл қиёфанингиз билан рўбарў бўласиз. Ўз орзуларингни назорат қилиб боринг. Орзулар ҳақида гапирганимизда нимани назарда тутамиз? Сўз навбатини Жеймс Харви Робинсонга берамиз. Биз «Онгнинг шаклланиши» китобидан парча келтирамиз:

«Барчамиз фақат уйғок пайтимизда ўйлаётгандек бўламиз, кўпчилигимиз эса туш кўраётганда ҳам ўйлашимизни биламиз, шунга қарамай тушдаги ўй-хаёллар ўнгимиздагига қараганда аҳмоқонадек туюлади. Агар бизни қандайдир юмушлар безовта қилмаса, ҳозирги кунда «хаёл суриш» деб аталадиган иш билан овора бўламиз. Бу бизнинг ўз-ўзидан юзага келувчи ва сеvimли машғулотимиздир. Биз фикрларимизга ўз йўлидан кетишига имкон берамиз, бу йўл бизнинг умид ва хавотирларимиз, ўз-ўзидан юзага келувчи хоҳишларимизнинг амалга ошиши ва барбод бўлиши; бизга ёққан ва ёқмаган, яхши кўрган нарсаларимиз, нафратланишимиз ва ғазабланишимиз билан белгиланади. *Ўзимиздан кўра ўта қизиқарли ҳеч нарса бўлмаса керак.* Бизнинг барча фикрларимиз, агар уларни яхшилаб назорат қилмасак ва йўналтирмасак, ўзимизнинг сеvimли «мен»имиз атрофида гир айланиб юраверади. Ўзимизда ва

бировларда бундай ҳолатни кузатиш ҳам кизиқарли, ҳам таъсирчан ҳолдир. Биз мулойимлик ва олижаноблик билан бу ҳақиқатни пайқамасликка интиламиз, аммо биз у ҳақда ўйлаганимиз ҳамон, у худди кундузги куёш нурлари каби кўзга ташланади.

Бизнинг орзуларимиз – феъл-атворимизнинг асосий кўрсаткичидир. Улар табиатимизни, ўзгартирилган, кўпинча яширин ва унутилган ўтмиш тажрибаларимизнинг маълумотларини акс эттиради... Шубҳасиз, шахсиятни улуғловчи ва ўзини оқлаш қатъий фикрига асосланган орзу-ўйларимиз – унинг асосий муаммоси бўлиб, – бизнинг барча мулоҳазаларимизга ўз таъсирини кўрсатади».

Бинобарин, эслаб қолинг, сиз ҳузурларига чиқиб нутқ сўзламоқчи бўлган одамлар, уйдаги ва ишларидаги муаммолар билан ўралашиб қолишмаса, кўп вақтларини ўзлари ҳақида ўйлашга, ўз-ўзини улуғлаш ва ўзини оқлашга сарфлашади. Эсда тутинг, ҳар қандай оддий одамни Италиянинг Кўшма Штатлари олдидаги қарзларини тўлаш муаммосидан кўра, ошпазининг кетиб қолиши кўпроқ хавотирга солади. Уни Жанубий Америкадаги тўнтаришдан кўра, соқол олиш устарасининг ўтмаслиги кўпроқ ғазаблантиради. Агар бир аёлнинг тиши оғриб қолса, бу муаммо уни Осиёдаги ер кимирашда ҳалок бўлган ярим миллион одамнинг ҳаётидан кўра кўпроқ таҳликага солади. Агар тарихдаги ўнта буюк одам ҳақида гапиришдан кўра аёл кишига ёқадиган гапларни сўзлашни бошласангиз, у сизни катта кизиқиш билан тинглайди.

### **Қандай қилиб яхши суҳбатдош бўлиш мумкин**

Ёмон суҳбатдош бўлишнинг сабаби, унинг фақат ўзини кизиқтирган нарсалар ҳақида гапиришидадир, бу эса бошқалар учун ўта зерикарли бўлиши мумкин. Энди эса бу

жараённи тескари тарафга караб йўналтиринг, яъни бошқа одамни ўз кизикишлари, ишлари, гольф ўйинидаги натижалари, муваффақиятлари, агар она бўлса, болалари ҳақида гапириб беришига ундаб кўринг. Бу ишни бажариб уларни диққат билан тинглаб ўтиринг, шунда уларга хузур бағишлаган бўласиз. Ҳатто агар сиз жуда кам гапирган бўлсангиз ҳам сизни яхши суҳбатдош сифатида эътироф этишади.

Филадельфиялик Гарольд Дуайт нотиклик санъати машғулотларининг туташи муносабати билан ўтказилган зиёфат кечасида ўта муваффақиятли нутк сўзлади. У столда ўтирган ҳар бир инсон ҳақида бирин-кетин гапириб, бошида қандай сўзлаганини ва охирига келиб қандай муваффақиятга эришганини, улар муҳокама қилган турли машғулот ва мавзуларни эслаб ўтди. У бир қанчаларига таклид қилиб, уларнинг айрим характерли томонларини ўхшатиб гапириб берар, бу эса иштирок этаётганларни қулдириб, уларга хузур бағишлаётган эди. Нутк сўзлаш учун бундай асосларга эга бўла туриб муваффақиятга эришмаса бўлмас эди, чунки у эга бўлган материал жуда ҳам ажойиб эди. Ҳеч бир бошқа мавзу тингловчиларни бунчалик кизиктира олмас эди. Жаноб Дуайд инсон табиатини жуда яхши билар эди.

### **Икки миллион ўқувчига эга бўлган ғоя**

Бир неча йил аввал «Америкен мэгэзин» журналининг адади тезлик билан ўсиб кетди. Ададнинг бундай кескин ўсиши – матбуот оламида содир бўлган энг шов-шувли ҳодиса эди. Бунинг сири нимада эди? Ҳамма гап эндиликда марҳум Жоне М.Сиддалл ва унинг ғояларида эди. Мен биринчи марта Сиддалл билан учрашганимда, у ушбу нашрнинг илғор замондошлар биография бўлимини бошқарар эди. Бу нашр учун мен бир нечта мақола ёзган эдим. Бир куни биз иккаламиз бирга ўтириб узок суҳбат қурдик.

«Одамлар худбин, – дерди у. – Улар авваламбор ўзларига катта кизикиш билдирадилар. Ҳукумат темир йўлга эга бўлиши ёки бўлмаслиги ҳақидаги муаммо уларни мутлақо хавотирга солмайди. Аммо улар қандай қилиб муваффақиятга эришиш, кўпроқ пул топиш, янада соғлом бўлиш ҳақида кўп ўйлайдилар. Агар мен бу журналнинг бош муҳаррири бўлганимда, ўз тингловчиларимга тишларини қандай парваришлашни, ҳаммомни қай тарзда қабул қилишни, ёзги кунларда уйда қандай қилиб салкин ҳавони ушлаб туришни, қандай қилиб биринчиликни эгаллашни, хизматчилари билан қандай муомала қилишни, уй сотиб олишни ва грамматик хатоларга қандай қилиб йўл қўймасликни эслаб қолишни ва ҳ.к.ни гапириб берган бўлар эдим. Одамлар ҳамиша биографик ҳикояларни яхши кўришади, шунинг учун мен бирор бир бой инсондан кўчмас мулкда қандай қилиб миллион ишлаб олганини гапириб беришни сўраган бўлар эдим. Мен кўзга кўринган банк ходимлари ва турли хил корхоналарнинг президентларидан ўзларининг оддий ишчидан президент столигача ва бойликкача бўлган йўлни қандай босиб ўтганларини айтиб беришларини сўраган бўлар эдим».

Шундан сўнг кўп ўтмай Сиддалл бош муҳаррир этиб тайинланган эди. У пайтларда журналнинг адади катта бўлмай, молиявий даражаси жуда паст эди. Сиддалл айнан ўзи айтганидек йўл тутди. Натижаси қандай бўлди? Журнал адади икки юз, уч юз, тўрт юз, беш юз минг нусхага қадар кўтарилди... Журналда айнан оммани кизиктирадиган нарсалар пайдо бўлди. Натижада журнални ҳар ой миллион, кейин бир ярим миллион ва ниҳоят икки миллион одам сотиб олди. Аммо журнал ададининг бундай ўсиши билан тўхтаб қолгани йўқ, у кўп йиллар давомида яна ўсаверди. Сиддалл ўқувчиларнинг хоҳишларига қараб иш тутди.

## Нутк учун хамиша диққат-эътиборни тортадиган маълумот

Агар курук нарса ёки ғоялар хақида гапираверсангиз, тингловчиларни толиктириб қўйишингиз мумкин, аммо агар одамлар тўғрисида сўзласангиз, уларнинг диққат-эътиборларига эришасиз. Эртага бутун Америка худудлари бўйлаб қўшнилари орасида чой ва нонушта устида миллионлаб суҳбатлар бошланади. Уларнинг кўпчилигининг асосий мавзуси нимадан иборат бўлади? Шахслар хақида. Фалончи бундай деди, писмадончи бундай йўл тутди. Мен ўзим уни бундай ва ундай қилганини кўрдим. У биржада катта ютукка эришади ва ҳ.к.

Менга АҚШ ва Канададаги ўқувчилар йиғинларида кўп бора ўз нутқларим билан иштирок этишга тўғри келган ва олинган тажрибалардан шуни тушундимки, тингловчиларнинг қизиқишини оширишим учун уларга шахслар хақида гапириб беришим керак экан. Умумгапларни энди гапиришни бошлаб абстракт ғояларни очиб бераётганимда Жони стулида айлана бошлар, Томми қилик қилар, Билли эса бирор нарсани ота бошлар эди.

Бир куни мен Париждаги бир гуруҳ америкалик ишбилармонлардан муваффақиятга эришиш мавзусида суҳбат олиб боришларини сўрадим. Улардан кўпчилиги саховатли оддий одамларни мактаб, ўқитиш ва ўргатишга зўр бера бошлашди, натижада ўз тингловчиларини толиктириб қўйишди. (Ўрни келганда айтишим керакки, яқинда машҳур бир америкалик ишбилармоннинг худди шу мавзуда радио орқали чиқиш қилаётганида айнан шундай хатога йўл қўйганини эшитиб қолдим. Шунингдек, бундай хатоларни аёллар – клуб аъзолари ва сайёр нотиклар амалга оширадилар.)



Шунда мен машғулотни тўхтатиб қўйиб, куйидаги гапларни айтган эдим: «Бизни ўқитишларини хохламаймиз. Бу ҳеч кимга ёкмайди. Шунингга тугингки, бизни кизиктиришингиз лозим, акс ҳолда нима десангиз ҳам биз сизга эътибор бермаймиз. Шунингдек, яна бир нарсани ёдда тутинг, дунёдаги энг кизик нарсалардан бири бу аниқликка асосланган овоза гаплардир. Шунинг учун бизга сиз биладиган икки одам ҳақида гапириб беринг. Нима учун бири муваффақиятга учрагани, иккинчиси эса барбод бўлганини тушунтириб беринг. Биз катта кизикиш билан сизни тинглаб турамыз ва айтганларингизни эслаб қоламиз; балки фойдаланармыз ҳам. Айтмоқчи, бундай ҳикояларни гапириб бериш сиз учун кўп сўзли ва мавҳум ваъзхонликдан кўра анча осонроқ бўлади».

Машғулотларда иштирок этувчи тингловчилар орасида ўзини ва тингловчиларини кизиктириш жуда қийин бўлган бир киши бор эди. Аммо бу кеча унга таклиф этилган ғоядан фойдаланиб, ўзининг коллежидаги икки курсдоши ҳақида гапириб берди. Улардан бири шунчалик тежамкор эдики, ҳар хил дўконлардан олган кўйлақларига алоҳида белгилар қўйиб чиқарди. Бу белгилардан у қайси кўйлақ яхши ювилишини, қайси бирисини узок қийиб юриш мумкинлигини, яъни улардан қайси бири унга сарфланган долларни оқлашини кўрсатиб турувчи жадвалларни тузар эди. У ҳар доим сарҳисоб билан юрар эди. Ўқини тугатгач, у ўзи ҳақида шундай баланд фикрда эдики, бошқалар каби аввал кичкина лавозимда иш бошлаб, кейин муваффақиятга эришишни хохламади. Ҳатто собиқ талабаларнинг ҳар йили ўтказиладиган учинчи учрашувида ҳам у ҳалигача ўз кўйлақларини ювиш ҳақидаги жадвалларини тузиш билан овора бўлиб, осмондан келадиган бир омадли тасодифни кутарди. Бундай имконият барибир юз бермади. Шундан бери орадан чорак аср вақт

Ўтди, ҳаётдан ҳафа бўлган бу одам эса ҳали ҳам ўз ўрнига эга бўлгани йўқ.

Шундан сўнг нотик бу ҳаётини таназзулни, кутилган натижаларга эришган ҳамкасбининг тарихи билан такқослай бошлади. Бу йигит жуда қувнок ва хушмуомала эди, шунинг учун уни ҳамма яхши кўрар эди. Гарчи у ўзида шуҳратпарастликни кечроқ намоён этиб, катта ишларни қилишга интилган бўлса-да, ўз фаолиятини оддий чизмакашлиқдан бошлади. Шунга қарамадан у энг кичик имкониятларни ҳам кўздан кочирмади. Ўша пайтда Буффалода панамерика кўрғазмасини ташкил этиш бўйича режалар ишлаб чиқиляётганди. Бу борада муҳандислик маҳорати керак бўлишини билгани учун, у ўзининг Филадельфиядаги ишини ташлаб Буффалога етиб келди. Ўзининг ташқи кўриниши ва хушмуомалалиги билан у Буффалода катта сиёсий ҳурматга эга бир арбоб билан танишиб қолди. У билан шерик сифатида қатор ишларда бирга иштирок этишди. Улар телефон компаниясида катта ишларни амалга оширишди, кейинчалик бу компанияга катта маош билан уни ишга қабул қилинди. У ҳозирда мультимиллионер бўлиб, «Уэстери юнион» компаниясининг эгаларидан бирига айланди.

Биз бу ерда нотикнинг сўзларини умумий тарзда келтирдик. У жуда кўп қулгили ва таъсирчан маълумотлар воситасида қизиқарли ва ёрқин чиқиш қилди... У тўхтовсиз гапирар эди – одатда уч дақиқалик нутқ учун старли манба танлолмайдиган киши ўз чиқишини тугатганида, ярим соат давомида гапирганига ҳайрон бўлиб қолганди. Унинг нутқи шунчалик қизиқарли эдики, ҳаммага қисқадек туюлди. Бу унинг учун биринчи ҳақиқий ғалаба эди.

Ҳар бир киши бу воқеадан ўзига старлича хулоса чиқариб олиши мумкин. Ҳар қандай оддий нутқ, агар уни инсоний нуқтаи назардан қараганда, турли хил қизиқарли ҳикоялар билан тўлдирса, жуда ҳам муваффақиятли бўлади. Нотик бир қанча муаммоларни кўтариб чиқиб, уларни аниқ

мисоллар билан кўрсатиб бериши лозим. Агар нутк сузлашни шундай усул билан шакллантирсангиз, у хамиша диққат-эътиборни тортади.

Агар иложи бўлса бу хикояларда курашлар, улар нима учун олиб борилгани ва қозонилган ғалабалар хақида гапирилиши керак. Барчамиз уруш ва курашлар билан ўта кизиқамиз. Эскидан қолган бир мақол бор. Унда айтилишича, бутун дунё ошиқни яхши кўради. Бу ҳақиқат эмас. Бутун дунё нимани севарди, албатта, курашни-да. Бутун дунё икки севишганнинг аёллар учун курашганини кўришни хоҳлайди. Бу фикрни аниқ тасаввур қилиш учун хоҳлаган романингизни, журналдаги хикояни ўқиб чиқинг ёки бўлмаса хоҳлаган киноматографик драмани кўриб чиқинг. Ҳар қандай тўсиклар олиб ташланиб, қаҳрамон ўз аёлини қучоғига олганда, аудитория бош кийимлари ва пальтосини кидира бошлайди. Кўз ёши тўккан аёллар 5 дақиқадан сўнг иложи борича кўпроқ гийбат қилишга ўтишади.

Журналда босилиб чиқаётган ҳар қандай проза шу асосга таянгандир. Ўқувчингизни қаҳрамон ёки қаҳрамон аёлни ёктириб қолишига мажбурланг. Ўқувчи нимагадир каттик боғланиб қолсин. Шундай қилинги, бу нарсага эришиб бўлмайдигандек туюлсин. Қаҳрамон ёки қаҳрамон аёл ўз мақсадларига қандай қилиб курашганлари ва ўз мақсадларига эришганларини кўрсатиб беринг.

Бизнес ёки эркин фаолият тури билан шуғулланувчи кишининг ўтиб бўлмайдиган тўсикларни енгиб, ғалаба қозонганлиги хақидаги хикоя хамиша кизиқарли туюлади ва ўқувчига илҳом бағишлайди. Бир куни журнал муҳаррири менга ҳар қандай кишининг ҳақиқий ҳаёт тарихи хамиша кизиқарли бўлишини айтган эди. Агар кимдир курашган бўлса (бизнинг орамизда курашмаган бормикан?), унинг ҳаёт тарихи, агар уни тўғри гапириб берса, жуда ҳам кизиқарли хикояга айланади. Бунга ҳеч қандай шубҳа бўлиши мумкин эмас.

## Аниқликка интилинг

Мазкур сатрлар муаллифи олиб борган курсларда фалсафа доктори билан бирга сал кўполроқ, аммо шижоатга тўла, ўттиз йил аввал ўзининг ёш ва навкирон даврларини Британия харбий-денгиз флотидида ўтказган бир киши ҳам шуғулланар эди. Тарбия кўрган ўқимишли одам университет профессори эди, унинг ёнидаги киши эса ўз вақтида етти денгизни сузиб ўтган, ҳозирда унча катта бўлмаган фургоннинг эгаси эди. Қанчалик ғалати туюлмасин, аммо иккинчи одамнинг нутки, профессор нуткидан кўра кўпроқ тингловчиларни кизиқтирарди. Нима учун? Профессор соф инглиз тилида гапирар, ўта маданиятли, назокатли эди, шунингдек, яхши ва мантиқан фикрларди. Аммо унинг чиқишида бир муҳим нарса етишмаётган эди – аниқлик. Унинг фикрлари жуда мужмал ва умумий эди. Фургон эгаси эса гапни чўзмасдан, дарров асосий масалага ўтарди. Унинг нутки тайинли ва аниқликка асосланган эди. Бу сифат унинг жасурлиги ва ўзига хос гапириш оҳанги билан кўшилиб, маърузаси жуда ёқимли кўриниш касб этар эди.

Мен бу мисолни келтиришимга асосий сабаб, бу каби холатлар барча университет профессорлари ёки фургон эгалари учун хос хусусият, демокчи эмасман, балки кизиқиш уйғотиш қобилияти кишининг қандай таълим олгани билан белгиланмайди, аксинча бундай бахт аниқ ва ёркин гапириш фазилатини эгаллаган одамларгагина насиб этишини таъкидламоқчиман.

Бундай нуктаи назар жуда муҳимдир, шу важдан унинг онгингизда мустаҳкам ўрнашиши учун бир қанча мисоллар келтирамиз. Бу усулни ҳеч қачон унутмайсиз ва ҳеч қачон унга нисбатан илтифотсизлик қилмайсиз, деган умиддамиз.

Мисол учун, энг қизиғи, Мартин Лютер ҳали жуда ёш пайтида «қайсар ва тарбияси оғир» бола бўлган ёки ўзининг айтишича, ўқитувчилар уни кўпинча «қунига ўн беш марта» хипчин билан савалашар экан.

«Қайсар ва тарбияси оғир» каби сўзлар унча диққат-этиборни тортмайди, аммо жазолашнинг сони ҳақидаги гапни қабул қилиш жуда осон.

Таржимаи ҳоллар ёзишнинг эски усули охир-окибат, Аристотель атагани каби «акли заифлар учун паноҳ»га айланди. Янги усул эса ўзлари ҳақида ўзлари гапирадиган аниқ далилларга асосланади. Эски услуб биографининг ёзишча, Жон Доу «камбағал, аммо ҳалол ота-оналар» оиласида туғилган. Янги услубга кўра, Жон Доунинг отаси ниҳоятда камбағаллиги учун кишда кийиб юриш учун ўзига оёқ кийими ололмаганидан, ботинкасининг атрофига эски копларни ўраб, шу йўл билан оёқларини қурук ва иссик тутиб юрган, деб ёзиш керак эди. Аммо шунчалик камбағал бўлишига карамай, у ҳеч қачон сутга сув аралаштирмасдан, қари ва касал отини сотаётганда эса унинг айбини айтиб сотарди. Бу далиллар шунга гувоҳ берадики, унинг отаси «камбағал, аммо ҳалол» эди, шундай эмасми? Бундай изоҳ услуби «камбағаллик ва поклик» деб оддий қайд этилишидан кўра янада қизикарлироқ ҳисобланади.

Агар бундай усул замонавий биографларга тўғри келса, демак, у замонавий нотикларга ҳам тўғри келади.

Яна бир мисолни кўриб чиқайлик. Тасаввур қилайлик, сиз бизга Ниагара шаршарасининг кундалик қуввати жуда катталиги ва у бемақсад сарфланаётгани ҳақида маълумот бермоқчи бўлдингиз. Буни айтдингиз ва яна кўшимча сифатида, агар унинг қувватидан фойдаланилган ҳолда топилган фойдани ҳаёт учун керакли нарсаларни олишга ва бу пулларга кўплаб инсонларни овқатлантириб, кийим-бош билан таъминлашга сарфлаш мумкинлиги ҳақида маълумот бердингиз, дейлик. Шундай усул билан маълумотларни янада кизикарли қилса бўладими? Йўқ ва яна бир марта йўқ. Қуйида келтирилган парча янада кизикрок эмасмикан? Биз бу парчани «Дейли сайенс ньюс буллетин»да чоп этилган Эдвин С. Слоссоннинг мақоласидан олдик.

«Бизга мамлакатимиздаги бир неча миллион одам ночорлик ва очликда кун кечирешини айтишади, аммо шу вақтда Ниагара шаршараси ҳар бир соат ичида 250 минг нон буханкаларининг нархига тўғри келадиган қувватни бекордан-бекорга сарф этади. Агар тасаввур қилсак, кўз олдимизда, олти юз минг янги тухум сув шаршарасидан пастга тушиб, гирдобга ғарқ бўлаётган йирик куймоқ намоён бўлади. Агар Ниагара дарёси каби кенглиги тўрт минг футлик тўқув дастгоҳидан тўхтовсиз равишда чит ишлаб чиқарилганида, унга ҳар жихатдан тенг бўлган мулк зоҳир бўларди. Агар китоблар ҳам шундай оқимда Карнеги кутубхонасига оқиб келганида, бир ёки икки соат ичида бу маскан ажойиб китоблар билан тўлиб кетар эди. Биз шунингдек, катта бир дўконни ичидаги бор маҳсулотлари билан бир юз олтмиш фут баландликдан – Эри кўлидан пастга тушиб, қояларга урилиб барбод бўлаётганини тасаввур қилишимиз мумкин. Бу жуда қизиқарли ва ўта ҳаяжонли, ўзига жалб этувчи, омма учун ёқимли, шу билан биргаликда қимматли маълумотлар саналади. Шунга қарамадан, ҳозирги кунда айримлар оқиб тушаётган сув қувватидан фойдаланишни ёқлашмайди, бундай лойиҳаларни амалга оширишни исрофгарчиликка йўйишади».

### Тасвир яратувчи сўзлар

Тингловчиларда қизиқиш уйғотиш учун ўта муҳим аҳамиятга эга бўлган бир усул мавжуд, аммо унга кўпинча эътиборсизлик билан қарашади. Ўртача нотик бу ҳақда ҳатто тасаввурга ҳам эга бўлмаса керак. Балки бу ҳақда жиддийроқ ўйлаб ҳам кўрмагандир. Мен тасвирлар ва образлар яратувчи сўзларнинг қўлланилишини назарда тутмоқдаман. Нутқ сўзловчи бизнинг кўз олдимизда намоён бўлувчи бутун бошли образлар галлереясини яратса, уни тинглаш янада осонроқ бўлади. Ноаниқ, сийқаси чиққан ва

саёз тимсоллардан фойдаланган нотик тингловчиларнинг зерикишига сабаб бўлади.

Образлар... Тимсоллар... Шакллар... Улар сиз нафас олаётган хаво сингари озод. Улар билан хикоянгиз ёки суҳбатларингизни тўлдириш, шунда сизни янада қизиқиш билан тинглашади ва тингловчиларга нисбатан катта таассурот уйғотган бўласиз.

Тасвир сифатида ҳозиргина айтиб ўтилган «Дейли сайенс ньюс буллетин»да чоп этилган Ниагара ҳақидаги парчани олиб қарайлик. Ундаги образларни яратувчи сўзларга эътибор беринг. Улар ҳар бир гапда худди Австралияда қуёнлар кўп бўлгани каби кўз олдингизда намоён бўлади: икки юз эллик минг бўлка нон, жарликдан гирдобга – катта қуймоқ ўрамига тушиб йўқ бўлиб кетаётган олти юз минг тухум, кенглиги тўрт минг фут келадиган тўкув дастгоҳидан тинимсиз оқиб чиқаётган чит, китоблар оқими остида қолиб кетган Карнеги кутубхонаси, су билан баланддан тушиб, қояларга урилаётган йирик универсал магазин.

Шунингдек, кинотеатрнинг зангори экрандаги кинофильм сахналарига эътибор бермаслик мумкин бўлмаганидек, бундай хикоя ёки мақолага эътибор бермаслик жуда ҳам қийин.

Ўзининг унча катта бўлмаган услуб фалсафаси ҳақидаги эссесига Герберт Спенсер тасаввурингизда уйғонадиган ёрқин тасвири сўзларнинг асосий аҳамиятини алоҳида белгилаган эди:

«Биз умумий ёки бутун эмас, балки аниқ фикрлаймиз... Биз «агар мамлакатдаги одатлар, удумлар ва ҳордик олиш усуллари шафқатсизлик ва ваҳшийликдан иборат бўлса, жинойий қонунчилик ҳам ўзининг ёвузлиги билан ажралиб туради» каби сўзларни қўллашдан ўзимизни тийишимиз керак. Бунинг ўрнига биз қуйидагиларни ёзишимиз керак: «Одамлар уруш, бука жанглари ва гладиаторлар курашлари қабилардан ҳузурлансалар, уларга нисбатан осини, ёки юбориш ва диба (айбдорнинг танасини чўзадиган қадимги қийноқ қурилмаси) жазо чоралари қўрилади».

Тасаввурингизда тасвирларни намоён этувчи иборалар олмани исканжага олган арилар каби Шекспир асарлари ва Инжил саҳифаларини тўлдирадидлар. Мисол учун, оддий муаллиф барчаси бекаму-кўст жойда ҳар қандай буюм ортикча эканини таъкидлаши мумкин. Шекспир бундай фикрни қандай изохлаган? У бу ишни ўлмас деб тан олинган образли иборалар билан амалга оширган:

*...Олтин юргизиб чақага,  
Оқни суриб лилияга,  
Сайқал бериб музга,  
Атир сепар бинафшага...<sup>1</sup>*

Қачон бўлмасин авлоддан-авлодга ўтиб келаётган маколларнинг барчаси кўзга кўринган образларни намоён этганини пайкаганмисиз? «Узоқдаги қуйруқдан яқиндаги ўпка яхши» (Осмондаги турнадан, қўлга кирган читтак яхши). «Томчилаб ёғдими – ёмғирни кут». «Отни сувлоқда сакратиш мумкин, аммо уни ичишга мажбур қила олмайсан».

Кўп асрлар давомида яшаб келаётган айнан бир хил ўхшатишларни учратишингиз мумкинки, улар жуда тез-тез ишлатилади: «тулки каби айёр», «қуймоқ каби силлиқ», «тошдай каттик».

Линкольн образли атамаларни жуда ҳам кўп қўллар эди. Оқ уйдан қабул қилиб оладиган узундан-узок, мураккаб ва бюрократик хисоботлар жонига текканида, уларни оддий сўзлар билан эмас, балки образли иборлар билан шундай танкид остига олар эдики, буни ҳеч қачон ёддан чиқариб бўлмасди. «Бирор-бир одамни от сотиб олиш учун юборганимда, – деган эди у, – унинг думида қанча соч борлиги ҳақида сўзлаб беришини хоҳламайман. Мен фақатгина унинг ташки кўринишини билишни истайман».

---

<sup>1</sup> Шекспирнинг «Қирол Жон» асаридан.



## Тингловчиларда қизиқиш уйғотиш учун қарама-қарши фикрларнинг аҳамияти

Маколей Карл I ни қандай танқид остига олгани билан танишиб чиқинг. Маколей нафақат образли нутқдан фойдаланади, балки кескин айбловлардан мувозанат саклашга интилганига ҳам эътибор беринг. Кескин қарама-қаршилиқлар ҳамиша диққат-эътиборни тортади ва айнан шу омил қуйидаги хат бошининг асосини ташкил этади:

«Биз унга тож кийдириш маросимида берган ваъдасининг устидан чиқмагани учун айблов эълон қиламиз. Бизга эса никоҳ маросимида берган ваъдасига содиқ қолганини айтишмоқда! Биз уни ўз халқини шафқатсиз ва нотўғри йўлдан кетган руҳонийларнинг қўлига топшириб қўйгани учун айблаймиз, унинг химоячилари эса ўзининг кичкина ўғлини тиззасига ўтқизиб, ўпганини айтишмоқда! Биз уни соғлом ақл-фаросат билан фикрлаган ҳолда сўз берганидан сўнг ҳам ҳуқуқлар ҳақидаги кўпчилик томонидан берилган Илтимоснома бўлимларига риоя этмаганлиги учун лаънатлаймиз, аммо бизга уни эрта тонгда соат олтидан бошлаб ибодат эшитишга ўрганиб қолганини айтишмоқда! Айнан шу каби фикрлар, шунингдек, Карл I нинг вандейча одатлари, кийиниши, унинг чиройли юзи ва учли соқоли – асосан шу хусусиятлар ҳозирги ёшлар орасида машҳур бўлишини таъминлаб беришини чин дилдан эътироф этамиз».

### Қизиқиш юқумлидир

Шу вақтгача биз аудитория учун қизиқиш уйғотадиган турли хил манба ва асосларни кўриб чиқдик. Бу ерда айтилган барча фикрларга механик тарзда риоя этиб, Коккерчасига (1631-1675) (XVII асрда кенг тарқалган арифметикадан инглизча дарслик муаллифи), яъни санъатнинг барча қоидалари асосида нутқ сўзлаш мумкин,

шунга карамасдан бу чикишлар ўта зерикарли ва сушт бўлади. Тингловчиларнинг кизиқишини эгаллай олиш ва уларни кўлда ушлаб туриш – кайфият ва хисларга боғлиқ бўлган энг нозик муаммодир. Бу буғ машинасини ишлатишга ўхшамайди, бу ерда ҳеч қандай аниқ коидаларни бериш ҳам мумкин эмас.

Шуни ёдда тутиш керакки, кизиқиш ўта юкумлидир. Агар ўзингиз бу кизиқишларга бошингиз билан кириб кетсангиз, улар тингловчиларингизни ҳам, албатта, жалб этади. Бир неча вақт аввал, Балтимордаги машғулотларимнинг бирида бир киши ўрнидан туриб, агар Чесапик кўлтиғидаги денгиз олабуғасини овлашнинг ҳозирги усули шундай давом этса, бу баликнинг кирилиб кетиши ва бу ҳолат яқин бир неча йилда содир бўлиши мумкинлиги ҳақида маълумот берди! У ўз ишини жуда яхши билар эди. Бу муаммо унинг учун шунчалик муҳим эдики, у бу ҳақда жуда жиддий ҳолда гапирарди. Унинг гапириш оҳанги ва ташқи кўриниши бунга яққол мисол эди. У гапиришни бошлаганида, бу кўрфазда баликнинг шундай тури борлигига шубҳаланмадим ҳам. Менимча, бу вазиятда бошқа тингловчилар ҳам мен каби бу ҳақда билмас эдилар, шунинг учун етарлича эътибор бермагандилар. Аммо нотик ўз нутқини яқунлашидан аввал ҳар биримиз ўзимизда бироз безовталиқ хиссини туйдик. Балки ҳар биримиз ҳукуматга ариза ёзиб, баликнинг бу турини қонун ёрдамида ҳимоя қилишни сўрашга тайёр эдик.

Бир куни мен Американинг Италиядаги собиқ элчиси Ричард Уошберн Чайлддан, унинг ёзувчи сифатидаги муваффақияти нимадан иборат эканини сўраган эдим. У шундай дея жавоб берди: «Мени ҳаёт шунчалик ҳаяжонга соладики, тинч ўтиролмайман. Мен бу ҳақда одамларга гапириб беришим керак». Бундай муаллифни ҳеч бир ҳаяжонсиз эшитиш ёки ўқиш асло мумкин эмас.

Бир пайтлар Лондонда бир нотикнинг чикишини тинглаган эдим. У ўз нутқини тугатганида, ўтирганлардан бири – машҳур инглиз романаписи Э.Ф. Бенсон, унга нутқинг

биринчи қисмидан кўра охириги қисми ёққанини таъкидлади. Сабабини сўраганимда: «Нотик ўз нутқининг сўнги қисмида кўпроқ кизиқиб кетгандек туюлди, мен эса ҳамиша кизиқиш ва завқ-шавқ билан гапирган нотикка ишонаман», дея жавоб берди.

Барча нотиклар шундай йўл тутишади, сиз ҳам бунини ёлда тутишингиз керак.

### Хулоса

1. Бизни оддий нарсалар ҳақидаги ноодатий далиллар кизиқтиради.

2. Кўпинча биз ўзимиз билан кизиқамиз.

3. Ўзгаларни ўзи ва кизиқишлари ҳақида гапиртириб, уни кизиқиш билан тинглаб ўтира олган киши ҳамиша ва ҳар ерда яхши суҳбатдош дея ном қозонади, у ҳатто жуда кам гапирса ҳам.

4. Ҳамиша тингловчиларнинг диққат-этиборини ўзгалар ҳақидаги аниқ далилларга асосланган миш-миш ва хикоялар ёрдамида жалб этиб, ушлаб туриш мумкин. Нотик унча кўп бўлмаган саволлар устида фикр юритиб, одабийлик нуқтаи назари билан тингловчиларда кизиқиш уйғотадиган хикоялар орқали тасвирлаб бериши керак.

5. Иложи борича, аниқлик ва қатъийликка интилинг. «Камбағал, аммо ҳалол» усули бўйича нутқ сўзловчи нотиклар мактабига қўшилманг. Мартин Лютерни шунчаки оддий тарзда, болалигида қайсар ва тарбияси оғир, дейиш мумкин эмас. Бу ҳақда айтиб, сўнг ўқитувчи уни кунига 15 марта хипчин билан урганини гапиришни ҳам унутманг. Бу тасвир фикрингизга аниқлик киритибгина қолмай, уни кизиқарли ва таъсирчан қилади.

6. Ўз нутқингизни образлар яратувчи иборалар, шунингдек, кўз олдингизда бир қатор тасвирлар силсиласини акс эттирувчи сўзлар билан тўлдилинг.

7. Агар бунинг иложи бўлса, мослаштирилган гаплар ва карама-карши ғоялардан фойдаланинг.

8. Қизиқиш юкумлидир. Агар нотикнинг ўзи қизиқишини намоён этсагина, тингловчиларни ҳам жалб эта олади. Аммо тингловчилар қизиқишини мавжуд қоидаларга риоя этган ҳолда қозониб бўлмайди.

## Ўн иккинчи фасл

### ЎЗ УСЛУБИНГИЗНИ ЯНГИЛАНГ

Ишсиз ва кун кўриш учун маблағи йўқ бир англиялик Филадельфия кўчаларида иш кидириб юрар эди. У машҳур ишбилармон Пол Гиббонснинг идорасига кириб, уни диққат билан эшитишини илтимос қилди. Гиббонс ташки кўриниши ўзига фойда келтирмайдиган бу нотаниш кишини ишонқирамай кўздан кечирди. Унинг кийимлари титилиб, искирти чикиб кетган, ташки кўринишидан эса молиявий барбод бўлгани яққол билиниб турарди. Ҳам кизиқиш, ҳам раҳми келганидан Гиббонс уни тинглашга рози бўлди. Аввало Гиббонс унга бир дақиқадан ортик вақт ажратмокчи эмас эди, аммо мулоқот бир соатдан ошди; суҳбат эса ҳамон давом этар эди. Хуллас, бу суҳбат Гиббонснинг Филадельфиядаги «Диллон Рид» компанияси филиалининг бошқарувчиси, шаҳарнинг энг машҳур молиячиси Роланд Тейлорга кўнғирок қилиши ҳамда Тейлорнинг нотаниш одамни кечки овқатга таклиф қилиб, унга тўғри келадиган иш топиб қўйиши билан яқунланди. Қандай қилиб таназзулга юз тутган йигитча жуда қисқа вақт ичида бундай муваффақиятга эриша олди?

Сирни очиб ташлаш мумкин: инглиз тилини мукаммал билгани сабабли. Маълум бўлишича, Оксфордни тугатгач, у иш юзасидан берилган топшириқ билан Америкага етиб келган, аммо бир омадсизлик туфайли у барчасидан айрилиб, дўстлар ва кун кўриш учун маблағсиз қолган экан. Аммо энг кўзга ташлангани: унинг гапириши шунчалик тиник ва ҳайратланарли эдики, унга қулоқ тутган одам қиявериб эскирган пойабзали, тўзиган пальтоси ва соқоли олинмаган юзини эсидан чиқарарди. Унинг гапириш услуби юқори ишбилармонлар доирасига киришини таъминловчи ҳужжатдек эди.

Бу одамнинг тарихи қайсидир маънода ғайриоддий кечган, лекин у ўзида оддий ҳақиқатни акс эттиради: ҳар куни гапирган гапимизга қараб бизга баҳо беришади. Сўзларимиз зиёли эканлигимизни намоён эгади; улар зийрак тингловчига биз қайси доирада ҳаракат қилаётганимизни билдириб туради; улар бизнинг билим ва маданият даражамизни кўрсатади.

Мен ҳам, сиз ҳам атрофдагилар билан мулоқот қилишнинг фақатгина тўрт усулидан фойдаланамиз. Бизга нима иш қилишимизга, қандай кўринишимизга, нима гапиришимиз ва буни қандай гапиришимизга қараб баҳо беришади. Шунга қарамай, айрим одамлар мактабни битиришлари билан, сўз бойликларини етарли даражада оширмай, сўзнинг маъно ўзгаришлари ва қўлланилиш ўрнига эътибор қаратмай, тўғри ва аниқ талаффуз қилишни ўрганмай, узундан-узук ҳаётий йўлини босиб ўтишга киришишади. Улар кўча-кўйдан ва ишхоналарида эшитган сийқаси чиққан иборалардан фойдаланишади. Улар талаффуз қилишнинг анъанавий қоидаларини бузиб, баъзида эса инглиз тили грамматикасининг асосий қонунларини четлаб ўтишларидан хайрон бўлмаса ҳам бўлади. Ва ҳатто олимлик даражасига эга бўлган одамлар ҳам бундай хатоларга йўл қўйишса, ўзининг иқтисодий зарурати учун сарфланадиган кучини ким ҳам таълим олишга йўналтирган бўларди?

Кўп йиллар илгари мен кундузи Рим Колизейида хаёл сурганча ўтирган эдим. Ёнимга Англия колонияларидан бирида яшаётган нотаниш англиялик келди. Ўзини таништирганидан сўнг, бу Абадий шаҳардаги ҳаётини гапириб бера бошлади. У ҳали уч дақиқа гапирмасидан, кўпол грамматик хатоларга йўл қўя бошлади. Уша куни эрталаб уйқудан уйғонгач, у кун давомида муомала қиладиган одамларининг ҳурматини жойига қўйиш ва ўзи ҳам ҳурматга сазовор бўлиш учун тоза кийим кийиб, пойабзалини қунт билан тозаллагани кўриниб турарди. Аммо у бенуксон гапириш ва иборалар тузиш учун ҳеч қандай

ҳаракат қилмаган эди. Мисол учун, у аёллар билан гаплашаётганда бош кийимини кўтариб қўймаса уят хиссини туйиши мумкин эди, лекин грамматик хатоларга йўл қўяётгани ва эътиборли тингловчиларнинг эшитиш қобилятини ҳақоратлаётганидан уялмади, ҳатто бунга эътибор ҳам бермади. Шу йўл билан у ўзининг қандай экани ва жамиятда қандай ўрин эгаллашини яққол намоён этди. Инглиз тилида нотўғри гапириши унинг маданиятдан хабарсиз киши эканини бутун дунёга кўрсатиб берди.

Чорак аср давомида Гарвард Университетининг президенти бўлган доктор Чарлз У. Эллиот шундай деган эди: «Аёл ёки эркак киши маълумотининг энг зарур қисми сифатида биргина маънавиятини тан оламан. Мен она тилини аниқ ва назокат билан қўллашни назарда тутмоқдаман». Бу ўта муҳим фикрdir. Бу ҳақда ўйлаб кўринг.

Балки сиз: сўзларни чиройли ва аниқ ифода этишни қандай қилиб ўрганмоқ лозим, деб сўрарсиз. Бахтимизга, фойдаланишимиз учун керак бўлган воситалар ҳақида гап кетганида ҳеч қандай сирлилик ва айёрликка ишимиз тушмайди. Бу восита ҳаммага маълум бўлган сирдан иборат. Линкольн бу усулдан муваффақиятли фойдаланар эди. Ҳеч бир америкалик ҳали бу каби муваффақиятли сўз бирикмаларини тузмаган ва беназир мусика каби янграйдиган бу каби такрорланмас ибораларни насрда қўлламаган эди: «Ҳеч кимга – ғазаб, ҳаммага – шафқат». Отаси – оддий ўқимаган дурадгор, онаси – алоҳида қобилятга эга бўлмаган аёл оиласида туғилган Линкольн табиатан шундай сўзлашиш қобилятига эга эдими? Бундай тахминни кўриб чиқишга ҳеч бир асос йўқ. Линкольнни конгрессга сайлашганидан сўнг Вашингтон шаҳрида расмий ҳужжат тўлдираётганида, маълумоти ҳақидаги саволга биргина сифат билан жавоб берган эди: «Қоникарсиз». Ўзининг бутун умри давомида у бирор марта ҳам мактабга бормаган эди. Унинг ўқитувчилари кимлар эди? Кентукки ўрмонларидаги Захария Бирни ва Калев Хезел, Индиана

штатининг Пижин-Крикида эса Эзел Дорси ва Энрдю Кроуфорд – буларнинг бари у кишлокдан бу кишлокка ўтиб юрувчи сайёр муаллимлар эди ва улар бир нечта ўқувчиларни топиб товук гўшти, жўхори, буғдой эвазига ўкиш, ёзиш ва арифметика дарсларини ўкитиб, шу йўл билан кун кечирешар эди. Линкольн улардан кичкина ёрдам ва унча катта бўлмаган рухий қўллаб-қувватлашни олди. У ўз атрофидагиларидан шунчалик кам нарса олганди.

Иллинойс штатининг саккизинчи суд округида Линкольн суҳбат курган фермер ва савдогарлар, ҳуқуқшунос ва судланувчилар сўзнинг фусункор қувватини хис этишмасди. Аммо Линкольн – бу эслаб қолиш керак бўлган муҳим асос – ўзига тенг ёки фикрлаш қобилияти паст бўлган бундай одамлар билан мулоқот қилишга вақтини кетказиб ўтирмас эди. У ўзига зехни ўткир инсонлар, қўшиқчилар ва шоирлар орасидан дўст танлар эди. У Бернс, Байрон ва Броунинг асарларидан бутун бошли саҳифаларини ёддан айтиб берар эди. У Бернс ҳақида маъруза ёзди. Байрон шеърларининг бир нусхаси унинг идорасида, иккинчиси эса – уйда турар эди. Унинг расмий ишхонасида турган нусхаси шу даражада қўп ишлатилар эдики, уни қўлга олганингизда, айнан «Дон Жуан» поэмаси бошланадиган саҳифада очилар эди. Ҳатто Ок уйда бўлганида, фуқаролар уруши унинг бор кучини олиб юзларида ажин тушишига сабаб бўлганида ҳам ўзи учун вақт топиб ўйкуга кетишидан аввал Гуднинг шеърларини ўкиб ётар эди. Баъзида туннинг қок ўртасида уйғониб кетиб ўзига ёккан шеърларни ўқишни бошлар эди. Ўрнидан туриб тунги қўйлак ва шиппакларда секин-аста заллардан ўтиб бориб ўз қотибига бу шеърларни биринкетин ўкиб берар эди. Президент бўлган даврида хотирасида Шекспир ижодидан бирор-бир парчани қайтаришга, бирор-бир актёрни танқид остига олишга, у ёки бу асарнинг мазмунига шахсий фикрини билдиришга вақт топар эди. «Мен Шекспирнинг баъзи ҳикояларини ўкиб чиқдим, – ёзар эди актёр Хеккетга. – Мен бу ишни ҳеч бир машқларсиз ҳар қандай ўқувчи сингари бажара оламан:



«Лир», «Ричард III», «Генри VIII», «Гамлет» ва, айникса, «Макбет». Ўйлашимча, «Макбет»га тенг келадиган асар бўлмаса керак. Бу жудаям хайратланарлидир!»

Линкольн шеърятга жуда содик эди. У шеърларни ёдлаб, уларни ўзи ва одамлар билан мулокотда кайтарар, ўзи ҳам шеър ёзишга ҳаракат қилар эди. Опасининг никоҳ маросимида ўзининг энг узун поэмаларидан бирини ўқиб берганди. Кейинчалик ҳаётининг ўрталарида ўзининг ажойиб ижоди билан бутун бошли дафтарни тўлдириб қўйди, аммо у ўз ижодидан шу даражада уялар эдики, бу ижод намуналарини хатто энг яқин дўстларига ҳам ўқишга рухсат бермас эди.

«Бу билимдон, – ёзади Робинсон ўзининг «Линкольн адабиётшунос сифатида» номли китобида, – ўз онгини асл маданият шакллари билан бойитди. Уни даҳо ёки ўта қобилиятли деб аташингиз мумкин, аммо унинг эришган муваффақиятларини Эразм Роттердамский таълими ҳақида гапирган профессор Эмертоннинг сўзлари билан ифодалаш мумкин: «У мактабда ўқиши шарт эмас – у ҳамиша ягона самарали ҳисобланган педагогик услубга кўра таълим олган: ҳамиша билимларни тўплаш ва амалий машғулотларга йўналтирилган чексиз қувватга таянар эди».

Индианадаги Пижин-Крик фермаларида кунига ўттиз бир цент эвазига чўчка бўғизлаш ва маккажўхорини оклаш билан банд бўлган бу бесўнақай одам, Геттисбергда инсоният тарихидаги энг таъсирли нутқлардан бирини сўзлади. У ерда бир юз етмиш минг нафар одам кураш олиб борган эди. Етти минг нафари ўлдирилганди. Шунга қарамай Линкольннинг вафотидан сўнг, Чарлз Самнер, бу нутқнинг, бу кураш ҳақидаги эсдаликлар буткул йўқ бўлиб кетганидан сўнг ҳам барҳаёт яшашини ва одамлар бу курашни айнан шу нутқ туфайли эслашларини айтиб ўтди. Бундай гапларнинг тўғрилигига ким ҳам шубҳаланиши мумкин?

Эдварт Эверет Геттисбергда икки соат давомида нутқ сўзлаган, аммо унинг айтган барча гаплари аллақачон эсан

чикиб бўлган. Линкольн эса икки дақиқадан кам гапирган. Сураткаш унинг нутқ сўзлаётган пайтида суратини олиб кўймоқчи эди, аммо у ўша даврнинг суратга олиш ускунасини олиб келиб ўрнатгунча, Линкольн ўз нутқини тамомлаб бўлди.

Линкольннинг нутқи бронзадан куйилиб, инглиз тили воситасида қандай катта ютуқларга эришиш мумкинлигини исботловчи намуна сифатида Оксфорд университети кутубхонасига жойлаштирилган. Омма олдида нутқ сўзлашни ўрганаётган ҳар бир инсон уни ёдлаб олмоғи лозим.

«Саксон етти йил аввал бизнинг ота-боболаримиз, бу минтақада озодлик шароитида ўсиб-улғайган ва унда ҳамма одамлар тенг, деган қондани устун кўйган бир миллатга асос солишди. Ҳозир биз улуғ Фукарлар урушини олиб бормоқдамиз, унда бундай руҳда тарбия кўрган ва шу ғояга содиқ бу ёки ҳар қандай бошқа миллатнинг кейинчалик яшаб кета олиши текширилмоқда. Биз ҳозир бу урушнинг энг буюк жанг майдонларида учрашиб турибмиз. Биз бу ерга, бу майдоннинг бир парчасини олиб кетгани, миллатнинг яшаши учун ўз жонларини берган инсонларнинг ҳокими охири манзилга олиб бориб кўйиш учун келдик. Бундай қилишимиз жуда тўғридир. Аммо бир томондан биз бу заминни муқаддаслаштира олмаймиз ва мадҳ эта олмаймиз. Бу ерда жанг қилган ўша мард инсонлар, улар хоҳ тирик бўлсин ё ўлик, аллақачон бу заминни биздан кўра кўпроқ муваффақият билан муқаддаслаштириб, кўқларга кўтардилар – биз ўзимизнинг арзимас кучларимиз билан ҳеч нарса қила олмаймиз ва бу ютуқларга ҳеч нарса қўша олмаймиз. Биз бу ерда гапирган гапларимизни дунё унчалик эсга олмайди ва сезмайди ҳам, аммо уларнинг бу ерда қандай жасорат кўрсатганларини ҳеч қачон унутмайди. Биз тириклар бу ерда мардонатор курашганларнинг тугалланмаган ишларига ўзимизни бағишлашимиз даркор. Ўзимизни ҳали олдимизда турган ўша улуғ вазифани ҳал қилиш учун бағишлашимиз лозим.

Шараф билан жон берган айнан шу инсонлардан улар сидки дилдан хизмат қилган ишларига бўлган чуқур содиклик хиссини қабул қилиб олишимиз зарур. Биз бу ерда тантанали равишда шуни маълум қилишимиз керакки, улар бекорга жон бермаганлар, миллатимиз яратганнинг марҳамати билан қозонилган озодликни янгидан тиклайди, халқ томонидан ва халқ учун бошқариладиган ҳукумат ҳеч қачон ер юзидан йўқолиб кетмайди».

Одатда, Линкольннинг ўзи бу нуткнинг якуни қисмини яратган деб ҳисоблашади, аммо аслида шундаймикан? Унинг адвокатлик ишлари бўйича ҳамкори Герндон бундан бир неча йил аввал Теодор Паркернинг нутқларидан Линкольнга бир нусха берган эди. Линкольн бу китобни ўқиб чиқиб, ундаги қуйидаги сўзларни белгилаган эди: «Демократия – буткул халқ томонидан ва тамоман халқ учун бутун халқ устидан тўғридан-тўғри ўзини-ўзи идора қилишни амалга оширишдир». Балки Теодор Паркер бу иборани Вебстердан ўзлаштириб олгандир, у бундан тўрт йил аввал Хейнга берган машҳур жавобида шундай деган эди: «Халқ томонидан халқ учун яратилган халқ ҳукумати халқ олдида жавобгардир». Вебстер эса бу иборани ўттиз йилдан сал кўпроқ вақт илгари қўллаган президент Жеймс Монродан ўзлаштирган бўлиши мумкин. Жеймс Монро уни кимдан олган экан? У туғилишидан беш юз йил аввалроқ Уиклиф Муқаддас китобнинг таржимасига ёзган сўз бошисида қуйидаги сўзлар ҳам бор эди: «бу Инжил халқ томонидан халқ учун бошқариладиган халқ ҳукумати учун». Уиклиф туғилишидан анча аввал, яъни бизнинг эрагача тўрт юз йил аввал Афина халқи олдида нутқ сўзлаган Клеон ҳукмдор ҳақида шундай деган эди: «халқ учун халқни бошқарадиган халқ». Клеон бу гапларни қайси қадимги манбадан олгани ҳақидаги саволга жавоб эса ўтмишнинг қоронғи сарҳадларида йўқолиб кетган.

Янги гаплар бунча ҳам кам бўлмаса! Кўпчилик сингари ҳатто буюк нотиклар ҳам ўқиш ва китоб олдида қарздордирлар!

Китоблар! Мана сир нимада! Ўз сўз бойлигини кенгайтириб бойитган одам, ҳамisha адабиёт дурдоналарини ўрганиб, изланиб юриши шарт. «Кутубхонага кирганимда хис қилган биргина афсусим, – дерди Жон Брайт, – ҳаёт қисқалиги ва мен ҳеч қачон олдимда турган бу китобларнинг ҳаммасини мутолаа қилишга улгуриб, улардан лаззат ололмаслигим билан боғлиқдир». Брайт ўн беш ёшида мактабни ташлаб, пахта йигириш фабрикасига ишга қиради ва шунинг учун ўқишини давом эттира олмаган эди. Шунга қарамай, у ўз даврининг энг ёрқин нотикларидан бири бўлишга муваффақ бўлди, инглиз тилини чуқур эгаллагани учун танилди. У Байрон ва Мильтон, Вордсворт ва Уитъер, Шекспир ва Шеллининг шеърий асарларидан олинган узун парчаларни ўқиб ўрганар. ўзининг дафтарига кўчириб олиб ёдлаб юрар эди. Ҳар йили у ўзининг сўз бойлигини ошириш учун «Йўқолган жаннат» китобини қайта ўқиб чиқар эди.

Чарлз Жеймс Фокс ўз услубини янада яхшилаш учун Шекспир асарларини овозини чиқариб ўқир эди. Гладстон ўз иш хонасини «дунё ибодатхонаси» деб атар ва у ерда ўн беш минг китобни сақлар эди. Унга авлиё Августин, руҳоний Батлер, Данте, Аристотель ва Ҳомернинг асарларини ўқиш ҳаётида кўп ёрдам берганини эътироф этган эди. «Иллиада» ва «Одиссея» уни руҳлантирарди. У Ҳомер шеърояти ва унинг даври ҳақида олти китоб ёзган эди.

Кичик Питга грек ва лотин тилларида ёзилган бир-икки саҳифани ўқиб, кейин бу парчаларни ўз тилига ўгириш одат бўлиб қолган эди. У бу ишни ўн йил давомида ҳар куни қиларди ва «ҳеч нима билан тенглаштириб бўлмайдиган даражада, яхши танланган ва бири-бирига мос сўзлар ёрдамида ўз фикрларини ўйламасдан изоҳлаш қобилиятига эга бўлди».

Демосфен Фукидиднинг «Тарих»ини, бу машхур тарихчининг буюк ва таъсирчан гапириш услубига эга бўлиш учун саккиз марта қайта кўчириб чиққан. Бунинг натижаси қандай бўлди? Икки минг йил ўтгач, Вудро Вильсон ўз услубини янгилаш учун Демосфеннинг ижодини ўрганди. Асквит учун яхши тайёргарлик кўриш рухоний Беркли асарларини ўқиш ҳисобланарди.

Теннисон ҳар куни Библияни ўқиб чиқар эди. Л.Н.Толстой Инжилнинг катта парчаларини ёдлаб олмагунча қайта ўқиб чиқаверарди. Рескиннинг онаси доимий ва ҳар кунлик зўр бериш билан Инжилнинг катта бобларини ёдлаб олишга ва ҳар куни «Борлик китобидан Апокалипсис (христианларнинг охир замон ҳақидаги ривоятларни ўз ичига олган диний китоби)гача барча қийин айтиладиган сўзларни» овозини чиқариб ўқишга мажбур қилар эди. Рескин шундай тартиб-интизом ва меҳнат ёрдамида адабиётда ўз диди ва услубини шакллантиришга эришганини эътироф этади.

Айтишларича, инглиз адабиётидаги энг ёқимли исм-шарифларнинг бош ҳарфлари – бу Р.Л.С. бўлган экан. Аслини олганда, Роберт Луис Стивенсон ёзувчилар учун ёзувчи эди. Уни машхур қилган бундай услубни у ўзида қандай қилиб ярата олди? Бахтимизга унинг ўзи бу ҳақда бизга гапириб беради:

«Мен бирор бир китоб ёки парчани ўқиётганимда унда бирор бир алоҳида куч ёки услуб намоён бўла бошласа, мен шу заҳотиёк столга ўтириб ўзимни бу муаллифга тақлид қилишга мажбур этардим. Бу иш менинг қўлимдан келмас эди, мен бунга билар эдим, яна қайтадан бошлар эдим, аммо яна мағлубиятга учрар эдим. Менинг ҳеч қачон омадим чопмас эди. Аммо қаттиқ меҳнат қилишимга қармасдан, мен асарнинг алоҳида қисмларидаги вазн системаси, ўзаро мослик ва унинг тузилиши борасида бир қанча тажрабага эга бўлдим.

Шундай қилиб, мен Хезлит, Лэм, Вордсворт, жаноб Томас Браун, Дефо, Хоторн ва Монтенга шижоат билан тақлид қилар эдим.

Ёзишни яхши ўзлаштириб олишга бўлган йўл, бизга ёкадими-йўкми шундан иборат; бу менга фойда келтирдими ёки йўк, аммо бу айнан мана шу йўлнинг ўзидир. Айнан шу йўл билан Китс таълим олган, лекин адабиётда ундан кўра нозик дид ва темпераментли ёзувчи бўлмаган.

Бу тақлидлардан келиб чиқадиган энг асосий маъно, ўқувчининг қўли етмайдиган жойда ноёб бир намуна борлигини акс эттиришдан иборат. Токи у ўзига ёқканича ҳаракат қилсин. Балки у мағлубиятга учрар, бироқ омадсизлик – муваффақиятга етаклайдиган энг яхши йўлдир, деган эски, аммо жуда тўғри мақол бор».

Номлар ва аниқ ҳикоялар анча. Сир ҳам ойдинлашди. Энг етук адвокат бўлишни чин дилдан истаган ёш йигитга Линкольн мактуб йўллаган эди: «Муваффақиятга эришишнинг энг ягона йўли, китобларни излаб топиб, уларни яхшилаб ўқишдир. Энг асосийси – меҳнат, меҳнат, ва яна меҳнат».

Қандай китоблар? Келинг, гапни Арнолд Беннетнинг «Қандай қилиб суткасига йигирма тўрт соат яшаш мумкин» китобидан бошлайлик. Бу китоб муздек душ каби инсонга қувват беради. У сизга машғулотлар орасида сиз учун энг қизиғи, яъни ўзингиз ҳақингизда кўп маълумот беради. У сизга ҳар куни қанча вақтингизни бекор кетказаётганингизни, мақсадсиз сарфлашга қарши курашиб, тежаб қолганларингиздан қандай фойдаланишингиз кераклигини очиқ-ойдин кўрсатиб беради. Китоб атиги бир юз уч бетдан иборат. Уни осонлик билан бир ҳафта ичида ўқиб чиқса бўлади. Ҳар куни эрталаб уйғонганингизда ундан йигирма варағини йиртиб олиб, чўнтагингизга солиб қўйинг. Шундан сўнг эрталабки рўзномаларни ўқиш учун одатдаги йигирма ёки ўттиз дақиканинг ўрнига ўн дақиқа сарфланг.

«Мен рўзномаларни ўқишдан воз кечиб, уларни Тацит ва Фукидид, Ньютон ва Евклиднинг китобларига алмашдим, – деб ёзган эди Томас Жефферсон. – Ва ўзимни жуда бахтли ҳис этмоқдаман». Наҳотки, сиз ҳам Жефферсондан ўрнак олиб, газеталарни ўқишга кетган вақтингизни икки ҳиссага

кискартириб, вақтни яна муҳимроқ нарсага, яъни яхши китоб ўқиб ўзингизни бахтлироқ ва ақллироқ ҳис этишингиз мумкинлигини тушунмаган бўлсангиз? Ўзингиз билан бирга олган варақларни лифт, автобус, буюртирилган таом ёки учрашувни пойлаётганингизда ўқшингиз мумкин эмасми?

Бу йигирма варақни мутолаа қилиб бўлганингиздан сўнг, уни қайтиб китоб ичига солиб қўйинг, кейинги йигирма варақни йиртиб олинг. Уларнинг барини ўқиб бўлгач, йиртилган варақларни йўқотиб қўймаслик учун китоб муқовасини резинка лента билан ўраб қўйинг. Ахир кутубхонанинг токчаларида чанг босиб тургандан кўра китобнинг ичидаги мазмунни қабул қилиб олиш учун йиртиб ўқиган яхши эмасми?

«Қандай қилиб суткасига йигирма тўрт соат яшаш мумкин» китобини ўқиб чиққанингиздан сўнг сизни шу муаллифнинг яна бир китоби қизиқтириб қолиши мумкин. «Инсоният машинаси» китобини ўқишга ҳаракат қилиб кўринг. Бу китоб сизни одамлар билан янада яхшироқ муносабатда бўлишга ўргатади. Бу китоб сизни вазминлик ва эсанкирамаслик учун тарбиялайди. Бу китоблар уларда нима ёзилгани учунгина эмас, балки бу ҳақда қандай гапириш кераклиги, шунингдек, луғат захирангизда, албатта, бўй кўрсатиб, уни бойитиш ва тозалашга таъсир кўрсатиши учун ҳам тавсия этилади.

Шунингдек, биз сизга яна бир қанча фойдали китобларни тавсия этамиз: «Спрут» ва «Биржа» – Фрэнк Норриснинг анча илгари ёзилган энг яхши америка романларидан ҳисобланади. Биринчисидан инсоний ҳиссиётлар ва Калифорниянинг буғдойзорларида содир бўлган ҳалокатлар ҳақида гапирилса, иккинчисидан Чикаго биржасидаги баланд тоифадаги «буқалар» ва паст табақадаги «айиқлар» – биржа далоллари ўртасидаги жанглар ҳақида сўз юритилади. Томас Хардининг «д'Эрбервиллейлар сулоласидан бўлган Тэсс» ўзининг ажойиб асарлардан бири эканлигини намойиш этади. Шунингдек, Ньюэлл Дуайт Хиллиснинг «Инсоннинг жамият учун аҳамияти» ва профессор Уильям

Жеймснинг «Муаллимлар билан суҳбатлар» китобларини ҳам ўқиб чиқишга тўғри келади. Андре Моруанинг «Шелли ҳаёти», Байроннинг «Чайльд Гарольд» ва Роберт Луис Стивенсоннинг «Эшак билан саёҳат» китоблари ҳам сизнинг рўйхатингизга кириши керак.

Ралф Уолдо Эмерсонни ўзингизнинг кундалик ҳамроҳингиз қилиб олинг. Сизга энг аввало, унинг «Ўз-ўзига ишонч» номли машҳур эссесини беришига мажбур қилинг. У қулоғингизга қуйидаги каби сўзларни пичирлаб айтиб турсин:

«Қалб тубида уйғонган фикрларингизни айтинг ва у барча учун маъно касб этади, зеро вақт ўтиб сирли нарсалар аён бўлиб, дилингизда милтиллаган эътиқод маҳшардан садо беради. Ҳар биримиз қалбимиздаги овозга қанчалик ишонмайлик, Мусо, Афлотун, Милтонга энг ҳавас қиладиган тарафи улар китоб донишмандликлари ва кундалик фикрларга бепарволик билан қараб, уларни ўраб турган одамларнинг ўйлаганларини эмас, балки ўзлари нимани ўйлаган бўлсалар шуни айтадилар. Инсон башорат қилувчилар ва қасиданавис шоир — юлдузлардан таралаётган нурни эмас, балки қалбини ичдан ёритувчи ёруғлик шуъласини фаҳмлашни ва илиб олишни ўрганиши керак. Биз эса фикрларимиз қалламизга ўз-ўзидан келгани учун уларнинг бутунлай ўчиб кетишига бепарволик билан қараймиз. Даҳонинг ҳар бир сўзидан ўзимиз йўқотган фикрларимизни илғай бошлаймиз; кейинчалик улар бизга ёруғлик чамбарагининг совуқкон салобати орқали яна қайтишади. Буюк санъат яратмалари бизга бериши мумкин бўлган энг ибратли сабоқ айнан мана шундан иборат: улар ҳеч бир қаршиликсиз, айниқса, тескарисини омма бўлиб таъкидлашганида ҳам тасаввурларимизни ўз қўлимизда ушлаб туришимизга ёрдам беришади. Агар биз бу таассуротлардан воз кечадиган бўлсак, эртага таниш бўлмаган бирортаси биз қачонлардир тасаввур қилган ва ўйлаганларимизни исботлаб бериши мумкин, шунда биз ҳеч уялмасдан бошқа одам қатъий ишонтирган ўз фикрларимизни қўлдан чиқармаслигимизга тўғри келади.



Ҳар бир инсоннинг маънавий ҳаётида шундай фурсат келадики, у маслак сари яқинлашганда билимсизликдан ҳасад дунёга келади; тақлид қилиш эса ўз-ўзини махв этишдир; инсон хоҳлайдими-йўқми унга берилган тақдирга қўниши; уни ҳаёт қандай имкониятлар билан сийлашидан қатъий назар, унга ажратилган ерни яхшилаб суғормаса юмшоқ нон топа олмаслигига ишонч ҳосил қилиши керак. Унга берилган кучларга ўхшашини табиатдан топиб бўлмайди, у нимага қодирлигини эса фақат ўзигина билиши мумкин, аммо у ўзини буткул синамагунча ҳеч нарса аён бўлмайди».

Ҳар ҳолда биз ҳақиқатдан ҳам яхши нотиқларни охирига асраб қўйдик. Улар кимлар? Жаноб Генри Ирвингдан энг яхши юзта китобнинг рўйхатини тузиб беришларини сўрашганида, у шундай дея жавоб берган эди: «Юз китобдан иборат рўйхатни тузишдан аввал менга иккита китобни, яъни Шекспир ва Инжилни ёдлаб олишга имкон беринг». Жаноб Герни ҳақ эди. Инглиз адабиётининг бу икки буюк булоғидан баҳраманд бўлинг. Иложи борича, тез-тез ва узок. Қўлингиздаги кечки рўзномаларни бир четга улоқтириб: «Шекспир, бу кеча менинг олдимга келиб, Ромео ва унинг Жульеттаси ҳақида, Макбет ва унинг шуҳратпарастлиги тўғрисида сўзлаб бер», деб айтинг.

Агар сиз бу маслаҳатларга амал қилсангиз, нимага эришасиз? Секин-асталик ва билинмас тарзда сизнинг нутқ охангингиз янада чиройли ва назокатли бўлиб бораверади. Сиз қайсидир маънода секин-аста ўз ҳамроҳларингизнинг шуҳрати, чиройи ва буюклигини ўзингизда акс эттира борасиз. «Айт-чи, нимани мутолаа қиляпсан, – деб сўз кистиради Гёте, – шунда мен сенга аслида ким эканлигингни айтаман».

Мен тақлиф этаётган бу ўқиш дастури сиздан бир оз ирода кучи, шунингдек, вақт тежамкорлигини талаб қилади... Сиз Шекспир пьессалари ва Эмерсон эсселарининг чўнтакка мўлжалланган китобларини харид қилишингиз мумкин.

## Марк Твеннинг сўзларни қўллаш сири

Марк Твен сўзларни қўллаш борасидаги мислсиз лаёқатини ривожлантиришга қандай эришган эди? У йигитлик чоғида дилижанс (йўловчи ва почта ташийдиган арава)да Миссуридан Невадагача бўлган жойни ниҳоят даражада секин ва жуда ҳам азоб билан босиб ўтган. Йўловчилар учун бўлгани каби отларга ҳам озик овқат, баъзан, ҳатто сув ташишга ҳам тўғри келарди. Ортикча юк ҳалокатга сабаб бўлиши мумкин эди. Ҳар бир юк учун унинг ҳар бир унция оғирлигини ҳисобга олган ҳолда ҳақ тўлашар, аммо шунга карамай Марк Твен ҳамиша ўзи билан Вебстернинг луғатини олиб юрар эди, бу китоб у билан тоғли доvonларда, куёш киздирган чўлларда, ҳатто ҳиндулар ва карокчилар тўлиб-тошган адирларда ҳам бирга бўлган. У сўзларнинг ҳукмдори бўлмокчи эди. Ва унга хос хусусият – мардлиги ва соғлом фикрга эгалиги зарур бўлган нимаики ишни бошласа, ўша ишни маҳорат билан уддаларди.

Питт ҳам, лорд Четем ҳам луғатнинг ҳар бир бетини ва сўзларини икки марталаб ўрганиб чиқишган эди. Броунинг уни ҳар куни синчиклаб ўрганар ва бундан ҳузур ва фойда олар эди. Линкольн «ғира-шира пайтда мутоалаа қилишни ёқтирар эди, – деб ёзишади унинг биографлари Николи ва Хей, – ва ниманидир кўриш имконияти колгунга қадар луғатни титкилайверарди». Бу фавқулодда ҳодиса эмас, албатта. Ҳар бир буюк ёзувчи ва ҳар бир машҳур нотик айнан шундай қилади.

Вудро Вильсон инглиз тили соҳасида жуда ноёб қобилиятга эга эди. У томонидан ёзилган айрим нарсалар – Германияга қарши уруш ҳақидаги Декларация бўлимлари – адабиётда шубҳасиз ўз ўрнига эгадир. У сўзлардан фойдаланишни қандай қилиб ўргангани ҳақида қуйидагиларни айтиб берганди:

«Отам ҳеч қачон ҳеч бир оила аъзоларимизга нотўғри сўзлашга руҳсат бермас эди. Болалар томонидан айтилган

гапда йўл кўйилган ҳар қандай хато шу захотиёк тўғриланар эди; ҳар қандай нотаниш сўз айтилган захоти тушунтирилари; суҳбатлашганимизда шундай сўзлардан фойдаланган ҳар бир киши рағбатлантирилари эди, бу эса сўзларнинг хотирамизда мустаҳкам ўрнашиб қолишига сабаб бўларди».

Ўзининг сўз бойлиги ва уларни чиройли талаффуз этиши билан мактовга сазовор бўлган нью-йорклик бир нотик яқинда бўлиб ўтган суҳбатларнинг бирида аниқ ва чиройли сўзларни топиб гапириш сирини очди. У ҳар гал мулоқот ёки мутолаа чоғида нотаниш бирор сўз билан танишиб қолса, уни дарҳол ён дафтарчасига ёзиб кўярди. Сўнг ўрнига ётишдан аввал у ён дафтарчасини чиқариб бу сўзларни ёдлашни бошларди. Агар у шу йўсинда кун давомида ҳеч қандай маълумот йиға олмаса, Ферналднинг «Синонимлар, антонимлар ва олд кўмакчилар» китобидан бир-икки саҳифасини варақлаб, синоним сифатида ўрнига алмаштириб бўладиган, у аҳамиятли деб билган сўзларни ўрганарди. Кунига янги бир сўз – унинг шиори шундай эди. Бу эса ўз фикрларини ифодалаш учун бир йил давомида уч юз олтимиш бешта янги қурол йиғиб кўйди, дегани. Янги сўзлар шу зайдда ён дафтарчада тўпланар, уларнинг моҳияти эса кун давомида бўш пайтларда кўриб чиқиларди. Янги сўзни уч марта ишлатгандан сўнг унинг кундалиқ ишлатадиган сўзларидан бирига айланганини фаҳмларди.

### **Фойдаланадиган сўзларингизнинг романтик тарихи**

Луғатдан сўз маъносини билиб олиш учунгина эмас, балки унинг келиб чиқишидан хабардор бўлиш учун ҳам фойдаланинг. Сўз маъносидан кейин қавснинг ичида унинг этимологияси бериледи. Кундалиқ ҳаётингизда қўллайдиган мазкур сўзларни ҳеч қачон зерикарли ва мазмунсиз товушлардан иборат, деб ҳисобланг. Улар ёркинлик ва романтикага тўладир. Мисол учун, сиз «боққолга шакар

масаласида телефон оркали кўнғирок қилинг» каби насрий жумлани кўплаб турли тиллар ва цивилизациялардан ўзлаштирилган сўзларсиз айта олмайсиз. «Телефон» икки грекча сўздан иборат: «теле» – «узук» ва «фон» – «товуш» маъноларини беради. «Боккол» сўзи арабча «сабзавотлар сотувчиси» сўзидан келиб чиққандир. Инглизлар «шакар» сўзини француз тилидан ўзлаштиришган, французлар эса – испанлардан. Испанлар ўз навбатида бу сўзни араблардан, араблар эса – форсийлардан олишган. Форсча «шакар» сўзи санскритча «каркара» – «ширинликлар» сўзидан ўзлаштирилган.

Сиз «компания» учун ишлашингиз ёки унинг хўжайини бўлишингиз мумкин. «Компания» сўзи эски француз тилидаги «компаньон» сўзидан сўзма-сўз таржима қилинганда «сот» – «билан» ва «panis» – «нон», яъни сиз билан бирга нон ейдиган одам маъноларидан келиб чиққан. Умуман олганда, «компания» сўзи бирга меҳнат қилиб нон сотиб олишга етадиган пулни топадиган инсонлар жамиятини билдиради. Чўнтагингизда ётган «доллар» сўзма-сўз таржима қилганда «талер» – «водий» маъносини билдиради; доллар илк бора муқаддас Иоахим водийсида XVI асрда зарб қилинган.

«Январь» сўзи Римда яшаган этрусклик темирчи номидан келиб чиққан, унинг касби эшиклар учун кулф ва болтлар ясаш эди. У вафот этганида мажусийлар худоси сифатида икки юзли қилиб тасвирлашган, у бир вақтнинг ўзида икки томонга қарай оларди, чунки бу эшикларнинг очилиб-ёпилиши билан боғлиқ эди. Шунинг учун биринчи йилнинг охири ва иккинчи йилнинг бошида турган ой «январь», яъни Янус ойи деб аталди. Айнан мана шунинг учун биз январь ҳақида гапирганимизда, эрамиздан минг йил аввал яшаб ўтган темирчи ва унинг Януа исмли хотинини ёдга оламиз.

Еттинчи ой Юлий Цезар шарафига июль деб аталган. Шунинг учун император Август ундан орқада қолишни истамай, кейинги ойни август дея номлади. Аммо у

пайтларда саккизинчи ой ўттиз кундан иборат эди, Август эса ўзининг номи билан аталган ой кунлари Юлий Цезар шарафига қўйилган ой кунларидан кам бўлишини хоҳламас эди. Шунинг учун у февраль ойидан бир кунни олиб ўзининг август ойига қўшиб қўйди. Бу буюк ўғрилиқнинг натижасини ҳозир ҳам ўз кўзингиз билан деворингизда осиглиқ турган календарда кўришингиз мумкин. Аслини олганда сўзларнинг тарихи жуда кизикарли эканига амин бўласиз.

Катта луғатдан қуйидаги сўзларнинг келиб чиқишини излаб топишга ҳаракат қилиб кўринг: атлас, бойкот, улкан, дастмоя, ойпараст, бутерброд. Уларнинг тарихини билиб олинг. Шу тарзда бу сўзлар янада ранг-баранг ва икки карра кизикарлироқ тусга киради. Шунда уларни янада катта кизикиш ва иштиёқ билан қўллай бошлайсиз.

### **Бир гапнинг бир юз тўрт марта ёзилиши**

Фикрларингизнинг энг нозик маъноларини ифода-лашга ва нимани назарда тутганингизни иложи борича аниқ гапиришга ҳаракат қилинг. Бу жараён ҳатто тажрибали ёзувчилар учун ҳам ҳамиша осон кечмаган. Бир куни менга Фанни Херст ўз гапларини эллик марта қайта ёзиб чикканини айтиб берган эди. Бизнинг суҳбатимиз ўтишидан бир неча кун аввал у бир гапини бир юз тўрт марта қайта ёзганини айтиб берди. Мейбл Герберт Урнер бир неча рўзномаларда чоп этилиши керак бўлган қисқа хикоядан бир-икки гапни қискартириш учун бутун кунини бағиш-лашини айтган эди.

Гувернер Морриснинг айтишича, Ричард Хардинг Дэвис тўғри ва мос келадиган сўзларни топиш учун тинимсиз ишларди.

«Унинг бадийий насридаги ҳар бир сўзи у таклиф қилиши мумкин бўлган ҳар қандай чексиз ибораларидан кўра муносиблик касб этарди. Иборалар, хат бошилар,

сахифалар, хатто бутун бошли хикоялар кайта-кайта кўчириларди. У нуксонларни бартараф қилиш коидаси асосида ишлар эди. Агар у дарвоза олдида бурилаётган автомобилни тасвирламоқчи бўлса, дастлаб бирор бир далилни четда қолдирмаган ҳолда бу вазиятни узундан-узук ва батафсил баён этардики, христиан оламидаги ҳеч бир кузатувчан одам ҳам бу воқеа билан боғлиқ тафсилотларни эсда сақлаб қола олмас эди. Шундан сўнг у бу далилларни, яъни ўзи зўрға эслаган далилларни бирин-кетин четга чиқара бошлар эди. Ҳар бир қисқартиришдан сўнг, у ўзидан: «Манзара сақланиб қолмоқдами?» деб сўрар эди. Агар у сақланиб қолинмаган бўлса, ўзи чиқариб ташлаган далилларни яна қўшиб қўяр ва бошқаларини четлаштирар эди ва ҳоказо ва ҳоказо. Бу азаматларча қилинган меҳнат токи ўқувчилар учун ёркин ва аниқ манзараларни тухфа этмагунча, энг кичик тафсилотлари яқунлангунга қадар давом этарди, унинг хикоялари ва романтик тарихлари ҳамиша ана шундай қойилмақом тарзда безатиларди».

Кўпчилигимиз эса сўзлар устида бундай меҳнат қилишга на вақт топамиз ва на хоҳиш. Бу каби воқеалар шунинг учун эътиборингизга ҳавола этилмоқдаки, таникли ёзувчилар ўз фикрларини баён этиш ва ифодалашнинг тўғри усулидан фойдаланганларининг аҳамиятини намоён этиш эди. Бу сизни руҳлантириш ва тил имкониятларидан кенгрок фойдаланишга қизиқишингизни кучайтириш учун амалга оширилмоқда. Албатта, нотик бирор бир гап айта туриб ўз фикрини ифодалаш учун айнан қайси сўздан фойдаланиши кераклиги ҳақида ўйлаб ўтиришининг иложи бўлмайди. Аммо у фикрларини ғайририхтиёрий равишда аниқ ифодалашга эришмагунча кундалик мулоқот давомида ўзини тарбиялаб бормоғи лозим. У шундай йўл тутиши зарур, аммо аслида ҳам шундайми? Йўқ.

Мильтон саккиз минг, Шекспир эса ўн беш минг сўздан фойдаланган, дейишади. Инглиз тилининг одатий луғати ярим миллиондан эллик минг кам сўзни ўзида сиғдира олади. Аммо бизда бор маълумотларга кўра, ўртача

одам тахминан икки минг сўз билан чекланади. Унинг захирасида бир канча миқдорда феъллар, уларни бир-бирига боғлаш учун эса етарлича боғловчи сўзлар, бир сиким отлар ва бир талай чеккада қолиб кетган сифатлар мавжуд. У ўз фикрларини ифода этишда аниқлик ва ёркинликка эришиш борасида ўта яқков ёки бошқа ишлар билан банд. Бунинг натижаси нимага олиб келади? Мисол келтиришга рухсат бергайсиз. Бир сафар мен Колорадо ясси тоғидаги катта дарага яқин жойда ёддан чиқмас бир неча кунларни ўтказиб келдим. Кун давомида мен бир хонимнинг чао-чао зотли ити, оркестр томонидан чалинаётган мусиқий асар, инсон табиати ва катта дара хақида гапирганида фақатгина битта сифатдан фойдаланганини пайкадим. Бу «чиройли» сўзи эди.

У нима дейиши керак эди? Роженинг «Сўзлар хазинаси» (P.Roget. «Treasure of Words») китобидан «чиройли» сўзига синоним топиб уни ишлатиши керак эди. Бу жуда катта фойда келтирадиган унинг тўлик луғатининг (P.Roget. «Thesaurus of Words and Phrases») қискартирилган шакли эди. Агар бу китоб столим устида турмаса, мен ёзгани ўтирмайман. Мен уни оддий луғатлардан кўра ўн чандон кўпроқ ишлатаман.

Роже бу китобнинг яратилиши учун ўзининг кўп йиллик меҳнатини бағишлади! Аммо шунга қарамасдан бир бўйинбоғнинг пулига келган бу китоб сизнинг столингизда турган ҳолда бутун умр хизмат қилади. Бу китоб кутубхона жавонларида турадиган китоблардан эмас. Бу хамиша фойдаланиладиган қуролдир. Нутқларингизни ёзаётганингизда, ифодалаган фикрларингизни таҳрир қилишда, албатта, бу китобдан фойдаланинг. Бу китобга ўз мактубларингизни айтиб туриб ёздирганингизда ва қўмитангизнинг маърузаларини тайёрлаётганингизда мурожаат қилинг. Ундан иложи борича ҳар кун фойдаланинг, шунда у сўзларни бошқариш малакангизни икки ёки уч баробарга оширади.

## Сийқаси чикқан иборалардан қочинг

Нафакат аниқ, балки ўз фикрларингизни янги ва ноодатий сўзлар билан ифодаланг. Нарсаларни ўз номи билан аташ учун жонбозлик кўрсатинг. Мисол учун, бутун дунёдаги тошкиндан сўнг қайсидир ақлли одам «бодринг каби муздеқ» каби иборасини биринчи мартаба қўллаганди. Ўшанда бу ибора фавқулодда яхши ва мутлақо янги эди. Ҳатто машҳур Валтасаров зиёфати даврларида ҳам бу ибора ўзининг илк ҳолатини саклаб қолиб, базмларда нутқ сўзлашганда ундан фойдаланишган эди. Аммо ўзига хослиги билан мағрурланадиган ҳар қандай одам шунча вақт ўтгандан сўнг бу иборани қўллармикан?

Этиборингизга совукни ифодаловчи бир олам ўхшатишларни ҳавола этамиз. Улар бодрингга ўхшатишган каби сийқаси чикқан эмас, балки анча маънодор, янги ва қабул қилса бўладиган иборалардир.

Қурбақа каби совук.

Эрталабки товадек совук.

Шомпол – сумба каби совук.

Тобут каби совук.

Гренландиянинг музли чўққилари каби совук.

Лой каби совук. – Колриж.

Тошбақа каби совук. – Ричард Камберленд.

Қор уюми каби совук. – Аллан Каннингем.

Туз каби совук. – Жеймс Хьюнекер.

Ер чувалчанги каби совук. – Морис Метерлинк.

Шафак каби совук.

Кузги ёмғир каби совук.

Кайфиятингиз яхши бўлган пайтда совукни ифодаладиган ўз ўхшатишларингиз ҳақида ўйланг. Ўзига хослигингизни намойиш этинг. Уларни бу ерга ёзинг.

...каби совук.

...сингари совук.

...дай совук.



...дек совук.

Бир куни мен Кетлин Норрисдан қандай қилиб услубни яхшиласа бўлади, деб сўрадим. «Классик шоирлар ва ёзувчиларнинг асарларини ўқиб, – дея жавоб берди у, – ҳамда ўз асарларингиздаги ортиқча ва тишга тегадиган ибораларга танкидий кўз билан қараб, уларни кескин тарзда олиб ташлаш йўли билан».

Бир журнал муҳаррири нашр учун юборилган бирор-бир мақола ёки ҳикоядан икки ёки уч бачкана иборани топса, уларни ўқишга вақт кетказмай муаллифига қайтариб юборишини айтиш билан бирга, сўзларни ўзига хос тарзда ифодалай олмаган одамнинг фикрлаши ҳам ўзига хос бўлмаслигини қўшимча қилганди.

### Хулоса

1. Бизда одамлар билан мулоқот қилишнинг фақатгина тўрт усули мавжуд. Нима қилишимиз, қандай кўришимиз, нима дейишимиз ва буни қандай айтишимизга қараб биз ҳақимизда ҳукм чиқаришади. Тилдан қандай фойдаланишимизга қараб бизга баҳо беришади. Чорак аср давомида Гарвард Университетининг президенти бўлган доктор Чарлз У. Эллиот шундай деган эди: «Аёл ёки эркак киши маълумотининг энг зарур қисми сифатида биргина маънавиятини тан оламан. Мен она тилини аниқ ва назокат билан қўллашни назарда тутмоқдаман».

2. Нутқ услубингиз маълум даражада атрофингиздаги улфатларингизнинг муомала услубини акс эттиради. Шунинг учун Линкольндан ўрнак олиб, адабиётнинг энг илғор намоёндалари билан дўст туторинг. У Шекспир ва бошқа буюк шоир ва ёзувчиларнинг асарларини ўқигани каби сиз ҳам оқшомларингизни мутолаа қилиб ўтказинг. Буни сездирмай амалга оширинг, шунда тафаккурингиз

муқаррар равишда бойиб боради ва гапириш услубингиз қайсидир маънода дўстларингизнинг муомала маданияти ва шарафини ҳимоя қилади.

3. «Мен рўзномалардан воз кечиб, уларнинг ўрнига Тацит ва Фукидид, Ньютон ва Эвклиднинг китобларини алмашдим, – деб ёзади Томас Жефферсон. – Ва ўзимни янада бахтли ҳис этмоқдаман». Нима учун ундан ибрат олмаслик керак? Газета ўқишдан бутунлай воз кечманг, аммо уларга ҳозиргидан кўра икки қарра камроқ вақт ажратинг. Бу каби ишлардан тежалган вақтингизни бошқа жиддийроқ китобларни ўқишга сарфланг. Бу китобнинг йигирма-ўттиз варағини йиртиб олиб, чўнтагингизда олиб юринг ва кун давомида бўш вақтингиздан фойдаланиб уларни ўқиб чиқинг.

4. Ёзув столингизда турган луғат билан бирга мутолаа қилинг. Нотаниш сўзларни изланг. Бу сўзлар хотирангизда мустаҳкам ўрнашиши учун уларни татбиқ этиш йўлини топишга ҳаракат қилинг.

5. Қўллаётган сўзларингизнинг келиб чиқишини ўргангиз. Бу сўзларнинг келиб чиқиш тарихи зерикарли ва қуруқ эмас, балки кўп ҳолларда романтикага тўладир.

6. Кўп ишлатилган ва сийқаси чиққан сўзларни ишлатманг. Ўз фикрларингизни аниқ ифода этинг. Роженинг «Сўзлар ҳазинаси» луғатини ҳамиша ёзув столингизда бўлишини таъминланг. Унга тез-тез мурожаат қилинг. Сизга маъқул ҳар бир нарсани фақатгина «чиройли» сўзи билан ифода этаверманг. Аслида «чиройли» сўзига бирор бир синоним топиб, ўз фикрларингизни янада аниқроқ ва яхшироқ ифода этишингиз мумкин, мисол учун: зебо, ўзгача, дилқаш, ёқимтой, ўзига хос, латофатли, таҳсинга лойиқ, ёрқин, зийнатли, беназир ва ҳ.к.

7. «Бодрингдай совуқ» каби сийқаси чиққан ўхшатишлардан фойдаланманг. Янгиликка интилинг, бошқаларникидан фарқли ўхшатишлар яратишга ҳаракат қилинг. Ўзингизга хос хусусиятларни намоён этишда жасоратли бўлинг.

## МУНДАРИЖА

### *Биринчи фасл*

ЎЗИНГИЗДА ЖАСУРЛИК ВА ИШОНЧ ХИСЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРА ОЛАСИЗМИ.....	3
--	---

### *Иккинчи фасл*

ЎЗИГА БЎЛГАН ИШОНЧГА ЭРИШИШ УЧУН ТАЙЁРГАРЛИК ЗАРУР.....	22
Бекаму кўст тайёргарлик.....	23
Муваффақият козонмаслиги мумкин бўлмаган нутк.....	26
Ҳақиқий тайёргарлик нима.....	27
Йель мактаби декани Брауннинг доно маслаҳати.....	28
Линкольн ўз чиқишларига қандай тайёргарлик кўрар эди.....	31
Нутк сўзлаш учун қандай тайёрланиш керак.....	36
Захирадаги билимлар сири.....	41

### *Учинчи фасл*

МАШҲУР НОТИКЛАР ЎЗ ЧИҚИШЛАРИГА ҚАНДАЙ ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШГАН.....	46
Мукофот олган нутк қандай тузилган эди.....	48
Доктор Конуэлл ўз нутқларини қай тарзда тузган.....	55
Машҳур кишилар ўз нутқларини қандай тайёрлашган.....	56
Ёзувларингиздан фол очинг.....	60
Чиқишлар чоғида қайдлардан фойдаланиш керакми?.....	61
Матни тўлиқ ёдлаб олманг.....	62
Генерал Грант Аппоматтокс кишлоғида.....	63
Нима учун фермерлар Линкольнни «ўта ялқов» деб ўйлашган?.....	65

### *Тўртинчи фасл*

ХОТИРАНИ ҚАНДАЙ МУСТАҲКАМЛАШ МУМКИН.....	69
Нима учун улар дарахтни пайкашмади.....	71
Нима учун Линкольн овоз чиқариб мутолаа қилган.....	72
Марк Твен ёзувларсиз сўзлашни қандай ўрганган.....	73
Бутун бошли китобни қандай қилиб ёдлаб олиш мумкин.....	76
Такрорлашнинг қайси усули фойдали.....	77
Профессор Уильям Жеймс яхши хотирага эга бўлиш сирини изоҳлайди.....	79
Далилларни ўзаро қандай боғлаш керак.....	80
Саналарни қандай эслаб қолиш мумкин.....	82
Нутқ режасини қай тарзда эсда сақлаш мумкин.....	84
Буткул муваффақиятсизликка учраганда нима қилиш керак.....	86
Барча турдаги мавзуларни хотирада сақлашни яхшилашнинг иложи йўқ.....	88

*Бешинчи фасл*

ОММА ОЛДИДА НУТҚ СЎЗЛАШ МУВАФФАҚИЯТИНИНГ ДАСТЛАБКИ ШАРТЛАРИ .....	92
Тиришқоклик жуда зарур .....	93
Қатъиятингизни намоён этинг .....	94
Ҳаракатларингиз мукофотга лойиқлигига ишонамиз .....	96
Ёввойи Кайзер чўққисига чикиш .....	99
Ғалабага стаклайдиган иродага эга бўлинг .....	100

*Олтинчи фасл*

ЯХШИ НУТҚ СЎЗЛАШ СИРИ .....	105
Нутқ сўзлаш одоби нима? .....	107
Кўнгилдагидек нутқ сўзлаш сири .....	109
Генри Форд маслаҳати .....	111
Омма олдида нутқ сўзлаганингизда бу усулларни қўллайсизми? .....	116
Биринчидан, муҳим сўзларни алоҳида таъкидланг, қолганларини эса уларга бўйсундинг .....	116
Иккинчидан, овозингиз оҳангини ўзгартиринг .....	118
Учинчидан, нутқингиз суръатини ўзгартиринг .....	120
Тўртинчидан, муҳим фикрлардан аввал ва кейин тўхтаб олинг .....	121

*Еттинчи фасл*

МИНБАРГА ЧИҚИБ ХАЛҚ ОЛДИДА СЎЗЛАШ ВА ШАХСИЯТ .....	126
Нима учун бир нотикнинг чиқиши бошқасиникига қараганда яхшироқ бўлади .....	128
Кийим сизга қандай таъсир кўрсатади .....	129
«Ҳали гап бошлашга улгурмасимиздан бизга танбех беришади ёки қувватлашади» .....	131
Тингловчиларни бир жойга тўпланг .....	133
Майор Понд деразани синдирар эди .....	135
Юзингизни еритувчи нур бўлсин .....	135
Саҳнада ҳеч қандай ортиқча нарсага ўрин йўқ .....	136
Саҳнада ҳеч қандай меҳмонга ҳожат йўқ .....	138
Ўтириш олоби .....	139
Вазминлик .....	139
Бемаъни ҳагги-ҳаракатлар табиий имо-ишоралар ўрнини босолмайди .....	142
Фойдали маслаҳатлар .....	146

*Саккизинчи фасл*

НУТҚ СЎЗЛАШНИ ҚАНДАЙ БОШЛАШ КЕРАК .....	150
Нутқни қулгили ҳикоя билан бошлашдан эҳтиёт бўлинг .....	153

Узр сўраш билан бошламанг .....	157
Қизикиш уйғотинг .....	159
Бирор хикояни айтиб беришдан бошласак қандай бўларкан? .....	162
Қандайдир аниқ тасвир билан бошланг .....	163
У ёки бу жисмдан фойдаланинг .....	163
Савол беринг .....	164
Машхурларнинг сўзидан иктибос келтириб, нутк бошласангиз-чи? .....	164
Нутқингиз мавзусини тингловчиларнинг муҳим ҳастий қизикишлари билан боғланг .....	165
Хайратда қолдирадиган далилларнинг ўзига тортувчи кучи .....	168
Оддийгина кириш сўзининг аҳамияти .....	169

#### *Тўққизинчи фасл*

<b>НУТҚНИ ҚАНДАЙ ТУГАЛЛАМОҚ КЕРАК</b> .....	173
Нутқингизнинг асосий мазмунини қисқача яқунланг .....	180
Ҳаракат қилишга даъват .....	181
Қисқа самимий мақтов .....	182
Кулгили хотима .....	182
Жўшқин сатрлар билан тугатилган нутқлар .....	184
Инжилдан олинган иктибоснинг кучи .....	186
Энг авж нукта .....	187
Вақт ўз адоғига етиб борганида .....	189

#### *Ўтинчи фасл*

<b>НУТҚ МАЗМУНИНИ ҚАНДАЙ ТАРЗДА АНИҚ БАЁН ЭТИШ МУМКИН</b> .....	193
Янада аниқроқ бўлиши учун ўхшатишлардан фойдаланинг .....	196
Иложи борича маҳсус атамаларни қўлламанг .....	202
Линкольн нутқларидаги аниқликнинг сири .....	204
Тингловчиларнинг кўриш қобилиятларидан фойдаланинг .....	205
Рокфеллер стол устидаги тангаларни ерга туширади .....	208
Муҳим ғояларни турли хил сўзлар билан такрорланг .....	209
Аниқ мисоллар ва умумий даражалардан фойдаланинг .....	210
Тоғ эчкиси билан тенглашманг .....	212

#### *Ўн биринчи фасл*

<b>ТИНГЛОВЧИЛАРИНГИЗНИ ҚАНДАЙ ҚИЗИҚТИРИШ МУМКИН</b> .....	216
Сулфат кислотаси сизга қандай таъсир кўрсатади .....	217
Дунёдаги уч хил энг қизик нарсалар .....	219
Қандай қилиб яхши суҳбатдош бўлиш мумкин .....	221
Икки миллион ўқувчига эга бўлган ғоя .....	222

Нутк учун хамиша диққат-эътиборни тортадиган маълумот .....	224
Аниқликка ингилинг .....	228
Тасвир яратувчи сўзлар .....	230
Тингловчиларда кизикиш уйғотиш учун қарама-қарши фикрларнинг аҳамияти .....	233
Қизикиш юқумлидир .....	233
<i>Ун иккинчи фасл</i>	
ЎЗ УСЛУБИГИЗНИ ЯНГИЛАНГ .....	237
Марк Твеннинг сўзларни қўллаш сири .....	250
Фойдаланадиган сўзларингизнинг романтик тарихи .....	251
Бир гапнинг бир юз тўрт марта ёзилиши .....	253
Сийкаси чиққан иборалардан кочинг .....	256

## Қайд учун

8000 с.ш.

**Оммабол нашр**

**Дейл Карнеги**

**ҚАНДАЙ ҚИЛИБ  
УЗИГА ИШОНИШ ВА  
НУТҚ СЎЗЛАШ ОРҚАЛИ  
ОДАМЛАР ҚАЛБИГА КИРИБ  
БОРИШ МУМКИН**

Нашрга тайёрловчи: Дилшода Аввалбоева  
Бадий муҳаррир: Намоз Толипов  
Муҳаррир: Адиба Ҳамро кизи  
Техник муҳаррир: Муҳриддин Ҳамроев  
Мусахҳих: Осие Собиталиева

Нашриёт лицензияси АИ № 221 – 16.11.12.  
Теришга берилди: 18.05.13. Босишга руҳсат этилди: 15.07.13.  
Бичими: 60x84 1/16. Таймс гарнитураси. Офсет босма.  
Шартли босма тобоғи: 16,75. Нашриёт-ҳисоб тобоғи: 15,0.  
Адади 3000 нусха. Буюртма 18-11.  
Баҳоси шартнома асосида.

«Yurist-media markazi» нашриёти,  
Тошкент шаҳри, Отчопар кўчаси, 82-уй.  
Тел.: 230-04-74, (+99894) 181-27-80  
E-mail: yurist\_media@mail.ru

«TONG PRESS PRINT» МЧЖ босмахонасида чоп этилди.  
Тошкент шаҳри, Уста Олим кўчаси.